



М. Х. САИДОВ

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ
МУАССАСАЛАРИНИ
МОЛИЯЛАШ**

"МОЛИЯ"

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

М. Х. САИДОВ

ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИ МОЛИЯЛАШ

*Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан ўқув
қўлланмаси сифатида тавсия этилган*

Академик С. С Фуломов таҳрири остида

М. Х. Саидов. «Олий таълим муассасаларини молиялаш» – Т.: «Молия», 2002 –268 б.

Мазкур ўқув қўлланмасида олий таълим муассасаларини молиялашнинг энг мураккаб масалалари биринчи марта ёритилади, бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларнинг таснифи келтирилади, республика олий таълим муассасаларини молиялаш йўллари ва асосий манбалари кўрсатилади, улар молиявий фаолиятларини йўналтирувчи ва белгиловчи расмий ҳужжатлар берилади, шунингдек, олий таълим муассасаларини молиялашнинг бюджет ва бюджетдан ташқари манбалари тўғрисидаги маълумотларни йиғиш, ишлаб чиқиш ва таҳлил қилишни такомиллаштиришга мўлжалланган намунавий уйғунлаштирилган ҳисоботлар ҳамда талабалар олган билимларини мустаҳкамлашига ёрдам берувчи назорат саволлари ва топшириқлари жой олган. Иқтисодиёт ютисосликлари талабалари ва магистрлари учун мўлжалланган, қўлланмадан олий таълим муассасалари ўқитувчилари ва ходимлари малака оширишда фойдаланишлари мумкин.

Тақризчилар: М. Шарифхўжаев, академик
Ж. А. Кўчқоров, и.ф.н.

© Ўзбекистон Республикаси
Банк-молия академиясининг
«Молия» нашриёти, 2002.

СЎЗ БОШИ

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, ривожланишнинг ўзига хос ва мос йўлини танлаб олди ҳамда ҳуқуқий демократик давлат, очиқ фуқаролик жамияти қуришни амалга ошира бошлади. Бундай давлатда жамиятнинг маънавий янгилашиши, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодини шакллантириш, жаҳон ҳамжамиятига уйғунлашиш учун барча шарт-шароитлар яратилган бўлади.

Умуминсоний қадриятлар ўзбек халқининг кўп асрлик илмий ва маданий анъаналарини, замонавий маданият, иқтисод, фан, техника ҳамда жамиятнинг ривожланиш истиқболини эътиборга олган ҳолда таълим соҳасида олиб борилаётган аниқ мақсадларга йўналтирилган давлат сиёсати кўзланган мақсадларга эришишнинг муҳим шартлари бўлиб ҳисобланади.

Моҳияти жиҳатидан мутлақо янги бўлган Кадрлар тайёрлашнинг миллий модели «Таълим тўғрисида»ги ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»дан иборат қонунларни қабул қилиш ва жорий этишга асос бўлди. Бу ҳар икки ҳужжат ижодкор, ижтимоий фаол, маънавий жиҳатдан бой шахсни шакллантириш ҳамда юқори малакали, рақобатбардош кадрларни олдиндан қайта тайёрлашдан иборат стратегик мақсадга эришиш учун назарий асос бўлди ва замин яратди.

Мамлакатимизнинг келажаги, тақдири, аввало, Президентимиз Ислом Каримовнинг қуйидаги сўзлари - ҳақиқат билан чамбарчас боғлиқдир: «... Бугун республикамызда ислохотлар фақат иқтисодиёт соҳасидагина олиб борилмаяпти, бу – аввало, институционал ислохотлар бўлиб, улар эски марказлаштирилган иқтисодий тизимни янги, эркин бошқарув тизимига ўтказишни, уни рағбатлантирувчи, ҳаётий фаолиятга айлантиришни таъминлайди. Бу ўзгаришларни махсус программалар асосида амалга ошириш, хўжалик юритишнинг замонавий усуллари жорий этиш, компьютерлаштириш, ҳам хорижда, ҳам ўз юртимизда ёш мутахассисларни жадал тайёрлашни ташкил этиш, булар барчаси, Президентимиз, давлатимизнинг диққат марказида турибди. Республикамыз ҳукумати умуман

молиялаш тизимини, хусусан, таълим тизимидаги молиялашни такомиллаштиришни талаб этмоқда.

Республикамызда 1997 йилда бошланган мавжуд таълим тизимини тубдан ислоҳ қилишни таълим муассасаларига қобилиятли ёшларни жалб этишликсиз, олий мактаб фаолиятини тубдан ўзгартирмай туриб мантиқий якунига етказиб бўлмайди. Узлуксиз таълим тизимини ислоҳ қилишда, кадрлар тайёрлашдан самарага эришишда таълимни такомиллаштиришни маблағ билан таъминламай туриб муваффақиятга эришиб бўлмайди.

Бозор иқтисодиёти шароитида давлат томонидан олий таълимни моддий қўллаб-қувватлаш ўқув юртларининг ноширлик, ишлаб чиқариш, илмий хизмат кўрсатувлари ва уставга мувофиқ бошқа фаолиятлар ҳисобига ўқув юртлари даромадини ошириш билан чамбарчас боғлиқ ҳолда олиб борилиши лозим. Булар замонавий техника воситалари, жиҳозлар, янги технологияларга бўлган эҳтиёжни таъминлайди, улар мустақиллигини оширади, фаннинг таълим билан уйғунлашувининг таъсирчан воситаларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш имконини беради ва оқибат натижада олий таълим тизимида янги куч бахш этади, ўзларида илмий билим билан гармоник жиҳатдан мукамал инсон бўлишни мужассамлаштирган, оила, жамият, давлат олдида ўз масъулиятини чуқур хис этган ёш мутахассисларни тайёрлашни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтаради.

1-боб. ЎЗБЕКИСТОН ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИ МОЛИЯЛАШ ВОСИТАЛАРИНИНГ ТУЗИЛИШИ, ВАЗИФАСИ ВА ОМИЛЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

1.1. Молиялашнинг муаммолари, аҳволи, вазифаси ва турлари

Ўзбекистоннинг бозор иқтисодига ўтиш йўлидаги ҳаракати давлат ва жамиятнинг, шу жумладан, таълим тизимидаги фаолиятнинг барча соҳаларидаги туб ислохотлар билан боғлиқдир. Олий мактабни қайта ташкил этиш жараёнининг самаралилиги фақат аждодларимизнинг фаолият турли соҳаларида орттирган, жамият янада ривожини таъминловчи тажрибаларини ўзида жамловчи муҳим муассаса эканлигини тан олиш билангина эмас, балки улар самарали фаолият кўрсатиши учун зарур моддий ресурсларни вужудга келтириш билан ҳам белгиланади.

Таълим муассасасининг ташкилий-бошқарув асосларини ўзгартириш олий мактаб иқтисодини қайта қуриш билан бир вақтда кечади. Молия-кредит механизми амал қилишини тадқиқ этиш таълим муассасалари иқтисодининг ташкил этилиши сифатини баҳолашда асосий мезон ҳисобланади. Бу республикани олий маълумотли мутахассислар билан амалда таъминлаш молиялаш ҳажмига боғлиқ деганидир. Молиялаш, ўз навбатида, биринчидан, давлат иқтисодиёти аҳволи, иккинчидан, таълим сиёсати билан белгиланади.

Олий мактаб — ривожлантириладиган ва ўз-ўзини ривожлантирадиган тизим. У инсоният тараққиёти бутун босқичи мобайнида тўпланган тажрибани янги авлодларнинг онгига сингдириш ва маданият, фан, техника, умуман, жамиятни янада ривожлантириш учун шарт-шароит яратишга даъват этилган. У ўз қонуниятларига мувофиқ фаолият кўрсатади ва ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий шароитларнинг бевосита таъсири остида ривожланади.

Бозор иқтисодига ўтиш барча соҳаларда, шу жумладан, олий таълимда сезиларли ўзгаришларга олиб келди. Бу, аввало,

қатъий вертикал тизимнинг парчаланиши, ёш мутахассисларни қабул қилиш ва тақсимлаш мажбурий режасининг тугатилиши олий таълимнинг ижтимоий, давлат ва тижорат шўъбалари тенг ҳуқуқлилиги тамойилларига амал қилиш билан боғлиқдир.

Эндиликда давлатимиз таълим сиёсатини «Таълим тўғрисида»ги ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»дан иборат қонунларга асосланувчи барча таълим тизимини кенг кўламда қайта қуриш белгилайди. Молиялаш ҳажмига келсак, бундан ҳам туб ўзгаришлар кўзга ташланади. Зеро, ҳозирги вақтда таълим муассасаларини молиялаш давлат томонидан маблағ билан таъминлаш ва таълим муассасаларига фаолият кўрсатишларида кенг мустақиллик бериш билан қўшиб олиб борилмоқда.

Республикада амалга оширилаётган ислохотлар доирасида таълимни молиявий таъминлашни тубдан яхшилашга йўналтирилган вазибалар ҳал этилмоқда. Булар ўз ичига қуйидагиларни олади:

– таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасига йўналтириладиган ЯИМ улушини босқичма-босқич ошириб бориш;

– кадрлар тайёрлашни молиялаш тизимининг қўп вариант-лилиги (бюджетдан ва бюджетдан ташқари манбалардан таъминлаш)ни жорий этиш;

– ўқув юртлари ўз-ўзини маблағ билан таъминлашини такомиллаштириш;

– таълим соҳасига хусусий, шунингдек, хорижий инвестицияларни жалаб этишни рағбатлантириш;

– республика фуқаролари учун таълим кредити бериш тартибини шакллантириш, кейинчалик уни қайтаришнинг мослашувчан тизимини яратиш;

– узлуксиз таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашда донорлар ва ҳомийлар аҳамиятини ошириш;

– пулли таълим хизмати кўрсатиш, тадбиркорлик, консалтинг, эксперт, ноширлик, ишлаб чиқариш, илмий фаолият ва фаолиятнинг бошқа турлари ҳисобига ўқув юртларининг даромадларини оширишни таъминлаш.

Олий, ўрта махсус ва касбий таълим соҳасидаги, шу жумладан молиявий-иқтисодий таъминланганлиги қисмидаги туб ислохотлар *илмий ва иқтисодий мустақиллик* тамойилларига асосланади.

Таълим муассасасининг *илмий мустақиллиги* илмий тадқиқотлар йўналиши, мавзуи, буюртмачиларни, шунингдек ишларни олиб бориш шакл ва усулларини танлашда намоён бўлади.

Таълим муассасалари **иқтисодий мустақиллигининг** асоси бўлиб, ўз фаолияти туфайли таълим муассасаси ишлаб чиқарган маҳсулотнинг мавжудлигини тан олиб ҳисобланади.

Олий мактаб иқтисоди, бу — миллий товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишнинг алоҳида қисми. Унинг амал қилиши фаолиятнинг мазкур соҳасидаги ўзига хос молиявий, моддий ва меҳнат муносабатларини ташкил этишга асосланади.

Иқтисодий мустақиллик деганда, бир томондан, таълим муассасасининг ҳам ўз маблағлари, ҳам таълим, илмий ва хўжалик фаолиятдан келган ресурсларни тасарруф этишдаги эркинлик тушунилади. Иккинчидан, ўз фаолияти натижалари учун тўла иқтисодий масъулият тушунилади.

Таълим фаолиятини таъминлаш мақсадида олий таълим муассасаларига улар уставига мувофиқ таъсисчи объектларни (ер, бино, иншоот, мулк, жиҳозлар, шунингдек, бошқа истеъмол, ижтимоий, маданий ва бошқа мақсадларга мўлжалланган зарур мулкларни) эгалик қилиш ҳуқуқи билан уларга бириктириб қўяди, бу мулклар эса хусусий мулк ёки учинчи шахсдан (мулкдордан) ижарага олинган хусусий мулк сифатида таъсисчига тааллуқли бўлади. Таъсисчи томонидан таълим муассасасига бириктириб қўйилган хусусий мулк объектлари мазкур муассаса оператив бошқарувида бўлади.

Таълим муассасасининг хусусий воситалари (ёки моддий-техника базаси)ни *актив* ва *пассив* қисмларга ажратилиши мумкин. **Пассив қисм** (бино, иншоот, ер, жиҳозлар) талабалар, ўқитувчилар ва бошқа ходимлар учун зарур меҳнат шароитини вужудга келтиради. **Актив қисм** (профессор-ўқитувчиларни ма-лакасини ошириш, қайта тайёрлаш, дарсликлар ва ўқув қўлланмалар, программа маҳсулотлар, интернет ва ҳ.к.лар) олий таълим бериш жараёнида бевосита иштирок этади. Ер майдонлари давлат ва маҳаллий ҳокимият таълим муассасаларига муддатсиз, ҳақ тўламай фойдаланиш учун бериб қўйилади.

Кўпгина ҳуқуқларга эга таълим муассасаси ўз мажбуриятлари бўйича тасарруфидаги пул маблағи ва ўзига тегишли мулк

учун жавобгардир. Таъкидланган воситалар ўқув юртида етишмаган тақдирда унинг мажбуриятлари бўйича масъуллик қонунда белгиланган тартибда таъсисчи зиммасига тушади. Нодавлат таълим ташкилоти қонунда белгиланган умумий асосларда банкрот деб тан олиниши мумкин.

Таълим муассасаларининг жамият ҳаётининг иқтисодий ва ижтимоий томонларига кўрсатадиган таъсири жуда муҳимдир. Айни мана шу таъсир олий таълим тизими соҳасига нисбатан давлат ва минтақа сиёсатини белгилашда муҳим аҳамият касб этади.

Олий таълимга иқтисодий таъсир инсоннинг тўплаган фойдали хоссалари мажмуи, унинг малакавий ва касбий сифатлари орқали амалга оширилади. Булар жамоат ишлаб чиқариш соҳасига бевосита қўлланиши жараёнида муайян инсон, у ишлаётган корхона ёки ташкилот фаровонлигини оширишга кўмаклашади. Бу, оқибат натижада тегишли ҳудуд ва давлат моддий фаровонлиги ошишига сабаб бўлади. Америка фирмалари тажрибасига кўра таълимга қўйилган ҳар бир 35 минг доллар 1 миллион доллар фойда келтирар экан. Бундан ташқари меҳнатни ақлийлаштириш ҳозирги жамиятнинг ўзига хос хусусияти ҳисобланади, демак мазкур соҳани устуворликдан чиқариш жаҳоннинг илғор мамлакатларидан орқада қолишга олиб келади.

Ижтимоий таъсир шундан иборатки, шахснинг индивидуал ва ижтимоий онг шаклланиши кўп жиҳатдан айни шу таълим муассасаларида амалга ошади, жамият маънавий бойлигига бойлик қўшилади, бунга эса таълим, маданий-маориф хизмати кўрсатиш воситасида эришилади.

Олий мактаб, аввало, минтақага таъсир ўтказади.

Таълим муассасасининг минтақага таъсири йўналишларини куйидагиларга ажратиш мумкин:

• **Иқтисодий.** Минтақа сезиларли даромадга эга бўлади, чунки таълим муассасасининг мавжудлиги анчагина қўшимча молиявий ресурслар оқиб келишини таъминлайди. Бундан ташқари, талабалар ўз даромадининг кўп қисмини мазкур минтақада сарф қилганлари учун бу жойда пул тушуми кўпаяди. Меҳнат бозорининг аҳволи юқори малакали мутахассислар сонининг ошиши томон ўзгаради, бу ўз навбатида, мазкур минтақада улар рақобатбардошлигини оширади ва уларга талабни кучайтиради. Демак, юқори малакали меҳнат билан боғлиқ иш ўринлари миқдори ҳам ошади. Ишлаб чиқариш тизимида ҳам илм талаб

технологияларни яратувчи ва улардан фойдаланувчи ташкилот ва фирмалар кўпайиб, ўзгариш юзага келиши мумкин.

• *Демографик.* Таълим муассасасининг мавжудлиги аҳоли сонини ва *ҳаракатчанлигини* оширади. Бундан ташқари талабалар таркиби аҳоли тузилишига ижобий таъсир ўтказади.

• *Ижтимоий.* Минтақада турмуш даражаси яхшиланади, аҳоли саводхонлигининг ўсиши эса жиноятчилик кўрсаткичи пасайишига олиб келади.

• *Маданий.* Таълим муассасалари минтақа маданий ва ахлоқий савияси ошишига сабаб бўлади ва маданий ҳаётни янада жонлантиради.

Шу билан бир вақтда минтақа ҳам таълим муассасаларига таъсир ўтказади, яъни таълим муассасалари минтақа манфаатларини эътиборга олади, акс ҳолда, улар фақат талабаларни йўқотибгина қолмай, балки ўзининг турли фаолиятига бўлган буюртмалардан ҳам маҳрум бўлишлари мумкин. Шундай қилиб, таълим муассасаларининг фаолияти минтақа меҳнат бозори ва илмий технологиялар бозорини бевосита ўрганиш асосига қурилади.

Бозор иқтисодиётига ўтиш билан таълим муассасалари молиявий сиёсатини белгилашда ва тижорат асосида ўз фаолиятини ташкил этишда катта эркинликларга эга бўлдилар. Улар бозорда бугун таклиф этишлари мумкин бўлган хизматларни ўзлари мустақил белгилайдилар. Мазкур хизматларнинг нархи ва сифати оқилоналиги таълим муассасалари самарали фаолият кўрсатишига, унинг обрўсига ва оқибат натижада, иқтисодий муваффақиятига бевосита таъсир ўтказади. Шу билан бирга, олий мактаб фаолияти жамият ҳаётига, мамлакат иқтисодий ва сиёсий аҳволига биринчи даражали таъсир ўтказишига кўра, мазкур соҳа бевосита ҳамда қаттиқ давлат назорати остида туради. Бу, бир томондан, олий таълим стандартлари талабларига боғлиқ масалалар бўйича таълим муассасаларига тавсияларда намоён бўлса, иккинчи томондан, таълим муассасалари тижорат фаолиятининг муайян тарзда чекланганлигида кўринади.

Таълим муассасаларини бюджетдан молиялаш тартиби давлат иқтисодий ва молиявий сиёсатига боғлиқ тарзда бюджетларни ташкил этиш ва улардан фойдаланишнинг ягона қондасини тадбиқ этишга асосланган.

Таълим — инсон омилига инвестициядир. Жамият, давлат умуман бундай инвестициядан манфаатдор, чунки таълим даражасини ошириш иқтисодий ўсишни таъминлайди, меҳнат унумдорлигини оширади, ижтимоий муаммоларни бир қадар бартараф этади. Мана шунинг учун ҳам таълимга йўналтирилган молиявий ресурслар улуши устувор ҳисобланади.

Молиявий-кредит механизмининг таркиби, умуман қуйидаги унсурлардан ташкил топади:

– *молия-кредит муносабатларини ташкил этиш шакллари, усуллари, тамойиллари;*

– *қонунчилик чекловлари;*

– *режасалаштириш, бошқариш тизими ва молия-кредит таъсири натижаларининг назорати;*

Мазкур бўғинлар мустақил фаолият кўрсатишига қарамай улар бир-бири билан боғлиқ ва алоқадор. Молия-кредит механизмининг мазкур таркибий қисмларининг ички боғлиқлиги ва унинг амал қилиш самарадорлигини белгиловчи биринчи даражали ва ажралмас шарти ҳисобланади.

Молия-кредит механизмини ташкил этишнинг турли шакллари, яъни бюджетдан молиялаш (бюджетдан турли даражадагиларни молиялаш), банк кредитлари ва ўз-ўзини маблағ билан таъминлашдан молия-кредит муносабатларининг амал қилиши жараёнида бир вақтнинг ўзида баравар фойдаланилади. Улар бир-бирини тўлдиради, шунга кўра уларни оқилона уйғунлаштириш ҳам бугун хўжаликка, ҳам улардан муайян соҳада фойдаланишга бевосита самарали таъсир кўрсатади. Таъсир ўтказиш усуллари муайян меъёр ва мезонлардан, шунингдек молиялаш ва кредитлашнинг ўзига хос жиҳозларига таъсир этувчи шарт ва тартиблардан иборатдир. Молия-кредит механизмининг мазкур бўғини унинг фаолият кўрсатиши тавсифини белгилайди. Молия-кредит муносабатларини ташкил этиш тамойиллари, бу — молиялаш ва кредитлаш жараёнини ташкил этишнинг муайян шартли ёки шартсиз омиллари ҳисобланади.

Молия-кредит механизми амал қилишининг тартибини ташкилий тузилмалар белгилайди. Улар **ҳуқуқий чеклашларни, режасалаштириш бошқариш ва назоратни** ўз ичига олади. **Ҳуқуқий чеклаш** молия-кредит муносабатларни ташкил қилиш масалалари бўйича қонунчилик ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва қабул қилишда кўринади. Меъёрий ҳужжатлар ва қоидаларни қабул қилиш бир қатор давлат муассасаларининг фаолият соҳаси ҳисобланади. Мазкур чеклашлар туфайли молия-кредит сиёса-

тини муваффақиятли юритиш, молия-кредит механизмини аниқ ишлаши учун зарур шароит яратилади.

Режалаштириш, бошқариш ва назорат тизими молия-кредит муносабатларини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатлар асосида фаолият юритади. Мазкур тизимининг ўзига хос мавжудлиги тарихий, иқтисодий ва сиёсий шартларга боғлиқ. Унинг таркиби ва тузилиши мамлакатнинг давлат қурилишига мувофиқ белгиланади. Иқтисодий ривожланишнинг ҳар бир босқичига муайян молия-кредит механизми тўғри келади ва у унинг ўзига хос жиҳатини акс эттиради. Молия-кредит механизми етарли даражада динамик бўлиб, фақат ўзгаришларгагина мойил эмас, балки мунтазам такомиллаштиришга ҳам муҳтождир. Демак, молия-кредит механизмини ташкил қилишда давлат унинг молия-кредит муносабатлари соҳасидаги муайян вазиятларга тўла мос келишини таъминлашга ҳаракат қилиши лозим. Бу фақат хўжаликнинг ривожланиш йўллари тўла таҳлил қилиш натижасидагина мумкин дир ва у бошқарув идораларининг фаолият соҳасига киради.

Молия-кредит механизми ишлашнинг ўзига хос томонларини тўлиқ кўриб чиқиб, олий таълим молия-кредит механизми тузилишини тадқиқ этишга тўхталамиз.

Ўзбекистон Республикаси олий мактаби мустақилликка эришилгунча анча мўрт молиявий базага эга эди, яъни молиялашнинг давлат томонидан амалга ошириладиган биргина йўналиши мавжуд эди. Эндиликда олий таълимни молиялаш соҳасидаги вазият тубдан ўзгарди. Давлат таълим муассасаларини молиялашнинг катта қисмини давлат бюджетидан ажратиладиган маблағ ташкил этади. Ҳозирги пайтда молиялашнинг янги бюджетдан ташқари манбаи вужудга келди.

Бюджетдан молиялашни молиялаштириладиган субъектлар бўйича *республика бюджети* ва *маҳаллий бюджетга*, молиялаш усулига кўра — *бевосита* ва *билвосита* га ажратиш мумкин.

Бевосита молиялаш республика бюджетидан тўғридан-тўғри олий мактабга ажратиладиган маблағдан иборат дир.

Таълим муассасаларининг молиявий ресурслари икки манбадан ташкил топади: **давлат бюджети** ва **бюджетдан ташқари маблағ** (1.01-расмга қаранг).

Бюджет харажатларининг асосини қуйидагилар ташкил этади: талаба (ўқувчи)лар қабул гранти; талаба (ўқувчи)лар таркиби; ўқув юртлари моддий-техника базасининг ҳажми. Профессор-ўқитувчилар лавозим жадвалини ва тегишли иш ҳақи фон-

дини белгилаш учун битта ўқитувчига белгиланган талабалар миқдорига кўра белгиланган меъёрдан фойдаланилади.

Бюджет маблағларидан фойдаланиш устидан **назорат** қилиш харажатларнинг моддалари бўйича ажратилган маблағлар юзасидан амалга оширилади.

Давлат бюджети ҳисобидан молиялаштириладиган тармоқлардаги иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, молиялаш тартибини такомиллаштириш ва бюджет маблағларидан самарали ҳамда аниқ мақсадларда фойдаланиш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Бюджет ташкилотларини молиялаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги махсус қарор қабул қилади (414-рақамли, 1999 й.). Ушбу қарорда қуйидагиларни кўзда тутувчи молиялашнинг янги тартиби белгилаб берилади:

– *бюджет интизомини мустаҳкамлаш, бюджет маблағларидан тежамли, самарали ва аниқ мақсадли фойдаланиш учун бюджет ташкилотлари раҳбарларининг мустақиллиги ва масъулиятини ошириш;*

– *бюджет ташкилотларни молиялаш тартибини соддалаштириш ва мавжуд маблағлардан фойдаланишда энг юқори натижаларга эришиш мақсадида улардан усталик билан оқилона фойдаланишга имконият яратиш;*

– *норматив бўйича бир йўла молиялаш усули билан бюджетдан молиялашнинг янги тартибини жорий этиш;*

– *бюджетдан молиялашни ўқув юрти ихтисослиги бўйича товарлар ишлаб чиқиш, сотиш, ишлар ва хизматларни бажариш борасидаги фаолиятни кенгайтириш билан уйғунлаштириш;*


– *ўқув юрти ходимларининг меҳнатини рағбатлантириш, улар фаолияти самаралилигини ошириш ва кадрлар барқарорлиги учун шароит яратиш;*

– *таълим муассасаларига қуйидагилар ҳисобига ҳосил бўлувчи ривожлантириш фондидан молиялаш ҳуқуқини бериш:*

– *режа асосида бюджетдан молиялаш ҳисобига тушадиган ва ҳисобот даври охирида бюджет ташкилотлари ҳисоб рақамларида қолувчи тежалган (фойдаланилмаган) маблағлар;*

– *товар ишлаб чиқариш, сотиш (хизмат кўрсатиш, ишлар бажариш) ўқув юрти соҳаси бўйича келадиган даромадлар;*

– *юрidik ва жисмоний шахслар кўрсатадиган ҳомийлик ёрдамлари.*



1.01-расм. Олий таълим соҳаси учун молия ресурслари жалб этиш воситаларининг тузилиши

Молиялашнинг янги тартибида бюджетдан ташқари фаолиятдан қўшимча даромад олувчи ўқув юртларини давлат бюджетига олинадиган солиқларнинг ва йиғимларнинг барча туридан озод этиш ва бўшаган маблағларни ўқув юртларининг моддий-техника ҳамда ижтимоий базасини мустаҳкамлаш, шунингдек уларнинг ходимларини моддий рағбатлантиришга мақсадли йўналтириш кўзда тутилган (2000 йил 1 январдан бошлаб беш йил муддатга).

Олий мактаб фаолиятини, хусусан, унинг ташкилий тузилишини тартибга солиш молиялашни такомиллаштиришнинг муҳим шarti ҳисобланади.

Бу:

– барча олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида намунавий лавозим бирлиги фаолият кўрсатишини, маъмурият-бошқарув ходимлари лавозимларига меъёрлар жорий этилганида, таълим муассасалари лавозим жадвалида озод этилган декан, декан муовини лавозими белгиланганида, уларнинг лавозим маоши бюджетдан ажратилишида яққол кўринади. Олий таълим вазирлигида маркетинг хизмати бўлинмаси; барча олий таълим муассасаларида эса маркетинг хизмати бўлинмаси ҳамда академик лицей, касб-ҳунар коллежлари ва маркетинг хизмати бўйича проректор лавозими таъсис этилди, уларнинг ҳам фаолият юритиши бюджетдан маблағ билан таъминланади:

– академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари ва таълим муассасаларидаги факультетларнинг ўқитувчилари малакасини ошириш ҳамда уларни қайта тайёрлаш марказлари ташкил этилган.

Бюджетдан ташқари маблағларни жалб этиш ҳисобига молиялашнинг янги манбаларидан фойдаланиш республикада иқтисодий ислохотларни ўтказиш даврида таълим молиявий базасини соғломлаштиришнинг стратегик йўналиши ҳисобланади. Бу тадбир умуман дунё миқёсида олий таълимни ривожлантиришнинг объектив қонунияти, фақат ўтиш даври шароити тақозосига кўра Ўзбекистон учун заруратгина эмас.

Таълим муассасаларига фойдаланиш учун давлат мулкининг бириктириб қўйилганлиги туфайли улар тўлиқ ажралмаган ҳолда тадбиркорлик фаолиятида қатнашишлари учун катта имкониятлар очиб беради ва бу энг таъсирчан усул ҳисобланади. Таълим муассасаларига бириктирилган моддий ресурслар негизида тадбиркорлик қилиш бюджетдан ташқари фаолиятнинг муҳим йўналишидир.

Олий таълим муассасаси ўзининг бюджетдан ташқари фаолияти натижасида олган маблағ (асосан, молиявий ресурслар)дан фойдаланишда айниқса кенг эркинликка эгадир. Бу фаолиятнинг самаралилиги таълим муассасалари фаолияти учун мутлақо янги бўлган молиявий бошқариш билан бевосита

боғлиқдир. Бу фаолият Республика олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг иқтисодиёт, инвестиция ва маркетинг хизмати бош бошқармаси томонидан бошқарилади. Иқтисодиёт, тадбиркорлик ҳамда маркетинг хизмати бюджетдан ташқари маблағларни жалб этиш бўйича ва барча таълим тизими раҳбарларига аниқ тавсиялар ишлаб чиқилди, вазирлик масъул ходимлари иштирокида иқтисод, тадбиркорлик ва маркетинг хизмати бўйича таълим муассасалари проректорлари учун сайёр семинарлар ўтказиладиган ҳамда бюджетдан ташқари маблағларни уйғунлаштириш, жалб этиш ва сарфлаш бўйича бошқа ишларни амалга оширади.

Бюджетдан ташқари фаолият асосий турларини қуйидаги йўналишлар бўйича таснифлаш мумкин:

1. Таълим хизмати соҳаси:

- таълимнинг тўлов-контракт шакли;
- таълим муассасаларига киришга тайёргарлик;
- корхоналар билан шартномалар бўйича мутахассисларни тақсимлаш;
- кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш (МОФ ва МОИ);
- иккинчи олий маълумотга эга бўлиш;
- турли бизнес-мактаблар ташкил этиш;
- чет тилларни жасдал ўқитиш курсларини ташкил этиш;
- чет тилларни жасдал ўқитиш курсларини ташкил этиш;
- махсус сертификатлар олиш учун курсларда қўшимча таълим олиш (программачилар, бухгалтерлар, аудиторлар ва б.);
- жисмоний ва юридик шахслар учун пулли консалтинглар ташкил этиш;
- пулли қисқа муддатли курслар ва семинарлар ташкил этиш.

2. Илмий-ишлаб чиқариш фаолияти:

- хўжалик шартномаси асосидаги илмий-тадқиқот ишлари;
- консалтинг ва маълумотнома-информациявий фаолияти;
- минтақаларда юқори аниқликдаги технологиялар билан боғлиқ жорий этишлик фаолияти;
- илмий жиҳозлар ва анжомлар лизингини ташкил этиш;
- давлат муассасалари, ҳудудий бошқарув идоралари ёки тижорат тузилмалари буюртмаси асосида фанлараро мужассама тадқиқотлар олиб бориш;

- кичик ва ўрта бизнесга илмий-техникавий кўмаклашиш;
- илмий-техникавий парклар ва янгиликларни жорий этиш инкубаторларини ташкил этиш;
- тижорат ва хўжалик ҳисобидаги ташкилотлар билан якка тартибдаги шартномалар асосида илмий ишларни бажариш;
- таълим муассасаси олимларининг кашфиёт ва ихтироларига патент ва лицензиялар сотиш;
- тижорат фирмалари ва корхоналари билан биргаликда илмий-тадқиқот марказлари ҳамда лабораториялари ташкил этиш;
- чет эл инвесторлари билан қўшма корхоналар тузиш;
- пулли илмий-амалий конференциялар ва семинарлар ташкил этиш;
- таълим муассасаларининг таълим ва илмий-тадқиқий хизматлари рекламасини ташкил этиш;
- аудиторлик фаолиятини ташкил этиш;
- Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида тақиқланмаган илмий-ишлаб чиқариш инновация фаолиятининг бошқа турлари билан шуғулланиш.

3. Ташқи иқтисодий фаолият:

- чет эллик талабалар, аспирантлар, магистрантлар, таъриба орттирувчилар таълимини ташкил этиш;
- чет эл олий таълим муассасалари билан биргаликда факультативлар ташкил қилиш;
- чет эллик шериклар билан қўшма корхоналар ташкил қилиш;
- чет эл жамғармалари билан олий таълимни қўллаб-қувватлаш программаларида қатнашиш;
- Ўзбекистон талабаларини чет элдаги таълим муассасаларига юбориш;
- турли хил чет эл инвестицияларини жалб этиш.

4. Тижорат фаолияти:

- дарсликлар, ўқув-методика ва илмий-оммабон адабиётлар нашр этиш;
- даврий нашрлар чиқариш;
- реклама фаолиятини ташкил этиш;
- бўш хоналарни ижарага бериш;
- хоналарнинг узоқ муддатли ижараси (лизинги);
- таътил вақтида бўш қолган ётоқхоналарни ижарага бериш;

- конференциялар ва пулли машғулотлар ўтказиш учун конференция заллари, аудиторияларни ижарага бериш;
- ўқишдан ташқари ва ишдан ташқари вақтда тантанали маросимлар ва бошқа тадбирларни ўтказиш учун ошхоналарни ижарага бериш;
- талабалар, ходимлар ва аҳолига хизмат кўрсатиш;
- умумовқатланишни ташкил этиш;
- соғломлаштириш муассасаларининг даволаш ва соғломлаштириш хизмати;
- спорт мажмуалари ёки стадионлар спорт хизмати;
- маиший хизмат (сартарошлик, кимёвий кир ювиш, пойабзал таъмирлаш ва ҳ.к.);
- пулли болалар боғчаси ёки болалар майдончаси ташкил этиш;
- тижорат ташкилотларига таълим муассасасининг рамзи ва реквизитларидан фойдаланиш ҳуқуқини бериш.

5. Ҳомийлик:


- ҳар қандай шаклдаги мулкка эга бўлган корхона, ташкилот ва фирмалардан ҳомийлик маблағларини жалб этиш;
- хизмат кўрсатиш ва ишлар бажариш (капитал таъмирлаш, ўқув биналарини бегаиш, ҳудудни кўкаламзорлаштириш ва ҳ.к.);
- ускуналарни пулсиз бериш (аудио-видео, компьютер ташкил этиш техникаси, ўқув-лаборатория жиҳозлари, ёзув қоғозлари ва ҳ.к.);
- кутубхона жамғармасини тўлдириш (дарсликлар, ўқув қўлланмалар, каталоглар, бадиий адабиёт ва ҳ.к.);
- хорижий инвестицияни жалб этиш (минибусомахона, автотранспорт, ўқув-лаборатория жиҳозлари, ўқув адабиётлари);

6. Таълим муассасалари Мураббийлик кенгашини ривожлантириш жамғармасини ривожлантириш

Мураббийлик кенгаши устав мажбуриятларига мувофиқ Таълим муассасасини ривожлантириш жамғармасини шакллантириши мумкин.

Таълим муассасаси Мураббийлик кенгашининг жамғармаси куйидагилар ҳисобига ташкил топади:

- давлат корхоналарининг кўнгилли бадаллари;
- кооператив ташкилотлар кўнгилли бадаллари;
- фуқароларнинг кўнгилли хайриялари;
- чет эллик инвесторларнинг кўнгилли ҳомийлик бадаллари;



– Мураббийлар кенгашининг чет эл фирмалари билан қўшма корхоналардаги фаолиятдан келадиган даромадлар;

– тижорат банклари ёки бошқа молия институтлари берган кредитлар;

– Мураббийлик кенгаши номига келган бошқа тушимлар.

Шундай қилиб, ҳозирги шароитларда давлат молиялаштириши билан бир қаторда бюджетдан ташқари маблағдан ҳам тўла равишда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» мақсадларига мувофиқ олий таълим тизимини ривожлантиришнинг таъсирчан усули сифатида фойдаланилмоқда.

Ҳозирги кун ҳақиқати шундаки, таълим муассасасининг озгина бўлсин молиявий ресурсларга эҳтиёжи бюджетдан молиялаш туфайли тўлиқ таъминлаб бўлмайди.

Республикамызда қабул қилинган «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»га мувофиқ олий маълумотли мутахассисларни тайёрлаш икки босқичда — бакалаврият ва магистратурада амалга оширилади. Магистратурадаги ўқув жараёнини ташкил этиш қўшимча молиялашни талаб қилувчи қатор ўзига хос жиҳатларга эга. Гап шундаки магистрантларнинг илмий-тадқиқот, илмий-педагогик, илмий-ишлаб чиқариш ва битирув олди амалиёти асосан яқка тартибда олиб борилиши лозим, бу қўшимча маблағ талаб этади.

Бунинг барчаси куйидагилар ҳисобига тақчилликни камайтирувчи молиялашнинг кўп йўналишли тизимини жалб этишни талаб қилади:


– молиялашнинг кўп вариантли (бюджетдан ва бюджетдан ташқари манбалардан маблағ ажратиш) тизимини жалб этиш;

– моддий қўллаб-қувватлашда донорлар ва ҳомийлар аҳамиятини ошириш;

– тадбиркорлик ва бошқа фаолият ҳисобидан ўқув юртларининг даромадини оширишни таъминлаш;

– хусусий, шунингдек, чет эл инвестициясини рағбатлантириш ва жалб этиш.

Айтилган чоралардан биринчилари — кўп жиҳатдан *ички имкониятлар*. Улар ҳозир кенг ишга солинган ва даромадларнинг муҳим манбалари ҳисобланади ҳамда ўқув юрти барқарор ривожланишини таъминлайди, сўнгги эса (хусусий ва чет эл инвестициясини жалб этиш эса) — ташқи *имконият*. У молиялашда тақчилликни камайтиришда муҳим ўринга эга, аммо, жалб этилиши алоҳида йўл ва ёндашиш талаб қилади.



1.02-расм. Республика олий таълимини бюджетдан ташқари молиялаш воситалари

Шундай қилиб, бозор иқтисодига ўтиш шароитларида таълим сиёсати ўқув юртларини молиялашнинг кўп йўналишли тизимига қаратади. У грантлар, илмий-тижорат, илмий-педагогик фаолият, ҳомийлик, контракт асосида ўқитиш, пулли таълим хизмати кўрсатиш тизимидир, хусусий капитал, чет эл инвестициясини жалб этиш ва б.

Талабалар мустақил ишлаши учун савол ва топшириқлар

1. «Бюджет», «Давлат бюджети», «Бюджетдан ташқари маб-лағ» иборалари мазмунини очиб беринг.

2. Агар талабалар таркиби 1600 нафарни ташкил этса, бир ўқитувчига 15 талаба тўғри келиши белгиланган бўлса, ходим-ларга меҳнат ҳақи тўлаш фонди ойига 1 млн. 700 минг сўм, таълим муассасасида лавозимдан ташқари ходимлар, компью-терлар билан жиҳозланган лаборатория, ўзининг болалар боғчаси, келаси йилга капитал таъмирлаш режалаштирилган бўлса таълим муассасаси бюджет харажатларини қандай ҳисоблаш мумкин?

Ўз олдида қўйилган вазифаларни ҳал этиш учун тилга олин-ган унсурлар етарлими? Нима етишмайди? Бюджетдан молия-лаштириладиган ташкилотлар харажати функционал тузилиши-га мувофиқ таълим муассасаси бюджет унсурлари ниманинг ҳисобидан шаклланишини эсланг, етишмаётган маълумотларни келтиринг (рақамлар мазкур қўлланмадаги 2-иловадан олин-ши мумкин) ва топшириқни бажаринг.

3. Таълим муассасасининг бюджетдан ташқари фаолияти қайси йўналишлар бўйича амалга оширилади?

4. Таълим муассасаси бюджетининг даромадлари ниманинг ҳисобига ташкил топади?

1.2. Таълим муассасалари бюджет маблағининг шаклланиши: моҳиятининг тавсифи, фойдаланиш тамойили ва тартиби

Давлат таълим муассасаси бюджет ташкилоти ҳисобланади, ваколатли давлат идоралари томонидан «Таълим тўғрисида»ги қонунга мувофиқ таълим ва ижтимоий-маданий функцияни амалга ошириш учун тузилади ва тўлиқ ёки қисман давлат бюджетидан молиялаштирилади.

Кадрлар тайёрлашга бўлган давлат буюртмаси (грант) таълим муассасасига бюджетдан маблағ ажратиш учун асос бўлади, унга асосан таълим муассасасига бюджет маблағи ажратилади.

Таълим муассасасининг бюджет тизими қуйидаги тамойиллар асосида тузилади:

- ички молия тизимининг методик бирлиги;
- кирим ва чиқимларнинг тўлақонли ҳисоб-китоби;
- ошкоралик;
- раҳбарият даражалари бўйича бюджет ваколатини тақсимлаш.

«Олий таълим тўғрисидаги қоидалар» («Ҳуқуқий база. Расмий ҳужжатлар» қисмига қаранг) таълим муассасаси бюджети тамойиллари, даромадларни аниқлаш тартиби, харажатларни тасдиқлаш тартиби ва бошқарув турли даражалари ҳуқуқини тартибга солади.

Таълим муассасасини бюджетдан молиялашнинг меъёрий негизи «Таълим тўғрисида»ги қонун, «Олий таълим тўғрисидаги қоидалар» ва «Олий таълим тўғрисидаги намунавий қоидалар»да баён этилган қонунчилик чекловларидан ташкил топган. Булар таълим муассасаси ички молиявий оқимини тартибга солади ҳамда харажатлар меъёри ва раҳбарлар ҳуқуқини белгилайди. Таълим муассасасининг раҳбарлари белгиланган қоидалар доирасида тартибга солувчи буйруқлар ва фармойишлар бериш ҳуқуқига эгадирлар.

Таълим муассасасининг бюджети — тегишли қоидалар асосида таълим муассасасига бириктириб қўйилган пул маблағининг ҳосил бўлиш ва сарфланиш шакли. Бюджет таълим муассасаси учун умумий ёки қисман юридик шахс ҳуқуқи берилган айрим бўлинма учун алоҳида молиявий ҳисоб-китоб қилиш учун ажратилган ички бўлинма учун тузилади.

Бюджет тизимининг учта босқичи фарқланади:

- умумтаълим муассасаси миқёси;
- алоҳида бўлинма миқёси;
- айрим ишлар, айрим тадбир, айрим объект миқёси.

Таълим муассасасини молиялаш учун маблағ давлат тузилмаларидан (давлат маблағи), корхоналар ва хусусий фуқаролар (нодавлат маблағлар)дан келиши мумкин.

Бюджетни таснифлаш давлат тизими бўйича чиқим ва кирим моддаларини гуруҳлаб амалга оширилади. Таълим муассасаси бюджет тизимининг бирлиги ҳуқуқий негизнинг бирлиги тас-

нифлашнинг ягона тизимидан, ҳужжатларнинг ягона ҳисобот ва режа шаклидан фойдаланиб, умумий бюджетни тузиш учун таълим муассасалари бошқарув даражаси бўйича зарур статистика ҳисоботи тақдим этиш йўли билан таъминланади.

Таълим муассасаси бюджет тизими бирлиги турли даражалар даромадига тушумлардан ва бошқарувнинг анча юқори даражаси мақсадли ҳисоб рақамига тушумлардан ажратмалар белгиланган меъёрлари орқали бюджетлар ўзаро ҳаракати билан чекланади.

Таълим муассасаси бюджет даромадлари, булар маъмурият ёки айрим бўлинмалар раҳбарлари тасарруфига келиб тушадиган пул маблағларидир.

Таълим муассасаси харажатлари, булар — таълим муассасаси, унинг бўлинмалари ёки айрим ходимлари эҳтиёжини таъминлашга йўналтирилган пул маблағларидир.

Чиқимнинг киримдан ошиб кетиши таълим муассасаси бюджет *тақчиллигини* ташкил этади.

Киримнинг чиқимдан ортиқ қисми таълим муассасасининг *фойдасини* ташкил этади. Таълим муассасасининг фойдаси олиб қўйилиши мумкин эмас.

Давлат буюртмасига мувофиқ ажратилган маблағ харажатлар алоҳида моддалар гуруҳи бўйича чеклаб қўйилади. Маблағни ресурсларнинг турлари бўйича қайта тақсимлашга йўл қўйилмайди. Бу стипендия фонди, иш ҳақи, таълим муассасасини ривожлантиришга қўйилган капитал ва жорий харажатларга ажратилган маблағларга тааллуқлидир.

Корхона ва муассасалар таълим муассасасига қайтармаслик шарти билан ускуна ва материалларни, бино ва иншоотларни, транспорт ва техника воситаларини, молиявий ресурсларни бериш мумкин. Таълим муассасаси бу тур маблағларни мустақил тарзда тасарруф этади.

Таълим муассасаси оператив бошқарув шартлари билан ер майдонларидан бинолар, ускуналар ва унга давлат бюджетидан ажратилган, шунингдек корхоналардан ҳамда фуқаролардан ажратилган ёки бошқа манбалар ҳисобидан сотиб олинган барча моддий ресурслардан фойдаланади, уларни тасарруф этади.

Таълим муассасалари олган маблағларига исталган корхонадан ёки хусусий шахсан ўзи учун зарур бўлган ускуналарни ёки моддий ресурсларни харид қилиши, ижарага олиш, буюртма бериш, пул ўтказиш йўли билан ҳақ тўлаш ҳуқуқига эга.

Илмий фаолиятни амалга ошириш учун олинган давлат (нодавлат) маблағларидан фойдаланиш тартибини, шунингдек, меҳнатга ҳақ тўлаш ва ходимларни моддий рағбатлантириш учун йўналтириладиган улушни таълим муассасаси мустақил белгилайди. Шу билан бирга олинган фойда таълим жараёнини ривожлантиришга, шу жумладан, турли илмий-техникавий жамғармалари тузиш ва ижтимоий ривожлантириш, моддий рағбатлантириш ва бошқалар орқали инвестиция қилиниши мумкин.

Таълим муассасасининг давлат молиявий маблағлари бюджет ҳисоби Молия вазирлиги, олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан назорат қилинади, белгиланган қоидалар эса бу маблағлардан мақсадли бўлмаган эҳтиёжлар учун фойдаланишга йўл қўймайди. Бюджет маблағларидан *мақсадли бўлмаган* тарзда фойдаланиш бўлиб, уларни олиш шартларига номувофиқ ёки таълим муассасаси ички бюджет тузилиши қоидаларига ҳилоф йўналишларга сарфлаш ҳисобланади. Масалан, бюджет маблағини аввал олинган тижорат кредитини қоплашга йўналтириш молиявий қоидага ҳилоф ҳисобланади. Шунинг учун ҳам таълим муассасаси стипендия ва иш ҳақи тўлаш учун маблағ тушмай қолганда бюджетдан ташқари манбаларни жалб эта олмайди.

Таълим муассасаси кундалик фаолияти мобайнида бюджет маблағини ректор тақсимлайди, шунингдек, таълим муассасасининг банк ҳужжатларига имзо қўйиш ҳуқуқига эга лавозимдор шахслари, тўлиқ ёки қисман молиявий мустақилликка эга таркибий бўлинмаларнинг раҳбарлари ҳам бюджет маблағини тақсимлаш ҳуқуқига эгадирлар. Лекин мазкур мустақиллик айни мақсад бўла олмайди. Бўлинма ва уларнинг раҳбарлари, мустақилликка эга бўлгач, ҳам ўз бўлинмасининг, ҳам умуман таълим муассасасининг ривожланиш мажбуриятини ўз зиммасига олади. Молиявий мустақиллик бўлинма мақсадларини, унинг бошқа бўлинмалар билан ўзаро муносабатлари шартларини, умуман таълим муассасаси муваффақиятини таъминлаш мажбуриятларини аниқлаштиришни кўзда тутувчи ўқув-илмий фаолият программасини қабул қилиш билан уйғунлашган бўлиши керак.

Таълим муассасаларига бериладиган молиявий мустақиллик молиявий лимитни белгилаш билан мувофиқлаштирилади. Булар айрим бўлинма учун харажатлар чегаравий ҳажми сифатида, фаолият йўналиши ёки харажатлар моддаси сифатида вақт оралиғи (ой, учойлик, йил) бўйича белгиланади. Лимитлар таълим муассасаси ресурслари ёки мақсадли жалб этилган маблағлар асосида белгиланади. Лимитлар бўлинмалар, фаолият

Йўналишлари ёки харажатлар моддаси бўйича харажатлар ойлик миқдорини чеклаб қўйган тарзда бир йилга белгиланади (бўлинмалар бюджети тақсимоли лимитлари таълим муассасаси бўйича буйруқ билан расмийлаштирилади).

Таълим муассасасининг бюджет даромади қуйидагилар ҳисобига ҳосил бўлади:

– қабул назорат рақамларига мувофиқ мутахассислар тайёрлашга бўлган давлат ажратмалари;

– малака оширишни молиялаш;

– мақсадли таълим дастурларини молиялаши;

– корхоналар учун қўшимча таълим хизматга тўланадиган ҳақ;

– айрим фуқароларни ўқитиш ва уларга қўшимча таълим хизмати кўрсатишга тўланадиган ҳақ;

– таълим муассасаси майдонлари ва ресурсларини ижарага бериш;

– грантлар;

– илмий, консалтинг ва бошқа таълимий тавсифга эга бўлмаган хизматлар учун тўланадиган ҳақ;

– моддий бўлмаган активларни сотишдан келадиган даромадлар;

– ўз хусусий мулкни ёки таълим муассасасига хусусий қилиб қолдирилган мулкни сотишдан келган даромадлар;

– ўз хусусий мулкни ёки таълим муассасасига хусусий қилиб қолдирилган мулкни сотишдан келган даромадлар;

– бошқа ташкилотлар фаолиятида қатнашишдан олинган даромадлар;

– маданий-оммавий тадбирлар ўтказишдан келадиган даромадлар;

– бошқа ташкилотларнинг қайтармаслик шарти билан ўтказмалари.

Таълим муассасаси қўшимча даромад ёки режадан ташқари фойда олганда, булар биринчи галда қўшимча тушумлар ҳисобидан қопланадиган харажатларга, иккинчидан, жорий қарздорликни қоплашга, учинчидан, кутилмаган ишларга ҳақ тўлаш учун, ниҳоят, узоқ муддатли қарзларни қоплашга йўналтирилади. Қўшимча маблагдан таъминланадиган устувор йўналишлар ва тадбирлар таълим муассасасининг кенгаши ёки унинг ректори томонидан белгиланади. Бу устуворлик таълим муассасасининг навбатдаги иқтисодий режасини тайёрлашда келишиб олинади.

Аввалдан режалаштирилмаган янги тур харажатларга зарурат пайдо бўлса, уларни молиялаш таълим муассасасининг кенгаши қарори билан белгиланади ёки таълим муассасаси бўйича молиялашнинг тартиби ва манбаи кўрсатилган буйруқда қайд этилади. Харажатларни режада белгиланганидан кўпроқ молиялаш зарурати пайдо бўлса, таълим муассасаси бўйича буйруқ билан молиявий текширув ўтказилади, унинг натижасига кўра молиявий қарор қабул қилинади. Бухгалтерия хизмати йиллик бюджет харажатлари режавий рўйхатига кирмаган харажатларни молиялашда қатнашиш ҳуқуқига эга эмас.

Таълим муассасаси давлат идораларидан олган молиявий маблағларни бошқа юридик шахсларга бериши мумкин эмас, чунки улар мақсадли йўналтирилгандир. Бу шартга амал қилиниши устидан назоратни ваколатли идора амалга оширади. Таълим муассасаси ўз тижорат фаолиятидан келадиган даромадни қуйидагиларни албатта ҳисобга олган ҳолда ўз ихтиёрига кўра фойдаланиш ҳуқуқига эга:

- маблағдан махрум бўлиш rischi;
- кутилаётган даромад ҳажми;
- фаолият олиб борилаётган соҳанинг жамият, минтақа ва таълим муассасасини ривожлантириш мақсадларига мувофиқлиги;
- таълим муассасасини ривожлантириш бўйича тадбирлардан маблағни олиб қўйишдан таълим муассасаси кўрадиган зарар;
- даромадни таълимни ривожлантиришга йўналтирилмаганлиги учун қўшимча солиқ тўловлари.

Таълим муассасаси маблағини бошқа юридик шахсга бериш ёки бошқа ташкилот устав фондига капитал қўйиш учун албатта таълим муассасаси кенгашининг қарори бўлиши керак.

Мутахассислар тайёрлаш учун давлат буюртмасига тўлов ёки таълим муассасаларига қўшимча ёхуд бошқа хизматларга тўлов тарзида ўтказиладиган маблағ қуйидаги кетма-кетлик тартибида умумтаълим муассасаси тадбирлари ва таркибий бўлинмалар бўйича тақсимланади:

- аниқ давлат ва нодавлат молиялашини башоратлаш;
- манбалар бўйича маблағ тушишини баҳолаш;
- таълим муассасаси фаолияти устувор йўналишини танлаш;
- меҳнатга ҳақ тўлаш ва стипендия тўловлари режавий харажатларига бўлган эҳтиёжни аниқлаш;
- ҳудудни ободонлаштириш, биноларни ораста сақлаш, умуминститут аҳамиятига эга тармоқ ва бошқа объектлар бўйича ишларни режалаштириш;

– бошқарув хизмати ва ёрдамчи таркибий бўлинмалар хизмати стандарт мажмуи қийматини белгилаш.

Марказий субҳисобга тушадиган бюджетдан ташқари мабларлар уч қисмга бўлинади: умумтаълим муассасаси тадбирларини қўллаб-қувватлаш; бошқарув ва таъминот хизмати; асосий таркибий ўқув бўлинмалари (факультетлар, кафедралар).

Республикада давлат ташкилотлари учун белгиланган харажатлар функционал таркибга мувофиқ шакллантириладиган бюджет ўз ичига қуйидагиларни олади:

– *режадаги ёки ҳисобот даври оралигидаги вақт мобайнида ташкилот фаолият кўрсатишини таъминловчи жорий харажатлар;*

– *ташкилот ривожини таъминловчи капитал харажатлар;*

– *бошқа ташкилотлар билан молиявий муносабатларни таъминловчи кредитлар бўйича тўловлар.*

Қуйидагилар **жорий харажат** унсурлари ҳисобланади:

– *меҳнатга ҳақ тўлаш*, шу жумладан:

• ходимлар асосий маоши;

• иш ҳақиға устама;

• меҳнатга қўшимча ҳақ тўлаш;

• лавозимдан ташқари ходимларга ҳақ тўлаш;

• ходимларга бошқа пул тўловлари;

– *иш ҳақиға ўтказиш*, шу жумладан:

• давлат ижтимоий суғуртасига бадаллар;

• пенсия фондига бадаллар;

• мажбурий тиббий суғурта фондига бадаллар;

• давлат бандлик фондига бадаллар;

– *таъминот предметлари ва сарфланадиган материаллар со-тиб олиш*, шу жумладан:

• девон ашёлари;

• юмшоқ инвентар;

• бошқа сарфланадиган материаллар;

• хизмат сафари ва хизмат қатнови;

• транспорт хизматига тўлов;

• алоқа бўйича хизмат тўлови;

• маиший хизмат тўлови;

– *бошқа хизматлар тўлови*, шу жумладан:

• бино ва хоналарни жорий таъмирлаш;

• жиҳозлар ва инвентарни жорий таъмирлаш;

• жиҳозлар ва инвенторни жорий таъмирлаш;

- қарзлар бўйича фоиз тўлови;
- *аҳолига трансфертлар*, шу жумладан:
- моддий ёрдам тўловлари;
- стипендиялар;
- овқатланиш учун тўловлар;
- Ёзги дам олишга ажратиладиган тўловлар;
- бошқа трансфертлар.

Капитал харажатлар жиҳозлар сотиб олиш, капитал қурилиш ва капитал таъмирлашларга сарфлардан шаклланади.

Капитал харажатларнинг қисмларга ажратилган унсурлари бўлиб, қуйидагилар ҳисобланади:

- *жиҳозлар сотиб олиш*, шу жумладан:
 - ишлаб чиқариш жиҳозлари;
 - ишлаб чиқаришга алоқасиз жиҳозлар;
- *капитал қурилиш*, шу жумладан:
 - турар жой;
 - ишлаб чиқариш объектлари;
 - ижтимоий-маданий ва маиший хизмат мақсадидаги объектлар;
- *капитал таъмирлаш*, шу жумладан:
 - турар жой фонди;
 - ишлаб чиқариш объектлари;
 - ижтимоий-маданий ва маиший хизмат объектлари;
 - маъмурий объектлар;
- *ер ва номоддий активлар сотиб олиш*, шу жумладан:
 - ер;
 - номоддий активлар.

Ташкилот *“молиявий алоқаларида* кредитлар ва улар бўйича тўловлар кўзда тутилади Фаолият бу соҳасини акс эттирувчи харажатларнинг унсурлари қуйидагиларни ўз ичига олади:

- *кредитлар бериш*;
- *кредитларни қайтариш*;

Бюджетдан фойдаланиш самарасини ошириш олий таълимни молиялаш тизимини такомиллаштиришнинг зарур шартларидан ҳисобланади. Шу муносабат билан билим даражасини ошириш, молия маблағларини шакллантириш ва сарфлашнинг самарали шакли ва тартибидан фойдаланишни, уларни амалда жорий этишни ошириш айниқса муҳимдир.

Талаба мустақил ишлаши учун савол ва топшириқлар

1. Таълим муассасаси бюджет тизимининг тамойилларини тавсифлаб беринг.

2. «Бюджет», «Бюджет тизими даражаси», «Таълим муассасаси бюджет даромади», «Бюджет тақчиллиги» тушунчалари моҳиятини очиб беринг.

3. Ўқув юрти режавий молия бюджети қандай унсурлардан ташкил топади?

4. Тасаввур қилинг, сиз таълим муассасасининг ректорисиз. Давлат бюджетидан таълим муассасаси ходимлари иш ҳақи ва талабалар стипендиялари учун 960 минг сўм ажратилди. Бюджет тақчиллиги ҳам шунча. Агар таълим муассасаси тезда капитал таъмирловга муҳтож бўлса, буюртма қилинганига анча бўлган жиҳозлар келган бўлса, ҳомий эса ўз мажбуриятларини бажармаган бўлса, шуларни ҳисобга олган ҳолда маблағларни жалб қилиш бўйича сизнинг ҳаракат режангиз қандай бўлади? Ўз ҳаракат ва қарорингизни далилланг.

1.3. Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини бюджетдан молиялашнинг ўзига хос хусусиятлари

Ўзбекистон Республикаси ўқув юртларини бюджетдан молиялашнинг тартиби бюджетларни тузиш ва улардан фойдаланиш ягона қондасига эга бюджет тизими ўзаро боғлиқлигига асосланган. Бюджетдан молиялаш манбаига кўра таълим муассасалари республика миқёсидаги ва маҳаллий тасарруфдаги муассасаларга бўлинади. Олий таълим муассасалари, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларининг бир қисмини молиялаш республика бюджетидан амалга оширилади.

Маҳаллий бюджет маблағи ҳисобидан мактабгача тарбия муассасалари, умумтаълим мактаблари, мактабдан ташқари муассасалар, ҳали фаолият кўрсатаётган ҳунар-техника билим юртлари, ўрта махсус таълим юртлари молияланади. Олий ва ўрта касбий ўқув юртларини молиялаш ҳар бир ўқув юрти тури бўйича давлат белгилаган меъёрга мувофиқ амалга оширилади. Бу тур ўқув юртларини молиялаш тизими икки манбадан ташкил топади: давлат бюджети ва бюджетдан ташқари маблағ.

Бюджет маблағларидан фойдаланиш устидан назоратни кучайтириш мақсадида таълим муассасалари молиялашнинг янги тартиби — харажатлар моддалари бўйича маблағ ажратишга

ўтказилди. Жорий этилган бу янги тартиб улар мустақиллигини кенгайтирди ва шу билан бирга, масъулиятини ҳам оширди. Бундан ташқари молиялаш тартибини соддалаштириб, ўқув юрти ходимлари меҳнатини рағбатлантириш учун шароит туғдирди.

Меъёрлар бўйича ягона рўйхатдан молиялашнинг янги тартибини жорий этиш таълим муассасаларига қуйидагилар ҳисобига ривожлантириш фондини шакллантириш ҳуқуқини берди:

– *режавий бюджетдан молиялаш ҳисобига тушади-ан тежалган (фойдаланилмаган) ва ҳисобот даври охирида бюджет ташкилоти ҳисоб рақамида қолган маблағ;*


– *ўқув юрти соҳасига оид фаолият бўйича товар ишлаб чиқариш ва сотишдан (ишлар бажариш, хизмат кўрсатишдан) келган даромад;*

– *юримдик ва жисмоний шахслар кўрсатадиган, бегараз, ҳомийлик ёрдами.*

Молиялашнинг янги тартибида бюджетдан ташқари фаолиятдан қўшимча даромад олган ўқув юртларини давлат бюджетига олинадиган барча солиқ ва йиғимлардан (2000 йил 1 январ, беш йил муддатга) озод қилиш кўзда тутилган. Ҳоли қолган маблағ мақсадли йўналтирилиб, ўқув юртининг моддий-техника ва ижтимоий базасини мустаҳкамлашга, шунингдек ходимларни моддий рағбатлантиришга қаратилади.

Ўзбекистонда академик лицейлар ва касб коллежлари тармоғини барпо этиш ва ривожлантириш бўйича «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида «1999-2005 йилларда академик лицейлар ва касб коллежлари моддий-техника базасини ривожлантириш ва молиялаш программаси» қабул қилинди. Унга кўра 2010 йилда 1600 академик лицей ва касб коллежи ишга тушиши керак. Буларда 1,5 млн. болалар ва қизлар таълим олади. Бюджетдан ажратмалар, маълум даражада бюджетдан ташқари жамғармалар, корхона ва ташкилотлар, ҳомийлар, чет эл кредитлари мазкур дастурни молиялашнинг асосий манбалари ҳисобланади. Чет эл инвестициясини жалб этиш алоҳида аҳамият касб этади. Хусусан, иқтисод ва ижтимоий соҳа тармоқлари учун қуйи бўғин мутахассислар тайёрловчи касб коллежларини жиҳозлаш учун Осиё тараққиёт банкидан 150 млн. АҚШ доллари, OESP (Япония)дан 200 млн. АҚШ доллари, EDCF (Корея)дан 35 млн. АҚШ доллари миқдорида инвестиция кутилмоқда.

Ўзбекистондаги таълимга кстадиган харажатлар улуши ўсиш динамикаси
(шу жумладан, капитал қўйилмалар)



Жадвалдан яққол кўринадики, таълимга харажатлар республикада оша бориб, ривожланган тараққий этган мамлакатлардан анча юқори (маълумки, фақат Исроилда ЯИМ улуши 11%ни ташкил этади, бошқа давлатларда эса 5% дан ошмайди. Россияда эса бу кўрсаткич 3%).

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»ни амалга ошириш доирасида қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратилган:

- ўқув юртларини замонавий ўқув мебеллари, жиҳозлари, ашёлар ва аппаратлар билан таъминлаш;
- республикада ихтисослаштирилган ишлаб чиқариш ўқув юртларини техникавий, программавий ва дидактик таълим во-ситалари билан жиҳозлаш саноатини барпо этиш;
- жаҳон даражасидаги таълим стандартларига эришиш;
- таълим муассасаси ихтисослиги бўйича юқори малакали кадрлар тайёрлашга имкон берувчи, айниқса, таълим муассасалари таркибидаги академик лицейлар негизда таълимнинг янги шаклларини тадбиқ этиш;
- узлуксиз таълим тизими молиявий-иқтисодий негизини мустаҳкамлаш бўйича давлат сиёсатидаги таълим вазифаларини ҳал этиш устуворлиги.

Республикада амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар бюджетдан ташқари маблағларни жалб этиш бўйича таълим муассасалари фаолияти янги шакллари талаб этади. Шунга кўра бир талай ҳужжатлар мажмуи ишлаб чиқилди. Булар таълим муассасаларига молия оқимидан энг самарали фойдаланиш имконини беради. Бюджетдан ташқари маблағларни жалб қилиш бўйича тавсиялар ва «Республика таълим муассасаларидаги пулли-контракт асосида ўқиш шакли ва тушган маблағни сарфлаш тартиби тўғрисидаги низом» шулар жумла-

сидандир (меъерий-ҳуқуқий база. Расмий ҳужжатлар. 6-бобга қаранг). Бу ҳужжатларда пулли-контракт асосида таълим олувчи талабалардан тушган маблағларни қўйидагича тақсимлаш кўзда тутилган:

– 25% дан кўп бўлмаганини ходимлар меҳнатини рағбатлантириш ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш, ЎПТ таркибига тўлаш учун сарфлаш;

– 5% дан кам бўлмаганини маънавият ва маъориф масалалари бўйича тадбирларни ўтказишга сарфлаш;

– ўқувчи ёшларни рағбатлантириш ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш, пулли-контракт асосида ўқувчи талабаларга стипендия бериш;

– ўқув харажатлари (ишлаб чиқариш амалиёти ва б.), ўқув юртларига хўжалик хизмати билан боғлиқ харажатлар бир қисмини қоплаш (коммунал ва бошқа тур хизматлар);

– моддий техника базасини мустаҳкамлаш: кутубхона жамғармасини тўлатиш; таълим жараёнини таълимнинг замонавий воситалари билан жиҳозлаш; ашё ва ускуналар сотиб олиш; ётоқхоналарни юмшоқ ашёлар билан таъминлаш; капитал таъмирлаш ва б. ўтказиш.

Ҳозирги шароитларда бюджет маблағларидан самарали фойдаланишдан ташқари таълим муассасалари, ўз шахсий ташаббусини кенг қулоч ёйдирмоқда, ортиқча тижоратлаштиришга йўл қўймаган ҳолда молиялашнинг қўшимча манбаини жалб этиш бўйича фаолиятини кенгайтирмоқда, чунки олий мактаб жамиятни интеллектуал ва маънавий салоҳиятини шакллантирувчи ижтимоий институт ҳисобланади.

Талаба мустақил ишлаши учун савол ва топшириқлар

1. Таълим муассасасини молиялаш қайси бюджетдан амалга оширилади?

2. Академик лицейлар-чи?

3. Таълим учун сарфлар даражаси ЯИМ 7%и миқдорида, бу – кўпми ёки кам? Жавобингизни далилланг.

4. Чет эл инвестицияси нима? Агар таълим муассасасини бюджет ташкилоти бўлса, уларнинг таълим муассасасини молиялашга қандай алоқаси бор?

5. Таълим доктринаси сифатида «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» молиявий-иқтисодий масалаларни ҳал этишга қандай таъсир этади? Бу дастурда белгиланган вазифаларни амалга

ошириш билан олий таълимда қандай янгилик юзага келди? Нима учун Таълим Миллий моделини амалга ошириш таълим доирасидан четга чиқиш демоқдалар? Ишончли далиллар келтиринг.

1.4. Таълим муассасаларини молиялаш бўйича чет эл тажрибаси

Иқтисодий ривожланган чет эл мамлакатларида олий таълимни молиялашнинг ҳажми ва усуллари бир қатор омилларга кўра белгиланади:

- мамлакат иқтисоди ривожланганлик даражаси;
- олий таълим олдига мамлакат ва унинг раҳбари қўядиган вазифалар;
- миллий анъаналар;
- олий таълим муассасаларини тузиш, ташкил этиш ва бошқаришнинг ўзига хослиги.

Фақат мана шу ҳолатлар барчаси ҳисобга олинган ҳолдагина таълим муассасасини молиялашнинг миллий модели шаклланади.

Япония, масалан АҚШ, Канада ва Швециядаги каби барча учун баробар бўлмаган, аксинча олий мақомдаги олий таълим моделига эга, давлатнинг ЯИМдаги таълимга бўлган харажатлари улуғи сезиларли даражада паст. Олий таълим АҚШ, Канада ва Швецияда ҳамма учун очиқ, лекин бу — мамлакат раҳбарининг сиёсати, бу — миллий анъана. Агар Европа мамлакатлари, хусусан Франция, Германия олий мактабни бюджет ҳисобидан сезиларли даражада молиялаб ва давлат томонидан назорат қилиб, бозорнинг таъсиридан ҳимоя қилса, АҚШда олий таълим анъанавий тарзда федерал ҳукуматдан мустақил, бозор тузилмалари билан мунтазам алоқада, ҳатто давлат таълим муассасалари ҳам пулли. Бироқ қуйидаги жадвал маълумотлари кўрсатадики, АҚШнинг олий таълимга харажатлари, шундай оқилна даражага эришганки, ундан ошиб кетса, таълим муассасаси мухторлиги ва ташқи ўзгаришларга бўлган акс таъсири шубҳа остида қолади.

Буюк Британия, АҚШ ва Франция университетларидаги таълим даромадлари манбаининг тузилиши (% да)

	Манбалар	Англия	АҚШ	Франция
1	Давлат харажатлари, -			
	Жами:	85,5	51,1	99,0
	Шу жумладан:			
	марказлаштирилган	84,0	16,5	96,2
	штатларнинг харажатлари	-	30,6	-
	маҳаллий	1,5	4,0	2,8
2	Хусусий компаниялар ва хайрия ташкилотларининг харажатлари	2,5	6,9	
3	Ўқувчилар ва улар оилаларининг харажатлари	8,0	20,3	1,0
4	Таълим муассасаларининг ўз даромади	-	11,4	-
5	Бошқа манбалар	4,0	10,4	-

Фарб мамлакатларидаги университетларда, қоидага кўра, молиялашнинг уч асосий манбаи бор, таълим фаолияти билан боғлиқ сарфлар шулардан қопланади. *Ҳукумат гранти, талабалардан таълим учун олинадиган ҳақ, тижорат фаолияти туфайли олинадиган даромадлар* ана шу уч манба ҳисобланади. Турли мамлакатларда улар нисбати турлича бўлиб, вақт-вақти билан ҳар бир мамлакатда бу нисбат ўзгариб туради. Таълим муассасаси талабаларининг ўзлари ҳам кундалик сарф-харажатларини ўзлари кўтарадилар. Бунинг учун қуйидаги имкониятлар мавжуд: *ота-оналарининг маблағи; ҳукуматдан олинган индивидуал грант; талабаларга тарқатиладиган махсус займлар; қўшимча даромадлар*. Шунини таъкидлаш жоизки, тизимдан, жамиятдан ёки қайси мамлакатлигидан қатъий назар чиқимлар у ёки бу тарзда қуйидаги тўрт манбадан олиниши мумкин: **ота-оналар, талабалар, солиқ тўловчилар ва таълим муассасаси**. Юқорида қайд этилган молиялаш манбалари икки гуруҳга ажралади: *давлат* ва *хусусий*.

Кўпгина чет эл мамлакатлари бюджетни мувозанатлаштириш мақсадида давлат харажатлари ҳажмини қисқартиришга ҳаракат қилади. Ҳатто Фарбий Европада молиялаш ҳукумат грантидан очиқ-ойдин олий ўқаув юртининг тижорат фаолия-

тидан ёки таълим учун тўловдан келадиган даромад томон силжимоқда. Германия каби мамлакатларда таълим учун тўлов амалда номинал тарзда, Буюк Британияда эса анча сезиларли даражада, лекин кўпчилик мамлакатларда бу харажатларнинг оғирлиги талаба истиқомат қиладиган туман ёки шаҳар ҳокимияти зиммасига тушади! ҳукумат таълим муассасаларига таълим учун мустақил ҳақ белгилашни таъқиқлайди. Ҳозирги пайтда бу тизим ўзгартишга учрамоқда ва тез орада кўпгина ғарб мамлакатларида таълим учун ҳақ тўлашни таълим муассасаларининг ўзлари белгилайди ва молиялаш асосан талабалар томонидан амалга оширилади. Мўлжал қилишларича, бу ҳол таълим даражасини кўтаришга имкон беради, чунки талабалар ўзлари танлаган ўқув юртларига юқори талаб қўядилар, улар эса, ўз навбатида таълим жараёнига юқори эътиборни қаратадилар. Ҳамон талабалар олий таълим тизимида асосий таълим хизматини талаб қилувчилар экан, келгусида ўз иш ҳақлари ошишини кутишлари мумкин, бутун дунёда таълим харажатларини улар ўзлари молиялашларини адолатли ҳисоблайдилар. Ўртача олганда анча юқори меҳнат унумдорлигини ва умуман аҳоли анча юқори даромадини таъминловчи меҳнат ресурслари таълим даражасини ошириш ҳисобидан жамият фақат ютади, бу — таълимга кетадиган харажатлар бир қисмини ҳукумат молиялаши маъқул эканлигининг яққол далилидир. Амалда, кейинчалик мунозаралар ҳукумат ва талабалар (уларнинг ота-оналари) томонидан тўланадиган бадалларнинг адолатли нисбатида жамланади. Кўпгина ғарб мамлакатларида ҳозирги пайтда бу нисбат кўпроқ талабалар ҳисобидан молиялаш ва камроқ ҳукумат ҳисобига бўлиш томон оғмоқда. Шундай қилиб, талабаларни индивидуал тарзда бюджетдан молиялашнинг пасайиши юз бермоқда, бу ўз навбатида талабалар эндиликда таълим харажатлари кўп қисмининг ўз зиммаларига олишлари керак деганидир.

Баъзи мамлакатларда талабаларга кредит бериш ривожланмоқда. Талабалар учун молиявий вазиятни кескинлаштиришнинг оқибат натижаси ўз таълими учун харажатларнинг бир қисмини ўз иш ҳақлари ҳисобидан молиялашга интилиш бўлди. Бу ўқув муддати узайишига ва таълимининг анча мослашувчан моделига талабнинг юзага келишига таъсири сезилмоқда. Аммо, таълим учун талабалардан олинадиган ҳақ, ҳатто, АҚШдаги давлат таълим муассасаларидаги таълимга сарфларнинг фақат 20%ини қоплайди, холос (хусусий ўқув юртларида

33%). Қолган сарфлар давлат ва хусусий бўлган манбалардан молияланади. Кўпгина мамлакатларда олий таълимни давлат молиялашини лимитловчи бюджет тақчиллиги йилдан йилга сақланиб қолмоқда. Шунинг учун таълим муассасаларига молиялашнинг қўшимча манбаларини излаб топиш ҳуқуқи берилади ва бунда уларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатилади.

Тижорат фаолияти қўйидаги турли шаклда олиб борилади:

– университет майдонлари ва жиҳозларидан конференциялар ва бошқа оммавий тадбирлар ўтказишда фойдаланиш;

– таълим муассасалари кўрсатадиган хизматлар ёки уларга тегишли ердан фойдаланувчи фирмаларни тузиш;

– таълим муассасаси мутахассисларининг тижорат компанияларига консультациялар бериш;

– аҳолига қўшимча таълим хизмати кўрсатиш;

– буюртма илмий-тадқиқот ишларини бажариш ва б.

Бухгалтерия ва солиқ ҳисоботи қонунийлигини таъминлаш учун фаолиятнинг бундай тури таълим муассасаларига тўла таллуқли бўлган тижорат фирмалари томонидан олиб борилмоқда. Университетларга даромад келтирувчи самарали тизимни барпо этиш йўлида амалий қийинчиликлар, масалан, фойдани таълим муассасалари ва фирмалар ўртасида тақсимлаш вужудга келади. Маълумки, агар университет фойдасининг ҳаммасига эга чиқса, бундай университетда ҳеч ким фирма очмайди. Таълим муассасаларига тижорат фаолиятдан келадиган фойда қайта инвестицияга йўналтирилса, бундай ҳолларда таълим муассасаларига бериладиган солиқ имтиёзи сезиларли аҳамият касб этади.

Бино, лаборатория, кутубхона, компьютер марказига қўшимча сарфларсиз ва профессор-ўқитувчиларни қўшимча жалб қилмай талабалар қабулини ошириш таълим муассасалари самарадорлигини оширишнинг энг осон йўли ҳисобланади. Буни фақат таълим муассасасининг жалб этилган ходимлари маъқуллагандагина оқлаш мумкин. Бироқ, кўпгина университетларнинг ўқитувчи-профессорлар таркиби илмий-тадқиқий фаолиятда қатнашадилар ёки тадқиқот институтлари билан боғланганлар, бундай ёндашув чекланган имкониятга эга. Объектив сабабларга қўра университетнинг бошқа функцияларини, чекламай туриб ўқитувчилар юкламасини ошириш мумкин эмас: талабалар сони фақат қўшимча ресурслар ҳисобигагина оширилиши мумкин. Мана шунинг учун, масалан, Буюк Британия ва бошқа мамлакатларда 60-йилларда таълим тизими жу-

да қимматга тушган усулда кенгайтирилади — мутлақо янги таълим муассасалари (асосан университетлар) бунёд этилади.

Анча кейинроқ қуйидаги тадбирларга асосан мутахассислар этиштиришга эътибор қаратилди:

- курслар муддатини қисқартириш;
- академик йилни, ёзги таълимни ҳам қўшиб, ошириш;
- сиртқи ва кечкі таълимни анча кенгайтиришдан фойдаланиш;
- катта гуруҳларда маъруза ўқиш (бу тегишли сахнсиз мумкин эмас) ва кўп сонли ўқитувчиларни талаб қилмайдиган мам-тотер таълимни қўшиб олиб бориш;
- масофавий ўқитишдан анча кам фойдаланиш.

Бу тадбирлардан кўплари ҳали кўриб чиқиш ёки илк жорий этиш босқичида, лекин уларнинг муҳокама этилишини ўзиёқ Фарбдаги расмий фикр қайси йўналишда ривожланаётганини кўрсатади. Шунга шубҳа йўқки, баъзи мавжуд ёндашувлардан тезда бошқа давлатларда ҳам кенг фойдаланилади. Шуниси аёнки, етарлича ресурслар билан ёрдам бермай таълим муассасаларига самарадорликни ошириш учун тазйиқ ўтказиш ҳам таълим, ҳам институтлардаги тадқиқотлар сифатининг пасайиш эҳтимолини оширади. Мана шунинг учун самарадорлик анча тез суръатлар билан ошиб бораётган мамлакатларда вақт-вақти билан ҳам таълим, ҳам илмий жараёни баробар баҳолашга ҳаракатлар амалга оширилмоқда.

Буюк Британияда, масалан, бундай баҳолашлар натижасида таълим муассасаларига уларни яхшилаш хусусида тавсиялар берилибгина қолмай, балки бюджет соҳасида ҳам маълум сил-жишлар юз берди. Хусусан, бунда барча таълим муассасаларни рейтинг асосида баҳолаш амалга оширилмоқда ва ҳар йили бир тоифадаги университетлар гуруҳини миллий даражалаш жадвали эълон қилинади. Юқори рейтингга эга таълим муассасалари ёки таълим сифати учун анча юқори балл олганлари қўшимча молиялашга сазовор бўладилар.

Бюджет маблағи ҳаддан зиёд тежаладиган Япония тажрибаси-га мурожаат этайлик. Япония таълим тизими мамлакат умумбюд-жети учун нисбатан арзон тушмоқда: Япония ҳукуматининг таълимга қиладиган сарфи ялпи миллий маҳсулотнинг 5,5-6%ини ташкил этади, АҚШда бу кўрсаткич 7,1% ни, Буюк Британияда эса 7,7% ни ташкил этади. Шунга қарамай япон ўқувчилари ва талабалари кўпгина кўрсаткичлар бўйича бошқа мамлакатлардаги тенгдошларидан ўзиб кетган. Кўринадики, япон таълим тизимининг асосий устунлиги иқтисодга — инсти-

туционал ўзига хосликка, хусусан, давлат ва хусусий шўъба нисбатига ва ўқув юртларини молиялашнинг ўзига хослигига бориб тақалади: *нодавлат шўъбанинг аҳамияти бошланғич таълимдан олий таълимга томон ошиб боради.*

Японияда олий таълим элитар, яъни барча хоҳловчиларга очик эмас. У ҳам давлат, ҳам хусусий таълим муассасаларига таянади. Япони ҳукумати таълим соҳасини олий мактаб тизими-га қолдиради: давлат университетлари, асосан, табиий-илмий, муҳандислик фанлари бўйича мутахассислар тайёрлаш билан шуғулланган ва шуғулланмоқда; нодавлат университетлар, қоидага кўра, гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий ихтисосликлар бўйича мутахассислар тайёрлашга ихтисослашган. Кўрамизки, давлат кўп сарф талаб этадиган ихтисосликка эга бўлишни таъминлайди — маълумки, замонавий муҳандисни тайёрлаш, айтайлик ҳуқуқшунос ёки иқтисодчини тайёрлашдан кўра қимматга тушади. Шундай қилиб, таълим тизими таълим тизимидаги бозорнинг ноқобиллигидан ўзини муҳофаза қилади. Ваҳоланки, хусусий таълим муассасалари кўп сарф талаб ва назарий фанлар билан боғлиқ ихтисосликлар олишга қўйилган бошланғич маблағлар қайтмаслиги хавфи туфайли имконият яратмай қўйиши мумкин.

Давлат таълим стандартларини шундай белгилайдики, нодавлат шўъбасида харажатлар минимал даражага келади, бу таълим учун ҳақни пасайтиради, нодавлат олий таълимга талабни оширади. Оқибат натижада нодавлат университетларининг сони кўпаяди. Бунга дотация сиёсати ҳам, қиммат тушмайдиган ихтисосликка ўқитиш учун лицензия бериш ва ўқитувчи малакасига талаб анча паст эканлиги ҳам кўмаклашади. Бу иш ҳақини тежаш, хусусий университетларда битта ўқитувчига тўғри келадиган талабалар миқдори кўп бўлишига имкон беради.

Шуни таъкидлаш лозимки, япон таълим тизими ўз муваффақияти учун ҳам ҳукумат бошқарув тузилмаси даражасидаги, ҳам давлатнинг ўзидаги ва нодавлат ўқув юртларидаги менежментлик маданияти юқорилигидан миннатдор бўлса арзийди.

Таълим муассасаларини молиялашнинг асосий манбалари (давлат ва хусусий манбалар)га қайтиб олий таълим тадқиқотчилари консорциум ва ЮНЕСКОнинг Олий таълим бўйича Европа маркази (СЕПЕС) экспертлари фикрини келтириш ўринлидир. Улар соф давлат ёки мутлақо хусусий тарзда таълим муассасаларини молиялашдан кўра аралаш молиялаш анча самарали ҳисобланади, деган хулосага келганлар. Бу ҳам давлат,

давлат, ҳам хусусий таълим муассасалари учун бирдек самаралидир. Шу маънода АҚШ таълим муассасаларини молиялаш тизими эътиборга молик.

Тарихан Америкадаги илк коллежлар хусусий корпорациялар тарзида шаклланган. Улар давлатдан мутлақо мустақил тарзда ўз таълим сиёсати, стандартлари ва тартибларини ишлаб чиққанлар. Аммо иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда давлат таълим муассасаларидаги талабалар миқдори муттасил ошиб боради. Агар 1950 йилда бирга талабаларнинг 49%и хусусий коллеж ва университетларда таълим олган бўлса, кейинчалик давлат маҳаллий коллежлари тармоғининг кенгайиши туфайли нисбат ўзгаради: давлат таълим муассасаларидаги талабалар улуши 78%дан ошади.

Олий маълумот тўғрисидаги диплом берувчи АҚШдаги 3500 таълим муассасасининг ярмидан кўпроғи — хусусий корпорация, масъулият ҳомийлар зиммасига юклатилган бўлиб, улар машхур собиқ битирувчилар ва бошқа филантропик ёрдам кўрсатувчилардан иборат. АҚШдаги машхур тадқиқот университетларининг кўпчилиги — Гарвард, Стэнфорд, Стел, Чикаго университетлари ва бошқа ном қозонган коллежлар, хусусан, Амхерстдаги, Уилямсдаги, Каретондагилар ҳайрияларнинг сезиларли қисмини оладилар ва юқори мавқега эгадирлар. Бу улурга таълим учун юқори даражада ҳақ олиш имконини беради (90-йиллар бошида 20 минг доллардан юқори бўлган).

Кейинги ўн йилликларда АҚШдаги хусусий таълим муассасаларининг сони давлатга қарашлиларникидан кўра тезроқ ошиб борди, аммо, улардаги талабалар сони, биринчи галда, таълим учун ҳақ юқорилиги, шунингдек, давлат таълим муассасаларида ҳам айна бир хил диплом олиш мумкинлиги туфайли қисқариб кетади. Бундан ташқари, АҚШ хусусий таълим муассасалари ўз ҳажмига кўра давлатникидан анча кичикдир.

Америка таълим муассасаларини молиялаш беш асосий манбадан амалга оширилади:

- федерал бюджет, штат бюджети ва маҳаллий ҳокимиятдан ажратиладиган маблағлар;
- таълим ва хизматлар учун талабаларнинг тўловлари;
- таълим муассасасининг ўз фаолиятдан оладиган даромадлари;
- филантропик ташкилотлар ва айрим хусусий шахслар ҳайриялари;

– хусусий ташкилотлар ва шахслар тузган махсус жамғармаларда тўпланган маблағлардан фойзалар.

Давлатнинг олий таълимга ёрдами таълим муассасаси умумий даромадининг ўртача 40-45% ни ташкил этади ва қуйидагича тақсимланади: федерал ҳукумат бюджетидан – 10-15%, штатлар бюджетидан – 25-30%, маҳаллий ҳокимият бюджетидан – 2-5%.

Федерал ёрдам, америкалик мутахассислар хулосаси бўйича фойда олиш мақсадида эмас, балки зарурат туфайли шаклланган ва ҳозирги даражасига таълим бевосита миллий манфаатларга хизмат қилиш ва миллий қадриятнинг аҳамиятли унсури эканлигига кўра эришади.

Шуни айтиш жоизки, олий таълимнинг давлат ёки хусусий шўъбаси кўп ёки кам самаралилиги хусусида бирдек маълумот ва далилларни учратиш қийин.

Хусусий таълим муассасаларига нисбатан кўпроқ эгалик қилувчи мамлакатлар ҳам асосан давлат таълим тизими шакллланган давлатлар эришган натижаларни қўлга киритмоқда ва аксинча, хусусий таълимнинг кенг тарқалиши на иқтисодда, на таълим соҳасида анча қониқарли натижаларга олиб келмаяпти.

Таълимнинг ижобий натижалари, одатда, ташкилий тарздаги олимлар билан боғлиқдир. Муаммо шундаки, хусусий шўъба динамизмини жорий этишга муваффақ бўлиш учун давлат таълим тизими бошқаруви, йўл қўйилмаган ҳолда, демократик тавсифини йўқотишига тўғри келади. Бу муаммо таълим муассасалари мухторияти, улар фаолияти натижалари устидан назарат тўғрисидаги масалага яна қайтишни тақозо этади.

Шундай қилиб, кейинги ўн йилликлардаги мумтоз университетлар умумжаҳон йўналиши олий таълим иқтисодидаги қуйидаги умумий йўналишни белгилаш имконини беради:

1. Европадаги кўпгина мамлакатларда кейинги бир неча йиллар мобайнида нисбатан, айрим жойларда, мутлақо олий таълимни молиялашнинг пасайиши юз берди. Бу ҳол Европа ва Шимолий Америка мамлакатларидаги умумий иқтисодий пасайиш билан боғлиқ. Дунёдаги йирик университетларнинг барчаси ўз сарфларини фақат ижтимоий соҳалардагина эмас, балки ўз профессорларини хизмат сафарига юбориш ва таклиф этилганларни қабул қилишда ҳам қисқартирмоқдалар. Масалан, Германиянинг фахри бўлган Гейделберг университети барча ўқув-илмий лабораторияларини мунтазам таҳлилини, у университетга қандай фойда келтириши нуқтаи назаридан ўтказди (ўзини оқламаган айрим лабораториялар ёпилади).

2. Ривожланган мамлакатлар кўпчилигининг таълим муассасалари давлат томонидан молияланадиган ўқув-илмий ва маданий марказдан тобора кўпроқ, корхона барча хусусиятларига эга бўлган бозор иқтисодиётининг иқтисодий субъектига айланмоқда; шу жумладан, таркибий бўлинмалар самаралилиги ва иқтисодий мақсадга мувофиқлигини баҳолаш олиб борилмоқда; университетларда таълимнинг қўшимча иқтисодий жиҳатдан фойдали бўлган турли шаклларининг сони кўпаймоқда, илмий тадқиқотлар эса тобора амалий хусусият касб этмоқда ва фирмалар ёки хусусий жамғармалар томонидан молияланмоқда; таълимнинг турли шакларида мутахассислар тайёрлаш таннархи бўйича фаол тадқиқотлар олиб борилмоқда, таълим учун ҳақ тўлашнинг табақалаштирилган вариантлари кўриб чиқилмоқда.

↑ 3. Таълим муассасалари таклиф этаётган қўшимча таълим хизматининг кескин ўсиши, шу жумладан таълим муассасасини тугатгандан кейин ҳам таълим хизмати кўрсатиш. Бу жараённи давлат ҳам рағбатлантирмоқда, чунки юқори малакали мутахассисга эҳтиёж юқоридир, бундан нодавлат шўъбаси ҳам манфаатдор, чунки ўз ходимлари малакасини ошириш эҳтиёжи учун ҳам сезиларли даражада ошмоқда. Таълим муассасалари ҳам, хусусан, иқтисодий жиҳатдан, қўшимча таълим кўрсатиш тизимини ривожлантиришдан манфаатдор АҚШда, масалан, таълим муассасалари диплом олгандан кейинги таълим ва қўшимча таълим хизмати кўрсатишдан бакалавриятдан келадигандан кўра кўпроқ даромад оладилар.

4. Таълим муассасаларининг тобора кўпроқ мухтор бўлишга интилиши, хусусан, шундай асосланади, яъни таълим муассасалари борган сари давлат томонидан камроқ даражада, кўпроқ эса таълим муассасаси ўзи ишлаб топган маблағ ҳисобига молияланмоқда, бу давлат томонидан назоратнинг кучайиб бориши билан мутаносибланмоқда. Таълим муассасаси фаолияти устидан мунтазам назорат қилиш тартиби яратилмоқда. АҚШда давлат, масалан, аккредитацияланган турли (касбий ёки ҳудудий) агентликлар ишини рағбатлантиради, Францияда таълимни баҳолаш бўйича махсус Миллий қўмита тузилган.

Ўзини назорат қилиш учун савол ва топшириқлар

1. Чет элда олий таълимни молиялаш усулини танлашни белгилловчи омилларни айтинг.
2. Олий таълимни молиялаш манбалари қандай, хусусан, Фарбдаги университетларда?
3. Англия таълим муассасаларини молиялашнинг ўзига хос жиҳатларини айтиб беринг.
4. Молиялашнинг Япония тизими афзалликлари нимада? Фикрингизни далиллар билан асосланг.
5. АҚШ молиялаш тизими ҳақида нималарни биласиз?

2-боб. ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ БЮДЖЕТДАН ТАШҚАРИ МАБЛАҒИ: ШАКЛЛАНИШ ЙЎЛЛАРИ, МАНБАЛАРИ, МОЛИЯВИЙ МЕНЕЖМЕНТ

2.1. Таълим муассасаси бюджетдан ташқари молиявий маблағларининг манбаи

Кадрлар тайёрлашнинг янги модели, бозор иқтисодиётига ўтиш таълим молиявий-иқтисодий тартибларини шакллантиришда, хусусан, бюджетдан молиялашни бюджетдан ташқари маблағлар билан тўлдиришда жиддий ўзгаришлар қилишни талаб қилмоқда.

Ҳозирги пайтда молиялашни бюджетдан ташқари қўшимча манбаларини жалб қилиш бўйича таълим муассасаларининг фаолияти тобора тижорат тавсифига эга бўлмоқда. Тижорат фаолиятининг асосий мақсади ҳамон таълим муассасасини интеллектуал, таълимий, илмий, маданий ва ишлаб чиқариш имкониятини сақлаш ва ривожлантириш мақсадида молиявий барқарорлигини таъминлашдан иборат бўлиб қолмоқда. Демак, таълимни бошланғич тижорат билан уйғунлашиши самарали шаклларини топиш жиддий вазифа бўлиб қолмоқда.

Давлат таълим программалари ва стандартлари доирасида таълим хизмати кўрсатиш, биринчи галда таълим муассасасига тўлов асосида қабул қилиш, мулкнинг турли шаклидаги корхона, ташкилотлар ва муассасалар билан шартнома асосида мутахассислар тайёрлаш олий мактабга молиявий тушумлар келадиган муҳим манбалардир. Бу иқтисодий тавсифдаги қатор масалаларни, хусусан, уни тўлов миқдори ва муддатига, сарфҳажмини белгилаш ва қоплаш даражасини аниқлаш, пул маблағлари харажат рўйхати, шартномаларни юридик жиҳатдан тўғри расмийлаштириш, томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаш, шартномага риоя этилмаганлик учун жавобгарлик чоралари, «тўловчи» ва «тўламовчи» талабалар ўртасидаги нисбатни ҳисобга олиш ва бошқа масалаларни ҳал этиш билан боғлиқ.

Кадрлар тайёрлаш соҳасидаги нархлар ҳосил бўлиши бозор муносабатларини шакллантириш, мутахассислар тайёрлаш қанчага тушишлигини белгилаш мутлақо янгича мазмун касб этмоқда ва жиддий ёндашувга муҳтож бўлиб, қуйидаги уч ҳолат ҳисобга олиниши лозим:

– давлат буюртмаси бўйича мутахассислар тайёрлаш амалга ошириладиган *бюджетдан молиялаш меъёрлари*;

– ҳар бир ўқув юртида мутахассислар тайёрлаш учун кетадиган амалдаги сарфлар. Булар ихтисосликлар, таълим муассасаси жойлашган ўрин, профессор-ўқитувчилар таркибининг малакаси, моддий-техника негизи ва ҳ.к.лар бўйича фарқланади;

– *тайёрлов учун тўлов сарфлардан ортиб қолувчи маблағни ҳам ўз ичига олади*. Буюртмачи учун, инсон капитали назариясига мувофиқ, мутахассис тайёрлаш учун тўлов инсон капиталига қўйилмадир, келгусидаги натижани, иқтисодий нуқтаи назардан пул даромадини таъминловчи инвестициядир.

Албатта бундай инвестиция риск билан боғлиқ. Бу шунда кўринадики, буюртмачи таълим муассасасига мутахассислар тайёрлашга сарфга қараганда кўпроқ маблағ тўлаб, таълим муассасаси билан келажакдаги даромадини бўлишади, таълим муассасаси эса келажакдаги даромад тақсимотида қатнашади.

Шартнома бўйича мутахассис тайёрлаш таълим муассасасининг корхоналар билан ўзаро муносабатларни ривожлантиришнинг кўпгина эҳтимолий шаклларидан бири ҳисобланади. Булар бозор муносабатлари шароитида тубдан ўзгармоқда, чунки бу икки тузилманинг ўзаро манфаати ва бир-бири учун зарур эканлиги юзага келмоқда ҳамда ошиб бормоқда. Аввал параллел мавжуд бўлган мамлакатимиздаги иқтисодий ривожланишнинг юзага келган шароитлари туфайли ҳам бир-бирига жипс боғлиқдир. Ҳозирги пайтда **таълимни ишлаб чиқариш билан уйғунлаштириш**, кўп бўгин мутахассислари тайёрлашга ўтиш, таълим турли босқичини молиялашга янгича ёндашув ишлаб чиқилди. Булар мутахассислар тайёрлашни бюджетдан ташқари молиялашнинг умумий йўналишини аниқлаб берди ва у қуйидагичадир: *касбий тайёргарлик қанчалик юқори бўлса, бунинг учун кўпроқ улушни бюджетдан ташқари молиялаш ўз зиммасига олиши керак*.

Таълим учун таълим олувчиларнинг ўзи ҳақ тўлаш таълим муассасасини молиялашнинг иккинчи манбаи ҳисобланади. Таълим муассасалари тўловнинг турли шакллари жорий

қилиш масаласини ҳал этишда таълим муассасаси Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонунининг 4-моддасига асосланади. У иккита анча муҳим вазиятни ҳисобга олган ҳолда фуқароларнинг таълим олиш ҳуқуқини белгилайди:

– *аҳоли асосий қисмининг даромад даражаси олий таълим олиш бўйича харажатларни кўтаришни анча муаммоли қилиб қўймоқда;*

– *таълимнинг текинлиги хусусида юзага келган ижтимоий руҳият таълим хизматига ҳақ тўлаш заруратига нисбатан салбий муносабатни туғдирмоқда.*

Олий мактаб кадрлар салоҳиятини сақлашга сезиларли улуш кўшаётган **тижорат тузилмаларсиз таълим шаклининг тўлов асосидалиги муаммосини ҳал этиб бўлмайди.** Уларнинг молиявий ёрдами, айрим ҳолларда анча салмоқли бўлмоқда. Ўқитувчилар аспирантлар ва талабаларни тижорат корхоналари ишида қатнашишга жалб этиш ўқув жараёнини мавжуд иқтисодий амалиёт билан уйғунлашиши учун шароит яратади ўқитувчилар таркиби юқори малака даражасига эга бўлиши ва уни сақлашига кўмаклашади. Тижорат корхоналардан тушумлар (ижара ҳақи, дароманинг бир қисмини таълим муассасасини ривожлантириш фондига ўтказиш) айрим ҳолларда таълим муассасаси моддий-техника негизини мустаҳкамлашда муҳим манба ҳисобланади.

Таълим муассасаларида тижорат тузилмалари туфайли таъмирлаш-тиклаш ишларини ўтказиш, техника ва жиҳозлар сотиб олиш имкони юзага келмоқда. Тижорат корхоналари таълим муассасаси фани муаммоларини ҳал этишга фаол ара-лашмоқда, жамоаларнинг юқори самарали ишлаб чиқариш тизимини ишлаб чиқйшдан моддий манфаатдорлигини ривожлантиришда ёрдам кўрсатмоқда. Бироқ таълим муассасаси тижорат тузилмаларини тузиш ва улар фаолият кўрсатиши олий мактабнинг якуний мақсади – мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш билан боғлиқ бўлиши керак.

Тижорат тузилмалар фаолиятидан максимал фойда чиқариш учун, касбий ва бошқа фарқларга қарамай, таълим муассасалари ўртасида **таълим муассасаси ва унинг тижорат тузилмасининг амалда фаолият кўрсатиш модели** тузилган. Бу моделда иккита вариант кўзда тутилган: биринчиси – *тижорат тузилмалари таълим муассасасининг бўлинмалари ҳисобланади;* иккинчиси – *тижорат тузилмалари шундай ҳисобланмайди.* Ҳар иккала вариантда таълим муассасалари ва тижорат тузил-

малари ўртасидаги муносабатлар бутун мажмуи аниқ белгиланади.

Ҳозирги кунда олий мактабда кенг қўлланаётган ижара муносабатлари чекланади, бир томондан, таълим муассасалари моддий-техника негизи етарли ривожланмаганлиги, иккинчи томондан, мавжуд мулккий муносабатлар ва амалдаги қонунчилик ҳужжатлари билан. Қонун ҳужжатларида таълим муассасалари фақат мустақил тадбиркорлик фаолияти натижа-сида сотиб олинган мулкни тасарруф этади.

Бу ҳолатни ўзгартириш таълим муассасалари ижарани ривожлантириш ҳуқуқини олсагина мумкин бўлади, бунинг учун, аввало, уларнинг мулккий ҳуқуқи кенгайтирилиши керак. Бунинг учун таълим муассасалари ўз оператив бошқарувига бериб қўйилган мулкдан мустақил фойдаланибгина қолмай, балки, уларни мустақил тасарруф этиши лозим. Шунда таълим муассасалари ҳақиқий хўжайинликни ҳис этади ва бу уларга юқори даражада ташаббус кўрсатишга, мулкдан энг самарали фойдаланиш йўлини топиш, унинг масъулиятини сезиларли даражада ошириш имконини беради.

Ташқи иқтисодий фаолият олий мактабни молиялашнинг муҳим манбаи ҳисобланади. Халқаро алоқаларни қаттиқ марказлашган бошқарувидан тўла мустақилликка ўтилиши таълим муассасаларининг халқаро алоқалари фаоллашувига олиб келди. Бунинг объекти эса таълим жараёни, тадқиқотлар олиб бориш фаолияти, информация хизмати кўрсатиш ҳисобланади. Бу илмий-техникавий шартномалар, республика таълим муассасалари билан чет эл таълим муассасалари ва фирмалар ўртасида ўзаро фойдали тадбиркорлик битимларининг тузилиши кўпайишига олиб келади.

Чет эл мамлакатлари учун мутахассислар тайёрлаш бюджетдан ташқари тушумларнинг муҳим манбаидан бири ҳисобланади (давлат йўли билан республика таълим муассасаларида таълим олаётган ва таълимни тугатаётган талаба ҳамда аспирантлар бундан истисно, янги қабул фақат тўлов асосида бўлади). Шу муносабат билан чет эллик таълим олувчиларни тайёрлаш қанчага тушишлиги белгиланади. Бундаги муаммо чет эл фуқароларини ўқитиш учун олинадиган ҳақнинг энг қуйи миқдорини белгилашдан иборат бўлади. Албатта чет эллик мутахассисларни ўқитишнинг ягона қийматини маъмурий жиҳатдан белгилаш мумкин эмас, чунки, турли таълим муассасалари яратадиган шароитлар, ўз сифатига кўра турличадир,

лекин бари бир улар тўпланган тажрибаларни ҳисобга олган ҳолда белгиланади ва уйғунлаштиради. Тўлов масалалари таълим муассасаси берадиган диплом сифати, унинг халқаро ташкилотлар, ишбилармонлар доираси, жамоатчилик, таълим муассасалари халқаро аккредитацияси томонидан тан олиниши билан боғлиқ.

Таълим муассасасининг чет элдан техника ва ускуналар сотиб олиши ҳам уйғунлаштирилади, чунки, улгуржи сотиб олиш нархни анча паст бўлишини таъминлайди. Эркин халқаро фаолият таълим муассасаларига зарур ускуналарни сотиб олиш учун, шунингдек, ўқув жараёнини ташкил этишни такомиллаштириш учун чет эл капиталидан фойдаланишга имкон беради. Бундан ташқари ташқи иқтисодий фаолият натижасида олинган валюта маблағи таълим муассасаларига кенг халқаро алоқаларни йўлга қўйиш, чет элда ўтказиладиган конференцияларда қатнашиш, талабаларга республикадан ташқарида тажриба орттириш имконини беради, яъни, умуман Ўзбекистон олий мактаби ва фанининг жаҳон таълим тизимига уйғунлашувиغا қўмаклашади.

Хўжалик шартномалари тузиш йўли билан саноат ташкилотлари ва илмий-тадқиқот муассасалари билан илмий-техникавий ҳамкорлик таълим муассасаларини молиялашнинг бюджетдан ташқари молиялашнинг анъанавий ва муҳим манбаларидан биридир.

Бюджетдан ташқари молиялашни кенгайтириш ва такомиллаштириш, олий мактабда тижорат фаолиятини ривожлантириш ишлаб чиқариш билан уйғунлашишнинг турли шакллари билан фойдаланиш билан боғлиқ. Бунда раҳбарлар ҳамда мутахассислар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш бўйича фаолиятни ташкил этиш алоҳида аҳамият касб этади (келажакда ҳам шундай бўлиб қолади). Бу ўз навбатида меҳнат ва таълим хизмати бозоридаги вазиятни жиддий ўрганиш, маркетинг фаолияти олиб боришни талаб қилади, зеро шундагина мутахассис тайёрлаш ва қайта тайёрлашдаги ўзгаришларга тезкорлик билан мослашиш мумкин бўлади. Олий мактаб ишлаб чиқариш, фан ва техниканинг барча соҳасида кучли интеллектуал негиз ва мутахассис ходимларга эга, шунинг учун бюджетдан ташқари молиялашнинг қўшимча манбаларини жалб этиш таълим муассасаларининг фаоллиги ҳисобланади, чунки бугунги кунда сусткашлик қилиш бозор рақобати шароитида келгусидаги ютуқдан маҳрум этиши мумкин ва бу исталган таълим

муассасасига — анча фаол рақобатчига ўринни бериб қўйиш дегани бўлади. Талабалар, аспирантлар ва ўқитувчиларни бюджетдан ташқари молиялаш манбаини излашга жалб этиш бўйича ишларга кенг тортиш бу фаоллик кўринишларидан бири ҳисобланади. Юқорида айтилганлардан ташқари, **пулли таълим хизмати, ноширлик фаолияти ва бошқалар** молиялашни бюджетдан ташқари анъанавий манбалари ҳисобланади.

Шундай қилиб, таълим муассасасининг қўшимча бюджетдан ташқари молиялашни жалб этиш фаолиятининг асосий йўналишлари қуйидагиларни ўз ичига олади:

– *давлат таълим программалари ва стандартлари доирасидаги таълим хизмати* (мулкнинг турли ҳуқуқий-ташкилий шаклидаги корхона, ташкилот ва муассасалар билан шартнома бўйича мутахассислар тайёрлаш, контракт асосида чет эллик ўқувчиларни тайёрлаш);

– *қўшимча таълим программалари, махсус курслари ва тайёрлов туркумлари; кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлашнинг турли шакллари; тайёрлов курслари; консултация хизмати* (давлат программалари ва стандартлари доирасида);

– *илмий-тадқиқот ва тажриба-ишлаб чиқариш хизмати* (турли хил корхона ва ташкилотлар билан биргаликдаги фаолият, ортиқча илмий жиҳозларни сотиш);

– *тадбиркорлик фаолияти* (ижара, харидоргир жиҳозлар, товарларни сотиш, воситачилик хизмати, бошқа муассасалар фаолиятида ҳиссадор бўлиб қатнашиш, акциялар, облигациялар, бошқа қимматбаҳо қоғозлар сотиб олиш ва улардан даромад қилиш, фойда келтирувчи бошқа операциялар);

– *ташқиқ-иқтисодий фаолият* (ишга алоқадор муносабатлар, биргаликдаги илмий фаолият);

– *ноширлик фаолияти;*

– *информация ва хўжалик фаолияти* (кутубxonанинг ксеронусхалаш, адабиётларни танлаш хизмати, китобни йўқотганлик ва узоқ фойдаланганлик боқимандаси; ўқитувчилар, ходимлар, талабаларнинг турли хил хўжалик хизмати кўрсатиши; таълим муассасаси турар жой фонди ва ётоқхоналаридан хизмат кўрсатиш);

– *корхона, муассаса ва ташкилотларнинг хайрия бадаллари, шунингдек хайрия асосида чинакам июлиявий ва моддий ёрдам кўрсатиш билан шуғулланувчи ҳомийлик кенгашлари, битирувчилар уюшмаси* ва бошқа жамоат ташкилотларининг хайрия жамғармалари.

Бироқ, фаолиятнинг турли кўринишларини кенгайтириш, молиялашнинг кўшимча манбалариди жалб этиш бўйича барча чораларни амалга ошириб, таълим муассасалари ҳаддан ташқари тижоратга берилиб кетишлари мумкин эмас, чунки олий мактаб жамиятнинг муҳим ижтимоий институти, унинг интеллектуал ва маънавий салоҳиятини шакллантиради. Шунга кўра тижоратлашиш йўналиши ва кўлами фақат шу ҳолда ўзини оқлаши мумкин, агар булар уставда белгиланган фаолиятга зид келмаса ва қайта ихтисослашувга олиб келмаса.

Талабалар мустақил ишлаши учун савол ва топшириқлар

1. Таълим муассасаларининг тижорат фаолияти асосий мақсадини тавсифланг.
2. Шартнома бўйича таълим муассасаси мутахассис тайёрлаши учун тўловни ҳисоблашда эътиборга олинувчи асосий унсурларни айтиб беринг.
3. Бюджетдан ташқари маблағларни жалб этишнинг қандай шакллари биласиз? Сизнинг назарингизда нима эътиборни ўзига кўпроқ жалб этади: а) таълим муассасаси учун; б) талаба учун; в) давлат учун? Хулосангизни далилланг.
4. Бюджетдан ташқари молиялашда тижорат тузилмаларининг аҳамияти қандай?
5. Бюджетдан ташқари маблағни жалб этишда таълим муассасаси талабаси сифатида сиз ўз ўрнингизни нимада деб биласиз? Тўловнинг қандай ҳажми сиз учун энг мақбул кўринади? Нега? Ишончли далиллар келтиринг.
6. Таълим муассасангиз аҳолига пулли юридик хизмат кўрсатиш имконига эгами? Реклама тадбирини сиз қандай ташкил этишингизни сўзлаб беринг. Сизнинг хизматингиздан фойдаланишни истовчилар энг кўп миқдорини жалб этиш учун нималарга эътиборни қаратасиз? Инвесторларни нима билан жалб этасиз?

2.2. Таълим муассасаларини бюджетдан ташқари фаолиятини бошқариш

Ўзбекистон сиёсий ва иқтисодий мустақилликка эришгач, ўзининг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан, шу жумладан таълим соҳасида, энг самарали ривожланиши учун тадбирлар фаол изланмоқда.

Бу муаммони — барча эриша олишини кенгайтириш таълим сифати ва самарадорлигини оширишни ҳал қилишга таълим муассасалари ўз ҳиссасини қўшмоқда. Бюджетдан ташқари маблағни жалб этиш туфайли таълим муассасаларининг ўқув жараёнини ташкил этиш ва иқтисод соҳасидаги вазифалари мураккаблашди. Шундан таълим муассасаси ресурсларини турли йўналишлар ва бюджетдан ташқари фаолият турлари ҳамда таркибий бўлинмалар ўртасида хизмат кўрсатиш ҳажмини ошириш мақсадида тақсимлаш ва таълим муассасасининг таълим ҳамда илмий функцияси бир бутунлигини сақлаган ҳолда фойдани кейинчалик қайта инвестициялаш зарурати юзага келди.

Давлат ўқув юрти фаолият кўрсатишини улар хизматининг буюртмачиси ҳисобланган субъектлар учлиги амалга оширади:

- *давлат*;
- корхона, муассаса ёки ташкилот (юридик шахслар);
- *фуқаролар* (жисмоний шахслар).

Ресурс усули, хусусан, молиявий усул таълим муассасасининг бюджетдан ташқари фаолиятини бошқаришнинг муҳим усули ҳисобланади. Давлат таълим муассасалари ресурслари ташкиллашуви меҳнат ва моддий ресурслардан юзага келади. Агар янада кенгроқ ёндашиладиган бўлса, яна ресурс имкониятини информацион ташкил этувчи ва ресурсларнинг бошқа турларини айтиш мумкин. Булар муайян маънода иккиламчидир, чунки, оқибатда булар, бари бир, ходимлар меҳнати ёки улар фаолиятининг моддий атрибути сифатида намоён бўлади. Шу муносабат билан номоддий деб аталмиш активларни, уларнинг таркибидаги интеллектуал мулкни фарқлаш зарур. Хусусан, ишлаб чиқариш омили сифатида таълим муассасаси ходимларининг тадбиркорлик қобилиятини ҳисобга олиш талаб этилади. **Ресурслар моддий қисмида** молиявий ресурслар, биринчи галда бюджетдан ташқари фаолият муҳим ўрин тутади, чунки, улар бюджет ресурсларидан фарқли ўлароқ эркин, боғлиқмас ҳисобланади.

Ўқув-илмий-ишлаб чиқариш мажмуаси сифатидаги таълим муассасалари ресурсларининг ўзига хослиги қуйидагилардан иборатдир:

- *номоддий активларнинг сезиларли ва тобора ошиб борувчи аҳамияти*;
- *лаборатория-эксперимент ускуналардан sanoатдаги каби интенсив фойдаланишнинг мумкин эмаслиги, унинг ноёблиги, нархи*

балад ва ликвид эмаслиги, булар таълим муассасаси маҳсулотининг бозордаги рақобатбардўшлигини пасайтиради;

– инсон капитали, яъни илмий-педагог ходимлар нодирлиги, юқори малакаси, бир томондан меҳнат ресурси сифатида нархи юқорилиги, иккинчи томондан талабалардан иборат арзон ишчи кучининг таълим муассасасида мавжудлиги;

– бюджетдан ташқари фаолиятга жалб этиладиган (ҳам меҳнат, ҳам моддий) таълим муассасаси барча тур ресурсларининг чекланганлиги, булар фақат мутлақ бўлибгина қолмай нисбий ҳамдир, чунки, бюджетдан молияланадиган асосан таълим ва илмий жараёнда улардан фойдаланиш устувор ва мажбурий ҳисобланади, бу бюджетдан ташқари фаолиятни ташкил этишни мураккаблаштиради.

Замонавий иқтисод активлар ресурси қуйидаги тушунчасидан фойдаланади: асосий, айланма, моддиймас.

Номоддий активлар — хўжалик фаолиятида узоқ вақт мобайнида фойдаланиладиган ва даромад келтирувчи номоддий объектларга қўйилмалар. Моҳиятига кўра бу ўтказилган тадқиқотлар ва ишланмаларнинг натижалари, хўжалик оборотига жалб этилганлар, баҳо қиймагига эга бўлиб, улар номоддий активга айланади. Бухгалтерия ҳисоб-китоби амалдаги қоидаларига асосан моддиймас активлар таркибида қуйидагилар ҳисобга олинади: ер майдонидан фойдаланиш ҳуқуқи, патентлар, лицензиялар, товар белгилари, ноу-хау, программавий маҳсулотлар, монопол ҳуқуқ ва имтиёз, хусусан, фаолиятнинг лицензия тури ва ҳ.к.

Номоддий активлар таълим иқтисодининг асосий унсурларидан бири ҳисобланади.

Номоддий активларни бошқариш асосий фондларни бошқариш билан қўшилиб кетади. Интеллектуал мулк ва унинг муҳофазаси, патент сотишнинг кенгайиши, ноу-хау ҳақидаги қонунчилик ривожлангани сари номоддий активларнинг аҳамияти ортиб боради. Шунинг таъкидлаш муҳимки, давлат таълим муассасалари тизимида интеллектуал мулкка ҳуқуқ субъекти бўлиб, таълим муассасасининг ўзигина эмас, балки илмий-педагогик ходимларининг бир қисми ҳам ҳисобланади. Бу бюджетдан ташқари фаолият жараёнида таълим муассасасидаги муносабатларни мураккаблаштиради.

Молиявий ресурслар унинг айланма активларининг бир қисми ҳисобланади ва бир томондан, таълим муассасаси фаолият кўрсатиши ва ривожини, иккинчи томондан, бюджетдан ташқари соҳадаги ишлаб чиқариш жараёнининг узлуксизлигини таъминлайди. Умуман, таълим муассасаси **молиявий ресурслари шаклланишининг манбалари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:**

– давлат таълим стандартларини таъминлаш ажратиладиган турли даражадаги бюджет маблағлари, яъни бюджет маблағи; таъсисчи (давлат) пул бадаллари;

– таълим учун тўловлар;

– банклар ва бошқа кредит берувчилар кредити;

– юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий хайриялари ва мақсадли бадаллари.

Таълим муассасаси молиявий тартиб-тузилишига давлат молиявий сиёсати сезиларли таъсир ўтказади. Давлат бошқарув тартибида ҳам бюджетга тўловлар, ҳам бюджетдан молиялаш бирдек муҳимдир. Бюджетга тўловлар таълим муассасаси хусусий молиявий негизини сафарбарлашни тартибга солади ва шу йўл билан унинг тасарруфида қолган хусусий молиявий ресурслар улуши миқдорига таъсир этади. Амалдаги қонунчилик таълим муассасалари тадбиркорлик ва тадбиркорлик бўлмаган фаолиятини солиққа тортишнинг турли тизимини белгилайди, фаолият турли хиллари самарали нисбатига боғлиқ ҳолда молия ресурслари сафарбарлик миқдорини белгилайди, бу таълим муассасаларига фаолиятнинг тадбиркорлик бўлмаган турини, хусусан, пулли тўлов хизмати ва илмий тадқиқот турини ривожлантириш ймконини беради.

Бюджетдан молиялаш умумдавлат ресурсларини жалб этиш ҳисобига таълим муассасаси имкониятларини тартибга солади ва бу билан ҳам сифат, ҳам миқдор кўрсаткичларига таъсир ўтказади. Давлат бюджет ҳисобидан ажратиб олий мактабни молиялашни тўлиқ таъминлай олмагани учун **таълим муассасалари бюджетдан ташқари фаолияти учун солиқ имтиёзлари** белгилайди, шу билан бир вақтда бу фаолиятни рағбатлантиради. Амалдаги қонунчилик билан белгиланадиган солиқ имтиёзлари, бир неча йўналишга эга:

– *бюджет ташкилоти сифатида таълим муассасасини бир қатор тўловлардан, уларнинг бюджетдан ташқари фаолиятдан қатъий назар (ерга ҳақ тўлаш, мулк солиғи ва ҳ.к.дан) озод қилиш;*

- *давлат ва таълим муассасаси учун фаолиятнинг муайян муҳим йўналишига давлат солиқ имтиёзини белгилаш ўқув-тарбия жараёни билан боғлиқ пулли таълим хизмати таълим соҳасидаги хўжалик шартномаси асосидаги илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари ва ҳ.к.);*

Давлат мулкани ижарага беришдан келадиган даромадни қонун айниқса қаттиқ назорат қилади ва бу даромадларни фақат таълим муассасасини таъминлаш ҳамда ўқув-тарбия жараёнини такомиллаштиришни таъминлашга йўналтириш мажбуриятини юклайди.

Бюджетдан ташқари фаолиятни ташкил этишда таълим муассасаси маъмуриятининг вазифаси фаолиятнинг йўналиши ва турларини солиқ имтиёзлари бўйича самарали жамлаш ҳамда таълим муассасаси чекланган (меҳнат, моддий, молиявий ва б.) ресурсларини қайта тақсимлаш, шунингдек таълим муассасасининг таълим ва фан соҳасидаги стратегик режимларидан келиб чиқиб фойдани қайта инвестициялашдан иборатдир.

Бюджетдан ташқари фаолият асосий йўналишлари бўйича ресурсларга бўлган талабнинг тузилиши куйидагилардан далолат беради:

1. Тўлов асосидаги таълим хизматлари, аввало, меҳнат ресурслари (юқори малакали илмий-педагог кадрлар)ни ва моддий ресурслар (ўқув майдонлари ва усқуналари)ни талаб этади. Бошланғич босқичда молиявий ресурсларнинг мавжуд бўлиши шарт эмас, чунки, таълим хизматига ҳақ олдиндан тўланади. Муҳими бошқа вазият — *тегишли таълим хизмати учун лицензия зарурлиги*, яъни таълим муассасасининг ўзига (ходимларига эмас) тааллуқли таълим фаолиятига бўлган мутлақ ҳуқуқ шаклидаги номоддий активлар, бу таълим муассасасига фойдадан тегишли улушни таъминлайди.

2. *Илмий-ишлаб чиқариш фаолияти таълим муассасасида юқори малакали илмий мутахассислар, ишлаб чиқариш майдонлари ва усқуналари, айланма молиявий маблағ бўлишини талаб қилади*, чунки буюртмачи тайёр илмий маҳсулот учун ҳақ тўлайди. Шунитаъкидлаш жоизки, бюджетдан ташқари илмий фаолият, одатда, таълим муассасасига кўп ҳам фойда келтирмайди, сабаби, бозорда рақобат кучли ва ресурслар тузилишига мутаносиб тарзда даромадлар тақсимланади (меҳнат ресурсларининг нархи баланд, бошқа ИТИга бевосита сарфлар ҳам юқори), лекин таълим муассасалари учун у асосий фаолиятни сақлаш учун зарур.

3. Тижорат фаолияти молиявий эркин ресурслар ўзидаги бўш пул маблағининг баъзи бир майдонлар ва ходимлар тадбиркорлик қобилияти бўлишини кўзда тутди. Бу фаолият даромади ҳам тегишлича тақсимланади.

Таълим муассасаси ички тақсимот тартибига икки хил ёндашув мавжуд: *марказлаштирилган ва марказлаштирилмаган тақсимот*, таркибий бўлинмаларнинг фаолиятини таъминлаш ва ривожлантириш мажбуриятлар билан бирга қўшиб олиб борилади. Марказлаштирилмаганликнинг афзаллиги даромад кўп манбадан олинганда ва хизмат кўрсатиш учун тўлов шаклини олганда, молияни бошқариш анча мураккаб ва комплекс, ташқи ўзгаришларга мослашувчан ва адекват тарзда акс таъсир ўтказадиган бўлса яққол кўринади.

Таълим муассасасининг ташкилий тузилиши айти шундай-дир.

Таълим муассасасида мухтор тузилмалар бўлинмалар бўлганда бюджетдан ташқари фаолиятни икки босқичли бошқаруви даромадни тақсимлаш тегишли даражасини белгилайди: таълим муассасаси *марказлаштирилган фонд* ва таркибий бўлинмалар *марказлаштирилмаган фондлар*ни шакллантиради. Иккинчи томондан, молиявий оқимнинг иккита бошқа даражаси (босқич)ни фарқлаш зарур; товарлар ишлаб чиқариш, ишлар бажариш, хизмат кўрсатиш босқичи, бунда таълим муассасаси маҳсулотининг қиймати ва фойдаси, шунингдек тақсимот, фойдани сарфлаш шаклланади. Бюджетдан ташқари фаолиятдан келадиган даромадни тақсимлаш қуйидагича амалга оширилади: таълим муассасаси дастлаб тушган маблағни давлат ва таълим муассасаси ўртасида тақсимлайди, бюджетга турли даражадаги солиқларни йўналтиради ва бюджетдан ташқари фонд (нафақа, ижтимоий суғурта, бандлик фондлари)га солиқ ва тўловлар мажбурий ҳамда таълим муассасаси ҳисоб рақамидан унинг бухгалтерияси марказлаштирилган тарзда амалга оширади. Қолган маблағ таълим муассасасиаро (марказлаштирилган бюджетдан ташқари маблағлар) ва унинг бюджетдан ташқари фаолияти билан банд таркибий бўлимлари (бўлинмалар маблағи) ўртасида тақсимланади. Тақсимлаш нисбати таълим муассасасининг раҳбари томонидан фаолиятга жалб этилган (меҳнат, моддий ва моддиймас) таълим муассасасини сақлаш ва ривожлантириш бўйича бўлинмаларнинг мажбурияти, товар ишлаб чиқариш, ишлар бажариш, хизмат кўрсатиш бўйича таълим муассасаси марказлаштирилган қисми

ҳамда таркибий бўлинмалар аниқ харажатларидан келиб чиқиб тақсимланади.

Таълим муассасасининг ⁷⁷ бюджетдан ташқари маблағини шакллантириш давлат бюджетини шакллантиришга ўхшаш амалга оширилади, яъни, биринчидан, таълим муассасаси таркибига ягона ўқув-илмий ишлаб чиқариш мажмуи (ЯЎИИМ) сифатида кирувчи ташкилот, корхона ва муассасалар даромадларидан «солиқлар» йиғиш ҳисобига, бунда маълум даражада таълим муассасасининг капитали қатнашади; иккинчидан, давлат мулки бўлган таълим муассасаси ва унинг таркибий бўлинмаларининг бюджетдан ташқари даромадларининг марказлаштирилган қисми ҳисобига бўлади. Таълим муассасаси асосий фондига амортизация ажратиш марказлаштирилган қисмини шакллантириш учун иқтисодий асос ҳисобланади, таълим муассасасининг, мулкдор сифатидаги фойдасининг марказлашган улуши (бюджетдан ташқари фаолиятга жалб этиладиган ресурслар), шунингдек, мухтор таркибий бўлинмалар (бухгалтерия, кадрлар бўлими, бюджетдан ташқари бўлим, таъминот бўлими, хўжалик хизмати, коммунал хизмат ва ҳ.к.) бюджетдан ташқари марказлашган хизмат кўрсатиш бўйича таълим муассасасининг накладной харажатлари ҳам иқтисодий асос саналади. ЯЎИИМ ичидаги юридик шахслар ўртасидаги муносабат фақат иқтисодий жиҳатдан ўзаро фойдали шаклланиши, лекин ҳамшиша ҳуқуқий, маъмурий эмас бўлиши лозим. Маъмуриятнинг таълим муассасаси ичидаги иқтисодий фаолияти муносабатнинг ҳар уччала субъектининг манфаатини ҳисобга олиши керак: яъни *давлатнинг* — давлат мулкининг эгаси, пулсиз олий таълимнинг кафолати сифатида; *таълим муассасасининг* — мустақил, ўзига етарли ва ўзини ўзи ривожлантирувчи муассаса (нотижорат ташкилот) сифатида ва таълим муассасаси *ходимларнинг* - ўз эҳтиёжлари ва манфаатларига эга бўлганлар сифатида. Иқтисод тили билан айтилганда давлат бюджетдан ташқари фаолиятдан келган даромаднинг бир қисми таълим муассасаси пулсиз таълимни таъминлашга сарфлашини талаб қилиш ҳуқуқига эга; таълим муассасаси ўзининг марказлаштирилган даромади ҳисобидан сақлаш ва стратегик ривожлантириш учун бюджет тизимини тўлдиришни таъминлашга мажбур, ходимлар эса ўз меҳнатлари учун ўз шахсий эҳтиёжларини қондириш учун етарли миқдорда ҳақ олишлари, шунингдек таълим муассасасида қулай инфратузилма, шу жумладан ижтимоий тузилмага эга бўлиши лозим.

Мулқдорнинг янгича муносабатлари таълим муассасаси ички даромад тақсимооти тартибининг иқтисодий асоси ҳисобланади, чунки ҳар уччала субъект — *давлат*, таълим муассасаси, шахс — муайян, қонунчилик билан мустақамланган меҳнат, моддий ва моддиймас ресурсларга эгалик ҳуқуқига эгадирлар. Масалан, давлат таълим муассасасига оператив фойдаланиш ва маълум мақсадларга кўра бериб қўйилган мулкка эгалик ҳуқуқига эга; таълим муассасаси бюджетдан ташқари фаолиятни ривожлантирган сари алоҳида балансда ўз мулкни жамғаради, таълим муассасасининг ходимлари эса ўз меҳнати ва интеллектуал мулкнинг эгаси ҳуқуқига эга ҳисобланади, бундан ташқари ўзи иштирокида яратилган таълим муассасаси мулкига меҳнат жамоасининг аъзоси сифатида маълум муносабатда бўлади.

Бюджетдан ташқари фаолият жараёнида мулкка бу муносабатлар мажмуи (бу, асосан, илмий-ишлаб чиқариш фаолияти ва таълим хизматининг бир қисми) таълим муассасасидаги мулккий муносабатларнинг иккинчи ва учинчи даражасига таллуқлидир. Бу муносабатлар анча мураккаб ва таркибий бўлинмалар ҳамда мухтор бўлинмалар учун нақладной харажатлари, марказлаштирилган фондга фойдадан ажратмаларнинг миқдорини ҳисобга олишни талаб этади. Бу тўловлар мажмуи ишлар ва хизматлар ҳажмини оширишга рағбатлантиради, мухтор бўлинмалар иқтисодий иш шароити ташкилотлар — ЯЎИИМ таркибидаги юридик шахсларникидан қулайроқдир.

Таълим муассасасининг хўжалик шартномаси асосидаги хизмат ва тажриба-конструкторлик ишлари бўйича нақладной харажатлари иш ҳажми ўсишига мутаносиб *ўзгарувчан* ва шартли равишда *доимийга* (амалда иш ҳажми ўзгаришига боғлиқ бўлмаган) ажралади, масалан, амортизация ажратмалари, хоналарни сақлаш ва ҳ.к.

Бу вазият таълим муассасаси маъмуриятига жуда бўлмаганда хўжалик шартномаси асосидаги ИТТКИ ҳажми ўсишига кўра мухтор таркибий бўлинмалар учун нақладной харажатларини камайтириш (аммо таълим муассасасининг амалдаги сарфларидан паст бўлмаган миқдорга) имконини беради. Таълим муассасаси таркибий бўлинмалари ўз маблағи ҳисобидан сотиб олган ускуналар қийматининг ошиши ҳам мазкур бўлинмалар учун нақладной сарфларини камайтиради.

Мана шу маблағ ҳисобидан илмий асбоб-ускуналар сотиб олинадиган хўжалик ҳисобидаги ишлар бўйича сарфлар ҳам

қўшимча рағбатлантиришни талаб қилади. Булар шартнома ту-
гагач, таълим муассасаси балёнсида қолади, бунини муайян
хўжалик шартномаси асосидаги ИТТКИ бўйича накладной ха-
ражатлари ставкасини белгилашда ҳисобга олиш зарур.

Марказлаштирилган фондга даромаддан ажратмаларнинг
ҳажми таълим муассасаси маъмурияти ва таркибий бўлинмалар
раҳбарлари ҳисоб-китоблари ва битимларининг моҳияти бўлади.
Агар бўлинма бу фондани таълим муассасаси стратегиясини
ҳисобга олган ҳолда бўлинмага қайта инвестиция қилса, албатта
уни тўлиқ ҳажмдан марказлаштиришдан маъно йўқ. Таълим му-
ассасасига таркибий бўлинмалар тўловлари мажмуининг қуйи че-
гараси таълим муассасасининг бюджетдан ташқари фаолияти жа-
раёнидаги сарфларидан кам бўлмаслиги керак, юқори чегараси
эса таълим муассасасининг товарлар, ишлар, хизматлар бозорида-
ги рақобати билан чекланади, чунки уларнинг нарҳини кўтаради.
Тўловлар энг самарали ҳажмини белгилаш — раҳбарият санъати.

Ҳамон бюджетдан ташқари маблағ давлат таълим муассаса-
ларини молиялаш манбаларидан бири экан, таълим муассасаси
қирим ва чиқимларини режалаштириш бу маблағларни ҳисобга
олмай мумкин эмас. Ўз навбатида бюджетдан ташқари маб-
лағни сарфлаш йўналишини белгилаш таълим муассасаси бюд-
жет маблағлари ҳақидаги маълумотсиз мумкин эмас. Таълим
муассасасининг бюджети етарли эмас, бундан ташқари,
сарфлаш эркинлиги чекланган. Улар давлат томонидан фақат
таълим муассасаси ходимларига иш ҳақи тўлашга
йўналтирилади, талабаларга стипендия берилади, таълим муас-
сасасининг асосий чиқимларини қоплашга, коммунал хизмат-
лар (иссиқлик, сув, электр-энергия, алоқа ва ҳ.к.ларга), сар-
фланади, яъни таълим муассасаси ривожига имкон бермай ана
шу маблағлар ҳисобига ижтимоий вазифани бажаради.
Бошқача айтганда бюджетдаги пуллар «банд» ҳисобланади.
Стратегик ривожланиш режасини амалга ошириш учун асосий
манба бўлиб, бюджетдан ташқари «банд» бўлмаган (эркин)
маблағлар ҳисобланади, чунки, улар таълим муассасасининг
хусусий маблағи бошқарилиши икки босқичли тузилмасига
кўра давлат таълим муассасалари учун бюджет тизими энг са-
марали ҳисобланади, у таълим муассасаси (марказлашган қисм,
биринчи босқич) ва унинг мухтор таркибий бўлинмалари (мар-
казлаштирилмаган қисм бюджетлари мажмуидан иборат
бўлади.

Таълим муассасасининг бюджет тизимида даромадлар, табиати бўйича (барча даражадаги бюджет маблағлари, бюджетдан ташқари маблағлар), уларнинг манбалари (муайян тузилмавий бўлинма), шунингдек, бюджетдан ташқари йўналишлар ва турлар бўйича тақсимлаш кўзда тутилади. Режалаштирилаётган товарлар, ишлар, хизматлар учун талаб этиладиган ресурсларни ҳисоб-китоб қилиш биргаликда олиб борилади. Шундай қилиб бюджет тизимининг сўл қисми қаерда, қайси бўлинмага, ниманинг ҳисобидан ва қандай ҳажмда даромад қисми шаклланиши кўрсатади. Бюджет тизимининг ўнг қисми моҳиятан таълим муассасасининг фаолият кўрсатишини таъминлаш ва ривожлантириш стратегик режасини акс эттиради, муайян вазифалар, режанинг мақсадли программаси қайси даражада (таълим муассасасининг маркази ёки таркибий бўлинма миқёсида) амалга оширилишини, бунга қанча маблағ ажратилишини кўрсатади. Таълим муассасасининг кириш ва чиқимлари бир хил белгилар *хўжалик ёки ишлаб чиқариш* (масалан, капитал қўйилма, иш ҳақи ва ҳ.к.) ва *мақсадга* (ўқувга, илмий ишларга, ижтимоий программаларга) йўналтирилгани бўйича гуруҳланади.

Таълим муассасаси бюджет тизимини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш қарорлар қабул қилишда *таълим муассасаси ходимларининг амалда иштирок этишини*, ошкоралик ва ҳамфикрликни эътиборга олади, бу таълим муассасаси ресурсларидан фойдаланиш самаралилигини оширади ва даромадни тақсимлашда келишмовчиликларнинг олдини олади. Таълим муассасаси бюджет тизимини режалаштириш жараёнида *таълим муассасасининг боғлиқ бўлмаган бюджетдан ташқари маблағлари* муҳим ўрин тутаяди. Булар давлат таълим муассасаларига молиявий оқимлар аниқ йўналганлигига таъсир этиш имконини беради. Бюджетни режалаштиришнинг бошқа жиҳати бўлиб, фаолият муайян йўналиши бўйича бюджетдан ташқари даромаднинг мақсадли йўналганлигидир. Масалан, ижарадан келадиган даромад тўлиғича маъмурий-хўжалик ишлари бўйича проректор тасарруфига ўтади ва таълим муассасасининг моддий-техника базасини таъминлашга сарфланади; хўжалик шартномаси асосидаги ИТТКИдан келадиган марказлаштирилган даромадлар қисми эса илмий ишлар бўйича проректор тасарруфига тушади ва мақсадли программаларга сарфланади.

Таълим муассасаси стратегик режасини молиявий таъминлаш, яъни ҳаракатлар ва қарорлар мажмуи таълим муассасаси бюджет тизимини (кириш ва чиқимлар ягона рўйхатини) ишлаб

чиқишдаги асосий масала ҳисобланади. Булар ўз мақсад, вазифаларини ишлаб чиқишга олиб келади. **Стратегик режалаштириш**, аввало, таълим муассасаси келажагини олдиндан кўра билиш, ташқи муҳитга мослашиш, таълим муассасасининг ички ташкилий томонидир. Қисқа муддатли тадбирларга йўналтириладиган ресурсларни ёки стратегик режани амалга оширишни белгилар экан, таълим муассасасининг бюджет тизимида ҳар қандай ҳолатда ҳам қўйидагилар кўзда тутилади:

– *молиялаш манбаларини ошириш ва ривожлантириш (диверсификация);*

– *мавжуд ресурслардан янада самарали фойдаланиш, жорий харажатлар тузилишини такомиллаштириш;*

– *ресурсларни ҳам қисқа муддатли, сердаромад, ҳам узоқ муддатли стратегик программаларга инвестиция қилиш;*

– *таълим муассасаси харажатларини уларни қисқартириш ва ресурсларни тежаш ҳисобиغا қисқартириш;*

– *самаралиликни баҳолашда ташқи омиллардан фойдаланиш.*

Бозор иқтисоди шароитларида таълим муассасалари учун молияни маҳорат билан бошқариш — молия менежменти тобора юқори аҳамият касб этмоқда. Бюджетдан ташқари маблағ йўналиши ҳақидаги стратегик қарор, асосан қайта инвестициялаш, яъни моддий-техника негизини жадал ривожлантириш ва олий таълим истиқболли йўналиши бўйича илмий-педагогик ходимларни тайёрлаш қарори таълим муассасасида бозор талаб этадиган бир қатор ихтисосликларни очиш имконини беради, бу ўз навбатида таълим муассасаси даромадини оширади.

Бозор иқтисодига ўтишда таълим муассасаси ресурсларини бошқариш — мураккаб вазифа, у таълим муассасаси активларини баҳолаш кўрсаткич ва тамойилларини ишлаб чиқишни, уларни инвентаризациялашни, моддий-техникавий негиз ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлишни, таълим муассасаси ресурсларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш устидан назоратни талаб этади. Давлат солиқ сиёсатини ҳисобга олиб, бюджетдан ташқари фаолият йўналишлари ва турлари мажмуини бошқариб ва улар бўйича таълим муассасасининг чекланган ресурсини самарали тақсимлаб, шунингдек, ўсишни рағбатлантиришни, иш ҳажмини, марказлаштирилган фондга ички тўловларни белгилаб таълим муассасаси ўзини ривожлантиришнинг танлаган стратегиясига мувофиқ кейинчалик қайта инвестициялаш учун максимум фойдага эга бўлади.

Талаба мустақил ишлаши учун савол ва топшириқлар

1. Давлат таълим муассасаларини молиялашни ким амалга оширади?

2. Таълим муассасалари ресурслари (активлари)нинг ўзига хос жиҳатлари нимада?

3. «Моддиймас активлар» нима деганини тушунтиринг.

4. Таълим муассасаси молия ресурсларининг шаклланиш маблағини айтиб беринг.

5. Давлат таълим муассасаси молия тузилишига таъсир кўрсатадими? Агар «ҳа» деб жавоб берсангиз, унда бу таъсирнинг ижобий ва салбий томонларини айтинг. Бу масаладаги давлат аралашувини инкор этсангиз, ўз жавобингизни далилланг.

6. Таълим муассасаси бюджет фаолиятини бошқариш икки босқичли тизими ҳақида нима биласиз? Таълим муассасаси бюджетдан ташқари даромади тақсимланишини ким бошқаради? Боғли бўлмаган бюджетдан ташқари маблағлар молия оқими йўналганлигига қандай таъсир этади? «Молиявий менежмент» тушунчасини тавсифлаб беринг.

2.3. Таълим кредитлари

Демократик ва бозор ўзгаришларига жавоб берадиган Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш модели миллий хўжалик барча соҳаларини, шу жумладан олий таълимни самарали молиялашнинг аниқ тартибларини талаб этади.

Ҳозирги пайтда республикада олий таълимни молиялашнинг кўп вариантли (бюджетдан ва бюджетдан ташқари) тизими муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда, олий таълим муассасаларининг ўзини-ўзи молиялаш ривожланмоқда, хусусий, шу жумладан чет эл инвестициясини жалб этиш рағбатлантирилмоқда, пулли таълим, тадбиркорлик, ишлаб чиқариш, консалтинг, экспертлик, илмий, ноширлик фаолияти ҳисобига ўқув юрти даромадини ошириш таъминланмоқда, донорлар ва ҳомийларнинг олий таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимини моддий қўллаб-қувватлашининг аҳамияти ошмоқда. Республика фуқаролари учун кейинчалик қайтаришнинг мослашувчан тизимига эга таълим кредитларини бериш тартибининг шаклланиши таълимни молиялаш тизимини такомиллаштиришнинг муҳим жиҳати ҳисобланади.

Кўпчилик чет эл мамлакатларида аввал олий таълим олиш имконияти берилди, сўнг кредитлар, тегишли шартларда тўланади. Албатта, жаҳоннинг етакчи мамлакатларининг банк тизимини ҳозирги Ўзбекистон билан таққослаб бўлмайди, лекин, айрим тарзларни «бизнинг шароитга» мослашуви мумкинлиги мавжуд. Шу маънода турли давлатларнинг тажрибасини ҳар бир мавжуд вариантдаги ижобий ва салбий томонларни аниқлаш мақсадида ўрганиш мақсадга мувофиқ ва ўтказилган таҳлил асосида Ўзбекистонда халқаро амалиётда мавжуд тажрибани таълим муассасалари молиялаш-кредитлаш тартиби самарали қўлланишга эришиш муаммоларини ҳал этишда фойдаланиш имкониятлари ва йўллари тўғрисида хулосалар чиқариш фойдадан ҳоли эмас.

Ҳозирги пайтда дунёда таълим кредити беришнинг турли программаларидан фойдаланилмоқда. Масалан, Буюк Британияда қундузги бўлимда ўқиётган талабалар турмуш кечириши учун сарфларни қопловчи ссудалардан фойдаланилади. Шундай кредит олиш имкони мамлакатда доимий яшовчи талабаларга, уларнинг молиявий аҳволи, ота-онасининг молиявий аҳволдан қатъий назар, берилди. Кредит олиш ва уни тўлаш тизими шу мақсадлар учун махсус тузилган таълим бўйича комиссия тасарруфидадир. Агар талаба шундай кредит олмоқчи бўлса, олий таълим маъмурияти юқорида тилга олинган комиссияга мурожаат этган талаба ҳақиқатдан ҳам ишдан ажралган ҳолда барча машғулотларда тўлиқ қатнашишини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этади. Кредитни қайтариш таълим муассасасини тугатгандан сўнг тўққиз ой ўтгач ойма-ой, бир миқдорда, инфляцияни ҳисобга олган ҳолда, аммо фоизларсиз, бошланади. Агар битирувчининг иш ҳақи мамлакат бўйича ўртача миқдорнинг 85%ни ташкил этса, кредит шартномасининг чегаравий муддати (5 йил) узайтирилиши мумкин.

Германияда талабалар адабиётлар, овқатланиш ва турар жой (ётоқ) учун ҳақ тўлайдилар. Бундай мақсадлар учун улар федерал бюджетдан (15%) ва ер (маҳаллий) бюджетдан (85%) молиялаштириладиган стипендия ёки фоизсиз заём олишлари мумкин.

Бир қатор мамлакатларда фақат таълим учун ҳақ субсидияланади. Олий маълумотга эга шахслар тўловларни даромад солиғига қўшимча 2,3 ёки 4% миқдорда (миқдор ўқув юртини битирганнинг даромадига боғлиқ) амалга оширади. Бундай ҳолда давлат юқори даромадга эга талабалардан олий таълимга ажратган маблағни қоплаш учун сезиларли даражада маблағ олади, даромади кам ёки ишсиз юрган таълим муассасасини битирганлардан унча кўп бўлмаган маблағ олади ёки умуман ҳеч нима ололмайди. Шундай қилиб, олий мактабга маблағ

қўйишда риск минималлаштирилади. Ана шундай солиққа ўқиган-у, аммо таълимни тугатмаганлар ҳам тортилади. Бу вариант талабаларни кредитлашнинг бошқа усулларидан баъзи афзалликларга эга. Ижобий томонлари қуйидагилардан иборат:

– олий маълумот олган ва шундай маълумотга эга бўлмаган шахслар ўртасидаги ижтимоий адолат сақланади, булар ўз даромадидан олий мактабни қўллаб-қувватлаш учун маълум миқдорда маблағ ажратадилар;

– давлат олий таълимга сарфлаган маблағ қайтмаслик rischi пасаяди;

– маъмурий-хўжалик сарфлари қисқаради;

– минтақавий таъсир эсиҳати бўлмайди, яъни таълим муассасасини битирган турар жойини ўзгартириши мумкин, лекин бу берилган кредит бўйича зарур тўловларни ундиришда ҳеч бир қийинчиликларни тугдирмайди.

Баъзи мамлакатларда ҳам таълим, ҳам яшаш харажатларини қопловчи таълим кредитлари берилади.

АҚШда, масалан, талабаларни кредитлаш учун мўлжалланган ресурслар ҳажмида кўпроқ улушни федерал ҳукумат олий таълимга ажратадиган маблағ ташкил этади. Мазкур маблағ таълим муассасалари жорий харажатларини қоплаш манбаи бўлиб хизмат қилмайди, балки танлов асосида грант ва контрактлар воситасида тақсимланади. Федерал ҳукумат талабаларга ёрдам кўрсатишнинг бешта асосий программасини амалга оширади. Хусусан, кафолатланган грантлар диплом таълимини олаётган ва оиласи кам даромадли талабаларга берилади. Гарчи маблағ олий таълим муассасалари томонидан тақсимланса-да, талабаларнинг бу тур стипендия олиш ҳуқуқи пулга бўлган талабнинг умуммиллий тизими негизида белгиланади.

Кўшимча грантлар таълим муассасаларига фақат диплом таълимидаги талабалар учун берилади ва кафолатланган ҳисобланмайди.

«Иш-ўқув» программаси талабаларга ишга жойлашиш имкони беради. Талабалар давлат ёки хусусий фойда келтирмайдиган ташкилотларда ишлайдилар, уларнинг фаолияти аҳоли манфаатлари йўлида, ўзлари ўқиётган бино ичида амалга оширилади. Паркинс заёми деб аталувчи программа диплом таълимидаги ва диплом олгандан кейинги таълимдаги талабаларга молиявий ёрдам кўрсатиш мақсадида 5%ли заём беришни кўзда тутди. Стаффорд заёми (биринчи тўрт йил давомида қайтариш миқдори 8% га, қолган вақтда эса 10% ташкил этади) талабаларга банклар, кредит ташкилотлари ёки омонат ассоциациялар томонидан олий таълим олишга ёрдам кўрсатиш мақсадида берилади.

Баъзи университетлар талабаларга ўзларининг фондларидан ёрдам кўрсатадилар ёки мазкур ўқув юрти собиқ талабаларининг, шунингдек ўқитувчилари ва ходимларининг болалари учун чегирма қиладилар. Кўпгина олий таълим муассасалари, агар битта оиладан таълим муассасаларида бир вақтнинг ўзида бир нечта киши ўқиса, белгиланган тўловни қисқартирадилар (чегирма қиладилар).

Таълим кредитларини ташкил қилиш бўйича программани амалга ошириши билан баъзи мамлакатларда мустақил давлат муассасалари, бошқа бирларида тижорат банклари шуғулланади. Айрим давлатларда талабалар ссудаси сифатида берилган маблағ давлат бюджетига мавжуд ҳукумат ташкилотлари (масалан, солиқ идоралари) томонидан (қўшимча тузилмаларсиз) давлат бюджетига қайтарилади. Кейинги икки вариантдаги кредит жараёнини бошқарувчи ташкилот энг самарали ҳисобланади, чунки бу ташкилотларга мазкур жиҳозлар фаолият кўрсатиши билан боғлиқ қўшимча маъмурий чиқимларсиз бошқарувнинг юқори даражаси ҳосилдир.

Таълим кредитлари беришда фоиз сиёсати эътиборга моликдир. Асосан бу узоқ муддатли қарз ссудалар бўлиб, шуларга асосан фоизларнинг қайд этилган тўловлари амалга оширилади. Уларнинг асосий ўзига хосликлари шундаки, уларнинг ҳажми бозор фоиз ставкасига боғлиқлигида ва ссуда муддати узоқлигидадир. Шундай қилиб, мазкур ссудалар юқори ва кам таъминланган талабалар учун бирдек маъқулдир. Фоиз тўловлари ва ссудани қайтариш талаба иш ҳақининг даражасига боғлиқ. Таълимга ҳақ тўлашнинг бошқа усули — унинг чинакам қийматини тўлаш.

Кўриб ўтилаётган мисолларда барча таълим кредитлари 13 дан 93% гача субсидияланади, бу мазкур ссуда бўйича ставка фоизи бозорниқидан паст белгиланганининг оқибати ҳисобланади. Бундан ташқари, кредит берувчиларнинг йўқотишлари ва давлат харажатлари фоизларни тўлашдан бош тортишлик ёки бошқа сабабларга кўра тўлов тўхтаб қолишligидан ошиб кетади. Ривожланган мамлакатларда бундай муаммо кучли намоён бўлмайди ва сезиларли даражадаги маъмурий чиқимларни талаб этмайди.

Шундай программаларни ташкил этишда амалда барча мамлакатлар қийинчиликка дуч келади. Бу таълим кредитини қайтаришдаги салбий ҳолатларнинг объективлиги билан боғлиқдир. Булар қуйидагича:

- инсон капиталига қўйилмалар мавҳумотдир;
- таълимни тугата олмаслик эҳтимоли борлиги туфайли қўйилмалар risks мавжуд;

– таълим муассасасини тугатгандан сўнг маош даражаси юқори бўлмаслиги оқибатида, ссудалар бўйича фоизнинг олишлик мумкин бўлмай қолиши ёки қийинлиги;

– тўлов муддатининг узоқлиги;

– таълим кредитларини жойлаштириш билан шуғулланувчи ҳам тижорат банклари учун, ҳам давлат ташкилотлари учун ссудалар бўйича хизмат кўрсатишнинг қимматга тушишлиги;

– юқорида қайд этилган барча жиҳатлар талабаларни кредитлашнинг самарали эканлигига шубҳа туғдиради, чунки, кўп ҳолларда чиқимларнинг бир қисми қайтмайди (ссудаларни тиклаш кредит миқдорининг 27 дан 67%и атрофида бўлади).

Республикамиздаги тижорат банкларининг яқин келажакда сезиларли даражада талабаларни кредитлаш амалиётини жорий этиш бир қатор ўзига хос муаммоларни ҳал этиш билан боғлиқ. Аввало, бу бандларда тегишли кредит ресурсларнинг мавжудлиги, яъни 10-20 йил муддатли депозитлар борлиги. Уларнинг мавжудлиги барқарор иқтисодий вазиятда, инфляция даражаси пастлигида ва шу муддатга маблағ кўйиши учун фойдали шароитдагина мумкиндир (яъни депозитлар бўйича фоиз инфляция даражасидан юқори бўлиши лозим. Ўзбекистон иқтисодини барқарорлаштириш тижорат банкларига кредит операцияларини амалга ошириш имконини беради, лекин чет эл тажрибаси саноқли банкларгина ресурсларини шунга жалб қилишлари мумкинлигини кўрсатади, чунки, пул маблағини кўйишнинг кўпгина йўналишларига эга тижорат банклари самараси аниқ белгиланган, пул маблағини қайтариш эҳтимоли юқори лойиҳаларни кредитлашни маъқул кўрадилар.

Талабаларни кредитлаш иқтисодий самаралилигини кўп ҳолларда ҳисоблаш амалда мумкин эмас. Бундан ташқари, билим пул маблағи кўйиш объекти сифатида, ажралмас ҳисобланади, демак, уларга мулк эгаси ҳуқуқини бериб бўлмайди. Мазкур омиллар мажмуи таълим кредити бериш жараёнини риски юқори банк операциялари даражасига кўтаради. Шунга кўра тижорат банклари ишончли кафолатсиз бундай хизмат кўрсатишга журъат этавермайдилар.

Бундай ҳолатда (ҳалқаро тажриба кўрсатишига) давлат кафолат берувчи ҳисобланади. Ушбу жараёнда давлатнинг қатнашиши мақсадга мувофиқлиги сезиларли даражада пул маблағи кўймаган ҳолда жамият таълим даражасини оширишга таълим кредити беришга олиб келишидан иборатдир. Бу имконият кредит жараёнининг моҳиятини ташкил этади ва у шундан иборатки, зарур миқдордаги пул маблағи тижорат банклари томонидан берилади, қарзни тўлаш бўйича сарфларни эса

жисмоний шахслар, яъни олий таълим олувчилар, ёхуд юридик шахслар (мазкур мутахассисларни ишга таклиф этишни хоҳловчилар) ўз зиммасига олади. Банк билан кредит шартномаси тузиб, қарз олувчилар ўз мажбуриятлари бўйича жавобгарликка эътиборлар. Агар у тўловга қобил бўлмаса, унинг мажбуриятлари бўйича жавобгарлик давлатга ўтади. Мана шундай вазиятлардагина давлат муайян чиқимлар қилади. Аммо давлат берадиган қафолат, чекланган бўлиши лозим, яъни давлат кўрсатилган фоизларни ҳисобга олмаган ҳолда қарзнинг бошланғич миқдоринигина қайтариш бўйича масъулиятни ўз зиммасига олиши керак. Бу кредит риси миқёсини маълум даражада тақсимлаш заруратидан келиб чиқади. Бундан ташқари давлат банклар доирасини белгилаш лозим, булар талабаларга кредит бериш билан шуғулланади, чунки, қафолат бергандан сўнг кредит жараёни сифатли амалга ошишига ишонч бўлиши шарт. Мазкур ҳолатни ҳисобга олиб, ушбу тадбир ўзига хослиги ва қалтис эканидан келиб чиқиб таълим кредити берувчи банклар учун маълум солиқ имтиёзлари жорий этилиши мумкин.

Талабаларни кредитлашни ташкил этишнинг икки варианты бўлиши мумкин: биринчиси, кундузги бўлим талабаларини кредитлаш учун кўпроқ тўғри келади; иккинчиси, иккинчи олий маълумот олишни хоҳловчилар учун ҳамда магистрлик даражасида таълим оладиганлар учун.

Биринчи вариант шундан иборатки, мижоз банк билан кредит шартномаси тузади, унга биноан банк мижозга таълим муддатига мувофиқ келувчи вақт учун зарур маблағни бериш мажбуриятини ўз зиммасига олади. Ўз навбатида қарз олувчи кредит шартномасида белгиланади, аниқ муддатларда (ҳар ойда, ҳар уч ойда, ҳар йили) фоизларни тўлаш мажбуриятини олади, буни шартнома амал қиладиган бутун давр мобайнида амалга оширади. Мазкур кредитлаш узоқ муддатлигига кўра, ссуздан фойдаланганлик учун ундириладиган анча юқори фоизлар белгилайди, лекин, мазкур жараёни ташкил этиш аҳамиятини эътиборга олиб, қалқиб юрувчи муайян кўрсаткичга боғлиқ бўлган фоиз ставкасидан фойдаланиши мумкин. Масалан, Марказий банк қайта молиялаштириш ставкасидан ортмаган ҳолда таълим кредитини тижорат банкларидан олиш мумкин. Таълим муассасасини тугатгандан сўнг муайян вақт ўтгач (масалан, олти ой) қарздор ёш мутахассиснинг иш ҳақи даражасини ҳисобга олувчи тарз бўйича асосий маблағни тўлашни амалга ошириш мажбуриятини ўз зиммасига олади ва тўланадиган миқдор олинадиган иш ҳақи умумий миқдорининг маълум улушига тенг бўлиши керак. Бу шарт шу билан боғлиқки,

тўланадиган миқдорнинг иш ҳақи миқдорига боғлиқ бўлмаслиги, шундай ҳолга олиб келадигани, бунда қайд этилган ҳар ойлик тўлов катта улушни ташкил қилади, ҳатто эндигина иш бошлаган ёш мутахассиснинг шахсий даромадини «еб» қўйиши мумкин. Кейинчалик, уларнинг молиявий имконияти ошганда, улар даромадидаги бу тўловлар пасаяди, пасайганда ҳам кескин пасаяди.

Талабаларга кредит берар экан банк қарз олувчи фоиз тўловларини келишилган муддатларда амалга оширишига ишонч ҳосил қилиши лозим. Агар қарз олувчи талаба бўлса, бунда фоизлар мустақил тўланиши мумкин. Демак, мижоз банкка ёки ўзининг шахсий (ўз меҳнат фаолиятдан келадиган) даромади ҳақида ёки оиласи (ота-онаси)нинг васий ёки учинчи шахс даромади ҳақида маълумот тақдим этиши лозим.

Аниқ ҳужжатларга асосан қарз олувчи томонидан фоизлар тўлови сифатида қайтарилган аниқ миқдор ҳисоб-китоб қилинади. Бунда, албатта тўланаётган миқдор тўловчи ўзининг ёки уни оиласининг молиявий аҳволини кескин ёмонлаштирмайдиган даражада бўлиши назарда тутилади. Демак, кредит бўлими ходимлари мазкур вариант бўйича талаб этилаётган миқдорни бера олишлик имконияти хусусида хулоса чиқариши мумкин. Қўйилаётган маблағни қайтаришни фақат шахсий мол-мулк ёки учинчи шахс кафолатига таъминлайди. Кредитлар талабаларга ўртача, юқори даражада таъминланган оилаларнинг кўчмас мулклари, банклардаги жамғармалари ва ҳ.к.ларни гаровга қўйиш йўли билан ҳам берилиши мумкин.

Ҳар бир ўқув йили учун алоҳида кредитлаш учун шартнома тузиш ҳам кредит рискин пасайтиради. Чунки бунда кредитлаш олдинги семестр натижаларига асосан амалга оширилади. Бундай ҳолда ўртача баҳолаш олдиндан келишиб олинади, уни талаба имтиҳон натижаларига кўра олади. Бундай вазият талабани юқори баҳо олишга рағбатлантиради, демак, билим даражаси ҳам ошади, натижада, банк талаба малакали мутахассис бўлиши кафолатига эга бўлади. Бу кейинчалик, унинг даромадига таъсир этади ҳамда қарзни имкони ошади.

Иккинчи вариант шундан иборатки. Кредит шартномасига кўра қарз олувчи таълим бугун муддати мобайнига фоизлар тўлашдан озод бўлади. Натижада қарз умумий миқдорининг ошиши юз береди. Бундай усулда талабаларни кредитлашнинг амалга оширилиши сезиларли даражадаги риск билан боғли, устига устак ссуда муддати қанча катта бўлса, риск даражаси ҳам шунча юқори бўлади. Фоиз тўловларининг йўқлиги буни юзага келтурувчи асосий омил бўлади. Демак, банк аввалги вариантдагидан кўра ссуда

юқори фоиз ставкаси белгилайди, шунингдек анча ишончли ваколат талаб этади, хуллас, ушбу вариант бўйича қисқа муддатга аниқ шартнома тузишга эришилади. Бу, биринчи галда, иккинчи олий маълумот олишни истовчи шахслар ёки малака оширувчилар учун мумкиндир. Бундай пайтда банк учун кредитлаш ва даромад келиш муддати мос келиши, мижоз учун ссуда капиталлашуви натижасида оладиган қарзларининг мажмуининг ҳажми ижобий ҳал бўлади.

Баъзи ҳолларда банк ходимларининг олий таълим олиш билан боғлиқ лойиҳага пул маблағи қўйишнинг самаралилигини белгилай олишлари вазиятни юмшатовчи омил ҳисобланади. Агар мижоз малакасини оширгандан сўнг оладиган янги маошининг аниқ миқдори маълум бўлса, бу мумкиндир.

Иқтисодий самаралилик миқдори ижобий бўлса, мазкур лойиҳага қўйилманинг мақсадга мувофиқлиги шубҳа туғдирмайди, чунки мижоз ўз молиявий аҳволини ёмонлаштирмай, малакасини оширгани туфайли иш ҳақи ўзгаришига кўра қарзни қайтариш имконига эга бўлади. Агар иқтисодий самаралилик миқдори салбий бўлса, бунда мижоз таклиф этилган муддатда ўз даромадини пасайтирмай банкка қарзларини тўлай олмайди. Бундай ҳолатда банк ё ссуда беришдан бош тартади, ё қарзни тўлаш муддатини чўзиш имконини кўриб чиқади.

Чет эл амалиётида таълим муассасалари кўпинча кредит бозорининг қатнашчиси бўлади. Таълим муассасаси ва тижорат банкининг ўзаро ҳамкорлиги, бир томондан, бюджетдан молиялаш йўқлиги туфайли бюджет кредити тарзида пул маблағини жалб этиш билан боғлиқ. Иккинчи томондан, таълим муассасалари кўювчи сифатида ҳаракат қилади. Таълим муассасаси тўлов асосида талабалар қабул қилишдан сезиларли даражада маблағга эга бўлади. Бу маблағ кириш имтиҳонлари даври мобайнида жамғарилади. Шундай қилиб, сезиларли миқдордаги маблағга эга бўлиб, таълим муассасаси унинг бир қисмидан муайян вақт оралиғида фойдалана олмайди. Бу ҳол банкнинг етарлича қизиқарли мижоз сифатида унга эътибор қилишга олиб келади, лекин, ўз навбатида бу таълим муассасаси учун ҳам фойдали, чунки у қўйган маблағи эвазига фоиз сифатида бирмунча қўшимча даромад эгасига айланади. Нотижорат ташкилоти бўлган таълим муассасаси ўзини қандайдир рискка юзма-юз қилмаслиги керак. Мана шу омилга кўра таълим муассасаси ўз маблағини тўлиғича давлат қимматли қоғозларига алмаштириши лозим, булар қўйилган маблағ юқори даражада ишончилигини таъминлайди ва бир қадар даромад келтиради.

Таълим муассасаси бундай фаолиятни бизнинг мамлакатимизда ҳам амалга оширса бўлади.

Шундай қилиб, таълим кредитлари бериш бўйича программани жорий қилиш, мақсадга мувофиқлик ва заруратни эътироф этиш, бир томондан олий таълимнинг ҳамма учун бирдек эканлигини сақлаб туриш, залворни мазкур жараёнда қатнашаётган барча манфаатдорлар ўртасида тақсимлаш билан боғлиқ.

Республикамизда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»ни амалга оширишда сиёсий азму қарорнинг мавжудлиги — давлатнинг «келажак авлодга инвестициянинг даромадлилигининг» кафолати. Шунинг учун таълим кредитлари беришнинг самарали усулини ишлаб чиқиш ва жорий этиш жараёни фуқаролар олий маълумот олиши ва олий мактабнинг ўзини мустақамлаш имконини сезиларли кенгайтиришига ишонил мумкин.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш, ёшларнинг таълим олиши учун янада кенг имкониятлар яратиш, олий маълумот олаётган фуқароларни ижтимоий муҳофаза қилишни кучайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси 2001 йил 26 июлда «Таълим муассасаларида тўлов-контракт асосида ўқиш учун таълим кредитлари бериш тўғрисида»ги қарорини қабул қилди¹.

Ўзини назорат қилиш учун савол ва топшириқлар

1. Бюджетдан ва бюджетдан ташқари молиялаш тизимлари ўртасидаги фарқни тушунтиринг. Таълим муассасангизни бюджетдан ташқари молиялаш тўғрисида нима биласиз? Сиз нима деб ўйлайсиз, уни кенгайтириш имкони бўлса, ниманинг ҳисобига? Жавобингизни далилланг.

2. Таълим кредитлари беришнинг қандай программаларини биласиз? Улардан қайси бири сизнинг назарингизда энг мақбули ҳисобланади? Нега?

3. Чет элда талабаларни кредитлашни ташкил этишнинг биринчи варианты ҳақида нималарни биласиз? Бу вариантлардан қайси бири сизга кўпроқ маъқул келади? Нима учун?

4. Республикамиз учун, сизнинг фикрингизча, қайси вариант афзал? Ишончли далиллар келтиринг.

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мазкур Қарори билан муаллифнинг «Экономические основы государственной политики высшего образования в Республике Узбекистан» мавзунда РФ М. В. Ломоносов номидаги Москва давлат университетида 2001 йил 27 июнда ҳимоя қилган докторлик диссертациясида асосланган таълим кредитлари бериш тўғрисидаги фикрлари ўз тасдиғини топди. Қаранг: Автореферат док. дис. Москва, 2001, 37-38- бет.

3-боб. ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА МАРКЕТИНГ

3.1. Маркетинг таълим муассасалари бозор фаолиятининг фалсафаси сифатида: вазифалар, воситалар, башоратлаш усуллари

Маркетинг — бюджетдан ташқари маблағни жалб этиш бўйича фаолиятнинг муҳим йўналишларидан бири. Маркетингда ҳам бошқа амалий фанлардаги, иқтисодий фаолият соҳасидаги сингари кўпинча одатдаги тушунишда «икир-чикир» ҳисобланувчи омиллар ҳал қилувчи аҳамият касб этадиган тўлақонлилик, аниқ унсурлар муҳим ўрин тутлади.

Маркетинг — бозор фаолияти фалсафаси ва шу билан бир вақтда ҳаракат учун дастуруламал.

«Маркетинг» тушунчасининг мазмуни кенг кўламда инсонлар, ташкилотлар, умуман жамиятнинг мунтазам ўзгариб турувчи эҳтиёжлари алмашилиши асосида таъминловчи шакл ва усуллар мажмуини қамраб олади. Маркетинг қуйидагиларни қамраб олади:

- бозорга алоқадор бўлган инсон фаолиятининг моҳияти, тамойиллари, усуллари ва вазифаларини;
- бозор турлари, бозор воситалари, таклиф ва талабни;
- маркетинг фаолияти стратегия ва тактикасини;
- режалаштириш — маркетинг режаси ва унинг турлари маркетингдаги дастурий-мақсадли усулларни;
- товар — товар тушунчаси, товар турлари, товарнинг мавжуд бўлиш цикли, товарнинг сифати, рақобатбардошлиги, товар турини тартибга солиш, сервисни;
- товарнинг ҳаракатланиши ва сотиш, товар ҳаракатланиш йўллари, товар ҳаракатини бошқариш, товар сотилишини ташкил этиш;
- нарх, нархнинг ҳосил бўлиши — маркетинг фаолиятидаги нархни, нархни ҳисоблаш усуллари, нарх ҳосил бўлиши масалалари, нарх сиёсатини;
- талабнинг шаклланиши ва сотувни рағбатлантириш (ТШСР), реклама ва унинг вазифасини, реклама турлари,

кўргазма ва аукционларни, реклама тадбирларини режалаштириш, реклама бюджетини;

– маркетинг фаолиятини ташкил этиш – ташкил этиш та-
мойиллари ва ташкилий тузилмаларни;

– маркетингни бошқариш ва назорат қилиш – бошқариш
ва назорат тушунчаси, бошқарув ва назорат тури, вазиятли
таҳлил, маркетинг тафтиши ва б.

Маркетинг тизимидаги башоратлаш бозорни ҳар томонлама
ўрганишнинг асосий ва яқунловчи босқичи, унинг асосий на-
тижалари иқтисодий программа асосини ташкил этади.

Республикадаги олий таълим тизимида белгиланган ислохотлар
жамиятимиз олдига кенг кўламдаги масалаларни қўйди. Гарчи
«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»ни бажариш учун давлат бюд-
жетдан ўтиш даврида ажратилган қўшимча чиқимлар 135 млрд
сўмни ташкил этган бўлса, бу Ўзбекистон Республикасининг Пре-
зиденти И. А. Каримов таъкидлаганидек «Келажакда ҳам
иқтисодий, ҳам сиёсий, ҳам маънавий нуқтан назардан ушбу маса-
лаларни бажариш туфайли биз оладиган фойда бўлиб, у сўзсиз ҳар
қандай сарф-харажатларни оқлайди».

Республикада юз бераётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар
шароитида меҳнат бозорини шакллантиришда мутахассисларни
тайёрлаш, ишга жойлаштириш ва бандликлари жараёнини дав-
лат бошқаруви алоҳида аҳамият касб этади.

Бу муаммоларни бажариш мутахассисларга бўлган талабни
истикбол дастурини яратиш туфайли, ишлаб чиқариш талабла-
рини ҳисобга олиб «буюртмалар портфели»нинг шаклланган-
лиги, бу талабнинг талабаларни таълим муассасалари, мин-
тақалар, ихтисосликлар бўйича қабул миқдорий кўрсаткичлар
билан мутаносиблиги иқтисодни давлат бошқаруви тизими би-
лан маркетинг хизмати ишлари қўшилиб кетганлиги иқтисод
турли тармоқлари бўйича олий ва ўрта махсус маълумотли му-
тахассислар тайёрлашда асосий нисбатларни ишлаб чиқиш ту-
файли таъминланади.

**Истикбол дастури мутахассисларга бўлган талабни
иқтисодни унинг турли тармоқлари бўйича аниқ аҳволи ва ис-
тиқболи асосида аниқлайди ва шакллантиради. Ахборотни мун-
тазам қабул қилиш ва қайта ишлаш, иқтисоддаги тузилмавий
ўзгаришларга сезгирлик билан муносабатда бўлиш ва шу асосда
таълим фаолияти ҳамда унинг келгусида ривожланишини башо-
ратлаш бўйича бошқарув қарорларини асослаш негизида белги-
лаш унинг вазифаси ҳисобланади.**

Бозор иқтисоди шароитларида мутахассисларни иш билан таъминлаш таълимни ислоҳ қилиш жараёни ривожини кузатиб бориш, миллий ва чет эл таълим тизимини қиёсий таҳлил этиш йўли билан амалга оширилади.

Муаммони ҳал этиш ижтимоий-иқтисодий соҳадаги стратегик мақсадларга эришиш даражасини мунтазам кузатиш, республика иқтисодини қисқа муддатли, ўрта муддатли ва узоқ муддатли *башорат* (прогноزلаш асосида асосий йўналишларини олдиндан белгилаш билан боғлиқдир.

«Башорат» тушунчаси кенг маънода бўлиб, баъзилар «*башоратлар — келажакни белгилаш*» деса, бошқа бировлар «*башорат — объект ривожини тўғрисидаги илмий фараз*» деса, учинчи бировлар эса «*башорат — объектнинг келгусидаги аҳволининг тавсифи*» ёки «*башорат — ривожланиш истиқболини баҳолаш*» дейишади. Хуллас, дунёда башоратлаш усулининг кўплаб талқини мажуд, улар юздан ортиқ.

Башоратлаш учун келажак ҳақида эҳтимолий тавсифда мулоҳазалаш хосдир. У ҳодиса содир бўлиши эҳтимоли даражасини белгилашда ёхуд қабул қилиниши мумкин бўлган қарор асосида ҳаракат қилиш кўламини белгилашда, ёхуд ривожланиш варианты ёки муқобилини топилганда намоён бўлади.

Башоратлаш ва режалаштириш орасидаги ички боғлиқлик ва ўзаро алоқадорликни ва улар фарқини аниқлаш муҳимдир. Башоратлашнинг илмий-аналитик тавсифи унинг режалаштиришдан функционал фарқини белгилайди. Башоратлашнинг вазифаси — *бўлиши мумкин* дейиш. Режалаштиришнинг вазифаси эса *барча мумкинлар орасидан бўлиши керакни танлашдир*. Башоратнинг режадан тубдан биринчи фарқи шунда.

Башоратлаш объектлари ва истиқболли режалаштириш кўпинча бир-бирига режалаштириш ва башоратлаш уфқлари туташгандек мос тушади.

Илмий башоратларни муҳокама қилиш иқтисодни ривожлантириш режаларини ишлаб чиқиш билан қўшиб олиб борилиши лозим. Бунда башоратнинг бошланғичлик, режалаштириш муқаддимаси эканлиги кўринади.

Иккинчи ўзига хослиги — башоратлашнинг режалаштиришдан кўра «илдамроқлик» тавсифи.

Режалаштириш фармойиш кучига эга. Режа — давлат қонуни. Башоратлаш тавсиявий аналитик функцияни бажаради, бунда башоратнинг режадан учинчи фарқи намоён бўлади.

Режа бир талқинли, башорат эса кўп талқинга эга, унга эҳтимоллик моҳияти мансуб. Башоратнинг режадан тўртинчи туб фарқи ана шу.

Башоратлаш ва режалаштириш усулларига кўра ҳам жиддий фарқланади. Башоратларни ишлаб чиқиш учун ўзига хос усуллар қўлланади. Улар кўпининг асосида эҳтимолий, экстра кутбли, баҳолаш, эвристик (назарий тадқиқот ва ҳақиқатни излаш мантикий тутум, усулий қоидаларининг мажмуи), стохастик (тасодикий ёки эҳтимолий жараён) ва ҳ.к. ғоялар ётади. Булар аниқ кўрсаткичлар аниқлиги, белгиланганлиги, уларнинг мутаносиб боғлиқлиги, тўғридан тўғри техникавий-иқтисодий ҳисоб-китобларни талаб этадиган режани тузиш босқичида қўлланмайди. Бу — башоратлашни режалаштиришдан бешинчи сезиларли фарқи.

Башорат функцияси: *ҳодисаларни, йўналишларни таҳлил қилиш; уларни баҳолаш ва муқобил вариантларни белгилаш.* Иқтисодий башоратлаш режалашдан ўзига хос бир қатор кескин фарқ этадиган жиҳатларга эга бўлган иқтисоднинг ривожланиш мужассама тизими доирасида амалга ошириладиган ривожланиш илмий фараз (гипотеза)ни ишлаб чиқишдан иборатдир. Олдиндан кўра билинадиган келажак аввало бугун бир қарорга келиш учун керакдир.

Молиявий башорат — молияни бошқаришнинг илмий имконияти. Башоратларни муддатларга кўра умумқабул қилинган таснифи мавжуд ва у қуйидагиларни ўз ичига олади: 5 йилгача бўлган муддатни ўз ичига олган қисқа муддатли башорат; 10 йилгача бўлган ўрта муддатли башорат; 10 йилдан кўп муддатга бўлган узоқ муддатли башорат. Шу билан бирга узоқ муддатли башоратлар икки тоифага бўлинади — 10 йилдан 20 йилгача ва 20 йилдан 50 йил ҳамда бундан ортиқ муддатли.

Муваффақиятли башоратлаш ва у ёки бу усулни танлаш сезиларли тарзда боғлиқдир, дейди австриялик олим Эрих Янг (у дунёдаги башоратлаш тажрибасини танқидий тадқиқ этади). Шуниси ажабланарлики, юксак даражада ихтисослашган башоратлаш институтлари ҳам деярли башоратлашнинг мураккаб усулини қўлламайдилар, гап усулнинг тўғрилигида эмас, балки ғоянинг тўғрилигида деб ҳисоблайдилар улар. Башоратлаш усуларини қўллаш бўйича башоратчилар орасида ягона нуқтаи назар учрамайди, лекин кўпчилик башоратчилар 5-10 та энг оммавий «ишчи усуллар»дан фойдаланадилар. Улар уч катта гуруҳга бирлашадилар: *эвристик усул, экстраполяция усули ва моделлаш усули.*

Тармоқларга оид башоратларнинг асосий қисмини тадқиқотчилар мана шу усуллар ёрдамида оладилар.

Таълим соҳасида маркетинг тадқиқотларни ўтказиш учун, қуйидагиларни аниқлаш лозим:

- таълим бозоридаги талабни;
- таълим соҳасидаги хизматларнинг аниқ йўналишлари ва уларга бўлган талабни;
- таълим муассасасининг моддий-техникавий, молиявий, касбий негизини;
- ишлаб чиқаришга бўлган мўлжални;
- хизмат ва товарлар нархи, улардан келадиган фойдани баҳолаш;
- бюджетдан ташқари фондни шакллантиришда қатнашувчиларни;
- ҳомийларни.

Булардан ташқари туман, шаҳар, вилоят миқёсида худди шундай хизмат кўрсатадиган мавжуд муассасаларни, иқтисоднинг маҳаллий ўзига хос томонларини, муайян ҳудудда истиқомат қилувчи аҳоли эҳтиёжи (ишловчи оналар, пенсиядорлар ва б.)ни ҳисобга олиш, шунингдек таълим муассасаси ишлаб чиқарадиган ва кўрсатадиган товарларнинг сотув, хизмат ҳажмини белгилаш (башоратлаш) лозим.

Маркетингни муваффақиятли ўтказиш учун қуйидагиларни ўрганиш керак: маҳаллий матбуот, китоблар, проспектлар, каталоглар, башоратланаётган фаолиятга оид журналлар, телекўрсатувлар, реклама материаллар, бошқа ўқув юртлари тажрибаси, шунингдек, бўлажак мижозлар билан суҳбат ўтказиш лозим. Маркетинг хизмат ва маҳсулотларни сотиш ўсишининг муваффақиятини таъминлаш, демак бюджетдан ташқари маблағни жалб этиш ва ундан фойдаланиш масаласини самарали ҳал этиш учун мунтазам фаоллик, ҳаракат қилиш, талабга ўз вақтида муносабат билдиришни талаб этади.

Талаба мустақил ишлаши учун савол ва топшириқлар

1. «Маркетинг» тушунчаси моҳиятини очиб беринг.
2. Таълим муассасангиз таълим хизмати сотишини рағбатлантириш учун маркетинг тадқиқоти ўтказинг. Олиниши лозим деб ҳисоблаган бошланғич маълумотларингизни айтиб беринг, шунингдек, тилга олинган хизматларни истеъмолчига

етказиш бўйича амалга оширадиган муайян ҳаракатларингизни баён этинг.

3. Маркетинг тузимидаги башоратлаш нима? Ўз туманингиздаги таълим хизмати бозорининг ривожланиши тўғрисида башорат тузинг. Бунинг учун сизга қандай маълумот кераклигини белгиланг. Башоратингиз муқобили қандай?

4. Маркетинг усуллари ва маркетинг тадқиқотидаги унинг аҳамиятини айтинг.

3.2. Олий маълумотли мутахассисларга бўлган талабни белгилаш

Аҳоли бандлиги ислохотларни муваффақиятли ўтказиш кўрсаткичларидан бири. Бандлик — фуқароларнинг ижтимоий-фойдали фаолияти. У мамлакатдаги туб ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар, муайян меҳнат бозорининг, таълим хизмати шаклланиши шароитида жамият ривожини билан, жаҳон ҳамжамиятига уйғунлашаётган бозор иқтисодини юқори даражада рақобатбардош кадрларга бўлган эҳтиёжини қондириш билан узвий боғлиқ бўлган давлат стратегик мақсадига айланади. Мустақил давлатимизнинг сиёсати, жамият ривожининг ҳозирги даражаси, унинг маданияти, фан ва техникаси, бозор иқтисодига кириши ва олий таълим олдида турган янги вазифалар фақат сифат жиҳатдан янги мазмун ва таълим технологиясинигина эмас, балки хўжалик юритишнинг замонавий шароитлари тақозосига кўра тарихан шаклланган вазият, республика иқтисодий ривожини динамикасини ҳисобга олиб, бозор иқтисоди қонуниятларига таянувчи мутахассисларни тайёрлаш йўналишлари ҳамда уларга бўлган талабни белгилашга янгича ёндашишни талаб этади.

Мутахассисларни тайёрлаш, ишга жойлаштириш ва бандлик жараёнини бошқариш давлат дастурини яратиш мамлакат миқёсида муҳим аҳамият касб этмоқда, бу — олий таълимда давлат таълим муассасаларига талабалар қабул қилиш режаси халқ хўжалиги тармоқларининг амалдаги талабига мос келиши лозим дегани. Бугунги кунда олий таълим йўналишларидаги мутаносибсизлик 23-35% ни ташкил этади.

Сўнги йилларда олий маълумотли мутахассис билан алмаштирилиши лозим бўлган ўринлар кўпаймоқда, кадрлар тайёрлашга ҳам сифат, ҳам миқдорий жиҳатдан талаб ўзгармоқда. Ишга олувчилар кўп ҳолларда маълумотга тегишли дигломлар-

га эмас, балки кадрлар ишни қай даражада билиши ва касбий тайёргарлиги билан қизиқадилар. Бу дегани, халқ хўжалигининг барча тармоқлари бўйича халқаро даражадаги билимларга талаб пайдо бўлмоқда. Афсуски, баъзи таълим муассасалари меҳнат бозори ва таълим хизматлари бозори талабларига жавоб бера олмайди, бунинг оқибатида мутахассисларнинг бир қисмига қўшма, хусусий, чет эл ва мамлакатдаги бошқа турдаги корхоналарда талаб йўқ. Буларнинг барчаси олий таълим обрўсига путур етказмоқда ва мутахассислар тайёрлаш сифатини кескин оширишни талаб этади. Бу вазиятни ўзгартириш учун, яъни олий маълумотли мутахассислардан самарали фойдаланиш ва давлат маблағларини таълимга мақсадли сарфлашда қуйидагилар алоҳида аҳамият касб этади:

– олий таълимнинг янги ихтисослашуви (магистратура ихтисосликлари ва бакалавриат таълимнинг янги ихтисослашуви (магистратура ихтисосликлари ва бакалавриат таълими йўналишларининг рўйхати) олий маълумотли мутахассислар билан алмаштирилиши лозим бўлган лавозим талабларига мувофиқлигини, яъни мутахассислар тайёрлашнинг мамлакат халқ хўжалигидаги лавозимлар билан мутаносиблигини белгилаш;

– умумий талабга мувофиқ олий маълумотли мутахассислар билан таъминланганлик тармоқ меъёри янги таснифловчисида қабул қилинган таълим йўналишлари соҳасидаги умумий ва қўшимча талабни аниқлаш;

– тармоқлар кенгайиши ва меҳнат мураккаблигини сифат жиҳатдан такомиллаштириш билан боғлиқ мутахассисларга талабни белгилаш;

Бунда, қуйидагилар албатта ҳисобга олинishi лозим:

– турли сабабларга кўра уларнинг сафдан чиқиши (авлодлар алмашуви, табиий қатордан кетиш, кўчиб кетиш, кадрлар қўнимсизлиги ва б.);

– таълим муассасалари, минтақалар, йўналишлар (бакалавриат, магистратура ва олий таълим ҳар бир йўналиши бўйича талабларни таснифловчи, малакавий тавсифлар ва таълим стандартларига мувофиқ ўтказиш;

– олий маълумотли мутахассисларга истиқболдаги талабларни белгилаш бўйича тармоқ методикасини тузиш.

Мутахассисларга бўлган талабнинг ривожланиши иқтисодикки асосий шўъбасида моддий ишлаб чиқаришда, ижтимоий соҳада турли қонуниятга эга.

Моддий ишлаб чиқаришда мутахассисларга бўлган талаб вектори меҳнатни интеллектуаллаштириш умумий жараёни билан белгиланади, бунинг сабаб ва оқибати товар ишлаб чиқаришнинг рақобатбардошлигини мунтазам сақлаб туриш ҳисобланади, шунингдек фан, техника ва юқори технологиянинг энг янги ютуқлари ҳисобига ҳам рақобатбардошлик сақланади, чунки янги технологиялар мутахассисларнинг бево-сита ишлаб чиқариш соҳасидан унинг ташкил этилиши, тайёр-лов, сақлаш ва ривожлантириш соҳасида ўтишга олиб келади.

Ижтимоий соҳада, умуман, сервисда мутахассислар миқдори давлат ижтимоий сиёсати тўлақонли, сервис хизмати-га аҳоли эҳтиёжининг тўловга қобиллиги ошиши асосидаги сервис соҳасидаги фаолият кўламининг ошишига мутаносиб тарзда ошиб боради.

Бакалавр ва магистр даражасига эга олий маълумотли мута-хассисларга бўлган иқтисод тармоқларидаги талабни ҳисоблаш учун қуйидагилар асосий бошланғич информация материалла-ри бўлиб ҳисобланади:

– иқтисод тармоқларида банд бўлган таълим соҳалари бўйича мутахассисларнинг миқдори ва таркиби, уларнинг ўсиб бориши;

– айрим тармоқ ва минтақалар иқтисодидаги ривожланиш ҳамда тузилмавий ўзгаришлар, ходимлар, шу жумладан олий маълумотли мутахассислар бандлиги;

– лавозимларни иқтисод тармоқлари, ишлаб чиқариш тар-моқлари бўйича бакалавр, магистр даражасига эга мутахассис-лар билан алмаштиришга бўлган меъёрий талаблар.

Башоратлаш методологик асосини ташкил этувчи таянчи ёндашишга қуйидагилар асосидаги башоратлаш тааллуқлидир:

- *меъёр ва мезонлар*;
- *иқтисоддаги тузилмавий ўзгаришлар ва бандлик*;
- *техникавий-иқтисодий ўзгаришлар тенденцияси (кўп омил-ли моделлаштириш)*;
- *аналог асосида*.

Меъёр ва мезон асосида мутахассисларга талабни башорат-лаш уларнинг турли кўринишидан фойдаланишга асосланади. Тармоқ хусусияти ва мутахассислар меҳнати тадбиқ этиладиган соҳага боғлиқ тарзда ёхуд қийматларда, ёхуд натурал тарзда ҳисобланадиган ишлаб чиқариш меъёри ёки самаралилик фой-даланилиши мумкин.

Замонавий иқтисод ва ижтимоий тараққиётнинг ўзига хос хусусияти шундаки, кенг хусусийлаштириш, фаол тадбиркорлик, чет эл инвестицияси ривожланмоқда, акциядорлик жамиятлари, ассоциациялар, корпорациялар юзага келмоқда, жамоатчилик бирлашмалари ва ташкилотлари шаклланмоқда, бошқа тузилмавий ўзгаришлар содир бўлмоқда. Булар барчаси мутахассисларга, уларни тайёрлашга, ишга жойлаштиришга ва самарали фойдаланишга, алоҳида талаб қўймоқда, касбий таълимни молиявий ва моддий-техникавий шакллантиришга таъсир этмоқда.

Тузилмавий ўзгаришлар асосида мутахассисларга бўлган талабни башоратлаш мулклар ва хўжалик юритишнинг айрим шакллари устиворлиги ва ривожини ҳисобга олиб, тармоқлар ва минтақалар иқтисодини тузилмавий қайта қуришнинг асосий йўналишлари аниқлаш негизида амалга оширилади. Башоратланаётган 10-15 йиллик даврдаги жиддий йўналишлар бўлиб, қуйидагилар ҳисобланади:

– иқтисоднинг анча муҳим йўналишлари, айниқса, саноатда ишлаб чиқариш ҳажми ўсиш динамикасининг кучайиши;

– бандликда юз бераётган ва кутилаётган тузилмавий катта ўзгаришлар ходимларнинг моддий ишлаб чиқаришнинг анъанавий тармоқларидан бозор инфратузилмаси ва хизмат кўрсатиш соҳасига қайта тақсимланиши;

– хусусийлаштириш ва кичик бизнеснинг ривожланиши ҳисобига хўжалик юритувчи субъектлар сонининг ошиши (бу бизнес, маркетинг, молия ва ҳисоб-китоб соҳасида мутахассисларга талабнинг ошишига олиб келади);

– мудофаа ишлаб чиқаришнинг конверсия қилиниши ва улар негизида фуқаровий ишлаб чиқаришнинг юзага келиши (бу мудофаа соҳасида мутахассисларга бўлган талабни пасайтиради, лекин шу билан бир вақтда янги техника ва такомиллашган технология соҳасида мутахассисларга талабни кучайтиради);

– ишлаб чиқаришни қайта жиҳозлаш (янги технологиялар бўйича мутахассисларга талабни оширади).

Иқтисоднинг барча соҳаларида ишлаб чиқаришнинг жадаллашуви, автоматлаштириш, замонавий алоқа воситалари, микропроцессорлар, компьютерлар, робот техникасидан фойдаланиб бошқариш жараёни билан боғлиқ бозорнинг ривожланиши шароитида, тегишли соҳа мутахассисларига талаб ошмоқда.

Техникавий-иқтисодий кўрсаткичлар ўзгариши асосида башоратлаш (кўп омилли моделлаштириш) кутилаётган тузилмавий ўзгаришлар, демографик омиллар ижтимоий ривожланиш иқтисодининг аҳволи ва ривожланиш истиқболини ўрганиш ҳамда таҳлил асосида амалга оширилади.

Бундай ҳолда башоратлаш модели бир неча блокларни ўз ичига олади:

1) *иқтисод ҳолатини баҳолаш* (бунда бошланғич макроиқтисодий кўрсаткичлардан фойдаланилади). Минтақада, умуман республикада иқтисод ривожини тавсифловчи техникавий-иқтисодий кўрсаткичларни шакллантириш бу блокда ҳал этиладиган асосий вазифа ҳисобланади.

2) *тузилмавий қайта қуриш асосий йўналишларининг таҳлили асосида иқтисодни ривожлантиришда кутилаётган программалар*. Вазифа энг ишончли программани танлашдан иборатдир:

3) *кутилаётган инвестиция ҳажми*. Бу блокда давлат ва маҳаллий бюджетдан ва бошқа молиялаш манбаларидан келиши мумкин бўлган инвестициялар белгиланади;

4) *турли тоифадаги ходимлар бандлиги динамикаси* (ишсизлик ва ишчи кучларни қайта тақсимлаш тартибини ҳисобга олган ҳолда аҳоли бандлиги ҳақидаги маълумотлар асосида шаклланади);

5) *ходимларни бўшатишнинг кутилаётган сони ва таркиби* (масала бўшатилаётган ходимлар сони ва таркиби мониторинги асосида ҳал этилади);

6) *кутилаётган демографик ўзгаришлар*. Демографик тузилиш, меҳнат ресурслари таркиби ва иқтисоддаги қайта қуришдаги ўзгаришларни таҳлил қилиш асосида аниқланади.

Умуман моделлаштириш техникавий-иқтисодий, ижтимоий, демографик ва меъёрий-маълумотнома кўрсаткичлари бўйича информациявий-меъёрий маълумотлар жамланмаси асосида ўтказилади.

Мутахассисларга бўлган талабни баҳолаш аналогия усули билан ўтказилиши мумкин, яъни бошқа давлат фаолиятидаги шундай соҳада шаклланган, талаб кўрсаткичларни қабул қилиш, хусусан чет эл мамлакатларидаги аналог бўйича иқтисоддаги таркибий ўзгаришлар тенденциясини кўп омилли моделлаштиришнинг айрим техникавий-иқтисодий кўрсаткичларини, шунингдек, айрим корхоналар бўйича мутахассисларга талаб баҳоланиши мумкин. Муҳими — мамлакат тўғри танланишида.

Мутахассисларга бўлган талабни башоратлашда юқорида келтирилган барча ёндашишлардан турли тарзда қўшган ҳолда фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Асосийси шундаки, тармоқ (вилоят, минтақа ёки корхона) иқтисодининг самарали варианты ва аниқ аҳволи иложи борича ҳисобга олиниши керак. Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастурда кўзда тутилган таълим хизматига талаб ва тақлифнинг мунтазам мониторинги, моддий ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳалар учун юқори ма-лакали кадрлар етиштириш ва қайта етиштириш — комплекс вазифа бўлиб, у мутахассисларга бўлган талабни ўрганишни тақозо этади:

– республика, вилоят, иқтисод тармоқлари ва ижтимоий инфратузилма, олий таълим йўналишлари (ихтисосликлари) миқёсида;

– малака (бакалаврлар, магистрлар) ва таълим (олий, ОТ-Мни тугатгандан кейинги) даражаси бўйича, тадқиқотнинг куйидаги усулларидан фойдаланиб:

- социологик тадқиқотлар;
- Ўзбекистон республикаси ва чет мамлакатлардаги таълим хизматини қиёсий, таққосий таҳлили, кадрлар тайёрлаш бўйича таълим муассасаларининг имкониятини ўрганиш (тегишли меъёрлар билан боғлиқ таълим йўналишлари ва ихтисосликлари миқдори ва соҳасини);
- техникавий-иқтисодий кўрсаткичлар ва бозор конъюнктураси билан боғланган ҳолда кадрларга бўлган талабни моделлаштириш;
- меъёр ва мезонлар асосида кадрларга бўлган талабни башоратлаш;
- олий таълим ҳолати ва ривожланиши мониторинги тизими ишлаб чиқиш;
- аҳоли бандлигини башоратлаш асосида кадрларга бўлган талабни ўрганиш;
- тегишли маълумот олишга бўлган аҳоли эҳтиёжини қондириш имкониятларини белгилаш;
- моддий ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳаларни кадрларга бўлган эҳтиёжи қонуниятларини айрим-айрим ўрганиш, бу республика иқтисоди барча тармоқларининг олий маълумотли мутахассисларга бўлган эҳтиёжини қондириш имконини беради.

Талаба мустақил ишлаши учун савол ва топшириқлар

1. «Бандлик» тушунчаси мазмунини очиб бериш.
2. Олий маълумотли мутахассисларга бўлган талабни белгилаш учун зарур бўлган асосий кўрсаткичларни айтиб беринг.
3. Мутахассисларга бўлган талабни башоратлаш учун фойдаланиладиган, ўзингизга маълум бўлган методикани айтиб беринг.

3.3. Олий таълим сифатини бошқариш

Ҳозирги пайтда исталган мамлакатдаги аҳвол унинг интеллектуал салоҳияти билан белгиланади, бу тўлиқ равишда таълим сифатига боғлиқдир. Мазкур вазифани бажаришга «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» қаратилган. Аммо таълим сифатини ошириш — бу, биринчи галда — ўқув ва ўқув-лаборатория жиҳозларини, кутубхона жамғармасини янгилаш ўқув юртларини, кутубхона жамғармасини янгилаш, ўқув юртларини глобал информация тармоғи — Интернетга боғлаш. Булар барчаси кўшимча молиявий сарф-харажат, тузилмавий ўзгаришларни давлат бошқаруви, давлатга қарашли бўлган ва бўлмаган ўқув юртларининг ривожланиш динамикаси, узлуксиз таълим ва кадрлар тайёрлашни бошқаришнинг самарали тартибини жорий қилиш, касбий таълим сифатини назорат қилиш тизимини шакллантиришни талаб этади.

Кадрлар тайёрлаш сифатига тааллуқли кўпгина қоидалар, амалда татбиқ этилган, хусусан, таълим бошқарув идораларидан мустақил бўлган касбий таълим сифатини аттестациялаш давлат хизмати ташкил этилди; мамлакат иқтисодий ва ижтимоий ривожига талабларига жавоб берадиган давлат таълим стандартлари жорий этилди; ўқув юрти фаолиятини, профессор-ўқитувчилар педагогик маҳорати, шунингдек, таълим олувчилар билимини рейтинг асосида баҳолаш тизими ўрнатилди; кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилишнинг давлат ва жамоатчилик шакли ривожланмоқда; ўқув юртларини битирувчилар якуний аттестацияси тизими такомиллаштирилмоқда.

Рақобатбардош мутахассислар тайёрлаш ва рақобатбардош хизмат кўрсатишни таъминлаш — касбий таълимнинг асосий мақсади. Ҳозирги кунда қуйидаги масалалар жамиятни ташвишлантирмоқда ва ўз ечимини кутмоқда.

Олий таълимда сифат бошқаруви технологиясини қўллаш умумий модели қандай? Олий таълимни ташкил этиш энг яхши тизимини белгилаш учун сифатни бошқаришнинг саноатда синовдан ўтган усулларини қандай қўллаш керак? Ўқитувчилар ва талабалар ўртасидаги мулоқот жараёнини яхшилаш учун сифатни бошқариш тамойилларини қандай қўллаш лозим?

Ҳозирги пайтда сифатни бошқариш ялпи тизими — Total Quality Management (TQM) мавжуд, унинг конценциясида баён этилган куйидаги фикрларни алоҳида таъкидлаш лозим:

1. TQM — *оммавий ҳаракат*. Бу таълим муассасасининг ҳар бир ходими таълимда юқори даражадаги сифатга эришиши ишида қатнашиши лозим деганидир.

2. *Ҳар бир ходим, ҳар бир кафедра, ҳар бир таълим муассасаси ўзининг «ички ва ташқи буюртмаси ҳамда етказиб берувчисига» эга*. Сифатни бошқариш — «буюртмачи»ни рақобатбардош мутахассислар билан таъминлаш ва рақобатбардош таълим хизмати кўрсатишни англатади.

3. Таълим муассасаси фақат раҳбарият ёки бир неча самарали фаолият кўрсатувчи ходим куч-ғайрати туфайлигина самарали ривожлана олмайди, шунинг учун таълим муассасасининг ҳар бир ходими таълим жараёнини такомиллаштириш ва «буюртмачи» талабини қондиришга жалб этилган бўлиши керак. Барча ходимлар, барча кафедралар, таълим муассасасининг барча бўлимлари, барча таълим муассасалари иккита вазифани — таълим стандартига мувофиқ кундалик ишини ва жараёнини такомиллаштириш ишини бажариши лозим. Меҳнатнинг анъанавий тақсимоти, бир ходим «конвейёр»даги кундалик ишини бажариши, бошқа биттаси эса жараённи такомиллаштириш билан шуғулланиши ҳозирги пайтда кам самаралидир.

4. Ҳар бир битирувчи-мутахассис ва ҳар бир хизмат муайян технологик жараён натижаси ҳисобланади, шунинг учун сифат самарадорлигини ошириш жараёни такомиллаштириш ҳисобланади. Ҳар бир ходим ижодий имконидан шуни жамоавий ташкил этишда энг самарали тарзда фойдаланиши мумкин, демак TQM жамоада ишлай билишни талаб этади.

5. *Мазкур жараёнга ректорни жалб этиш TQM ни жорий этишнинг муваффақиятли стратегиясининг энг муҳим жиҳати ҳисобланади*. Бунинг учун икки омил мавжуд: биринчиси — янги технологияга қизиқиш уйғотиш (бу кўпроқ таълим муассасасидан ташқарида амалга оширилади — семинарларда, бошқа

ректорлар билан мулоқотда, шахсий тажрибада); иккинчиси, анча муҳими — маиший хизмат нархининг ошиши, таълим бозорида рақобатнинг кучайиши, битирувчиларнинг мақсадли тақсимланмаслиги, ходимлар манфаатдорлигининг пасайиши ва б. билан боғлиқ хавф ёки инқироз.

6. *Ташкил этилган таълим муассасасида ТQM ни жорий этиши муваффақиятининг танг омили ҳисобланади.* «Домина» қондасига кўра — ректордан талабагача. Ўзининг, рақобатчиларининг, буюртмачилар ва етказиб берувчиларнинг муваффақияти ва муваффақиятсизлигидан ўрганиш лозим. Таълим муассасаси ходимларини ўқитиш мунтазам ва узлуксиз, турли жараёнлар учун турли вақт оралиғида бўлиши керак. Таълим муассасасида, бу — дарс соати, кун, ҳафта, семестр, йил, беш йил.

7. Жараённинг сифатига, унинг натижасига «буюртмачи»нинг талаблари ҳамиша аён эмас, шунинг учун «харидор»нинг аён бўлмаган. эҳтиёжларини қондиришга интилиш керак. Бунда таълим муассасаси фаолиятининг натижалари давлат таълим стандартларига мос келиши керак.

8. Таълим жараёнини оператив такомиллаштириш заиф жойларни, жараёндаги камчиликларни излаш ва бартараф этишга таяниши, узоқ муддатлиси — янги ғояларнинг тадқиқ этиш, сифат кўрсаткичлари ва раҳбар интуициясини таҳлил этишга таяниши лозим.

9. ТQM қатъий фан эмас. ТQMни жорий этишнинг ягона тўғри усули мавжуд эмас. У ҳар бир таълим муассасасининг маданияти ва ривожланиш тарихига, таълим муассасасида фойдаланиладиган замонавий компьютер технологиялари ривожланиш истиқболига ва имкониятига мос келиши керак.

АҚШ ва **Франция** университетларида сифатли ялпи бошқаришга уч жиҳатдан қаралади:

– таълим муассасасидаги ва уни битиргандан кейинги кадрлар тайёрлаш таълимида, шунингдек, муҳандислик йўналишларида ТQM ни мустақил ўқув фани сифатида ўтиш (кўпгина таълим муассасаларида бу фан муҳандислик ихтисосликларидаги барча талабалар учун мажбурий қилиб қўйилган);

– ТQM қоида ва усулларида фойдаланиб, бошқа фанларни ўқитишни ташкил этиш;

– ТQM ғоялари асосида таълим муассасасининг бошқарувини ташкил этиш. ТQM билан танишиш сифат конценциясининг тўрт йўналиши бўйича сифат тушунчаси эволюциясини кўриб чиқишдан бошланади:

- стандартга мувофиқлик;
- қўллашга мувофиқлик;
- аён бўлмаган эҳтиёжларга мувофиқлик.

Таълим соҳасида сифат концепциясининг барча атрибутлари (аён ёки аён бўлмаган ҳолда) мавжуд бўлади. Республикадаги кўпчилик таълим муассасаларида концепциянинг биринчи талабига риоя қилинади, муҳими — таълим муассасасини тугатувчининг билими давлат таълим стандартларига мос бўлишида. Бу нуқтаи назарда иккита камчилик бор: биринчиси — сохта тасаввур. Бу шундан иборатки, гўё юқори сифат кўрсаткичига қаттиқ назорат, инспекция йўли билан эришиш мумкин эмиш. Ваҳоланки, бундай ҳолда талабаларга таълим берувчилар билан, тайёрлаш сифатини назорат қилувчилар манфаатларининг тўқнаш келиши муқаррар; иккинчиси — таълим бозори эҳтиёжларига эътиборсизлик (стандартлар «харидорлар» талабига улгурмайди).

Ўзбекистонда таълим бозори учун «аён бўлмаган эҳтиёжларга мувофиқлик» концепцияси хосдир, чунки, кўпчилик мутахассис талаб қилувчилар ҳамон мутахассислар сифатига содда талаблар қўймоқда, лекин, умуман, республика олий таълим тизими «қийматларга мувофиқлик»ка таянувчи сифатнинг замонавий концепциясига қаратилган ишончли қадамни қўймоқда.

Умуман олганда TQM қоида ва усулларининг таълим хизмати соҳасига мослашуви фаолиятнинг қуйидаги турларини фарқлаш имконини беради:

1. Сифатни режалаштириш:

– таълим муассасаси маҳсулоти ва хизматига бўлган эҳтиёжни белгилаш (абитуриентлар, талабалар, ўқитувчилар, ота-оналар, тадбиркорлар, корхоналар, минтақа, жамият);

– талаб этувчилар эҳтиёжини аниқлаш;

– маҳсулот ва хизмат тавсифини ишлаб чиқиш;

– режани бажарувчиларга етказиш.

2. Сифат алоқаларини белгилаш:

– ходимлар куч-ғайратини бирлаштириш учун фаолият турларини уйғунлаштириш;

– таълим жараёнини таъминлаш воситаларини ишлаб чиқиш;

– ўқитувчилар жамоасини шакллантириш;

– таълим олувчилар жамоасини шакллантириш;

– таълим жараёнини стандарт тархига мувофиқ ташкил этиш;

– сифат кўрсаткичларини ишлаб чиқиш;

3. Сифатни назорат қилиш:

- сифат ўлчов кўрсаткичларини таъминлаш;
- сифат кўрсаткичларини таҳлил қилишни таъминлаш;
- берилган стандартга мувофиқ жараёни тўғрилаш;
- стандарт жараён тактикаси ва стратегиясини такомиллаштириш учун рағбат.

4. Сифатни яхшилаш:

- жараёни узлуксиз такомиллаштириш учун инфратузилма яратиш;
- таълим жараёнидаги нуқсон асосий сабабини аниқлаш;
- таълим жараёнини яхшилаш бўйича ҳар бир ташаббусни амалга ошириш учун гуруҳ тузиш;
- ишчи гуруҳи мотивини таъминлаш;
- мақсадга эришиш устидан назорат ўрнатиш;
- ишчи гуруҳ узлуксиз таълимини таъминлаш.

Бироқ, шунинг назарда тутиш лозимки, жараёни тактик такомиллаштиришнинг сифати ва технологиясини назорат қилишга зўр бериш ижодият ва «ҳаддан зиёд ташкил этилганлик» ўртасидаги мувозанатни бузиши мумкин, шунинг учун вазиятни ҳис этиш керак ва таълим жараёнига кескин ўзгартишлар киритиш лозим.

Сифатни бошқариш тизими ички контури бўлиб жараён устидан статистик назорат, ўлчаш ва сифат ҳамда жараёни бошқариш кўрсаткичларини стандарт билан қиёслаш ҳисобланади.

Таълим технологиясини оператив такомиллаштириш кичик тизими тактик кичик тизимни бошқаришнинг иккинчи контури ҳисобланади. Агар жараёни тўғрилаш «яроқсиз маҳсулот» чиқаришни бартараф этмаса, TQM тизимида реактив такомиллаштириш тартиби қўлланади, у етти босқичдан иборат бўлади:

- 1) *такомиллаштириш бўйича ишлар мавзуини ишлаб чиқиш;*
- 2) *информация тўплаш ва уни ишлаб чиқиш;*
- 3) *учраётган нуқсонларнинг асосий сабабини аниқлаш;*
- 4) *қарорларни режалаштириш ва таълим жараёнига жорий этиш, яъни аниқланган нуқсон асосий сабабини такрор пайдо бўлиши мумкинлигини бартараф этиш;*
- 5) *янгилик самарасини баҳолаш, яъни қарор қўйилган самарани берганлигини билиш учун сифат кўрсаткичларини назорат қилиш йўли билан ишонч ҳосил қилиш;*

6) *таъбиқ этилган янгиликка стандарт ости жараёни мақомини бериш; яъни аввал мавжуд бўлган жараён бир қисмини янғиси билан алмаштириш;*

7) *навбатдаги муаммони ҳал этишда аниқланган хатоларга йўл қўймаслик мақсадида такомиллаштириш бўйича бажарилган ишлар таҳлилни ўтказиш.*

Таълим сифати соҳасида унинг уч таркибий қисми алоҳида ажратилади:

– *таълим мазмунининг сифати* (билим сифати, топшириқни бажариш усулларининг сифати);

– *таълим ва тарбия усулларининг сифати* (идроклаш фаолиятини ташкил этиш сифати, таълим фаолиятини амалга ошириш устидан назоратнинг сифати, таълим фаолияти натижаларини назорат қилишнинг сифати);

– *шахсий маълумотлилиқ сифати* (билимларни ўзлаштириш сифати, ўқув ва малака сифати, ахлоқий мезонларни ўзлаштириш сифати).

Таълим жараёнининг информациялаш воситаси тузилиши-ни асослаш учун шахс маълумотлилиқ сифати кўрсаткичларини кўриб чиқамиз. Таълим муассасасини тугатувчи қуйидагиларни хоҳлайди (бу ҳақда битирувчилар билан ўтказилган социологик сўров, корхона ва ташкилотларнинг раҳбарлари билан ўтказилган суҳбат, таълим ривожланиши умумий йўналишларининг таҳлили гувоҳлик беради):

– *техника, физика-математика, гуманитар ёки ижтимоий фанлар соҳасида билим олиш;*

– *олган билимни қўллай билиш;*

– *мулоқот ва етакчилиқ, ишбилармонлик малакасига эга бўлиш;*

– *яқини ишга эга бўлиш ва янги ишга мослашиш ўқувига эга бўлиш;*

– *таълимни пулсиз ёки паст даражада ҳақ тўлаб олиш.*

Шу эҳтиёжларга мувофиқ таълим муассасаларида қуйидаги шахснинг маълумотлилиқ сифат кўрсаткичлари кўп босқичли тархи қабул қилинган:

– *ўқув фанларидан билимни баҳолаш;*

– *системавий лаёқатлилиқ даражаси* (системаларни тўғрилаш ва яқшилашни билиш, мониторинг олиб боришни билиш ва фаолиятни тўғрилай олиш, ижтимоий, органик ва техникавий системаларнинг ўзаро алоқадорлигини тушуниш);

-- *лаёқатлилик даражаси ва ресурсларни тақсимлаш* (вақт, пул, материал, кўлам, ходимларни тақсимлай билиш);

- *технологик лаёқат даражаси* (жиҳозлар ва ускуналарни танлаш, техникавий хизмат кўрсатиш ва диагностикани амалга ошириш (аниқ вазифаларни бажариш учун технологияни татбиқ этишни билиш);

- *информация билан ишлашдаги лаёқат даражаси* (билимни эгаллаш ва баҳолашни, компьютер системасидан фойдаланишни, файлни ташкил этиш ва сақлаш, информацияни талқин этиш ва беришни билиш);

- *таянч малакасини баҳолаш* (ёзиш, ўқиш, сўзлаш ва эшитишни билиш);

- *шахс сифатларини баҳолаш* (шахсий масъулият, ўз-ўзини бошқара билиш, ҳамсуҳбат бўла олиш, ўз-ўзини ҳурмат қилиш);

- *фикрлаш малакасини баҳолаш* (ижодий фикрлашни, бир қарорга келишни, олдиндан кўра билишни, ўқиб-ўрганишни билиш);

- *фикрий мулоқот малакасини баҳолаш* (гуруҳда ишлашни, бошқаларни ўқитишни, музокаралар олиб боришни, етакчилик қилишни билиш).

Сифат ҳар бир компоненти учун икки миқдорий ўлчовдан фойдаланилади: 0 дан 5 гача оралиқда ва класс кўрсаткичи (рейтинг)ни баҳолаш. Маълумки, ҳеч бир ўқув фани сифатни бутун кўлами билан қамраб ололмайди. Ҳар бир ўқув фани, ҳар бир модул, ҳар бир лаборатория иши ёки иш ўйини сифат кўрсаткичларининг фақат бир қисмига эришишгагина қаратилган бўлади. Шунинг учун тегишли ўқув модулини тuzувчи шу модул билан ишлашда ҳосил қилиниши мумкин бўлган сифат компонентларини, сифат кўрсаткичларини ҳисоблаш усуллари (белгиланиши) режалаштириши лозим. TQM га ўтиш педагог-талаба муносабатида туб ўзгаришларни талаб этади. Масалан, талаба талабгор сифатида ўзига нисбатан педагогдан қуйидагиларни кутади:

- *ўзига ҳурмат билан муносабатда бўлишни;*

- *соф виждонлилик ва ўзига тенг кўришни;*

- *курс программаси ва режасини, имтиҳон талабларини, рейтинг жадвалини ўзига тақдим этилишини;*

- *машғулотларни мунтазам ўтказишни, ўтилмай қолганлар ўрнини тўлатишни;*

- *қўлай жадвал тузишни;*

- имтиҳон ва уй ишларини тезда қайтаришни;
- янги материаллар билан таъминлашни, мунтазам курсни такомиллаштириш ва унинг мақсад ва вазифасини тушунтиришни;
- талабаларга қизиқиш билан муносабатда бўлишни;
- машғулотларни ўз вақтида бошлаш ва тугатишни.

Иккинчи томондан, педагог талабадан қуйидагиларни кутади:

- ўзига ҳурматда бўлишни;
- ишларни тартибли тарзда топширишни;
- машғулотларга қолдирмай қатнашишни;
- машғулотга тайёрланиб келишни;
- машғулот давомида мунозараларда фаол қатнашиши;
- курснинг бошқа фанлар билан боғлиқлигини англаган ҳолда дарсга қизиқиш билан муносабатда бўлишни;
- курсни яхшилаш учун маслаҳат беришни;
- ўз ишини такомиллаштиришни;
- аниқлаш.

Ўқитувчи-талаба иккинчи ўзаро талабаларининг барча айтиб ўтилган компонентлари берилсагина бу муносабатлар сифат кўрсаткичларига мос келиши ҳақида гапириш мумкин бўлади.

Сифат концепциясини сифатни ялпи бошқариш тамойил ва тартибларини жорий этиш кадрлар тайёрлаш сифати устидан давлат ва жамоатчилик назорати тизими доирасида таълим тизими учун юқори даражада кадрлар тайёрлашни, таълим хизмати бозоридаги танловда рақобат муҳитини яратиш имконини беради.

Ўзини назорат қилиш учун савол ва топшириқлар

1. Таълим муассасалари тузилмавий ўзгариши ва ривожланиши динамикасини бошқарувчи асосий ҳужжатни айтиб беринг.
2. Олий таълимнинг асосий мақсадини очиб беринг.
3. TQM тизими асосий қондасини баён қилинг.
4. Сифат концепцияси бўйича «Шахс маълумотлилиги сифати» тушунчаси нимани англатади? Сифатнинг ҳар бир компоненти миқдорий қандай ўлчанади?
5. TQM га биноан педагог-талаба муносабати қандай юзага келади? Факультетингиздаги вазиятни TQM нуқтаи назаридан таҳлил қилинг. Бир, иккита ҳамкасбингиз сифатига баҳо беринг ва ўз хоҳишингизга кўра ўқитувчилардан бири рейтингини белгиланг.

4-БОБ. ТАЪЛИМ МУАССАСАСИНИНГ БЮДЖЕТИ

4.1. Асосий қондалар.

Таълим муассасаси — бюджет ташкилоти

Давлат таълим муассасаси бюджет ташкилотидир. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда олий маълумотли мутахассислар етиштиришни амалга ошириш учун ташкил этилади. Унда нотижорат тавсифидаги ижтимоий-маданий функция бажарилади, давлат бюджетидан тўлиқ ёки қисман, шунингдек бюджетдан ташқари маблағ ҳисобидан молиялаштирилади.

Таълим муассасасини бюджетдан маблағ билан таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан чегараланади. Ҳукуматнинг 03.09.99й. даги 414-рақамли «Бюжет ташкилотларини, молиялаштиришни, такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори таълим муассасаларини молиялаш тартибини белгиловчи сўнгги қарорларнинг бири ҳисобланади. Талабалар қабул қилиш гранти, моддий-техника негизининг ҳажми таълим муассасасига бюджетдан маблағ ажратиш учун асос бўлади. Шунга кўра Ўзбекистон олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳар ойда таълим муассасасига зарур бюджет маблағини ажратади.

Таълим муассасасининг бюджет тизими қуйидаги тамойиллар асосида тузилади:

- *ички молия тизимининг методик бирлиги;*
- *кирим ва чиқимлар ҳисоб-китобининг тўлақонлиги;*
- *ошкоралик;*
- *бюджет ваколатининг раҳбарият даражалари бўйича тақсимланиши.*

Таълим муассасасининг бюджети тўғрисидаги меъёрий ҳужжатда унинг шаклланиши тамойили, киримни белгилаш тартиби ва чиқимларни тасдиқлаш тартиби, шунингдек, бюджет интизомига риоя қилиш, таълим муассасаси фаолияти бюджет қоидалари бузилганлик учун жавобгарликка тортиш шартлари белгилаб қўйилади.

Бюджет маблағларидан фойдаланиш ва бюджет интизомини мустақкамлаш «Таълим тўғрисида»ги қонун, бошқа қонунчилик ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Молия вазирлиги йўриқномалари, Олий таълим тўғрисидаги низом, таълим муассасасининг устави ва бошқа таълим муассасаси: ички молия оқимларини ташкил этиш, чиқим меъёрлари ва раҳбарият ҳуқуқларига тааллуқли айрим муаммоларни тартибга олувчи қоидаларга асосан амалга оширилади.

Бюджет — таълим муассасаси ички қоидалари билан мустақкамланган таълим муассасасининг пул маблағларининг ҳосил бўлиши ва сарф бўлиши шакли.

Бюджет таълим муассасаси учун яхлит, юридик шахс мақоми берилган айрим бўлинма учун бўлиши мумкин.

Бюджет тизимининг уч босқичи фарқланади:

- умумтаълим муассасаси;
- айрим бўлинма;
- айрим иш, айрим тадбир, айрим объект.

Таълим муассасасини молиялаш учун маблағ давлат тузилмаларидан (давлат бюджетидан), таълимнинг контракт-тўлов шаклидан, товарлар ишлаб чиқариш ва сотишдан (иш, хизматдан), корхона ва хусусий шахслардаги (бюджетдан ташқари маблағдан) келиши мумкин.

Бюджет таснифи кирим ва чиқим моддаларини гуруҳлаш давлат тизими бўйича амалга оширилади. *Таълим муассасаси бюджет тизимининг бирлиги ҳуқуқ негизининг ягоналиги билан, таснифлашнинг ягона системасидан фойдаланиб, ҳужжатларнинг ягона ҳисоботлар ва режалар шакли билан, зарур статистик ҳисобот тақдим этиш билан таъминланади.*

Таълим муассасаси киримлари — маъмурият ёки айрим бўлинма раҳбари тасарруфига келиб тушадиган пул маблағи.

Таълим муассасаси чиқимлари — таълим муассасаси бўлинмаларининг эҳтиёжларини қондиришга сарфланадиган пул маблағи.

Чиқимнинг киримдан ошиб кетиши таълим муассасаси бюджет тақчиллигини ташкил этади ва у кейинги ҳисобот йили бюджетига ўтади ва кейинги даврда қарз бўлиб қолади.

Киримнинг чиқимдан ошиши таълим муассасасининг фойдасини ташкил этади. Таълим муассасасининг фойдаси олиб қўйилиши мумкин эмас.

Бюджет маблагидан мақсадли фойдаланмаслик бўлиб, уларни олиш шартлари ёки таълим муассасаси ички бюджет тузилиши қоидаларига мувофиқ бўлмаган мақсадларга қаратилиш ҳисобланади.

Давлат грантига мувофиқ ажратилган маблағ чиқимлар алоҳида гуруҳи бўйича чекланади. Маблагни бюджет маблаг ва бюджетдан ташқари маблағга тақсимлашга йўл қўйилмайди. Бу стипендия фондига, иш ҳақи таълим муассасасини ривожлантириш капитал қўйилмалари ва жорий чиқимларга тааллуқлидир.

Таълим муассасаси тадбиркорлик ва ишлаб чиқариш фаолиятдан ва ИТИдан олган (таълимнинг пулли-контракт шаклидан келадиган маблағ бундан истисно) маблаглари таълим муассасаси чиқим моддалари бўйича мустақил тарзда буюртмачи ва таълим муассасаси ўзаро келишуви асосида тақсимланади.

Товарлар ишлаб чиқариш (иш бажариш, хизмат кўрсатиш)дан таълим муассасаси оладиган маблаглар белгиланган топшириққа мувофиқ ва бинонинг жиҳозларни ижарага бериш, таълим муассасасида ташкил этилган тижорат корхонаси фойдасидан ажратмалардан олинган 50% маблағ таълим муассасасининг ўз ихтиёрига кўра фойдаланилади.

Корхона ва муассаса, шунингдек, жисмоний шахслар таълим муассасасига жиҳозлар ва материаллар, бино ва иншоотларни, транспорт ва техника воситаларини, молия ресурсларини беғараз бериши мумкин. Таълим муассасаси бу тур маблағ ва воситаларни мустақил тасарруф этади.

Таълим муассасаси оператив бошқариш шarti билан ер майдони, бинолар, жиҳозлар ва бошқа ўзига давлат бюджетидан ажратилган моддий ресурслардан, шунингдек, корхона ва фуқаролардан олинган ёки бошқа манбалар ҳисобидан сотиб олинганлардан фойдаланади.

Таълим муассасаси олган маблаг ҳисобидан ўзига зарур жиҳозларни исталган корхона ёки хусусий шахсдан сотиб олиши, ижарага олиши ҳамда буюртма қилиши мумкин, уларга нақд пулсиз ҳақ тўлайди.

Хўжалик шартномаси асосидаги илмий-тадқиқот ишларидан илмий фаолиятни амалга ошириш учун олинган бюджетдан ташқари маблағдан фойдаланиш тартибини таълим муассасаси мустақил белгилайди, ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш ва ударни моддий рағбатлантиришга йўналтириладиган улушлар-

ни аниқлайди. Шу билан бирга фойда таълим жараёнини ривожлантиришга, шу жумладан турли илмий-техникавий ва ижтимоий ривожлантириш, моддий рағбатлантириш ва бошқа жамғармалар тузиш орқали инвестиция қилиниши мумкин.

Бюджет ҳисоби ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисоби Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги назорат-тафтиш бош бошқармаси томонидан назорат қилинади ва белгиланган қоидалар бу маблағлардан мақсадли бўлмаган эҳтиёжлар учун фойдаланишни таъқиқлайди.

Ректор кундалик фаолиятда бюджет маблағини тақсимловчи ҳисобланади, шунингдек, тақсимлаш ҳуқуқига эга раҳбарлар ҳам бўлинмалар ёки йўналишлар бўйича чиқимларни тақсимлай олади.

Таълим муассасаси банк ҳужжатларига имзо қўйиш ҳуқуқига эга лавозимдор шахслар, таркибий бўлинмаларнинг тўла молиявий мустақилликка эга раҳбарлари шундай шахслар ҳисобланади.

Таълим муассасасининг қуйидагилар ҳисобига ҳосил бўлади:

– *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тасдиқланган давлат гранти бўйича қабул квотасига мувофиқ мутахассислар тайёрлови учун бериладиган давлат маблағи;*

– *малака оширишнинг молиялаш;*

– *мақсадли таълим дастурларининг молиялаш;*

– *пулли-контракт шаклдаги таълим ва иккинчи олий маълумот олиш учун тўланадиган ҳақ;*

– *корхоналар учун қўшимча кўрсатилган таълим хизмати учун келадиган маблағ;*

– *айрим фуқароларга қўшимча таълим хизмати кўрсатиш ва уларни ўқитиш учун олинадиган ҳақ;*

– *таълим муассасаси майдонлари ва ресурсларини ижарага бериш;*

– *мулкнинг барча шаклидаги корхона ва ташкилотлар, жисмоний шахсларнинг ҳомийлар маблағлари;*

– *таълимий тавсифга эга бўлмаган илмий, консультация ва бошқа хизматларга тўловлар;*

– *номоддий активларни сотиш;*

– *бошқа ташкилотлар фаолиятида қатнашишдан келадиган даромад;*

– *маданий-оммавий тадбирлар ўтказишдан келадиган даромад;*

- бошқа ташкилотларнинг беғараз ёрдами.

Таълим муассасалари оладиган қўшимча даромад ёки режадан ташқари тушимлар, биринчи галда, улар қўшимча даромаддан молиялаш лозим бўлган чиқимларга йўналтирилади, иккинчидан, жорий қарзларни қоплашга, учинчидан, кўзда тутилмаган ишларга, ниҳоят, кредиторлик қарзларни қоплашга сарфланади. Қўшимча маблағлар сарфланадиган устувор йўналиш ва тадбирлар Кенгаш қарори ёки таълим муассасасининг ректори томонидан белгиланади. Бу устуворлик таълим муассасасининг навбатдаги йиллик лойиҳасини тайёрлашда қабул қилинади.

Агар аввал режалаштирилмаган янги чиқимлар қилиш зарурати пайдо бўлса, уларни молиялаш таълим муассасаси бўйича буйруқда, уларни молиялаш тартиби кўрсатилган ҳолда белгиланади. Режада белгилангандан кўра катта чиқимни молиялаш зарурати туғилганда, таълим муассасаси бўйича буйруққа асосан молиявий текширув белгиланади, унинг натижаси бўйича қарор қабул қилинади.

Бухгалтерия хизмати янги йил бюджет чиқимлари рўйхатида қайд этилмаган чиқимларни молиялаш учун қабул қилиш ҳуқуқига эга эмас.

Молиявий маблағлар, таълим муассасаси давлат идораларидан олган, бошқа юридик шахсларга берилиши мумкин эмас, чунки улар мақсадли ҳисобланади. Бу шартга амал қилиш устидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги назорат тафтиш бош бошқармаси амалга оширади. Таълим муассасаси ўз тадбиркорлик фаолиятидан келган даромадни ўз хоҳишига кўра тасарруф этади. Бироқ, бу ҳақда бир қарорга келишда қуйидагиларни ҳисобга олиш лозим;

- маблағни йўқотиш rischi;
- кутилаётган даромад миқдори;
- қўллаб-қувватланаётган фаолият соҳаси вилоят, минтақа, таълим муассасаси ривожлантиришга мувофиқ эканлиги;
- маблағни таълим муассасасини ривожлантириш тадбирларидан олиш туфайли таълим муассасаси кўрадиган зарар; фойдани таълимни ривожлантиришга йўналтирилганлиги туфайли қўшимча солиқ тўловлари.

Инвестиция қарорининг масъулият даражаси юқори ва субъектив хато юз бериши мумкинлиги таълим муассасаси маблағини бошқа юридик шахсга бериш ёки бошқа ташкилот

устав фондида капитал қўйишда таълим муассасаси кенгашининг албатта қарори бўлишини талаб қилади.

Давлат гранти тўловлари тартибида мутахассислар тайёрлаш учун таълим муассасасига келиб тушадиган маблағ, таълим муассасаларига қўшимча ва бошқа хизматлар учун тўловлар умумтаълим муассасаси ва таркибий бўлинмалар бўйича тақсимланиши лозим. Бюджет маблағлари тадрижий суратда бошқарув қарорлари орқали (бюджетни режалаштириш тартиби асосида) тақсимланади:

- давлат ва давлатга алоқадорсиз молиялашни башоратлаш;
- маблағнинг манбалар бўйича тушишини баҳолаш;
- меҳнатга ҳақ тўлаш ва стипендиялар беришга кетадиган чиқимлар режавий эҳтиёжини белгилаш;
- ҳудудни ободонлаштириш, биноларни, тармоқ ва бошқа умумтаълим муассасаси аҳамиятига эга мулкни яроқли сақлаш бўйича ишларни режалаштириш;
- бошқарув ва ёрдамчи тузилмавий бўлинмалар стандарт хизмати мажмуи қийматини белгилаш.

Бу унсурлар таълим муассасасининг режавий молия бюджетини тузиш учун етарлидир. Таълим муассасасининг марказлаштирилган субҳисоб рақамига тушадиган бюджетдан ташқари маблағ уч қисмга тақсимланиши лозим: *умумтаълим муассасаси тадбирларини қўллаб-қувватлашга, бошқарув ва таъминот хизматига ва асосий ўқув таркибий бўлинмалар (факультет ва кафедралар)га.*

Таълим муассасасининг бюджет унсурлари Ўзбекистон Республикаси молия вазирлиги бюджет маблағи ҳисобига молиялаштириладиган ташкилотлар учун белгилаган тарзда шаклланади:

- *режадаги ёки ҳисобот даври оралиғидаги вақт мобайнида ташкилот фаолиятини таъминловчи жорий чиқимлар;*
- *ташкилот ривожини таъминловчи капитал чиқимлар;*
- *бошқа ташкилотлар билан молиявий алоқани таъминловчи кредитлар бўйича тўловлар.*

Жорий чиқим унсурлари бўлиб, қуйидагилар ҳисобланади:

- *меҳнатга ҳақ тўлаш, шу жумладан:*
 - *ҳодимлар асосий маоши;*
 - *иш ҳақига устамалар;*
 - *меҳнатга қўшимча ҳақ тўлаш;*
 - *лавозимдан ташқари ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш;*

- *ходимларга бошқа пул тўловлари;*
- *иш ҳақи учун ажратмалар, шу жумладан:*
- *пенсия фондига ажратмалар;*
- *бандликка кўмаклашиш фондига ажратмалар;*
- *касаба уюшмалар кенгаши фондига ажратмалар;*
- *ходимларнинг давлат мажбурий суғуртасига ажратмалар;*
- *таъминот ва чиқим материаллари сотиб олиш, шу жумла-*

дан:

- *девон ашёлари;*
- *юмшоқ жиҳозлар;*
- *бошқа чиқим материаллари;*
- *хизмат сафари ва киримлари;*
- *транспорт хизмати тўловлари;*
- *алоқа хизмат тўловлари;*
- *коммунал хизмат тўловлари*
- *бошқа хизматларга тўловлар, шу жумладан:*
- *бино ва хоналарни жорий таъмирлаш;*
- *бошқа хўжалик ва эксплуатация чиқимлари.*
- *ўқув-методик чиқимлари, шу жумладан:*
- *ишлаб чиқариш амалиёти чиқимлари;*
- *ўқитувчилар малакасини ошириш курслари;*
- *кутубхона жамғармасини тўлдириш чиқимлари;*
- *ускуна ва жиҳозларни таъмирлаш чиқимлари;*
- *аҳоли транспорти, шу жумладан:*
- *нафақа тўлаш;*
- *стипендия;*
- *аҳоли бошқа трансфертлари.*

Ташкилотнинг капитал харажатлари жиҳозлар олиш, капитал қурилиш ва капитал таъмирлашдан ҳосил бўлади. Қуйидагилар қисмларга ажратилган капитал харажат унсурлари ҳисобланади:

- *жиҳозлар сотиб олиш, шу жумладан:*
- *илмий-ўқув адабиётлари сотиб олиш;*
- *аудитория учун ва бошқа жиҳозлар сотиб олиш;*
- *капитал қурилиш, шу жумладан:*
- *турар жой қурилиши;*
- *ишлаб чиқариш объектлари қуриш;*
- *ижтимоий-маданий ва маиший объектлар қуриш;*
- *маъмурий объектлар қуриш;*

- капитал таъмирлаш, шу жумладан:

- тураархсой фондини;
- ўқув-лаборатория объектларини;
- маъмурий объектларни.

Молиявий алоқалар кредитлар ва улар бўйича тўловларда ҳисобга олинади. Бу соҳа фаолиятини акс эттирувчи чиқимлар унсури қуйидагиларни ўз ичига олади:

- кредитлар бериш;
- кредитларни қайтариш.

Молиявий таъминланишда таълим муассасаси ЎЗР олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан молиялашнинг бир неча вариантини тузиши мумкин.

Биринчи вариант бўйича таълим муассасасига лимитлар (чиқимлар чегаравий миқдори) — маблағлар унсурлар бўйича ёхуд унсурлар гуруҳи бўйича давлат буюртмаси бериш билан бир вақтда берилади.

Иккинчи вариант бўйича бюджет моддалари бўйича бир талабага ҳисобан таълим муассасасига узоқ муддатли ажратмалар меъёри белгиланади. Жорий вақтда давлат буюртмасидаги талабалар сони ўзгарганда молиялаш миқдори ҳам ўзгаради.

Учинчи вариант бўйича молиялашда таълим муассасасини қисман таъминлаш кўзда тутилади. У айрим харажатлар моддасини ёки барча унсурлар бўйича харажатлар айрим улушини давлат маблағидан тўлов сифатида амалга оширилади. Таълим муассасаси фаолиятини молиялашнинг бу вариантыда таълим муассасаси харажатларининг бир қисми онгли равишда бюджетдан ташқари манбага қолдирилади. Мамлакат бюджетида маблағ етишмаганда молиялашнинг бу варианты ягона қўлланадиган бўлиб қолади. Молиявий жиҳатдан энг танг вазиятларда ЎЗР олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги биринчи навбатдаги бюджет моддаларини молиялаштиради: иш ҳақи, иш ҳақиға ажратмалар, талабалар стипендияси, шунингдек таълим муассасаси иш фаолиятини қўллаб-қувватлашга.

Пулли хизмат кўрсатишдан таълим муассасаси олган маблағларни бюджет маблағларига аралаштиришга йўл қўйилмайди. Мулкни ижарага қўйишдан келган даромад; ортиқча маблағни депозит ҳисобга қўйишдан келадиган даромад, бошқа ташаббускорона операциялардан келадиган даромадлар, пулли хизмат кўрсатишдан олинган махсус маблағлар шундай маблағлар ҳисобланади. Уларнинг келиши ва кетиши айрим-айрим

ҳисобга олинади. Бюджетдан ташқари кирим манбаининг ҳар бир тури учун алоҳида ҳисобот тузилади.

Куйидагилар бюджетдан ташқари маблағ харажат унсурлари ҳисобланади:

- хизматлар меҳнатига ҳақ тўлаш;
- лавозимдан ташқари ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш;
- меҳнат тўловлари солиғи;
- ўқув фаолияти учун таъминот ва сарфлов материаллари сотиб олиш;
- ўқув жиҳозлари сотиб олиш;
- давлат фондларига ажратмаларни чегаралаш;
- таълим муассасаси даромадига ажратмалар.

ЎзР Молия вазирлиги назорат-тафтиш бош бошқармаси республика бюджети маблағидан мақсадли фойдаланмасликка йўл қўйган юридик шахсларга жарима чоралари қўллаш ҳуқуқига эга. Жарима чоралари миқдорини (ҳам жорий йил, ҳам ўтган йил учун) республика бюджетига ўтказиш лозим.

Таълим муассасаси бюджет маблағидан мақсадли фойдаланмаганда ЎзР Молия вазирлиги мазкур миқдор маблағни кейинги молиялашда чегириб қолади ва бу ҳақда, албатта, ЎзР олий ва ўрта махсус таълим вазирлигини огоҳлантиради. Республика бюджетидан мақсадли фойдаланмасликка йўл қўйган таълим муассасасининг раҳбари фуқаровий-ҳуқуқий ва маъмурий тартибда моддий жавобгарликка тортилиши учун материаллар расмийлаштирилади.

Таълим муассасасида ҳисоб ишлари олиб бориш методикаси раҳбарнинг буйруғи билан тасдиқланади, унда ҳисоб-китоб методикасини амалга оширишга асос бўладиган йўриқнома ҳужжат кўрсатилади. Материалларни ҳисоб-китоб қилиш, амалга ошириш сарфлари, тайёрлов курсларига тўловлар, ётоқхонада яшаганлик учун, спорт залидан фойдаланганлик ва бошқа тижорат хизматлар учун, шунингдек таълим муассасаси таркибий бўлинмалари ўртасидаги алоқалар учун ҳисоб-китоблар алоҳида таъкидланади.

4.2. Бюджет бўлинмалари

Кирим ва чиқимлар унсурларининг мажмуи, унинг фаолиятини тавсифловчи, бюджет бўлинмалари ҳисобланади.

Таълим муассасасининг қисми ҳисобланувчи бўлинма учун бюджетнинг бир неча турини ажратиш зарур:

- *меъёрий тўлиқ бюджет;*
- *режавий бюджет;*
- *амалдаги хўжалиқ ҳисоби бюджет.*

Меъёрий тўлиқ бюджет умумтаълим муассасаси молия оқими бир қисмини ҳам қўшган ҳолда кирим ва чиқимларнинг барча унсурларини акс эттиради. Бу бюджет бўлинма фаолият кўрсатиши қанчага тушиши ва унинг фаолияти қанча даромад келтиришини кўрсатган ҳолда таълим муассасаси доирасидаги бўлинманинг аҳамиятини иқтисодий баҳолаш ҳақида меъёрий тасаввурни ҳосил қилади. Бўлинма зарар келтирувчи бўлимларни сақлаш, ривожлантириш, фаолияти самарасини ошириш, тугатиш бўйича бошқарув қарори қабул қилишнинг миқдорий негизини барпо этишга имкон беради.

Режавий бюджет навбатдаги ўтиш давридаги бўлинма кирим ва чиқим унсурларининг мажмуи ҳисобланади, бу унсурлар учун бўлинма раҳбари жавобгардир. Бўлинма режавий бюджети таълим муассасасининг мўлжалланаётган молиялаш, бўлинмага бюджетдан ташқари маблағни ажратиш ва жалб этиш режаси асосида тузилади.

Амалдаги хўжалиқ ҳисоби бюджети бўлинма кирим ва чиқимларининг унсурларини кўрсатади. Булар унинг фаолиятига боғланади. Унга биноан бевосита бўлинманинг ўзида ҳисоб-китоб ташкил этилади, бунинг учун бўлинма раҳбари масъулдир. Хўжалиқ ҳисобидаги бюджет тўлиқ бюджетнинг бир қисми ҳисобланади. Бўлинма мустақиллиги қанчалик юқори даражада, унинг молиявий таъминланганлиги тўлиқ бўлса хўжалиқ ҳисобидаги бюджет тўлиқ меъёрий бюджетга шунчалик яқин бўлади.

Бюджетнинг ҳар бир тури режавий ва ҳисоботга бўлинади. Режавий бюджет навбатдаги ўзгарувчи вақт бошланиши арафасида ресурслар сарфи меъёрига ва манбалар бўйича келиши кутилаётган даромадларга мўлжаллаб тузилади. Амалдаги бюджет вақт оралиғи охирида бўлинма фаолияти якунини акс эттиради ва аниқ кирим ва чиқимларни кўрсатади.

Ўқув бўлинмаси харажатлари умумий миқдорини бир неча ташкил этувчиларга бўлиши мумкин. Аввало *бевосита* ва *билвосита харажатлар* фарқланади. *Бевосита* харажатлар муайян бўлинма учун бевосита ҳисоб-китобларга йўл қўяди, *билвосита* харажатлар аудиторлар ва ёрдамчи майдонларни сақлаш бўйича

чиқимлар, таълим муассасаси умумий сарфларини ҳисобга олади, тегишли бўлинмага тааллуқлилиқ махсус қондасини талаб этади.

Ўқув бўлинмасининг бевосита харажатларини ходимлар иш ҳақи, талабаларга тўловлар, хоналар ва жиҳозларни сақлаш учун харажатлар, таълим муассасаси ҳудудидан четдаги ўқув жараёнини таъминлаш бўйича харажатларга бўлиши мумкин.

Ўқув тузилмаси бевосита харажатлари таркибига қуйидагилар қиради:

- профессор-ўқитувчилар таркибининг иш ҳақи;
- профессор-ўқитувчилар иш ҳақиға устама;
- ўқув-тарбия ходимларининг иш ҳақи;
- ўқув-тарбия ходимларининг иш ҳақиға устама;
- иш ҳақиға қонунчилиқ асосидаги ажратмалар;
- хоналарни сақлаш бўйича харажатлар;
- ёритиш, усқуналар ишлаши учун электр энергиясига ҳақ тўлаш;
- иситиш учун ҳақ тўлаш;
- ишлаб чиқариш эҳтиёжларига сарф бўладиган сув учун ҳақ тўлаш;
- телефон учун ҳақ тўлаш;
- девон харажатлари;
- китоблар ва даврий нашрларга харажатлар;
- ўқув материалларини тайёрлаш ва нашр қилиш харажатлари;
- хизмат ҳужжатлари бланкасини тайёрлаш учун харажатлар;
- талабалар ҳужжатларини тайёрлаш харажатлари;
- ўқув ва илмий усқуналарни сақлаш учун эҳтиёт қисмлар ва материаллар;
- амортизация ажратмалари;
- талабалар, аспирантлар ва докторантлар стипендиялари;
- ишлаб чиқариш амалиётини таъминлаш учун харажатлар;
- хизмат сафари харажатлари;
- шаҳарлараро телефонда сўзлашиш харажатлари.

Ўқув структурасига бевосита харажатларнинг унсурларини ҳисоблаш талаба, ўқитувчи бирлигига бўлган харажатлар меъёри орқали амалга оширилади.

Билвосита харажатлар бошқарув аппаратини сақлаш ва таъминлаш, бино, ҳудуд ва хоналарга қараш, ўқув аудиторияларини ва ёрдамчи майдонларни сақлаш харажатларини ўз ичига олади.

Натижада ўқув бўлинмасининг жорий харажатлари умумий миқдори иккита кўрсаткичдан иборат бўлади:

- *бевосита капитал харажатлар*;
- *билвосита харажатлар*.

Бўлинманинг бевосита капитал харажатларида қуйидагилар кўзда тутилади:

- *жиҳозлар сотиб олиш;*
- *капитал қурилиш.*

Ўқув бўлинмаси бюджетининг кирим қисми қуйидагилардан шаклланади:

- *давлат буюртмаси, бўйича мутахассислар тайёрлаш учун таълим муассасасига бериладиган бюджет тўловлари улуши;*
- *қўшимча таълим ва илмий хизматлар бажарганлик учун бўлинма олган хўжалик ҳисобидаги воситалар;*
- *қўшимча таълим, илмий ва қўшимча хизматлар кўрсатилгани учун таълим муассасасининг бошқа бўлинмалари томонидан таълим муассасаси ички пул ўтказишлари;*
- *хусусий шахслар ва корхоналар томонидан хайрия мақсадидаги пул ўтказишлар.*

4.3. Таълим муассасасини молиялаш тартиби

Давлат бюджетидан молиялаштирилладиган тармоқлардаги иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш мақсадларида, молиялаш тартибини такомиллаштириш бюджет маблағидан самарали ва мақсадли фойдаланиш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги 414 рақамли «Бюджет ташкилотларини молиялаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорида таълим муассасаларини молиялашнинг янги тартиби жорий этилди.

Молиялашнинг янги тартибида қуйидагилар кўзда тутилади:

- *молиялашнинг кўп вариантлилиги (давлат бюджети ва бюджетдан ташқари маблағлар);*

- *таълим муассасаси раҳбарларининг мустақиллиги ва масъулиятини ошириш (бюджет маблағларидан тежаб, самарали ва мақсадли фойдаланиш, бюджет интизомини мустаҳкамлаш бўйича);*

- *таълим муассасаларини молиялаш тартибини соддалаштириш ва максимал фойдаланиш мақсадида мавжуд маблағлар турлича татбиқи учун имконият яратиш;*

- *таълим муассасаларини молиялашнинг янги тартибини жорий этиш (меъёр бўйича ягона рўйхатдан молиялаш усули билан давлат бюджетидан, таълим муассасаси соҳасига боғлиқ ҳолда, иш ҳақиға ва унга тенглаштирилган тўловларга айрим*

ажратмаларни, меҳнатга ҳақ тўлаш учун ажратмалар, капитал қўйилмалар ва бошқа харажатларни гуруҳлаш;

– бюджетдан молиялаш таълим муассасаси соҳаси бўйича товарлар ишлаб чиқариш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш) фаолиятини кенгайтириш билан қўшиб олиб бориш;

– таълим муассасалари ходимлари меҳнатини рағбатлантириш учун шароит яратиш, улар фаолияти маҳсулдорлигини кўтариш, кадрларни мустаҳкамлаш;

– таълим муассасаларига ўзларини ривожлантириш жамғармасини шакллантириш ҳуқуқини бериш.

Молиялашнинг янги тартибида 2000 йил 1 январидан қуйидагилардан қўшимча даромад олувчи таълим муассасаларини солиқдан (беш йил муддатга) озод қилиш кўзда тутилган:

– фаолият соҳаси бўйича товар ишлаб чиқариш (иш бажариш, хизмат кўрсатиш);

– таълим муассасасининг вақтинча фойдаланилаётган хоналар ва бошқа давлат мулкини бошқа ташкилотларга ижарага беришдан (50% маблағ);

– юридик ва жисмоний шахсларнинг таълим муассасаларига ҳомийлик (беғараз) ёрдам кўрсатиши;

– давлат бюджетига олинадиган солиқ ва тўловларнинг барча турларидан, таълим муассасаси моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, шунингдек, уларнинг ходимларини моддий рағбатлантириш учун бўшаган маблағдан мақсадли фойдаланиш шарти билан озод қилиш.

Давлат бюджетидан таълим муассасаларини молиялаш харажатларнинг қуйидаги гуруҳи бўйича амалга оширилади:

1. Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар (болали оилаларга моддий ёрдам, стипендия ва б.)

2. Иш ҳақига ажратма.

3. Капитал қўйилмалар (давлат инвестиция программасида кўзда тутилган манзил кўрсатилган рўйхатга мувофиқ)

4. Бошқа харажатлар.

Молиялаш бажариш жараёнида харажатлар рўйхатига киритиладиган ўзгаришлар ҳисобга олинган учойликлар бўйича тақсимлаб тасдиқланган йиллик харажатлар рўйхатига мувофиқ амалга оширилади.

Таълим муассасалари ЎЗР молия вазирлиги тасдиқлаган бюджетдан молиялаш меъёри асосида смета лойиҳасини мус-

тақил ишлаб чиқади ва қонунчиликда белгиланган тартибда лавозим жадвалини тасдиқлайди.

Смета харажатлар гуруҳи бўйича Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тасдиқлаган давлат бюджети кирим ва чиқимларининг амалдаги таснифига мувофиқ чиқимлар тўлиқ баён этилган илова билан бирга тузилади.

Илова сметанинг таркибий қисми ҳисобланади, смета ба- шорат ҳисоб-китобларини асослаш учун хизмат қилади ва ҳисобот мақсади учун фойдаланилади.

Таълим муассасалари олий ва ўрта махсус таълим вазирли- гига, қонунчиликда кўзда тутилган тартибда, тасдиқланган ла- возим жадвали ва сметаларни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигида рўйхатдан ўтказиш учун тақдим этади.

Тасдиқланган смета ва лавозим жадвалини рўйхатдан ўтказиш иловаларни келишиш Молия вазирлигида қонунчиликда кўзда тутилган тартибда тақдим этилган ҳужжатлари меъёри билан тасдиқланган) таҳлили асосида амалга оширилади.

Таълим муассасасининг тасдиқланган харажатлар сметаси ва лавозим жадвали, шунингдек, амалдаги смета ва лавозим жадвалига киритиладиган ўзгартишлар улар фақат Молия ва- зирлигида рўйхатга олингандан сўнггина жорий этилади.

Таълим муассасаларининг харажатлари 1- ва 2-гуруҳи бўйича чиқимлари биринчи галда молияланади. Бунда харажатлар 2- гуруҳи бўйича тегишли ажратмаларсиз 1-гуруҳ харажатларини амалга ошириш тақиқланади. Капитал қўйилмаларга маблағ жорий бюджет йили учун республика инвестиция программасида тас- диқлашга мувофиқ, қурилишлар манзили рўйхати ва амалдаги қонунчиликка мос ҳолда ажратилади.

Республика бюджетидан 1- ва 2-гуруҳ бўйича харажатларни молиялаш ҳар ойда сметага, шунингдек, ўтган ҳисобот даври учун белгиланган баҳолаш кўрсаткичлари бажарилишига муво- фиқ амалга оширилади.

Капитал қўйилмалар ва бошқа харажатларни молиялаш ой- ма ой бюджетга маблағ тушйшига кўра амалга оширилади.

Таълим муассасаси харажатларини молиялашда режавий ажратмалар янги бюджет йилида дебитор қарздорлиги креди- тор қарздорлигидан ошган миқдорга, ҳисобот йилидан кейинги йил 1 январига бўлган ҳолат бўйича товар моддий қимматдорликлар меъёрдан ортиқ қолдиғига камаяди.

Бюджет маблағларини сарфлаш таълим муассасаси томони- дан тасдиқланган харажатлар сметаси доирасида, сметани ба-

жариш жараёнида белгиланган тартибда уларга киритилган тузатишларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади. Бунда 1-ва 2-гуруҳлар бўйича молиялаш биринчи галда амалга оширилади.

Таълим муассасаси 3-гуруҳ харажатларни молиялашни республика инвестиция дастурида жорий молия йили учун белгиланган лимитлар доирасида амалга оширади.

4-гуруҳ «Бошқа харажатлар» бўйича маблағ сарфлаш белгиланган лимитлар доирасида қуйидаги тартиб (навбат) асосида амалга оширилади:

- *дори-дармонлар;*
- *коммунал хизмат;*
- *бошқа харажатлар.*

Таълим муассасалари Молия вазирлиги билан келишиб, 4-гуруҳ маблағи ҳисобидан мавсумий ва зуд тадбирлар (эпидемияга қарши, инфекцияга қарши ва бошқа тадбирлар)га маблағни тезликда сарфлаши мумкин.

4-гуруҳ ҳисобидан автомобиллар ва бошқа автомобил воситалари (махсус автотранспортдан бошқа), уяли телефонлар ва ҳашамдорлик предметлари, хона учун хорижий мебеллар, аудио, видеотехника (ўқув ва илмий жараёнда фойдаланиладиганларидан бошқа, хонани безаш учун гилам ва ҳ.к.)ларни сотиб олишга Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда рухсат этилади.

Кредиторлик қарзи, харажатларнинг бирор гуруҳи бўйича, ҳар бир гуруҳ бўйича унинг юзага келиш тартиби асосида жорий йил учун белгиланган лимитлар асосида тўланади.

Тежалган (фойдаланилмаган), ҳисобот йили охири иш куни тугаш вақтида таълим муассасаси ҳисоб рақамида қолган бюджет маблағи (капитал қўйилмаларни молиялаш кўзда тутилган маблағ бундан истисно) олиб қўйилмайди, таълим муассасасини ривожлантириш жамғармасига ўтказилади ва белгиланган тартибда сарфланади. Ҳисобот йилида тежалган (фойдаланилмаган) бюджет маблағи миқдори таълим муассасасини кейинги йил молияланишида камайртирилмайди.

Таълим муассасасининг қўшимча даромадлари молиялашнинг қуйидаги манбалари ҳисобидан олиниши мумкин:

- *таълим муассасаси соҳаси бўйича товарлар ишлаб чиқариш ва сотиш (иш бажариш, хизмат кўрсатиш);*

– таълим муассасаларининг бошқа ташкилотларга вақтинча фойдаланилмаётган хоналарни ва бошқа давлат мулкани ижарага бериши;

– юридик ва жисмоний шахслар таълим муассасасига кўрсатадиган ҳомийлик (беғараз) ёрдами.

Таълим муассасасини ривожлантириш жамғармаси қуйидагилар ҳисобига шаклланади:

– режадаги, бюджетдан молиялаш ҳисобига тушган, ҳисобот йили охириги иш кунни сўнггида таълим муассасаси ҳисоб рақамида қолган тежалган (фойдаланилмаган) маблағ (капитал қўйилмаларни молиялашга мўлжалланган маблағ бундан истисно);

– таълим муассасаси соҳаси бўйича товарлар ишлаб чиқариш ва сотиш (иш бажариш, кўрсатиш)дан келган даромад;

– вақтинча фойдаланилмай турган хоналар ва бошқа давлат мулкларини ижарага қўйишдан келган маблағнинг 50%. Қолган 50% маблағни таълим муассасаси маҳаллий бюджет даромадига ўтказиши;

– юридик ва жисмоний шахслар бюджет ташкилотларига кўрсатадиган ҳомийлик (беғараз) ёрдами.

Таълим муассасасини ривожлантириш жамғармаси маблағи фақат қуйидагиларга сарфланади:

– кредиторлик қарзи бўлса, устувор тарзда уни қоплашга;

– таълим муассасаси моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича тадбирларга.

Таълим муассасасининг муддати ўтган кредиторлик қарзи бўлса, таълим муассасасини ривожлантириш жамғармаси тежалган бюджет маблағи чегарасида мазкур қарзни қоплашга сарфланади (товар ишлаб чиқариш, иш бажариш, хизмат кўрсатиши бўйича сарфлар мажмуи бажарилгандан сўнг).

Агар кредиторлик қарзи таълим муассасаси харажатлар рўйхатига иловада кўзда тутилган тегишли чиқимлар тўланмаганлиги ёки харажатлар ҳар бир гуруҳи бўйича белгиланган лимитлар ошиб кетганлиги туфайли ҳосил бўлган тақдирда, бюджетдан молиялашни тўла ҳажмда амалга оширишда, таълим муассасаси жамғармаси (товарлар ишлаб чиқариш, иш бажариш, хизмат кўрсатиш бўйича сарфлар мажмуи бажарилгандан сўнг харажатларнинг қопланмаган қисми ва белгиланган лимитдан ошиб кетган миқдор доирасида кредиторлик қарзини устувор қоплашга йўналтирилади.

Таълим муассасасининг кредиторлик қарзи бўлмаганда, ёхуд мазкур тартибда белгиланган шартларда ҳамда чегарада қопланганда таълим муассасасини ривожлантириш фондининг қолган маблағи (ҳомийлик, бегараз ёрдам миқдори бундан истисно) сарфланади:

– *товарлар ишлаб чиқариш (иш бажариш, хизмат кўрсатиш) бўйича ва моддий-техника негизини мустаҳкамлаш учун барча сарфларни қоплашга тушган маблағларнинг 85% дан кам бўлмаган қисми;*

– *таълим муассасаси ходимларини моддий рағбатлантириш ижтимоий ҳимоя бўйича тадбирларга тушган барча маблағнинг 15% дан кам бўлмаган қисми.*

Таълим муассасасининг ҳомийликдан (бегараз), юридик ва жисмоний шахслардан олган барча маблағи, агар ҳомий томонидан бошқа шартлар қўйилмаган бўлса, моддий-техника негизини мустаҳкамлашга сарф қилинади.

Таълим муассасасида бухгалтерия ҳисоб-китоби ва ҳисоботи «Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи тўғрисида»ги низомга, давлат бюджетида турувчи муассаса ва ташкилотларда бухгалтерия ҳисоби йўриқномаси, давлат бюджетини кирим ва чиқимларининг амалдаги таснифи, Вазирлар Маҳкамаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг бошқа ҳужжатлари асосида олиб борилади.

Таълим муассасаси соҳаси бўйича товарлар ишлаб чиқариш ва сотиш (ишлар бажариш, хизмат кўрсатиш)дан келган даромад таълим муассасасини ривожлантириш жамғармасига тушади ва амалдаги қонунчиликка мувофиқ ҳисобга олинади.

Таълим муассасасини ривожлантириш жамғармасининг шаклланиши ва фойдаланилиши билан боғлиқ таълим муассасаси бухгалтерия ҳисоботи умумий қоидаларини қўллашнинг ўзига хос томонлари тармоқ ўзига хослигини ҳисобга олган ҳолдаги кирим ва чиқимлар бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги низомда таъкидланади.

Пулли-контракт асосида кадрлар тайёрлаш учун тушган маблағ таълим муассасаси даромадига қўшилади.

Таълим муассасаси даромадидан пулли-контракт асосида қабул қилинган талабаларни кундалик эҳтиёжлари, моддий-техника негизини мустаҳкамлаш ва ўқув жараёнини жиҳозлаш, ускуналар сотиб олиш, ётоқхонани юмшоқ мебель билан таъминлаш, кутубхона жамғармасини тўлдириш, «Маънавият ва маърифат» тадбирларини ўтказиш, «Универсиада» спорт тад-

бири, «Ниҳол» ижодий фестивали, шунингдек, «Устоз» жамғармаси йўналиши бўйича чет эл таълим муассасаларида профессор-ўқитувчилар таркибини қайта тайёрлаш ва тажрибасини орттириш, ижтимоий муҳофаза ва моддий рағбатлантириш учун фойдаланилади. Шу билан бирга таълим муассасаси ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни рағбатлантиришга йўналтирилдиган маблағ даромад умумий миқдорининг 25% дан ошмаслиги керак.

Ҳар йили таълим муассасалари календар йил учун пулли-контракт шаклидаги таълим бўйича келадиган бюджетдан ташқари маблағ кирим ва чиқим рўйхатини тузади ва ЎзР олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тасдиқлаш учун тақдим этади.

Таълим муассасалари ҳар уч ойлик учун кейинги ойнинг биринчи ўн кунда, белгиланган тартибда, олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига пулли-контракт асосида мутахассислар тайёрлаш учун тушган маблағ харажатларининг бажарилиши ҳақида ҳисобот топширади.

Тушган маблағ сарфланишининг тўғрилиги устидан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда ЎзР Молия вазирлиги назорат қилади.

Бюджет маблағлари фойдаланиши устидан назорат ҳам бюджетдан харажатларни молиялаш жараёнида (жорий назорат), ҳам таълим муассасалари тегишли харажатларни амалга оширгандан сўнг (кейинги назорат) ўтказилади.

Бюджет маблағидан фойдаланиш устидан назорат белгиланган меъёрлар ва бюджетдан молиялаш лимитлари, давлат бюджетининг амалдаги кирим ва чиқимлари таснифи, тасдиқланган лавозим жадвали ва белгиланган тартибда тасдиқланган харажатлар рўйхати ва бошқа меъерий ҳужжатлар асосида амалга оширилади.

Таълим муассасаларининг сарф-харажатлари, жумладан, таълим муассасасини ривожлантириш жамғармаси маблағидан мақсадли фойдаланиш устидан назорат Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги назорат-тафтиш бош бошқармаси томонидан қонунчилик йўли билан берилган ваколатга мувофиқ амалга оширилади.

Таълим муассасасининг тасдиқланган харажатлар рўйхати ва лавозим жадвалини тузиш ва қайд эттириш тартибига амал қилиниши, уларнинг тасдиқланган тасниф, харажатлар меъери ва лимитларига мувофиқлиги амалдаги қонунчиликка мувофиқ

бўлишида шахсий жавобгарлик таълим муассасасининг раҳбари ва бош бухгалтери зиммасига тушади.

Ҳам бюджет маблағидан, ҳам яна бошқа Низомда кўзда тутилган манбалардан молиялаш амалга ошириладиган таълим муассасаларининг раҳбарлари бюджет интизоми бузилиши учун амалдаги меҳнат, маъмурий, жиноий қонунчиликка мувофиқ шу жумладан, қуйидагилар учун жавобгардирлар:

- *бюджет ва бошқа пул маблағларидан мақсадли фойдаланмаганлик;*
- *муддати ўтган дебиторлик ва кредиторлик қарзи мавжудлиги;*
- *харажатлар гуруҳи бўйича бюджетдан ажратмалар лимити ошиб кетганлиги;*
- *лавозим ва харажатлар рўйхати интизоми бузилганлиги;*
- *харажатлар рўйхатидан фойдаланганлик тўғрисидаги ҳисоботнинг ўз вақтида топширилмаганлиги.*

4.4. Таълим муассасасининг молия бўлимлари

Иқтисодий вазиятни мураккаблашуви ва таълим муассасаси молиявий мустақилликнинг ошиши молия соҳасига амалда барча бўлинма раҳбарларининг молия соҳасига жалб этилишини талаб қилади. Маблағларни жалб этиш, бошқариш ва тежаш ҳар бир факультет декани, кафедра мудири, бўлим, бошқарма раҳбарининг вазифасига айланди. Илгари фақат раҳбар ҳамда бухгалтернинг ташвиши бўлган юмуш эндиликда таълим муассасаси бутун жамоасини ўзига жалб этади. Бўлинмаларнинг раҳбарлари ўз қарорларини молияни бошқарув орқали амалга ошириш имконига эга бўлдилар.

Таълим муассасасининг **бюжети** ректор ва тегишли ваколат берилган бўлинмаларнинг раҳбарлари фаолияти орқали сарфланади.

Таълим муассасасининг ректори шахсан жавобгарлик ва ҳуқуққа эга. Унинг буйруғи билан молиявий банк ҳужжатларига имзо қўйиш ва мустақил молиявий қарорлар қабул қилиш, битим тузиш, хизматлар учун ва бошқа ташкилотлар ишлари учун маблағ йўналтириш ҳуқуқига эга лавозимдор шахслар гуруҳини белгилайди.

Таълим муассасасида **молиявий функция қонунчилиги** таълим муассасасининг ректори томонидан амалга оширилади.

Иқтисодиёт ва тадбиркорлик бўйича проректор, таркибий бўлинмаларнинг молиявий мустақилликка эга раҳбарлари молиявий фаолиятни амалга оширувчи раҳбарлар ҳисобланади.

Режалаштириш-молия бўлими, бош бухгалтерия, бўлинмалардаги бухгалтерия хизмати таълим муассасаси молиявий фаолиятини амалга оширувчилар бўлиб ҳисобланади.

Давлат ва бюджетдан ташқари маблағлар келишини таълим муассасасининг бухгалтерияси ва режалаштириш-молиялаш бўлими назорат қилади.

Молиявий мустақил бўлинмалар даромад маблағидан ажратмаларни режа-молия бўлими назорат қилади.

Ректор ёки унинг топшириғига мувофиқ иқтисодиёт ва тадбиркорлик бўйича проректор таълим муассасаси ягона бюджет сиёсати юритилишини таъминлайди ва таълим муассасасида молияни ташкил этишни таъминлайди.

Ректор таълим муассасаси кенгаши молиявий қарорлари амалга оширилишида шахсий жавобгарликка эга.

Қуйидагилар ректорнинг мутлақ ҳуқуқлари ҳисобланади:

– *иқтисодиёт ва тадбиркорлик фаолияти бўйича проректор ҳамда бўлинмалар раҳбарларининг молиявий ваколати чегарасини белгилаш;*

– *бўлинмаларни молиялаш лимитларини 10% чегарасида кўриб чиқиш — режадаги харажатлар рўйхати чегарасида тушаётган бюджетдан ташқари маблағнинг мақсадли йўналишини ўзгартириш.*

Таълим муассасасининг бюджетида ҳар йили профессор-ўқитувчилар талабаларни моддий рағбатлантириш, ривожлантириш жамғармаси юзага келади. Унга барча бюджетдан ташқари тушаётган барча даромаддан чекланган улуш ўтказилади.

Қуйидагилар **режа-молия бўлимининг** асосий вазифаси ҳисобланади: маъмурият информациявий-аналитик фаолиятини таъминлаш; маъмурият учун иқтисодий сиёсат масалалари бўйича ахборот ва таклифлар тайёрлаш.

Иқтисодий вазиятни таҳлил қилиш, унинг ривожини башоратлаш ва таълим муассасаси маъмурияти учун таклифлар ишлаб чиқиш бўлимининг асосий вазифаси ҳисобланади. Бўлим бюджет маблағи сарфланишини назорат қилади, таълим муассасаси иқтисодий сиёсати соҳасидаги буйруқларни амалга ошириш бўйича таклифлар тайёрлайди. Таълим муассасаси раҳбарининг топшириғига мувофиқ бўлим маблағларни сарфлаш бўйича қарор, фармойишларни экспертиза қилади ва айрим қарорлар натижасини иқтисодий таҳлилинини ўтказилади.

Режа-молия бўлими таълим муассасаси ва унинг бўлинмаси иқтисодий фаолият кўрсаткичларини режалаштиради, иқтисодий ва меҳнат меъёрларини ишлаб чиқади. Таълим муассасаси бюджет ўлчамлари башоратини тузади, кириш ва чиқимлар башоратини ишлаб чиқади, харажат йўналишлари бўйича маблағни тақсимлаш учун тавсия тайёрлайди. Лавозим жадвалини тайёрлайди ва назорат қилади. Бу бўлинмада таълим муассасаси айрим бўлинмалари ва тадбирлари бўйича кириш ва чиқимлар рўйхати тузилади.

Таълим муассасаси бухгалтерияси таълим муассасаси бюджет сиёсатини амалга оширувчи ижроия ҳокимиятининг органи ҳисобланади. У ягона касса тамойили асосида таълим муассасаси бюджети ижросини амалга оширади.

Таълим муассасаси бухгалтерияси:

- *бюджет ижросини ташкил этади;*
- *таълим муассасаси бюджети ва бўлинмалар бюджетларини назорат қилади;*

- *бюджет ижроси ҳақида ҳисобот тайёрлайди;*

- *таълим муассасаси қарзлари жорий бошқарувини амалга оширади;*

- *молия маблағларининг тушиши ва сарфланиши ҳақида тезкор ҳисобот тайёрлайди.*

Таълим муассасасининг бош бухгалтери таълим муассасаси бўлимларидаги барча бухгалтерия хизмати фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади. Бош бухгалтер вазифасига ректор томонидан олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги иқтисодиёт, инвестиция ва маркетинг хизмати бош бошқармаси билан келишган ҳолда тайинланади.

Бош бухгалтер (бухгалтерия) қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- таълим муассасасига хизмат кўрсатувчи банкларда ҳисоб рақамини очиш ва ёпиш;

- таълим муассасаси бўлинмалари банк ҳисоб рақамлари очилишини келишиш;

- таълим муассасаси бюджет қоидаларига амал қилишининг текширувини ўтказиш;

- қоида бузилганда ёки маблағ танқислигида тасарруф этувчилар ҳисоб-китоб бўйича операцияларни тўхтатиш;

- бўлинмалар кириш ва чиқим рўйхатини, молиялаш билан боғлиқ буйруқлар, бошқа ташкилотлар билан битимларни келишиб олиш.

Молия назорати бўлими қуйидагиларни назорат қилиш учун тузилади:

– таълим муассасаси бюджетни ижросини;

– бўлинмалар ва умуман таълим муассасаси ички аудитини ўтказишни;

– тушаётган маблағлардан самарали мақсадли фойдаланиш бўйича тафтиш ва текшириш ўтказиш;

– таълим муассасаси ички молия фаолияти ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро муносабатлардаги қондаларга риоя этишни.

Молиявий назорат бўлими бўлинмалар молиявий бахсларини, бўлинмаларнинг мақсадли ажратмалар тўлиқ берилмаганлиги ёки улардан ҳуқуқий фойдаланилмаганлиги хусусидаги имкониятларини кўриб чиқиш ҳуқуқига эга.

4.5. Даромадларнинг бюджет тизими даражалари ўртасида тақсимланиши

Таълим муассасаси бўлинмалари ва бухгалтерия хизматининг фаолияти йўналишлари учун ҳисоб рақами очилади. Уларнинг юзага келиши таълим муассасаси ички молия оқимини тубдан ўзгартиради. Ҳисоб рақамлари фақат бухгалтерия хизматини кўрсатибгина қолмайди, балки, улар молия маблағидан фойдаланиш учун масъулиятни раҳбарлар бўйича тақсимлашни шакллантириш ва бошқарув қарорларини ҳар бир бошқарув даражасида пул маблағи билан таъминлаш имконини беради.

Ҳисоб рақами таълим муассасаси умумий молия оқимидаги муайян бўлинма ёки муайян иш кирим ва чиқимларини ажратиш имконини беради. Хўжалик ҳисоби асосидаги ишлар ҳисоб рақами ҳисоб рақамига яққол мисол бўлади.

Ҳисоб рақамига молияларнинг тушиши уч хил усулда бўлиши мумкин:

– буюртмачи билан мақсадли битим асосида бевосита келиб тушиш (бу буюртма қилинган иш ёки муайян таркибий бўлинма фаолиятини молиялаш учун тушган бюджет маблағи ва бюджетдан ташқари маблағ бўлиши мумкин);

– бюджетни маблағи бир қисмини ҳисобга киритиш (таълим муассасасига тушган ва таълим муассасаси ичида бўлинмалар ва ишларга хўжалик фаолияти режасига мувофиқ тақсимланади);

– бошқа бўлинмалардан ўтказилган (мажбуриятдан юқори ҳажмдаги ишлар бажариш учун қўшимча хизмат кўрсатганлик учун).

Таълим муассасаси банк муассасасида белгиланган тартибда қуйидаги ҳисоб рақамларини очади:

– *бюджет маблағлари бўйича талаб қилиб олинadиган асосий депозит ҳисоб рақами;*

– *бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси бюджетдан ташқари маблағ бўйича талаб қилиб олинadиган депозит ҳисоб рақами.*

Фаолият соҳаси бўйича товарлар ишлаб чиқариш ва сотиш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш)дан ҳосил бўлган кирим ва чиқимларни акс эттириш, бошқа ташкилотларга вақтинча фойдаланилмай турган хоналар ва давлат мулкларини ижарага беришдан, юридик ва жисмоний шахслар кўрсатадиган ҳомийлик (бегараз) ёрдамдан келган маблағ 50% ни, шунингдек, режали-бюджетдан молиялаш натижасида тушган ва таълим муассасаси бюджет маблағи бўйича талаб қилиб олинadиган асосий депозит ҳисоб рақамларида ҳисобот йили сўнгги иш куни охирида қолган тежалган (фойдаланилмаган) маблағлар (капитал қўйилмаларни молиялаш кўзда тутилган маблағлар бундан истисно) қуйидаги ҳисоб рақамига ўтказилади:

114 — «Бюджет ташкилотларини ривожлантириш жамғармасининг бюджетдан ташқари талаб қилиб олинadиган депозит ҳисоб рақами».

134 — «Молиявий қўйилмалар фонди»

215 — «Бюджетдан ташқари фондлар ҳисобидан харажатлар»

275 — «Кредит қарздорлик устувор тўловлари заҳираси»

400 — «Махсус маблағлар бўйича даромадлар»

Давлат бюджетидан молияланадиган таълим муассасаси ЎЗР олий таълим ва ўрта махсус таълим вазирлигига харажатлар сметаси бажарилиши ҳақида ойлик, учойлик ва йиллик ҳисобот топширади ва вазирлик белгилаган шакл ва муддатларда бюджет маблағи ва бюджетдан ташқари маблағлар бўйича ягона баланс тузади. Ойлик ҳисобот 1-оҳ шакли ҳисобот ойдан кейингисининг 5-санасида топширилади. Назорат ҳисоботи — №2 шакл ҳисобот учойлигидан кейинги ой 10-санасидан кечикмай топширилади. Таълим муассасасини ривожлантириш жамғармаси учойлик ҳисоботи — №2-рж шакл №2 шакл билан бирга у топшириладиган санада тақдим этила-

ди. №1-ох, №2, №2-рж ҳар бир параграф бўйича ва ўз вақтида барча муассасалар томонидан топширилади. Пулли-контракт асосидаги таълимдан тушадиган бюджетдан ташқари маблағ бўйича бухгалтерия ҳисоби Ўзбекистон республикаси молия вазирлиги илгари қабул қилган ҳужжат асосида олиб борилади.

4.6. Бюджет жараёни

Бюджет параметрлари башоратини тузиш таълим муассасасининг режа-молия бўлими қуйидаги ҳужжатлар асосида тузади:

- *бўлинмалар лавозим жадвали;*
- *талабалар қабули гранти;*
- *коммунал тўловлар режаси;*
- *таълим муассасасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш башорати;*
- *инвестиция дастури;*
- *таълим муассасаси қарзининг тузилиши;*
- *навбатдаги йил бюджети ижросини баҳолаш.*

Таълим муассасаси бюджет кўрсаткичлари башоратини тузиш олдинги йил 1 октябридан бошланади. 15 октябргача инвестициялаш умумтаълим муассасаси дастурини башоратлаш шакллантирилади, давлат ва нодавлат тушумларининг башорати тузилади. Таълим муассасаси бюджет лойиҳаси 1 ноябрга таълим муассасаси кенгашида кўриш учун тақдим этилади.

1 декабргача бўлган муддатда бюджет параметрлари башорати Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги кўриб чиқиши учун тақдим этилади.

Бюджет лойиҳасини ўз вақтида ва сифатли тузиш мақсадида таълим муассасасининг режа-молия бўлими бўлинмалар ва таълим муассасаси раҳбарларидан режа билан боғлиқ зарур маълумотларни олиш ҳуқуқига эга.

Таълим муассасасининг иқтисодиёт ва тadbиркорлик бўйича проректори бюджет кўрсаткичлари башоратини таълим муассасаси кенгаши кўриб чиқиши учун ўтган йил якуни, таълим муассасасини иқтисодий ривожлантириш башорати, навбатдаги йил бюджет сиёсати асосий йўналишларини тақдим этиш билан бир вақтда топширади.

Таълим муассасаси кенгаши келгуси йил бюджети бажарилиши, маблағдан фойдаланиш самарасини баҳолайди.

Бюджетни баҳолашда қуйидагилар таҳлил қилинади:

- бўлинмалар ўзаро молиявий муносабатларининг тамойиллари;
- бюджет тақчиллиги (дефицити)ни молиялаш;
- харажатлар умумий ҳажми;
- қисмлар бўйича бюджет харажатлари;
- айрим моддалар ва фаолият йўналишларини молиялаш

бўйича чекловлар;

- вақт оралиғи бўйича бюджет маблағининг тақсимланиши.

Таълим муассасаси кирим ва чиқимлар рўйхатини Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тасдиқлайди.

Барча бюджетлар ягона касса тамойили асосида бажарилади. Унга кўра барча киримлар даромадлар ягона ҳисобига тушади, барча сарфлар бюджет ягона харажатлари ҳисобидан амалга оширилади. Бюджетларни бажариш тушаётган даромадлар чегарасида амалга оширилади.

Таълим муассасасининг ва бўлинмалар бюджетларининг ҳисоб-рақамларига хизмат кўрсатиш таълим муассасаси бўйича буйруқ асосида ваколатланган бухгалтерияларнинг бўлинмалари амалга оширади. Бухгалтерия хизмати тўловлар рўйхати, ҳажми ва муддатини назорат қилади, маблағдан мақсадли фойдаланмаслик ёхуд тақчиллик юзага келишига йўл қўймайди.

Бюджет бажарилишининг бориши ҳақида ҳисобот ҳар учойликда олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тақдим қилиш учун; ички бошқарув органларига талаб бўйича тайёрланади.

Ҳар йилнинг охирида ректор таълим муассасаси йиллик бюджети бажарилиши ҳақида бухгалтерия ҳисоботи тайёрлаш тўғрисида буйруқ чиқаради. Мазкур буйруқ асосида таълим муассасасининг барча бўлинмалари кирим ва чиқимлар ҳақида ҳисобот тайёрлайдилар. Уларда давлат молиялаши, товарлар ишлаб чиқариш ва сотиш (иш бажариш, хизмат кўрсатиш)дан келган даромад, таълим муассасаларини ижарага беришдан олинган маблағ ҳақидаги маълумотлар акс этади.

Таълим муассасасининг бухгалтерияси айрим бўлинмалар ва умуман таълим муассасаси ҳисоботини умумлаштиради.

Таълим муассасаси учун ажратиладиган бюджет маблағи таълим муассасасининг харажатлар рўйхати бўйича тақсимланади. Бу молиявий ҳужжат таълим муассасаси фаолият кўрсатишини таъминлаш учун бюджетдан ажратилган маб-

лағнинг ҳажмини, мақсадли йўналишини ва учойликлар бўйича тақсимланишини белгилайди.

Харажатлар рўйхати (смета)да кўзда тутилган чиқимлар смета ҳар бир моддаси айрим турлари бўйича ҳисоб-китоблар билан асосланади.

Таълим муассасасининг харажатларини белгилаш ва уни таъминлаш учун бюджет ажратмаларини башоратлаш қабул грантлари (талабалар грантлари ва битирувчи мутахассислар, тегишли малака ошириш факультетларига тингловчилар қабул қилиш ва битиртириш, инвестиция программаси) кўрсаткичларига таянади.

Сарфлар айрим турлари бўйича ҳисоб-китоблар профессор-ўқитувчилар ва бошқа ходимларга иш ҳақи, талабаларга стипендия тўлаш ҳақидаги амалдаги қонунчилик ҳамда бошқа мақсадларга сарфларнинг айрим турига харажатларнинг амалдаги меъёрлари бўйича тузилади.

Сметада айрим тур харажатларни белгилаш учун фаолият кўламини тавсифловчи (таълим муассасаси таркибидаги кафедралар, муассасалар, ўқув-материал базаси тўғрисидаги ҳужжатлар мавжудлиги хусусида умумий маълумотлар келтирилади.

Харажатлар сметасини ҳисоб-китоб қилиш учун таълим муассасасига қуйидагиларнинг миқдорини тўғри белгилаш биринчи даражали аҳамият касб этади: таълимнинг кундузги ва сиртқи шаклида таълим олувчи талабалар, аспирантлар, таълим муассасаси малака ошириш факультети тингловчилари.

Шу билан бирга тайёрлашнинг қайд этилган турлари бўйича йиллик ўртача контингентни режаси тузилаётган йил бошида мавжудлигини; шунингдек, йил давомида қабул, битирув, айрим талабаларнинг ўқув йили тугагунча ўқишдан кетиш (чиқарилиши) билан боғлиқ ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда ҳисоблаш зарур.

Талабалар йиллик ўртача контингентини ҳисоблаш қуйидаги тарзда амалга оширилади. Мисол тариқасида фараз қилайлик: таълим муассасасининг кундузги бўлимида курсдан курсга кўчувчи талабалар сони 1015 нафар, қабул гранти 300 нафар, битирувчилар — 200 нафар, кетиш — 40 нафар. Режалаштирилдиган йил охиридаги контингент йил бошида курсдан курсга ўтувчи контингентга грант бўйича қабул қилинувчи талабалар қўшилади, битирувчи ва кетадиганлар айрилади (1015+300-200-40), демак у 1075 нафарни ташкил этади.

Башоратланаётган йил бошидаги ўтувчи талабалар сони, жисмоний шахсларда, ўртача йилликка тенг деб олинади.

Йиллик ўртача қабул контингенти улар ўқийдиган йил давомийлигини ҳисобга олиб белгиланади. Агар битирув муддати ўқув режасида 1 йил деб белгиланган бўлса, унда битирув йиллик ўртача контингенти шу йилда талабалар битиргандан кейин қолган ойлар миқдорига кўра ҳисобланади, яъни 6 ойга (200×6 ой/12 ой).

Йиллик ўртача ўқишдан кетиш, одатда амалдаги кетиш 60% га тенг деб олинади. У аввал ўтган 2-3 йил ҳисобот маълумотлари асосида ҳисобланади.

Талабаларнинг йиллик ўртача миқдори кундузги ва сиртқи таълим тури бўйича алоҳида белгиланади.

Смета ҳисоб қилинаётганда талабалар миқдори бухгалтерия ҳисоботи асосида белгиланади.

Талабалар ўртача йиллик миқдорини ҳисоблаш талабаларни моддий таъминлаш учун сарфларни белгилашга, шунингдек таълим муассасасини моддий-техникавий негизини ривожланиш истиқболини белгилаш учун зарур.

Таълим муассасаси фаолият юритиши харажатларини ривожлантириш учун таълим муассасаси фаолияти ва харажатлар меъёри кўрсаткичлари тўғрисидаги маълумотларга эга бўлиши керак. Харажатларни меъёрлаштириш усули таълим муассасаси учун маблағ ажратишнинг асосий усули ҳисобланади. Харажатларнинг асосланган меъёрлари қуйидагиларга имкон беради:

- таълим муассасаси олдида турган вазифаларни амалга ошириш учун зарур молия ресурслари ҳажмини тўғри белгилаш;
- амалиётчи молия ходимлари учун тушунарли усулда таълим муассасаси харажатларининг ҳисоб-китобини олиб бориш;
- таълим муассасаси молия фаолияти устидан самарали назоратни таъминлаш ва тежаш тартиби сиёсатини мунтазам ўтказиш, яъни харажатларнинг белгиланган меъёрига мувофиқ молия ресурсларидан самарали фойдаланиш.

Харажат меъёрларини белгилашда амалдаги харажатларни акс эттирадиган, ҳисоботда мавжуд бўлган таълим муассасаси фаолиятининг ўзига хослигини ҳисобга олувчи кўрсаткичлардан фойдаланилади. Бунга қуйидагилар киради: *кундузги ва сиртқи таълим талабаларининг миқдори, таълим шаклини ҳисобга олган ҳолда аспирантлар миқдори, ётоқхоналардаги ўринлар сони, бино ва иншоотлар майдони, шунингдек, асосий фондларнинг баланс қиймати.*

Келтирилган кўрсаткичлардан таълим муассасаси асосий тур фаолияти харажатлари меъёрини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкин.

Талабалар ва аспирантлар миқдори, таълим шакли ҳисобга олинган ҳолда, профессор-ўқитувчилар, маъмурий-хўжалик ва ўқув-ёрдамчи ходимлар миқдорини аниқлаш учун асос ҳисобланади. Талабалар ва аспирантлар миқдори ҳақидаги маълумотлар асосида, яна, ишлаб чиқариш амалиёти, китоблар сотиб олиш, стипендия тўловлари харажатлари, шунингдек, ўқув, почта-телеграф, транспорт харажатлари, нашр ишларига сарфлар ва бошқа (шу жумладан маданий-оммавий тадбирлар ва спорт ишлари) чиқимлари белгиланади.

«Бинолар ва иншоотлар майдони» кўрсаткичидан иситиш, ёритиш, жорий таъмирлаш, капитал таъмир, хўжалик ашёлари хариди харажатларини белгилаш учун фойдаланилади. **«Ётоқхоналардаги ўринлар сони»** кўрсаткичидан эса ётоқхоналарни таъминотига ва юмшоқ мебель сотиб олишга маблағ ажратишни белгилаш учун фойдаланилади.

Таълим муассасасини молиялашда меъёрлар ва харажатлар меъёри ҳам натура, ҳам пул тарзида қўлланади.

Натура меъёри ва мезонларини ишлаб чиқиш пул меъёр ва мезонларини ишлаб чиқиш билан бирга тузилиши лозим, чунки натура меъёрлар таълим муассасасининг тегишли моддий ресурсларга эҳтиёжини объектив ҳисобга олади ва узоқ вақт муқим бўлиб туриши мумкин ҳамда харажатлар меъёри ортиши билан қайта кўриб чиқилади, пул меъёрлари эса фақат сарфларнигина ўзгаришини эмас, балки қиймат ўзгаришини ҳам акс эттириши лозим. Натура меъёр ва мезонларидан ётоқхонадаги ўринни жиҳозлаш ва капитал таъмир харажатларини белгилашда фойдаланилади.

Натура ва қиймат кўрсаткичлар ўзаро алоқасини кучайтириш таълим муассасаси фаолияти асосий турларига харажатлар меъёрини ишлаб чиқишда, бир томондан, молиявий режалаштириш даражасини оширишга, иккинчи томондан, бюджет маблағини сарфлашни қаттиқ назорат қилиш имконини беради.

Таълим муассасаси ўқитувчилари харажатларининг унсури бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

1. *Меҳнатга ҳақ тўлаш*, шу жумладан меҳнатга ҳақ тўлаш базаси;

2. *Иш ҳақи учун ажратмалар* (меҳнатга ҳақ тўлашнинг 40%)

3. *Малака ошириш харажатларига тўловлар* (бир йилда ўртача бир ой), шу жумладан, алмаштириш меҳнатига ҳақ тўлаш, алмаштирганга иш ҳақи тўлаш учун ажратма, малака ошириш жойига бориш учун транспорт харажатлари, хизмат сафари чиқимлари).

4. *Ўқув-методика материаллари нашри учун тўловлар* (бунда ва кейинги ўринларда муаллиф экспертлик баҳоси, бир йилга ўртача 3 б.т.).

5. *Жамоа фойдаланадиган ўқув адабиётлари сотиб олиш* (бир ўқитувчига ўртача бир йилда 5 та китоб)

6. *Талабалик ҳужжатлари бланклари учун тўловлар* (диплом, талабалик гувоҳномаси, рейтинг дафтарчаси, кутубхонага аъзолик гувоҳномаси, шахсий варақ бланкаси).

7. *Ўқув тарқатма материаллари тайёрлаш* (бир йилга битта талабага 100 варақ ксероксда чиқарилган нусхаси).

8. *Лаборатория ишлари учун материаллар сотиб олиш* (бир талабага 1 йилга ўртача 1 МРОТ).

9. *Ўқув мебели сотиб олиш* (бир йилда 20 талабага ўртача бир тўплам).

Хизмат ва ўқув хоналарини сақлаш учун харажатлар унсури бўлиб, қуйидагилар ҳисобланади:

1. *Хизмат кўрсатувчи ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш* (1 м.кв. ҳисобидан).

2. *Хоналарни қўриқлаш учун ҳақ тўлаш.*

3. *Иш ҳақига ажратмалар.*

4. *Кўммунал тўловлар:*

• *электрэнергия учун тўловлар;*

• *сув учун тўловлар;*

• *иссиқлик тўловлари;*

• *канализация учун тўлов;*

• *телефон алоқаси тўлови;*

• *лифт жихозлари учун тўлов.*

5. *Хоналарни сақлаш ва уларга хизмат кўрсатиш учун материаллар сотиб олиш.*

6. *Хоналар жорий таъмири.*

7. *Бино сирти ва томини жорий таъмирлаш.*

8. *Бинони иситиш тармоғини жорий таъмирлаш.*

9. *Бино электр тармоқларини жорий таъмирлаш.*

10. *Бино канализация ва сув тармоқларини жорий таъмирлаш.*

Таълим муассасаси маъмурий харажатлари қуйидагиларни ўз ичига олади:

1. *Маъмурий-бошқарув ходимлари меҳнатига тўланадиган ҳақ* (таълим муассасаси ўқитувчилари, ўқув-ёрдамчи ва хизмат кўрсатиш бўйича ходимлар меҳнат ҳақи 10% (миқдориди).

2. *Иш ҳақи учун ажратмалар.*

3. *Девон товарлари сотиб олиш;*

4. *Хизмат мебели сотиб олиш* (бир йилда, тахминан, 10 ҳо-
димга бир тўплам).

5. *Почта харажатлари.*

6. *Шаҳарлараро телефонда сўзлашганлик тўлови.*

7. *Халқаро телефонда сўзлашганлик тўлови.*

8. *Хизмат, хизмат сафари билан боғлиқ сарфлар:*

• транспорт харажати;

• хизмат сафари харажати;

• меҳмонхонада турганлик тўлови.

9. *Хизмат автомобиль транспортини сақлаш.*

10. *Давлат ва таълим муассасаси ички хужжатлари хизмат қоғозлари (бланкалари) сотиб олиш.*

Худудни сақлаш харажатларининг унсури бўлиб, қуйидагилар ҳисобланади:

1. *Хизмат кўрсатувчи ходимлар меҳнатига тўланадиган ҳақ.*

2. *Худудни қўриқлаш учун тўланадиган ҳақ;*

3. *Иш ҳақи учун ажратмалар;*

4. *Аҳолини ташиб кетиш учун тўланадиган ҳақ.*

5. *Электртехника учун тўлов;*

6. *Йўлларни жорий тузатиш;*

7. *Иссиқлик тармоғи жорий таъмирлови.*

8. *Телефон тармоқларини жорий таъмирлаш;*

9. *Канализация тармоқларини жорий таъмирлаш;*

10. *Сув тармоқларини жорий таъмирлаш;*

11. *Электртармоқларни жорий таъмирлаш;*

12. *Дов-дарахтлар ўтказиш;*

13. *Махсус транспорт сақлаш.*

Таълим муассасаси капитал сарфларининг унсури бўлиб, қуйидагилар ҳисобланади:

6. *Биоларни капитал таъмирлаш.*

7. *Худуддаги тармоқни капитал таъмирлаш.*

8. *Ўқув техникаси сотиб олиш.*

9. *Бошқарув бўлинмалари учун оргтехника сотиб олиш.*

10. *Автомобил транспорти сотиб олиш.*

11. *Янги биолар қуриш.*

4.7. Молия оқимини бошқариш

Таълим муассасаси фаолиятини таъминловчи молия оқими умумий мажмуини беш қисмга бўлиш мумкин:

– *Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан давлат молиялаши;*

– *Пулли-контракт асосида мутахассисларни тайёрлаш;*

– *фаолият соҳаси бўйича товар ишлаб чиқариш (иш бажариш, хизмат кўрсатиш тадбиркорлик фаолияти туфайли тушадиган бюджетдан ташқари маблағ;*

– *чет эллик фуқароларни контракт асосида тайёрлашдан олинадиган валюта-маблағ;*

– *корхона ва ташкилотлар учун хўжалик шартномаси асосида илмий-тадқиқот ишлари бажаришдан тушган маблағ;*

– *юримдик шахсларга ресурслар берганлик учун бюджетдан ташқари маблағ (ер, жиҳоз, хона, юримдик манзил).*

Бу оқимлар амалга ошириш қоидаларининг ўзига хослиги, хужжатлар асосида расмийлаштирилиши, давлат идоралари томонидан назорат қилиниши билан фарқланади. Уларни бири-бирига алмаштирилишига йўл қўймайди ва шунинг учун энг мақсадга мувофиқи уларнинг бири-биридан ажратилган ҳисоблар тизими (ички) орқали ўтказишдир. Агар, масалан, таълим муассасаси бўлинмаси фаолиятнинг юқорида қайд этилган барча беш йўналишида амалга оширсан, бунда унинг бешта шахсий ёки ҳисоб рақами бўлиши керак. Бу, айниқса, бўлинмаларнинг бюджетдан ташқари фаолиятини ривожлантириш, фаолиятда устуворликларни аниқ тушуниш, бошқарув даражалари бўйича молиявий қарорларни тақсимлашда муҳимдир.

Таълим муассасасида молиявий фаолиятни ҳисобга олиш бўлинмалар субҳисоби ва айрим ишлар субҳисобидан фойдаланилади. Субҳисоб таълим муассасаси умумий молия оқимидан айрим бўлинма ёки айрим иш бўйича кириш ва чиқимларни ажратишга имкон беради. Хўжалик ҳисоби асосидаги илмий-тадқиқот ишлар субҳисоби субҳисобга яққол мисол бўлади.

Субҳисобга маблағ учта усул билан тушиши мумкин:

– *бюджетмачи билан мақсадли битим асосида тўғридан-тўғри тушиши (бу бюджет маблағи ва бюджетдан ташқари бюджетма иши учун ёки муайян таркибий бўлинма фаолиятини молиялаш учун тушадиган маблағ бўлиши мумкин);*

– бюджет маблағининг бир қисмини ўтказиш, бу маблағ таълим муассасасига тушадиган ва таълим муассасаси ичида бўлинмалар ва ишлар бўйича таълим муассасаси кенгаши қабул қилган хўжалик фаолияти режаси ва методикаси асосида тақсимланадиган маблағдир;

– бошқа бўлинмалардан ўтказиш, бу маблағ белгиланган иш ҳажмидан ташқари кўрсатилган кўшимча хизмат кўрсатганлик учун ўтказилади.

Келаётган молия оқимини тавсифлаш учун марказлаштирилган субҳисоб ва бўлинмалар субҳисоби тушунчасини киритамиз. Марказлаштирилган субҳисоб – умумтаълим муассасаси миқёсидаги маблағ.

Бўлинма субъектига мақсадли тартибда тушадиган маблағ унинг раҳбари қарорига мувофиқ фойдаланилади. Муайян иш учун мақсадли тартибда тушадиган маблағ раҳбар қарорига мувофиқ ва икки томонлама келишилган битим асосида фойдаланилади. Бу маблағнинг бир қисми марказлаштирилган субҳисобга ўтказилади. Унинг миқдори «таълим муассасаси ички солиғи»га кўра ёки таълим муассасаси билан мустақил юридик шахс тарзида фаолият кўрсатувчи таркибий бўлинмаси ўртасидаги шартномада белгиланади.

«Таълим муассасаси ички солиғи»нинг миқдори бир йилдан кам бўлмаган муддатга ягона қилиб белгиланади, таълим муассасасининг кенгаши томонидан тасдиқланади ва кундалик фаолиятда ўзгартиришга йўл қўйилмайди.

Юридик шахс ҳуқуқига эга таркибий бўлинма маблағидан ажратилган маблағ битим шартларига боғлиқ.

Бунда қуйидагилар ҳисобга олинади:

– бўлинма таълим муассасаси таркибидалиги туфайли бериладиган солиқ имтиёзлари;

– таълим муассасаси фойдаланадиган ресурслар (электр энергия, иссиқлик, майдонлар, ҳудуд, ходимлар, телефон);

– таълим муассасасига кўрсатиладиган хизматлар;

– бўлинмалар оладиган фойда миқдори;

– унинг фаолият соҳасининг таълим муассасаси мақсад ва вазифаларига мувофиқлиги.

Ажратмалар миқдоридида фақат томонлардан бирининг харажатларини қоплашгина эмас, балки олинадиган фойдани жалб этилган куч-ғайрат ва ресурслар улушини ҳисобга олиб тақсимлаш ҳам эътиборда туриши лозим.

4.8. Молия рискдан ташкилий муҳофазаланиш

Таълим муассасасини хусусий қарорлар молиявий рискдан муҳофазаланиши асосий усулларида бири бўлиб, бошқарув бўйича раҳбарлик молиявий ҳокимияти даражасини чеклаш ҳисобланади. Қуйидагилар бошқарувнинг шундай даражалари бўлиши мумкин:

1. Иқтисод ва тадбиркорлик бўйича проректор.

2. Биринчи проректор.

3. Ректор.

4. Учёқлама тасдиқ (ректор, биринчи проректор, иқтисод ва тадбиркорлик бўйича проректор).

Назорат даражасининг тартиби қанчали юқори бўлса, қабул қилинаётган қарор шунчали кўпроқ аҳамият касб этади.

Молиявий ҳокимиятни чеклаш функция соҳаси ёки битим ҳажмига кўра амалга оширилиши мумкин. Бошқарувнинг ҳар бир даражаси учун битим ҳажми ва таълим муассасасининг сарф этиладиган ресурслари миқдори тасдиқланади.

Бошқарув қарори муайян соҳасини кўриб чиқишда қабул қилинаётган қарор соҳасини тавсифловчи қўшимча кўрсаткичлардан фойдаланиш мумкин.

Масалан, таъмирлаш ва қурилиш ишларига тааллуқли шартномага қўл қўйиш ҳуқуқи ишлар учун тўланадиган маблағ ҳақиқатда мавжудлиги билан боғли бўлиши мумкин. Маблағ бор бўлган тақдирда шартнома иқтисод ва тадбиркорлик бўйича проректор томонидан имзоланиши мумкин. Агар маблағ келгусида тушадиган бўлса, шартномага иқтисод ва тадбиркорлик бўйича проректор ёки ректор имзо қўяди.

Иш ҳақиға устамани бошқариш соҳасида молиявий бошқариш даражаси ҳар бир қўшимча тўлаш, мукофот, устама-ларнинг қўшимча белгиланиши ҳажми билан боғлиқ. Бу даража қуйидагича бўлиши мумкин:

– *ўқув ишлари бўйича проректор, иқтисод ва тадбиркорлик бўйича проректор* — бўлинма бўйича умумий маблағ лимитини сақлаган ҳолда устама ва қўшимчаларни қайта тақсимлаш;

– *ректор* — бўлинма лимитидан четга чиқилганда устама ва қўшимчаларни ҳамда 100% гача қўшимчани бюджетдан ташқари маблағ ҳисобидан меҳнатга ҳақ тўлаш негизи бўйича белгилаш.

Мазкур қисмнинг хулосасида юқорида раҳбарнинг молиявий масъулияти тўғрисида сўз борганлигига эътиборни қаратиш керак бўлади. Бу молиявий битим ҳужжатларида

ҳамма вақт таълим муассасаси бош бухгалтерининг ва режалаштириш-молия бўлимининг келишганлик ҳақидаги имзоси бўлишини истисно қилмайди.

Бошқарув қарорларини ишлаб чиқиш босқичида иқтисодий назоратни ошириш мақсадида ресурсларни баҳолаш қўлланади. Буйруқларнинг фармойиш ёки кўрсатмаларнинг ҳар бири талаб қилинадиган ресурсларни интеграл баҳолаш билан яқунланади. Бу яқунловчи қисм ёки илова этилаётган аналитик ёзув бўлиши мумкин. Унда тегишли буйруқни бажаришда юзага келадиган меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги қўшимча маблағ учун эҳтиёж ва манбалар, хоналар, ускуналар, молиявий қўйилмалар кўрсатилади.

Назорат мақсадидаги молиявий тадбирлар айрим раҳбарларнинг молиявий қароридаги субъективликдан, маблағ тақчиллиги шароитида турли раҳбарлар молиявий қароридаги келишмовчиликлардан таълим муассасасини муҳофаза қилишга, раҳбарларни эса мавжуд молиявий вазият ҳақидаги тасаввурни йўқотиб қўйишдан сақлайди.

Назорат тадбирларининг барчасини бир неча гуруҳга ажратиш мумкин:

- *муҳофаза тадбирлар;*
- *муайян қарорларни чеклаш тартиби;*
- *маълум вақт яқунлари бўйича таҳлил;*
- *тезкор текширув.*

Олдинги иккита тадбир энг самарали ҳисобланади, гарчи амалда таълим муассасасининг раҳбарлари кўп вақтни кейинги тадбирларга ажратсалар-да.

Муҳофаза тадбирлари. «Иккиламчи вазият»га йўл қўймаслик учун таълим муассасаси ҳудудида фаолият кўрсатаётган юридик шахслар ишида таълим муассасаси маъмурий-бошқарув ходимлари даромад олишда ташкил этиш, раҳбарлик қилишларини тақиқлаш зарур. Бундай маблағ ҳар қандай ҳолатда ҳам таълим муассасаси ҳисоб рақамига ўтказилиши ва ректор буйруғи асосида муайян раҳбарларга тўланиши керак.

Ифодаланган шартларни чеклашга шароит яратиш учун бу қондани ректорнинг маъмурий ходимлар билан меҳнат шартномасига киритилиши лозим. Бу талаб бузилган ҳолда турли маъмурий ва иқтисодий жазо, таълим муассасасидаги ишдан бўшатишгача чора кўрилиши мумкин.

Таълим муассасаси ҳудудида фаолият юритувчи юридик шахсларда режа-молия бўлими ва бухгалтерия хизмати таълим

муассасаси лавозимдор шахслари улар фаолияти шартларига алоқадор бўлган вазиятларни аниқлаш мақсадида текширув ўтказиши керак (бу таълим муассасасининг юридик шахслар билан шартномасида кўзда тутилиши лозим).

Йил кўрсаткичлари бўйича таҳлил. Фаолият айрим йўналишларини қаттиқ назорат қилиш таълим муассасасини тангликдан олиб чиқишдаги бошқарув усулларида бири ҳисобланади. У «иқтисод ва тадбиркорлик бўйича проректор назорати жадвали» асосида амалга оширилади. Жадвалга анча танг аҳволдаги фаолият йўналиши киритилади. Масалан, томи тузатиш (m^2), деворларга пардоз бериш (хоналар сони), янги ўқув мебеллари сотиб олиш (дона), ҳудуддан ахлатни олиб чиқиб кетиш (m^3) ва ҳ.к. Ҳар ойнинг биринчи санасига жадвал ҳар бир кўрсаткичи бўйича ўзгаришлар ҳисоби олиб борилади. Жадвалга кўрсаткичларни киритишнинг ўзи фаолият тегишли соҳаси аҳамияти ошганлиги ҳақида гувоҳлик беради, кўрсаткичлар ўзгаришининг йўқлиги раҳбар аралашуви учун асос бўлади.

Лавозим жадвали устидан назорат. Бошқарув муаммоларидан бири — бўлинмалардаги лавозим жадвали лимитга амал қилишнинг самарали назорати (ходимлар сонини доимий ўсишдан сақлаб туриш).

Таълим муассасаси лавозим жадвалини бошқаришда бўлинма лавозим жадвалидаги ўзгаришни лавозим таркиби ва миқдори бўйича ажратиш ва лавозим жадвалини ишловчилар билан тўлдириш зарур (қабул, ишдан бўшатиш, танлов бўйича саралаш). Бу икки вазифани турли бўлинмалар ҳал қилади. Режалаштириш-молия бўлими таълим муассасасининг раҳбарига тасдиқлаш учун таълим муассасаси бўлинмасининг лавозим жадвалини топширади, назорат қилади, тузатишларни киритади. Лавозим жадвалини ходимлар билан тўлдиришни ходимлар бўлими амалга оширади. Режалаштириш бўлими билан ходимлар бўлими ўртасида чегараланган муносабат ўрнатилиши керак.

Майдонлардан фойдаланишни назорат қилиш. Таълим муассасасининг барча хоналари фойдаланиш йўналиши бўйича қатъи назорат қилиниши лозим. Таълим муассасасида қуйидагилар бўлиши шарт: ижарачилар рўйхати ва хоналарнинг компьютерда маълумоти. Ижарачилар рўйхати юридик шахслар номи, шартномаларнинг нусхасини ўз ичига олиши керак. Ректор, иқтисод ва тадбиркорлик бўйича проректор, юридик хизмат, режалаштириш-иқтисод бўлими рўйхат билан таниша оладиган бўлиши керак. Агар таълим муассасаси ижара-

чиларни рўйхатга киритилмаган бўлса, ҳеч бир шартнома тузилган ҳисобланмайди. Таълим муассасаси хоналари ҳақида маълумотлар жамғармасига ўзгартиришлар киритилмаган бўлса, ҳеч бир хонанинг фойдаланиш соҳаси ўзгартирилиши мумкин эмас. Рўйхат ва маълумотлар жамғармасига таълим муассасаси хоналари ҳақида қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тартиби чегараланган бўлиши керак. Барча шартномалар, таълим муассасаси номидан банк ҳисоб рақамидан фойдаланиб тузилса-ю, таълим муассасаси бухгалтерия хизмати ва ректор назорати остида бўлмаса, давлат мулкини онгли равишда талон-тороғ қилиш сифатида қаралиши керак.

Вақти-вақти билан (уч ойда бир марта) иқтисод хизмати янги тузилган шартномалар ва сезиларли тўловларни тавсифлаши керак:

- *ижара;*
- *пулли таълим хизмати;*
- *халқаро шартномалар;*
- *илмий шартномалар;*
- *катта хўжалик ишларига ва б.га янги шартномалар.*

Виждонли бўлмаган ижарачилар билан ўзаро алоқа қилиш учун икки гуруҳ чора бор: қонунчилик ва ташаббускорлик. Қонунчилик чораси ҳуқуқни сақлаш идоралари ва судга мурожаат қилиш билан боғлиқ. Бундай пайтда вақт талаб этилади ва қатъи қонун шартларига риоя этилади. Ташаббускорлик чораси виждонсиз ижарага — фирма ишини оғирлаштирувчи ша-роит вужудга келтиришга мўлжаллангандир:

- *электрэнергиясини узиб қўйиш;*
- *хожсатхоналарни ёпиб қўйиш;*
- *телефон тармоғини узиб қўйиш;*
- *сув беришни тўхтатиб қўйиш;*
- *чўзилиб кетган таъмирлашни ўтказиш;*
- *жамоатчилик бойкоти вазиятини вужудга келтириш.*

Таълим муассасаси оператив бошқарувида давлат мулкига эгалик қилади, шунинг учун танг вазиятларда шу мулкни ҳимоя қилиш учун давлат қонунчилик идоралари жалб этилиши мумкин. Масалан, ижара шартлари пасайтирилганда (жумладан, шаҳардаги ўртачадан кам бўлганда) ижарачиларга жари-ма чорасини қўллаш билан Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ қўмитасига мурожаат қилишга йўл қўйилади. Ижарачи ижара ҳақи ва коммунал тўловларни камайтиришдан чўчиши лозим.

Ижарачидан олинадиган маблағни йўқотиш эҳтимолини бартараф қилиш учун ижара ҳақини таълим муассасаси ҳисоб рақамига йиғиб ўтказишда оралик хизматни истисно этишга интилиши лозим. Агар шундай хизмат тузилган бўлса, бунда алоҳида эътибор ижара ҳақи ва коммунал тўловлар белгиланганлик қондасига қаратилиши керак. Қоида бир маъноли, ҳаммага маълум ва содда бўлмоғи шарт. Турли талқинлар бўлмаслиги керак.

Ижара ҳақи ва коммунал тўловларни қайта ҳисоблаш нақд пулсиз ҳисоб-китоб орқали амалга оширилиши лозим. Тўловлар кечикиши кечиккан муддатга фоиз тўлатиш билан бирга амалга оширилади.

Таълим муассасаси тегишли банк ва унинг муҳри устидан қаттиқ назорат молиявий шартномани назорат қилишнинг оддий усуллари билан бири ҳисобланади. Таълим муассасасида имзоси таълим муассасасининг муҳри билан тасдиқланиши мумкин бўлган тегишли ҳужжатларга имзо қўйиш ҳуқуқига эга шахслар доираси қатъи чекланган бўлиши керак.

4.9. Таълим муассасасида меҳнатга ҳақ тўлаш тамойиллари

Таълим муассасасида меҳнатга ҳақ тўлаш Ўзбекистон Республикаси меҳнат кодекси, Ўзбекистон республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қарорлари билан белгиланади.

Ходимлар меҳнатига тўлаш учун етарли маблағга эга таълим муассасаси кўшимча, устама ҳақларни, мукофот ва бошқа моддий рағбатлантириш чораларининг миқдорини мустақил равишда белгилайди. Таълим муассасаси фаолият юритишни таъминлаш учун йўналтириладиган бюджет маблағи ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан таъқиқланмаган бошқа манбалардан ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш жамғармасини мустақил шакллантиради.

Иш ҳақи фонди таркибига, қонунчиликка мувофиқ иш бажарилган вақт учун пул шаклида меҳнатга ҳақ сифатида ажратилган миқдор, рағбатлантирувчи кўшимча ва устама, иш тартиби ва меҳнат шароити билан боғлиқ товон тўловлари, мукофот ва бир йўла рағбатлантирув тўловлари киради.

Иш ҳақи фондига тааллуқли бўлмаган чиқишлар ва ижтимоий товардаги тўловларга нафақа жамғармаси Бандликка

қўмақлашувчи, касаба уюшмалари кенгашининг фонди бадаллари, ходимларни давлат мажбурий сугуртасига ажратмалар киради.

Таълим муассасасида меҳнатга ҳақ тўлаш фонди турли манбалар ҳисобидан шаклланади. Қуйидагилар шуларнинг асосийларидан ҳисобланади: пулли-контракт асосидаги таълим шакли; илмий-тадқиқот ишларини бажарганлик ўқитув ва консултация хизмати учун хўжалик ҳисобидан молиялаш; давлат гранти ва бошқа бюджетдан ташқари тушимлар.

Меҳнатга ҳақ тўлаш қондаси белгиланади:

- лавозим жадвали;
- бюджет маблағидан фойдаланиш тартиби;
- контрактлар тузиш тартиби;
- бюджетдан ташқари маблағдан фойдаланиш;
- ҳарбий кафедра ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш қондалари.

Профессор-ўқитувчилар меъёрий миқдорини ҳисоблашда унинг қуйидагича тақсимида фойдаланилади (қавс ичидагиси меъёрнинг мумкин бўлган вариантларидан бири):

- таълимнинг кундузги шакли талабалари (ПЎТ меъёрий миқдори – 1:8);
- хорижлик талабалар (меъёр 1:6);
- таълимнинг кечки шакли талабалари (меъёр 1:15);
- таълимнинг сиртқи шакли талабалари (меъёр 1:35);
- таълимнинг кундузги шакли аспирантлари (1:12);
- таълимнинг сиртқи шакли аспирантлари (1:15);
- ўқитувчилар малакасини ошириш факультетининг тингловчилари (меъёр 1:6,7).

Ўқув-ёрдамчи ходимлар (ЎЁХ) иш ҳақи фонди ПЎТ меҳнат ҳақиға фоизларда белгиланади (40%).

Хўжалик ходимларининг (ХХ) меҳнат ҳақи фонди майдон бирлигига меҳнат ҳақи меъёри орқали аниқланади.

Таълим муассасаси хоналари умумий майдонидан ижарага берилган, капитал таъмирланаётган майдонлар чегирилади.

ПЎТ, ЎЁХ ва ХХ меҳнат ҳақи миқдоридан фоизларда маъмурий-бошқарув ходимлари (МБХ) меҳнат ҳақи белгиланади (10%). Раҳбарларнинг ҳар бирига алоҳида устамалар, қўшимча тўловлар махсус буйруқ бўйича ажратилади.

Ҳарбий кафедра ходимлари меҳнат ҳақининг миқдори алоҳида белгиланади.

Бўлинмалар лавозим жадвали ва маошни белгилашни режалаштириш-молия бўлими ҳамда ўқув бўлими, шунингдек, ходимлар бўлими назорат қилади.

Ўқитувчилар ва ўқув-ёрдамчи ходимларнинг меҳнат ҳақи миқдорий негизи давлат бюджети ташкилотларида меҳнатга ҳақ тўлаш ягона тариф тури асосида белгиланади. Таълим муассасаси ходими лавозим маоши у бажарган лавозим мажбуриятига кўра тўланади. Таълим муассасасида меҳнатга ҳақ тўлаш бюджет соҳаси ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича ягона тариф тури (ЯТТ) асосида амалга оширилади У Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасининг 1976 йил 18 мартдаги 103 рақамли «Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ягона тариф турини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган. Ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш даражалари аттестация натижаларига кўра ЯТТга мувофиқ белгиланади.

Муайян ходим учун тариф даражаси ишга қабул қилишда ёки лавозимни ўзгартиришда таълим муассасаси бўйича буйруқ билан белгиланади.

Тариф даражасини белгилаш учун ходимлар малакаси асос ҳисобланади.

Ўқув ишлари олиб борганлик учун меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш таълим муассасаси бўйича буйруқда белгиланадиган соатлардаги сарф меъёри ва профессор-ўқитувчилар таркиби меҳнатига ҳақ тўлаш ЯТТ бўйича тасдиқланган соатбай ҳақ тўлаш ставкаси асосида белгиланади.

Тижорат асосида таълим хизмати кўрсатаётган бўлинма таълим муассасаси ректорига тасдиқланган ҳолда ўзларининг меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш (шартномавий) миқдорини белгилаши мумкин.

Ўқув жараёнига четдан юқори малакали мутахассисларни жалб этганда улар билан меҳнатга соатбай ҳақ тўлашнинг якка тартибдаги миқдорини кўзда тутувчи меҳнат шартномаси тузишга йўл қўйилади.

Ўстама белгилашдан мақсад таълим муассасаси иш натижасига муайян ходим қўшган индивидуал хиссаси билан тавсифланадиган, фаолият сифати ва самарасини оширишга йўналтирилган ходимлар меҳнатини рағбатлантириш ҳисобланади. Қўшимча ходимлар учун қўшимча мажбуриятлар бажарганлиги туфайли белгиланади.

Ўстама ва қўшимчалар иш ҳақи фонди доирасида моддий рағбатлантириш фонди ҳисобидан белгиланади (таълим муассасасини молиялашнинг барча манбаларидан).

Устама ёки қўшимча белгиланадиган ходимлар тайинланаётган устаманинг муддати ва миқдори ҳақида ўз вақтида огоҳлантириладилар.

Ўриндошлик асосида таълим муассасасининг ташкилот ёки алоҳида фуқаро билан хўжалик ҳисоби асосидаги шартномаси бўйича асосий вазифасидан ташқари шуни бажарувчи ходимларга тўлов ажратилиши мумкин. Бундай пайтда тўлов миқдори шартнома шартлари ва уни бажаришда ходим қатнашишининг даражаси асосида белгиланади. Хўжалик ҳисобидаги маблағдан фойдаланиш қондаси таълим муассасасида унинг кенгаши томонидан белгиланади.

Иш ҳақиға устама ва қўшимчалар қуйидаги ҳолларда олиб қўйилади:

- асосий хизмат мажбуриятлари бажарилмаганда;
- тугатиш муддатиға рия қилинмаганда ёки топирилган иш сифати қониқарсиз бўлганда;
- таълим муассасаси фаолиятининг тамойиллари бузилганда;
- таълим муассасаси ҳудудида хушёр бўлмаган (алкоголли ичимлик ичган) ҳолда юрганда;
- таълим муассасаси обрўсига ва мулкиға зарар етказганда;
- меҳнат хавфсизлиги ва ёнғин хавфсизлиги қондалари бузилганда.

Қўшимча қилишда фойдаланиладиган лавозим жадвали лимити камайтирилиши мумкин, агар кафедра ёки бўлинма юкламанинг ҳажмини (илмий кенгаш қарори билан белгиланган даражадан) камайтирган бўлса. Кафедра ўқитувчилари учун бу кўрсаткич бўлиб, ўртача бир ўқитувчига тўғри келадиган юклама ҳисобланади. Ўқув юкламасини камайтирган кафедралар рўйхати ҳар бир ўқув йилининг тугашида ўқув-методика бўлими томонидан тузилади.

Меҳнатда эришган натижалари учун ходимларни рағбатлантириш мақсадида уларға мукофот берилиши мумкин. **Мукофотлаш** тўғрисидаги низом шартлари таълим муассасаси кенгаши томонидан тасдиқланади. Низом қуйидаги ҳолларда мукофот берилишини ўз ичига олади;

- ёш бўйича юбилей санасига етганлик;
- давлат мукофотиға тақдим этилганлик;
- «Таълим муассасасини хизмат кўрсатган профессори» унвони берилганлик;

– эълон этилган ишлар таълим муассасаси ички танловида голиб чиққанлик;

– ўқув-услугий адабиётларни тайёрлаганлик, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги грифи билан нашр эттирганлик;

– лаборатория янги ускунасини лойиҳалаш, йиғиш ва ишга туширганлик;

– аспирант ва докторантларга раҳбарлик бўйича муваффақиятли иш олиб борганлик;

– таълим муассасаси учун унинг раҳбарияти топшириғи бўйича бир йўла алоҳида муҳим вазифани бажаришлик;

– меҳнатда юқори натижага эришганлик.

Ходимни мукофотлаш таълим муассасасида ишлаш давлатдаги меҳнат стажи «муҳим» саналарида таълим муассасасидаги иш натижаларидаги қўшган улушини ҳисобга олиб амалга оширилади. Шундай сана бўлиб, 30, 40 ва 50 йиллик стажлар ҳисобланади 50 дан сўнг ҳар беш йил шундай сана ҳисобланади.

Ёш бўйича муҳим санада мукофотлаш ёш бўйича энг яқин юбилейга мўлжалланади.

Факультетлар, бўлинмалар ва таълим муассасаси юбилей санасида тегишли жамоа учун умумий мукофот ажратилиши мумкин. Айрим ходимлар ва тасарруфдаги бўлинмалар ўртасида уни тақсимлашни тегишли босқич раҳбари амалга оширади.

Ўқув-методика, илмий-тадқиқот ва ёрдамчи фаолиятда алоҳида натижаларга эришганлик учун таълим муассасаси раҳбарияти номидан ташаккур эълон қилинади ва мукофот берилади. Бу ҳар йилги таълим муассасаси ички танлови доирасида амалга оширилади:

– йилнинг энг яхши талабасига;

– факультет энг яхши ўқитувчисига;

– факультет энг яхши ходимига.

Мукофот бир марталик ҳисобланади ва таълим муассасаси кенгаши қабул қилган низомга мувофиқ амалга оширилади. Мукофотнинг миқдори лавозим маошининг 0,5 қисмидан кам бўлмаслиги керак. Пул мукофоти таълим муассасаси номидан ходимга бериладиган қимматбаҳо совға билан алмаштирилиши мумкин.

Ўқишда юқори натижага эришганлик учун талабани рағбатлантириш мақсадида таълим муассасаси кенгаши томонидан машҳур шахслар номидаги стипендия қўлланиши мум-

кин. Таълим муассасаси ва бўлинма (факультет) раҳбарияти давлат ҳокимияти идоралари, шаҳар ҳокимияти, жамоатчилик жамғармалари, тижорат банклари, корхоналар, хусусий шахслар белгилайдиган номдаги стипендияларни таълим муассасасига жалб этишга кўмаклашадилар. Номдаги стипендия талабага 1 семестрдан ортиқ бўлмаган муддатга берилади, унинг миқдори одатдаги стипендиянинг миқдори икки бараваридан кам бўлмаслиги керак.

Ходимлар ва талабаларни мукофотлаш бўлинма раҳбарининг тавсияси ёки танлов комиссиясининг қарори бўйича амалга оширилади.

Мукофот бериш ва моддий рағбатлантириш манбаи бўлиб, моддий рағбатлантириш жамғармаси, стипендия фонди тежамаси ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди ҳисобланади.

Моддий ёрдам ходим ва талабаларга таълим муассасаси ва касаба уюшма кўмитаси томонидан кўрсатилади:

- яқин қариндошлари вафот этганда;
- талабалар ва ходимлар даволаниши учун ёки ходим болалари даволаниши учун бир марталик сарф тарзида.

Моддий ёрдам миқдори яқка тартибда таълим муассасаси ва таълим муассасаси касаба уюшмасининг молиявий имкониятини ҳисобга олиб белгиланади. Касаба уюшма кўмитаси моддий ёрдам масаласини фақат касаба уюшма аъзолари учун кўриб чиқади.

Таълим муассасасининг тегилли хизматлари ишловчилар ижтимоий суғурта фондига тўловлар ўтказилади.

Шу фонд ҳисобидан қуйидаги тур моддий ёрдамлари амалга оширилади:

- *маросим учун;*
- *даволаниш, дам олиш йўлланмаси;*
- *даволаниш, дам олиш жойигача бориш кўра ҳақи;*
- *парҳез таомлар олиш;*
- *соғломлаштириш масканларини таъмирлаш.*

Ҳисобот топшириш шарти билан пул маблағи харажатлар касса ордери бўйича берилади ва аниқ мақсадли сарфланади. Улар бўлажак хизмат сафари харажатлари, шунингдек, хўжалик харажатлари, чакана савдодан кичик улгуржи бўйича материаллар сотиб олиш билан боғлиқ харажатларга тўлаш учун берилади. Олинган воситалар бўйича ҳисобдор шахслар қилинган харажатларни тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда

ҳисобот тузишлари лозим. Сарфланмай қолган пул маблағи таълим муассасасининг кассасига қайтарилади.

Хизмат сафарини расмийлаштириш тартиби ва хизмат сафари билан боғлиқ харажатлар меъёри ЎзР Молия вазирлиги томонидан белгиланади. Хизмат сафарига юборилган ходимга хизмат сафари вақтидаги хизмат сафари жойига бориши ва қайтиш йўл (транспорт, харажати, олдиндан билим олиш билан боғлиқ хизмат ҳақини ҳам қўшган ҳолда ва кўрпачадан фойдаланганлик ҳақи, меъёр бўйича бир кеча-кундуз маблағи, турар жойдан фойдаланиш харажатлари тўланади. Ишлаб чиқариш фаолияти билан боғлиқ хизмат сафари сарфларига чет эл паспорти ва бошқа бориш билан боғлиқ ҳужжатларни расмийлаштириш харажатлари ҳам қўшилади.

Таълим муассасасининг тегишли хизматлари иш ҳақини ҳисоблаш тамойиллари ошкоралигини таъминлашга, шахсан мурожаат қилган ҳар бир ходимга иш ҳақи ёзиш қондасини тушунтиришга, шунингдек, ходимнинг шахсан мурожаатига кўра белгиланган тартибда календар йил якуни бўйича иш ҳақи тўғрисида маълумотнома беришга мажбур. Иш ҳақини ёзишдаги барча хатоликлар Ўзбекистон Республикаси меҳнат кодексининг 164-моддаси талабларига мувофиқ тузатилиши лозим.

Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича барча ҳисоб-китобларни олий таълим муассасасининг тегишли бўлимлари бажаради. Шулар календар давр бошидан ходим даромадлари умумий миқдоридан ҳар бир ўтган ой учун солиқларни ҳисоблайди ва ушлаб қолади. Бунда ойлик иш ҳақининг қонун билан белгиланган минимал миқдори (амалда иш бажарилган тўлиқ ойлар сони ва қарамоқдагилар миқдори) ва пенсия фондига ажратма миқдори камайтирилади. Ушлаб қолишда ходимнинг солиқ бўйича имтиёзи, шунингдек илгари ушлаб қолинган маблағи ҳисобга олинади.

Ходим иш ҳақидан бухгалтерия орқали қуйидаги ушлаб қолишлар амалга оширилади:

- даромад солиғи тўлаш учун;
- пенсия фондига мажбурий тўловлар учун;
- бажарув ва рақамлари учун;
- таълим муассасасига етказилган моддий зарарни қоплаш учун;
- берилган бўнак ва ортиқча тўланган миқдор бўйича қарзларни қоплаш учун;

- маъмурий ва суд белгиланган жаримани тўлаш учун;
- олий таълим муассасаси касаба уюшмаси бадалларини тўлаш ёзма топшириғи бўйича.

Олий таълим муассасасининг бухгалтерияси ҳар бир ой ўтгандан сўнг ажратилган ва ходимлардан ўтган ой учун ушлаб қолинган даромад солиғини бюджетга ўтказади. Солиқ идоралари ушлаб қолинмаганлиги, тўлиқ ушланмаганлиги ёки тўлов манбаидан олинishi лозим бўлган жисмоний шахслар даромадидан даромад солиғи ўтказилмаганини аниқлаганларида олий таълим муассасасига жарима солиб солиқлар тўлиқ ҳолда ундирилади.

Иш ҳақи ва стипендия тўлаш жадвали олий таълим муассасаси бўйича буйруқ ва жамоа шартномасига кўра белгиланади. Ходим ўз ихтиёри билан бўнак олишдан воз кечишига, шунингдек, иш ҳақини ходимнинг банкдаги ҳисоб рақамига ўтказишга йўл қўйилади.

Лавозим жадвали ва иш ҳақи лимитини режалаштиришиқтисод бўлими тайёрлайди ва ректор тасдиқлагандан сўнг олий таълим муассасаси кадрлар бўлимига топширилади.

Олий таълим муассасаси ходимига устама, қўшимча ва мукофот таркибий бўлинма раҳбарларининг тавсияси (хизмат ёзилмаси)га асосан ректор буйруғи билан белгиланади. Мавжуд лимит доирасида устама ва қўшимчани белгилаш (бекор қилиш, ўзгартириш)га тавсия этиш ректор номига тегишли йўналишдаги таркибий бўлинма раҳбари томонидан амалга оширилади, шунингдек ходимлар бўлимига ҳам берилади. Тавсияда қуйидагилар кўрсатилади:

- устама белгиланаётган ходимнинг фамилияси исми, отасининг исми;
- ходим лавозими;
- асосий лавозим бўйича маош;
- устама, қўшимча, мукофот учун асос;
- устама, қўшимча, мукофотни белгилаш муддати;
- устама, қўшимча, мукофот молияландиган манба.

Ходимлар бўлими таълим муассасаси бўйича йиғма буйруқ тайёрлайди, у шу мақсадларга мўлжалланган маблағ республика бюджетидан тушганда ва бюджетдан ташқари маблағ ўтганда имзоланади.

Таркибий бўлинмаларнинг раҳбарларига устама, қўшимча ва мукофот юқори даражадаги раҳбар тавсиясига кўра белгиланади.

Олий таълим муассасаси хўжалик ҳисоби маблағи кириш ва чиқими устидан оператив назоратни олий таълим муассасасида унинг тегишли бўлимлари шартнома бўйича ишларни бажарувчи ва ташкил қилувчи бўлинмаларнинг раҳбарлари билан ҳамкорликда амалга оширади.

Меҳнатга ҳақ тўлашга олинган маблағ миқдори ва уни сарфлаш йўналиши ҳақида олий таълим муассасасининг маъмурияти олий таълим муассасаси Кенгаши ва олий таълим муассасаси касаба уюшмасининг қўмитаси йиғилишидаги якуний ҳисоботида жамоани хабардор қилади.

Ўзини назорат қилиш учун савол ва топшириқлар

1. Олий таълим муассасаси нима ва қандай асосларга кўра тузилади?
2. Олий таълим муассасасининг бюджет даромади қандай ташкил топади?
3. Олий таълим муассасасининг харажати қандай тузилишга эга?
4. Жорий, капитал, бевосита ва билвосита харажатлар нима?
5. Олий таълим муассасасини молиялашнинг янги тартиби нималардан иборат?
6. Олий таълим муассасасининг қандай даромадлари молиялашнинг қўшимча манбаини ташкил этади ва улар қандай тақсимланади?
7. Олий таълим муассасасининг молия органлари ҳақида сўзлаб беринг.
8. Бюджет тизими босқичлариаро даромадлар қандай тақсимланади?
9. Бюджет даромадининг моҳияти нимадан иборат?
10. Талабалар ва аспирантлар тартиби қандай ҳисобланади?
11. Битта талабага, хизмат ва ўқув хоналари, олий таълим муассасаси ҳудудига харажатлар унсурини айтиб беринг.
12. Молия riskидан ҳимояни ташкил этишни тушунтиринг.
13. Олий таълим муассасасида меҳнатга ҳақ тўлаш тамойили қандай?
14. Иш ҳақиға устама ва қўшимчалар ҳақида сўзлаб беринг.

5-606. ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ ХАРАЖАТЛАРИНИ РЕЖАЛАШТИРИШ

5.1. Олий муассаса фаолият кўрсатишга кетадиган харажатларни режалаштириш

5.1.1. Умумий қондалар

Олий таълим муассасасининг харажатлар рўйхати (сметаси) унинг фаолиятини таъминлаш учун бюджетдан бериладиган маблағни умумий миқдори, мақсадли йўналиши ва учойликлар бўйича тақсимланишини белгилловчи асосий ҳужжат ҳисобланади. У ЎзР Молия вазирлиги белгиллаган намунавий шаклда тузилади.

Рўйхатда олий таълим муассасасининг кундузги, сиртқи факультетлари, аспирантураси, шохобчалар, бўлинмалар, ўқув-консултация бўлимларини фаолият кўрсатишини таъминлаш, врачлар малакасини ошириш, чет тиллар ўқитувчиларининг малакасини ошириш курслари, олий таълим муассаса ўқитувчилари малакасини ошириш факультетлари, ёшларни олий таълим муассасасига кириши учун тайёрлов бўлимлари харажати акс эттирилади.

Олий таълим муассасаси балансидаги оромгоҳлар, болалар боғчаси ва яслилар, илмий-тадқиқот муассасалари, муаммолар лабораториялари, ахборот муассасалари, тиббиёт институтларидаги клиникаларнинг фаолиятини таъминлаш бўйича лаборантлар бу рўйхатга киритилмаслиги керак. Бу харажатларни, шунингдек, саноат, қурилиш, транспорт, алоқа ва савдо ходимлари ҳамда мутахассислари малакасини ошириш бўйича факультет ва курслар, ўрта махсус ўқув юртларининг ўқитувчилари малакасини ошириш факультетларининг сарфлари бюджет таснифининг бошқа бандлари бўйича амалга оширилади. Юқорида қайд этилган факультет ва курсларнинг харажатлари белгиланган тартибда олий таълим муассасасига тайёрлов ва малака оширишга маблағ ажратиладиган вазирлик (муассаса) молиявий режаларида кўзда тутилган маблағ ҳисобидан молияланади. Олий таълим муассасаси кўрсатилган

мақсадлар учун харажатларни махсус (бюджетдан ташқари) маблағдан режалаштиради.

Рўйхат бўйича харажатлар миқдори ва моддалар бўйича тақсимлаш аниқланган режага ўтган муддат ҳисоботи бўйича таққослаб келтирилади. Агар рўйхат 9 ойлик ҳисобот олингунга қадар тузилса, бунда рўйхат бажарилиши ҳақидаги маълумотлар биринчи ярим йил учун келтирилади.

Рўйхатда кўзла тутилган харажатлар рўйхат ҳар бир моддаси сарфлар алоҳида тури бўйича ҳисоб-китоблар билан асосланган бўлиши керак.

Рўйхат ҳисоб-китоблари олий таълим муассасаси тегишли вазирлик ва муассасалардан олган талабалар қабули ва мутахассислар етиштириш режаси, тегишли малака ошириш факультетига тингловчилар қабул қилиш ва битиртириш режаси асосида, шунингдек, профессор-ўқитувчилар ва бошқа ходимларга иш ҳақи, талабаларга стипендиялар бериш, бепул овқатланиш, кийим-кечак учун ва бошқа мақсадларга алоҳида сарфлар турига харажатларнинг мавжуд меъёрлари бўйича маблағ сарфлаш тартиби ҳақидаги амалдаги қонунчиликка мувофиқ тузилади.

Харажатларнинг айрим турларини режалаштириш учун рўйхатда ўқув юрти фаолияти ҳажмининг кўламини тавсифловчи умумий (факультетлар, кафедралар, олий таълим муассасаси таркибидаги бўлинмалар, ўқув-моддий негиз ҳақида) келтирилади.

Рўйхат юқори ташкилот (вазирлик, муассаса) томонидан тасдиқланади ва уч нусхада ЎзР Молия вазирлигида қайд этилади, улардан бири олий таълим муассасасига қайтариледи, иккинчиси рўйхатни тасдиқлаган юқори ташкилотда қилади.

Рўйхат таълим муассасалари бўйича бош бошқарма (бошқарма)га эга бўлмаган вазирликнинг вазири ёки унинг ўринбосари, шундай бошқармага эга вазирлик (муассаса)нинг тегишли бошқармасининг бошлиғи ёки унинг ўринбосари томонидан тасдиқланади.

Рўйхатнинг олди томонида харажатлар умумий миқдори лавозимдаги ва лавозимдан ташқари ходимлари иш ҳақи фонди ҳамда рўйхат тасдиқланган сана кўрсатилади. Сметани тасдиқлаган шахснинг имзоси муҳр билан тасдиқланади.

Смета ва лавозим жадвали ЎзР Молия вазирлигига қайд этиш учун тақдим этилади.

Олий таълим муассасалари махсус (бюджетдан ташқари) маблағ бўйича кирим ва чиқимлар рўйхатига эга бўлиши мумкин. Бу маблағни олий таълим муассасаси кирим ва чиқим бўйича ўтказмай махсус мақсадларга сарфлайди.

Махсус маблағ рўйхати тегишли йўриқномага мувофиқ бюджет бўйича рўйхат билан бир вақтда тузилади.

5.1.2. Талабалар таркибини аниқлаш

Олий таълим муассасасининг фаолиятини таъминлашга бюджетдан ажратиладиган харажатларини белгилаш ҳисоб-китоби қуйидагиларни ўз ичига олади:

– таълимнинг кундузги ва сиртқи шаклида ўқийдиган талабалар;

– ишдан ажралган ва ажралмаган ҳолда таълим олувчи аспирантлар (тиббиёт олий таълим муассасаларида – ординаторлар);

– олий таълим муассасасидаги малака ошириш факультетлари ва врачларни қайта тайёрлаш факультетларининг тингловчилари.

Булар учун ЎзР ҳукуматининг қарорига кўра ўқитувчилар таркиби меҳнатига ҳақ тўлаш лавозим-маош тизими белгиланган, унинг миқдори кафедра ходимлари умумий сонига қўшилади.

Харажатларнинг айрим турлари тайёрловнинг айтиб ўтилган барча кўриниши бўйича айрим-айрим ўртача йиллик контингенти режалаштириладиган давр бошида мавжуд бўлганини эътиборга олган ҳолда, шунингдек, қабул ва битирув, айрим талабаларнинг таълим юртини тугатмай кетиб қолиши (талабалар сафидан чиқарилиши)ни назарда тутиб белгиланади.

Бу кўрсаткичлар жисмоний шахсларда аниқланади. Йил давомида талабалар контингенти ўзгариши муддатига боғлиқ тарзда у ўртача йиллик миқдорга келтирилади. Талабалар контингентини ҳисоб-китоби махсус жадвалда, намунавий рўйхатда берилади.

Режалаштириладиган йил бошида курсдан-курсга кўчувчи талабалар контингенти қуйидагича аниқланади:

Агар рўйхат (смета) режалаштириладиган йил 1 январидан сўнг тузилса, бунда талабаларнинг бу контингенти ана шу санада амалда мавжудлиги бўйича қабул қилинади. Бироқ,

ҳисоб-китобга талабаларни биринчи курсга ЎзР Вазирлар Маҳкамаси белгиланган режада кўзда тутилганидан кўп бўлмаган миқдордаги қабули олинади.

Рўйхат режалаштириладиган йилнинг 1 январигача тузилганда юқорида айтилган тартибда белгиланган қабулни, кутиладиган битирув ва талабаларнинг ўқишдан кетиши (чиқарилиши) ҳисобга олиб сўнгги ҳисобот санасидаги талабаларнинг ҳақиқатдаги миқдоридан келиб чиқиб режалаштириладиган йил бошида кутиладиган контингентни белгилаш лозим бўлади.

Режалаштириладиган йилга битирувчи талабалар таълим муассасаси учун юқори ташкилот томонидан Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлаган қабул гранти кўрсаткичларига асосан белгиланади.

Режалаштириладиган йилда таълим муассасасидан талабаларнинг кетиш (чиқарилиш) эҳтимоли, ўтган йили содир бўлган кетиш (чиқарилиш) асосида белгиланади.

Сиртқи талабалар контингенти айниқса диққат билан белгиланиши лозим: айниқса, рўйхатда таълим олишни амалда тутган шахслар бор-йўқлигига эътибор бериши шарт.

Йил давомида талабалар контингенти ҳаракатига таъсир этувчи барча омиллар ҳисобга олингандан сўнг режалаштириладиган йил охиридаги талабалар контингенти белгиланади. Уни ҳисоблаш қўйидаги тартибда амалга оширилади:

Йил бошида курсдан-курсга ўтувчи контингентга режа бўйича қабул қилинадиган талабалар сони қўшилади ва битирувчилар, кетган (чиқарилган)лар миқдори айрилади.

1-мисол (олий таълим муассасаси кундузги бўлими бўйича).

Курсдан курсга кўчувчи контингент йил бошида 1015 нафар.

Қабул режаси + 300 нафар

Битирув режаси – 200 нафар

Кетиш (чиқариш) – 40 нафар

Режалаштириладиган йил охиридаги контингент 1075 нафар.

Тайёрловнинг бошқа турлари бўйича талабалар контингентини белгилаш ҳам шу тарзда бўлади.

Талабалар контингенти йил ўртача миқдори қўйидагича белгиланади:

Режалаштириладиган йил бошидаги курсдан курсга ўтувчи талабалар контингент жисмоний шахсларда ўртача йиллик

миқдор деб қабул қилинади, чунки йил давомидаги ҳам ошиш, ҳам камайиш томон ўзгаришлар ана шунга қиёсланади.

Шундай қилиб, агар талабалар контингенти жисмоний шахсларда юқорида келтирилган мисолда йил бошига 1015 нафар миқдорда белгиланган, бунда ўртача йиллик ҳам 1015 нафарга тенг бўлган. Ўртача йиллик қабул контингенти ўқув йили қайси ойдан бошланишига боғлиқ бўлади.

Ўқув йилининг бошланиши ЎзР Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан белгиланади.

Агар ўқув йили 1 сентябрдан бошланса, талабалар мазкур йилда 4 ой ўқийди, ўртача йиллик контингент қабул жисмоний контингенти 300 нафарда 100 кишини ташкил этади.

$$\frac{300 \text{ киши} \times 4 \text{ ой}}{12 \text{ ой}} = 100 \text{ киши.}$$

Ўқув йили 1 апрелдан бошланганда ва янги қабул контингенти 300 киши бўлганда (талабалар йил охиригача 9 ой ўқитилади) ўртача йиллик контингент қуйидагича бўлади:

$$\frac{300 \text{ киши} \times 9 \text{ ой}}{12 \text{ ой}} = 225 \text{ киши.}$$

Битирувчи талабалар ўртача йиллик контингентини белгилаш болалар ўқимайдиган йил муддати вақт давомийлигига асосланиб амалга оширилади.

Агар талабалар битирув муддати ўқув режасига кўра 1 апрелдан белгиланган бўлса, бунда битирув ўртача йиллик контингент талабалар битирганидан кейин мазкур йилда қоладиган ойлар миқдорига, яъни 9 ойга ҳисобланади.

$$\frac{200 \text{ киши} \times 9 \text{ ой}}{12 \text{ ой}} = 150 \text{ киши.}$$

Битирув муддати 1 октябрга бўлганда ўртача йиллик ифода қуйидагича бўлади:

$$\frac{200 \text{ киши} \times 3 \text{ ой}}{12 \text{ ой}} = 50 \text{ киши.}$$

Саралаш ўртача йиллик контингенти, қоидага кўра жисмоний отсевада 60% миқдорда ҳисоблаб олинади. Уни яна ўтган 2-3 йил ҳисобот маълумотлари асосида ҳисоблаш ҳам мумкин.

Ўртача йиллик ўқиётганлар контингентини белгилаш учун йил бошидаги талабаларнинг ҳақиқий контингенти ўртача йиллик қабулга оширилади ва шундан сўнг ўртача йиллик битирув ва кетув айирилади.

Шундай қилиб, 1-мисолдаги талабаларнинг ўртача йиллик контингенти қуйидагича бўлади:

Йил бошидаги талабалар сони – 1015 киши.

1 сентябрдан қабул + 100 киши.

1 апрелдан битирув – 150 киши

Кетув (жисмонийнинг 60% и) – 24 киши

Талабалар ўртача йиллик контингенти 941 киши.

2-жадвал

	Жисмоний шахслар	Ўртача йиллик миқдор
Йил бошидаги талабалар миқдори	2500	2500
1 апрелда 1-курсга қабул	+300	+225
1 сентябр – 1-курсга	+300	+100
Юқори курсга қабул (1 сентябрдан)	+50	+17
Битирув, 1 июлдан	-200	-100
1 декабр	-200	-17
Кетув (60%)	-100	-60
Йил охирига талабалар сони	2650	-
Талабалар ўртача йиллик контингенти	-	2665

Талабалар ўртача йиллик миқдори кундузги, сиртқи таълим шакли бўйича алоҳида белгиланади.

Ўқув муддати бир йилдан кам бўлган ўқитувчилар малакасини ошириш факультети тингловчиларининг ўртача йиллик миқдори айрим йўналишлар киши-ой таълимидан келиб чиқиб ва уларни 12 га бўлиб белгиланади.

2-мисол. Олий таълим муассасалари ўқитувчилари малакасини ошириш факультетида таълим муддати – 4 ой. Режалаштирилаётган йилдан олдинги йилда, 1 октябрдан 200 киши қабул қилинган, режалаштирилаётган йилда 1 майдан 300 киши қабул қилиш мўлжалланган ва 1 ноябрдан 250 киши.

Бунда режалаштирилаётган йилда ўртача йиллик контингент 160 кишини ташкил этади, қуйидаги ҳисоб-китоблардан келиб чиқилса:

200 киши * 1 ой (январ) = 200 киши – ой.

300 киши * 4 ой (май, июн, июл, август) = 200 киши = ой

260 киши * 2 ой (ноябр, декабр) = 520 киши = ой.

Жами 1920 киши = ой.

$$\frac{1920 \text{ киши} = \text{ой}}{12} = 160 \text{ киши.}$$

5.1.3. Иш ҳақи ва стипендия

Бу модда бўйича кундузги ва сиртқи таълим муассасаси, бўлинмалар, факультетлар, шохобчалар ва ўқув-консултацияхоналар, кундузги ва сиртқи аспирантуралар лавозимдор профессор-ўқитувчилар таркиби (ўриндош ўқитувчилар ҳам қўшилган), соатбай ҳақ тўлаш шарти билан педагогика ишига жалб этилган шахсларга иш ҳақи тўлаш, шунингдек, маъмурият-хизмат кўрсатиш, ўқув-тарбия соҳаси ва бошқа ходимларга иш ҳақи тўлаш бўйича харажатлар режалаштирилади.

Лавозимлар бўйича профессор-ўқитувчилар эгаллайдиган ўринлар олий таълим муассасасининг мазкур тоифа ходимлар учун вазирлик (муассаса) белгилаган миқдор ва иш ҳақи фонди чегарасида ректори томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

Маъмурий-хизмат кўрсатиш, ўқув-ёрдамчи соҳа ва бошқа ходимлар лавозими олий таълим муассасасининг ректори томонидан қайд этилган ходимлар тоифаси бўйича юқори ташкилот тасдиқлаган ходимлар умумий ҳисоби ва иш ҳақи фонди чегарасида мазкур олий таълим муассасаси учун белгиланган тартибда тасдиқланган намунавий лавозимлар ва лавозимлар номига мувофиқ ишлаб чиқилади ва тасдиқланади, бошқарув соҳасига тааллуқли ходимлар миқдори уларни таъминлаш учун белгиланган тартибда кўзда тутилган маблағ ва иш ҳақи умумий фонди чегарасида белгиланади.

Олий таълим муассасаси намунавий лавозимлардан фойдаланмаган ҳолларда, кўрсатилган ходимлар лавозими мазкур ўқув юрти учун тасдиқланган лавозимлар тури, лавозим каби,

миқдор ва иш ҳақи фондига амал қилинган ҳолда ректор томонидан тасдиқланади.

Олий таълим муассасасининг ректорлари профессор-ўқитувчилар таркиби лавозим жадвалини тасдиқлашда ўқув машғулотлари (маъруза, амалий машғулот ва б.) бўйича соат миқдори асосида профессорлар, доцентлар ва катта ўқитувчилар лавозими сонини аниқлаши лозим, бунда улар мазкур лавозимлар асоссиз оширилишига, шунингдек, маъмурий-хизмат кўрсатиш, ўқув-ёрдамчи соҳа ва бошқа ходимлар таркибида раҳбар ходимлар ва катта мутахассислар сони ошиб кетишига йўл қўймаслиги керак.

Маошларни тасдиқлашда лавозим маоши тархида минимал ва максимал миқдорлар белгилашда ёки бир неча қатъий маошларни белгилашда шу лавозимлар бўйича лавозим маоши олий таълим муассасасининг ректори томонидан мазкур таълим муассасаси лавозим жадвали бўйича умуман лавозим маоши тархи ўртача маоши бўйича ҳисобланган иш ҳақи тўлаш фонди чегарасида белгиланади.

Олий таълим муассасасини талабалар ва аспирантлар контингентига боғлиқ ҳолда намунавий лавозим бўйича бир гуруҳдан бошқа гуруҳга ўтказиш юқори ташкилот белгиланган тартибда амалга оширилади.

Лавозимлар якка тартибда белгиладиган олий таълим муассасасини ректорлари лавозим жадвалига фақат белгиланган тартибда тасдиқланган лавозимлар тури бўйича ўзгартиш киритиш ва уни тасдиқлаши мумкин.

Таълим муассасаси лавозимларини тасдиқлаш ва лавозим маошини белгилашда вазирлик (муассаса) тасдиқлаган тузилмага амал қилинади.

Олий таълим муассасаси бўлинмалари янги тузилмасини жорий этиш фақат олий таълим муассасаси қайси вазирлик (муассаса) тасарруфида бўлса, шунинг рухсати билан амалга оширилади.

Профессор-ўқитувчилар таркиби иш ҳақи фонди лавозимлар миқдори ва мазкур ходимлар иш ҳақи ўртача ставкаси ҳисобга олган ҳолда ҳисобланади.

Профессор-ўқитувчилар умумий миқдори битта ўқитувчига тўғри келадиган талаба ва аспирантлар сонига асосан белгиланади.

Профессор-ўқитувчилар таркибининг миқдорини ҳисоблаш меъёри юқори ташкилот томонидан кундузги, сиртқи

бўлимлар. кундузги, сиртқи аспирантура бўйича алоҳида-алоҳида белгиланади.

Айрим олий таълим муассасасининг кундузги факультети (бўлинмаси) бўйича профессор-ўқитувчилар таркибини ҳисоблаш ўртача меъёри вазирлик (муассаса) томонидан ўқув ва илмий ишлар ҳажми ва олий таълим муассасаси соҳасига боғлиқ ҳолда табақалаштирилиши мумкин.

Кундузги, сиртқи бўлимлар профессор-ўқитувчилар таркиби ўртача йиллик миқдорини ҳисоблаш белгиланган тартибда аниқланадиган битта ўқитувчига тўғри келадиган талабалар сони ва талабалар ҳисоб-китоб қилинувчи миқдор ўртача меъёридан келиб чиқиб амалга оширилади.

Таълимнинг ҳар бир шакли бўйича талабалар ҳисоб-китоб миқдори режалаштириладиган йил бошидаги талабалар сонини 8,5 ойга, йил охиридаги талабаларнинг режадаги сонини 3,5 ойга кўпайтириш йўли билан белгиланади. Ҳосил бўлган киши-ой миқдори қўйилади ва 12 га тақсимланади.

Масалан, режалаштириладиган йил бошида кундузги таълим талабаларининг сони 2500 нафар бўлганда, йил охирида — 2650 нафар, талабалар ҳисоб-китоб сони қуйидагини ташкил этади:

$$\frac{2500 \text{ киши} \times 8,5 \text{ ой} + 2650 \text{ киши} \times 3,5 \text{ ой}}{12} = 2544 \text{ киши.}$$

12

Худди шундай тартибда сиртқи таълим шаклидаги талабалар ҳисоб-китоби чиқарилади. Ўқув йили бошида олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчилар таркиби лавозими шундай мўлжал билан тасдиқланадики, талабалар битирувчи ва қабули муддатидан қатъий назар режалаштириладиган йил 31 декабрига белгиланган ҳисоб-китоб меъёрига амал қилишни таъминлайди.

Шундай тарзда белгиланган профессор-ўқитувчилар таркиби умумий ўртача йиллик миқдорига иш ҳақи фонди шу миқдорга ўртача ставкани кўпайтириб ажратилади.

Иш ҳақи ўртача ставкаси лавозим жадвали бўйича шаклланган профессор-ўқитувчилар таркиби ўртача тариф ставкасидан келиб чиқиб қабул қилинади. Бу ставка олий таълим муассасаси лавозим жадвали маълумотларидан келиб чиққан ҳолда режалаштириладиган йил учун илмий унвон ва даражага эга шахслар миқдори ҳамда улар илмий-педагогик иш стажини ўзгаришини ҳисобга олиб тўғриланиши мумкин.

Айрим йирик ўқув муассасаларида юқорида кўрсатилган ходимлар тоифаси учун режалаштирилаётган йилдаги иш ҳақи ставкаси ўтган ҳисобот йилида амалда шаклланган ставкага асосан, унинг ўзгариш динамикасини ҳисобга олган ҳолда белгиланиши мумкин.

Олий таълим муассасасида ўқув ишларини ўтказиш учун, профессор-ўқитувчилар лавозим тартибидан ташқари соатбай ҳақ тўлаш асосида юқори малакали мутахассислар ҳам жалб этилиши мумкин.

Соатбай маблағ фонди тўлаш учун белгиланган тартибда кўзда тутилиши мумкин:

– таклиф этиладиган юқори малакали мутахассислар – диплом лойиҳаси раҳбарлари, давлат имтиҳон комиссиясининг раиси ва аъзолари;

– тест синовидаги назоратчилар, диплом, курс ва назорат ишларига (асосан шохобчалар ва ўқув-консультация хоналарида) жалб қилинган ўқитувчилар;

– талабалар педагогик амалиётига раҳбарлик учун жалб этилган умумтаълим мактабларининг ўқитувчилари ва бошқа ходимлари;

– лавозимни эгаллаб турган профессор-ўқитувчилар таркиби бажариши мумкин бўлган бошқа тур ўқув машғулотлар ўтказиш учун жалб этилган ходимлар.

Соатбай иш ҳақи фондидан лавозимдаги профессор-ўқитувчилар таркибига ўқув машғулотлари ўтказгани учун вақтинча (касаллик, хизмат сафари ва б.у.чун) ишда бўлмаган ўқитувчилар ўрнига ишлагани учун, олий таълим муассасаси давлат имтиҳон комиссиясининг раиси ёки аъзоси сифатида ишлагани учун, шунингдек техника тўғараги, бадий тўғаракка раҳбарлиги учун, жисмоний тарбия иши ва бошқа ўқув жараёнига тааллуқли бўлмаган бошқа тadbирлар ўтказгани учун сарфланиши мумкин эмас.

Профессор-ўқитувчилар таркибидан фойдаланишнинг яхшиланиши муносабати билан ходимлар соатбай иш ҳақи фонди, қондага кўра, режага қараганда аввалги йилдагидан кўра ошмаслиги керак.

Маъмурият-хизмат кўрсатиш, ўқув-ёрдамчи ва бошқа ходимлар иш ҳақи фондини белгилаш учун, биринчи галда, лавозим жадвали асосида сметага қўшиладими йўқми, иш ҳақи олий таълим муассасаси сметаси бўйича бюджет маблағи ҳисобига иш

ҳақи тўланмайдиган лавозимдаги ходимлар миқдори ҳисоботда акс этганми йўқлиги текширилиши зарур.

Хусусан, бюджет ҳисобидан олий таълим муассасаси смета-сида бюджет таснифи бошқа параграфидан молиялаштириладиган тасарруфидаги бюджет ташкилот (болалар боғчаси, клублар, соғломлаштириш оромгоҳлари, клиника, илмий муассаса)лар лавозимлари бўлиши мумкин эмас. Олий таълим муассасаси сметасида хўжалик ҳисобидаги ёки махсус маблағ сметаси бўйича молияланадиган таркибий бўлинмалар (бўлимлар, илмий-тадқиқот ишлари шўъбаси, турар жой, томорқа хўжалиги, корхоналар, ўрта махсус таълим муассасаси ўқитувчилари малакасини ошириш факультети, қурилиш, транспорт, алоқа ва савдо) лавозимларининг сарфлари кўзда тутилмайди. Шунингдек, тиббиёт хоналари, бўлинмаларининг лавозимлари ҳам олий таълим муассасаси сметасида кўзда тутилмайди, чунки, таълим муассасаларига тиббий хизмат кўрсатиш соғлиқни сақлаш идоралари зиммасига юклатилган.

Шу билан бирга, ёдда тутиш лозимки, олий таълим муассасаси сметаси ҳисобидан (01100 модда бўйича) талабалар ётоқхонаси лавозимдор ходимлари, ёпиқ шаклдаги ўқув муассасасидаги ошхона ва тиббиёт бўлими ходимлари таъминланади.

Баён этилганларни ҳисобга олиб, йиллик ҳисобот маълумотларига асосланиб, аниқлаш лозимки, режалаштирилаётган давр бошида амалда қанча миқдорда ўқув муассасаси ходими олиш керак, агар сметани тасдиқлаш йил бошлангунга қадар амалга оширилса, ходимларнинг кутилаётган миқдорини йил бошида белгилаш лозим. Режалаштирилаётгандан олдинги йил охирида ўқув муассасаси учун тасдиқланган миқдордан ошмаслиги керак. Кўрсатилган ходимлар тоифасининг миқдорини белгилашда, режалаштирилаётган иш охирида, йил бошига нисбатан миқдорнинг ошиши мумкинлигини баҳолашга тўғри келади.

Агар йил бошида белгиланган ходимлар миқдори лавозим жадвалида белгиланганидан кам чиқиб қолса, унда режалаштирилган йил охирига у тасдиқланган миқдорга етказилиши мумкин, яъни олий таълим муассасасининг лавозимларини тўлдириш кўзда тутилади, айрим ҳолларда, режалаштирилаётган йил давомида олий ўқув муассасаси моддий-техника негизининг ўзгариши ёки талабалар контингенти кенгайиши кутилаётган бўлса, олий таълим муассасаси лавозими жадвалига қўшимча ўринлар киритилиши мумкин.

Мисол. Олий ўқув муассасасининг лавозим сметасини кўриб чиқиш вақтида 150 киши миқдорида тасдиқланган, йил бошида амалда 120 киши мавжуд. Агар йил давомида олий ўқув муассасасининг фаолияти кенгайиши тахмин қилинаётган бўлса, унда йил охирига 150 киши режалаштирилиши мумкин. Ўртача йиллик миқдор тўлдириш муддатига боғлиқ тарзда белгиланади.

Агар йил давомида лавозимни бир маромда тўлатиш амалга оширилса, унда ходимлар ўртача йиллик миқдори қуйидагича бўлади:

$$\frac{120 + 150}{2} = 135 \text{ киши.}$$

ёки 30 киши·6 ой=180; +120 киши·12 ой =1440 киши=ой.

Жами 1620 киши=ой: 12=135 киши.

Агар ўқув муассасасининг фаолияти кенгайса — лаборатория биноси ишга туширилса, унга 20 нафар ходим талаб этилса, бунда тўлдириш 30 киши эмас, балки 50 кишини ташкил этади. Лавозим бирлиги ўртача йиллик миқдори қуйидаги ҳисоб-китоб (бир маромда тўлдирилганда) асосида 145 га тенг бўлади.

$$\frac{120 + 150 + 20}{2} = 145 \text{ киши.}$$

Ўртача йиллик миқдор белгилангандан сўнг иш ҳақи ўртача режавий ставкаси аниқланади. У, асосан, ўқув муассасаси лавозим жадвалидаги (бюджетдан таъминлаш ҳисобига) тегишли ўринлар бўйича иш ҳақи фонди тўғрисидаги маълумотлар бўйича аниқланади.

Лавозимлар тури ва лавозим маошлари таркиби маъмурий-хизмат кўрсатиш ва ўқув-ёрдамчи хизмат ходимлари учун «Бюджет ташкилотлари меҳнатига ҳақ тўлаш ягона тариф тўри»да белгиланган.

Иш ҳақи ўртача ставкаси смета бўйича лавозим жадвалида кўзда тутилган даражада лавозимлар бўлганда белгиланади, лавозим тўлиқ бўлмаганда мавжуд таркиб учун ҳисобот маълумотлари асосида бўш лавозимлар бўйича лавозим жадвали бўйича белгиланади.

Агар смета бўйича режа ставкаси қабул қилинса, бунда ойлик ставкани 12 ойга ва сметада қабул қилинган ходимлар ўртача йиллик миқдорига кўпайтириш натижасида олинган иш ҳақи фонди 2%дан кам бўлмаган миқдорга қисқартирилади. Қисқартиришга давлат ижтимоий суғуртаси ҳисобидан

вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик бўйича ходимларга тўлаш сабаб бўлади. Агар иш ҳақи фондини белгилашга ҳисобот ставкаси асос қилиб олинган бўлса, унда юқорида айтилган қисқартириш амалга оширилмайд.

Ўтёқар ва гардеробчилар бутун йил мобайнида сақлаб турилмаслиги туфайли иш ҳақи тўлаш фондини 2% гача қисқартиришни белгилашда унга тузатиш киритиш лозим. Ўтёқарлар иситиш мавсумидагина ишлайдилар, гардеробчилар миқдори баҳорги-ёзги даврда қисқартирилади.

Иш ҳақи тўлаш фондини шу муносабат билан қисқартиришни амалга ошириш усули қуйидагича: агар олий таълим муассасасида 12 нафар ўтёқар бўлса, уларнинг ҳар бири ойига 70 сўм олса, бунда иш ҳақи тўлаш умумий фонди иситиш мавсуми шартли 7 ой давом этишига кўра 4200 сўмга қисқаради (12 киши · 5 ой · 70 сўм=4200 сўм).

Фондни шундай қисқартириш гардеробчиларнинг иши ҳам мавсумийлиги муносабати билан кўзда тутилади.

Дам олиш билан боғлиқ тўловга маблағ ажратиш ва профессор-ўқитувчилар, ўқув-ёрдамчи ва маъмурий-хизмат кўрсатиш ходимларига фойдаланилмаган тиним учун товон тўлаш ўқув муассасаси сметасида кўзда тутилмаган. Бу харажатлар, зарур ҳолларда иш ҳақи фондини тежаш ҳисобига амалга оширилади.

Юқорида айтилган харажатлардан ташқари саноат олий ўқув муассасалари сметасининг 1-моддаси бўйича иш ҳақи тўлаш фондига натурачиларга тўлаш харажатлари қўшилади.

Лавозимдор шахслар ва лавозимдан ташқари ходимларга иш ҳақи тўлаш фонди меҳнат бўйича режада режалаштирилаётган йилга юқори ташкилот томонидан тасдиқланган иш ҳақи тўлаш фонди лимитига мос келиши керак.

Иш ҳақига маблағ ажратиш ЎзР Вазирлар Маҳкамаси белгилаган тариф бўйича амалга оширилади.

Давлат ижтимоий суғуртасига ажратма талабаларни-ҳарбий тайёргарликдан ўтказиш учун йўналтирилган офицерларга ўқув муассасаси тўланадиган иш ҳақи маблағидан амалга оширилмайди.

Стипендия. Мазкур модда бўйича харажатлар олий ўқув муассасаси сметасида талабаларга стипендия тўлашга алоҳида кўзда тутилади. Ишдан ажралган ҳолда таълим олувчи, сиртқи таълим сўнгги курси талабаларига бир ойлик таътил, уларга амалдаги қонунчиликка кўра танлаган ихтисосликлари бўйича

ишлаб чиқаришда иш билан танишишлари учун бериладиган даврда алоҳида стипендия тўланади.

Стипендия фонди бўйича ажратмалар стипендия оладиган талаба (ўқувчи, тингловчилар)лар йиллик ўртача миқдоридан келиб чиқиб ва стипендияларнинг белгиланган ҳажмида амалга оширилади.

Олий ўқув муассасасининг стипендияга кетадиган харажатлари, қоидага кўра, стипендия олувчилар йиллик ўртача миқдори ва битта стипендия олувчига бир йилга тўғри келадиган стипендия бўйича ўртача харажатларга асосланиб белгиланади.

Бюджет ҳисобидан талабаларга тўланадиган стипендиялар бўйича ўртача йиллик харажат қуйидагича белгиланади.

Ўтган йил учун стипендия фондидан бюджет ажратмалари ҳисобидан амалда сарфланган умумий маблағ миқдоридан аспирантлар, ординаторларга тўланадиган стипендиялар ва стипендияларнинг бошқа турларига сарфлар айирилади.

Шундай тарзда олинган талабалар стипендия фонди амалдаги харажатлар миқдори (номдаги стипендиялар бериш ҳам шу ҳисобда) бюджет ҳисобидаги талабаларнинг амалдаги йиллик миқдорига бўлинади.

Режалаштирилаётган йилда талабаларга стипендиялар бериш учун бюджетдан маблағ режалаштирилаётган йилдаги талабалар ўртача йиллик миқдори ва талабалар стипендиясининг амалдаги ўртача харажатдан юқори белгилашга асосланиб ҳисобланади.

Профессор-ўқитувчилар таркиби ва талабаларни моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш фонди мавжуд. Фонднинг мақсад ва вазифаси 5.1-иловада келтирилди.

5.1.4. Девон ва хўжалик сарфлари

Мазкур модда бўйича кўзда тутилган сарфларнинг муфассал рўйхати бюджет харажатлари таснифида келтирилган. Сметадаги ҳисоб-китобларни соддалаштириш мақсадида бу сарфлар ўз тавсифига кўра айрим тур сарфлар ҳажмини белгилаш учун асос қилиб олиш мумкин бўлган кўрсаткичларга боғлиқ ҳолда гуруҳланади.

Хўжалик сарфларининг сезиларли қисми, хусусан, иситиш ва ёритиш харажатлари, клубларга ёки ўқув муассасаси эгалланган бино майдонига боғлиқ ҳолда белгиланади.

Шунинг учун мазкур таълим муассасасининг сметаси бўйича бюджет маблағидан таъминланиши лозим бўлган хоналарнинг кубаси ва майдонини аниқ белгилаш лозим.

Амалда олий таълим муассасаси эмас, балки унинг тасарруфидаги хўжалик ташкилотлари ёки таркибий бўлинмалари эгаллаган махсус ҳисобдан таъминланадиган хоналар (устахоналар, илмий-тадқиқот шўъбаси, тураржойлар ва ўрта махсус ўқув юртлари ўқитувчиларининг малакасини ошириш факультетлари, саноат мутахассислари малакасини ошириш факультет ва курслари, транспорт, алоқа ва ҳ.к.) кубаси ва майдони бюджет бўйича хўжалик чиқимларини ҳисоб-китоб қилишда эътиборга олинмайди. Олий таълим муассасаси ётоқхоналарининг кубатураси ва майдони умумий кубатура ва майдон ҳажмидан чегирилади. Ётоқхоналар кубатураси жорий таъмирлаш чиқимларини белгилашдагина ҳисобга олинади.

Молиялаш бюджет таснифи бошқа параграфидан молиялаш амалга ошириладиган олий таълим муассасаси тасарруфидаги муассасалар (болалар боғчаси, соғломлаштириш оромгоҳлари, клиникалар, илмий муассасалар ва ҳ.к.) хоналарининг кубатура ва майдонлари ҳам ҳисобга олинмайди, муаммолар лабораториялари (агар алоҳида хоналари бўлмаса) бундан истисно.

Олий таълим муассасалари ўз ходимлари ва талабаларига хизмат кўрсатувчи III тоифа умумовқатланиш давлат ва кооператив корхоналари, хоналари (ёритиш ва иситиш) учун иссиқ ҳамда совуқ сувни пул олмай беради, шунингдек, ўз ҳисобидан кўзда тутилган смета маблағи чегарасида ўз ҳисобидан ҳам капитал, ҳам жорий таъмирлашни амалга оширади. Шунинг учун талабалар ошхонаси эгаллаган хоналар кубатураси ва майдони таълим муассасаси хўжалик чиқимларини белгилашда ҳисобга олинади. Овқатлар тайёрлаш ва транспорт учун ёқилғи таълим муассасаси томонидан амалдаги нархларда, лекин мазкур жой учун белгиланган тарифлардаги нархдан ошмаган ҳолда, ҳақ олинади. Таълим муассасаси сарфларида бу мақсадлар кўзда тутилмаган.

Таълим муассасаси эгаллаган бино кубатураси ташқи ўлчов бўйича юқоридаги талабларни ҳисобга олиб белгиланади. Агар режалаштириладиган даврда бино кубатураси ўзгариши кутилаётган бўлса, бунда ўртача йиллик кубатура у ошиши кутилаётган вақтдан бошлаб, шунга боғлиқ ҳолда белгиланади.

Масалан, ташқи ўлчов бўйича бино кубатураси, ётоқхона, илмий-тадқиқот шўъбаси, болалар боғчаси, шу жумладан тала-

балар ошхонасини ҳам қўшганда, эгаллаган хоналар кубатура-сини ҳисобга олмаганда 50000 м³ ни ташкил этади. 1 сентяб-рдан 10000 м³ ли янги лаборатория корпуси ишга туширилиши кутилмоқда. Ўртача йиллик кубатура

$$5000 + \left(\frac{10000 \cdot 4}{12} \right) = 53333 \text{ м}^3$$

ни ташкил этади.

Бинонинг ўртача йиллик майдони ҳам шу тартибда белги-ланади.

Иситиш харажатлари, юқорида кўрсатилганидек, ўтган ҳисобот даври учун амалдаги сарфларга асосланиб аниқланган бино кубатураси 1 м³ га ҳисобланади Талабаларга ўз ошхона-сида тайёрланган овқат бепул бериладиган олий таълим муас-сасаларида (умумовқатланиш тармоғи ошхоналари бундан ис-тисно) иситиш учун харажатлар таркибига овқат тайёрлаш учун ёнилғи сотиб олиш учун кетадиган сарфлар махсус ҳисобдан қопланган ҳолда киритилади.

Агар олий таълим муассасаси марказий иситиш тармоғига уланган бўлса, бунда сметада олий таълим муассасаси иситиш маркази билан тузган шартномада кўрсатилган миқдор ҳисобга олинади, таълим муассасаси сметасида қабул қилинган хоналар кубатурасида акс этади.

Ўқув қурилмалари ва илмий ишларни олиб бориш ҳаракатга келтириш учун кетадиган ёнилғи ва газ сарфлари 01440-моддага киритилмайди. Бу сарфлар харажатлар сметаси-нинг 01765 моддасида акс этади.

Ёритиш харажатлари таълим муассасаси эгаллаган ўқув би-носи умумий майдонига ҳисобланади. Бу майдон метр квадрат-ларда юқорида айтилган шартларга амал қилган ҳолда белгила-нади. Харажатлар 1 м² майдонга амалдаги сарфларга асосан режалаштирилади.

Бунда илмий ва лаборатория ишларини бажариш учун ке-тадиган электрэнергиясига сарфларни эътиборга олиш лозим, ёритиш харажатлари кўзда тутилмайди, балки сметанинг 01765-моддаси бўйича режалаштирилади.

Биноларни жорий таъмирлаш учун харажатларга фақат таълим муассасасининггина эмас, балки ётоқхоналар кубатура-сига боғлиқ ҳолда қаралади. Бинолар жорий таъмирланиш ха-ражатларини белгилашда таълим муассасаси штатидаги

таъмирловчи ишчилар — чилангар-сантехник, дурадгор, сувоқчи ва б.ни ҳисобга олиш керак.

Девона харажатлари (алоқа ва маълумотнома, расмий ва даврий адабиётлар олиш учун харажатлар ҳам шу жумладан), одатда, ўтган йил режаси даражасида режалаштирилади.

Бу мақсадларга сарфларнинг баъзи ошиши юз бериши мумкинки, фақат, агар таълим олувчилар, асосан, сиртқи талабалар сони сезиларли ошиб кетса, шундай бўлиши, олий ўқув жараёнининг ташкил этилиши хусусиятига кўра почта чиқимларининг ошишига олиб келади.

Ёнгил автотранспорт хариди ёки ижарага олиниши билан боғлиқ харажатлар юқори ташкилот томонидан унинг шу мақсадга харажати лимити чегарасида ўз тасарруфидаги муассасалар бўйича режалаштирилади.

Ускуна ва ашёларни таъмирлаш харажатлари (юмшоқ мебель ҳам шу жумладан) аввал, бутун таълим муассасаси учун белгиланади, бунга болалар боғчаси, илмий-тадқиқот институтлари ва бошқа муассасалар, ётоқхоналардаги ашёлар ва ўрин чойшаблар қиймати ҳам қўшилади, уларнинг фаолияти таълим муассасаси балансида асосий воситалар баланс қийматининг 2%и миқдорида ҳисобга олинади, сўнг таълим муассасаси бюджет сметаси, махсус маблағ сметаси ва таълим муассасаси тасарруфидаги ташкилотлар сметаси бўйича тақсимланади. Бунда ашёлар, ускуналар ва ётоқхона чойшабларини таъмирлаш чиқимлари таълим муассасаси асосий сметасида кўзда тутилади.

Хоналарни ижараси билан боғлиқ харажатлар ижара шартномасига асосан таълим муассасаси сметаси бўйича кўзда тутилади.

Ўқув ва девон хоналари ижарасига харажатларгина режалаштирилади. Таълим муассасаси сметаси бўйича бюджет ҳисобидан таълим муассасасининг махсус маблағ сметасида турувчи таркибий бўлинмалари, таълим муассасаси тасарруфидаги, бошқа параграфдан молияланадиган ташкилотлар (болалар боғчаси, муаммолар лабораторияси ва ҳ.к.) учун хоналар ижара харажатлари кўзда тутилмайди.

Хўжалик хизмати (сув таъминоти, хоналарни тоза сақлаш билан боғлиқ ва ҳ.к.) билан алоқадор бошқа барча харажатлар сметанинг IV гуруҳ чиқимлари бўйича режалаштирилади. Агар бундай харажатлар айрим тадбирлар бўйича анча кўп маблағни ташкил этса, бунда олий таълим муассасасидан мазкур тадбир-

лар ҳисоб-китоби талаб қилиниши мумкин, булар (масалан қоровуллар учун ва ҳ.к. харажатлар) сметага илова қилинади.

5.1.5. Хизмат сафари ва хизмат билан боғлиқ қатновлар

Мазкур мақсадларга маблағ ажратиш, одатда, таълим муассасаси ўтган йил учун режалаштирган миқдордан ортиқ бўлган ҳолда белгиланади. Хизмат сафари ва хизмат билан боғлиқ харажатларни маблағ билан таъминлашни белгилашда хизмат сафарини самарали ташкил этиш, уларнинг сони ва муддатини қисқартириш, хизмат билан алоқадор қатновларга кетадиган харажатларни камайтириш билан боғлиқ ҳолда кейинчалик буларнинг қисқариши мумкинлигини ҳисобга олиш зарур.

Сметанинг 01.300 моддасида жойни ўзгартирганда муайян миқдорда бериладиган маблағ ва муваққат турар жой билан боғлиқ бошқа тўловлар кўзда тутилади. Бунда ёш мутахассисларни ишга тақсимлашни, шунингдек, мазкур таълим муассасасини тугатган мутахассисларни бошқа шаҳарга ишга юбориш бўйича харажатлар улар борадиган ташкилот ва корхоналар томонидан қопланишини ҳисобга олиш зарур.

5.1.6. Таълим, ўқувчилар ишлаб чиқариш амалиёти, илмий-тадқиқот ишлари ва кутубхона учун китоб сотиб олиш билан боғлиқ харажатлар

Келтирилган мақсадлар харажатларининг рўйхати бюджет харажатлари таснифида мавжуд. Сметанинг 01765 моддаси бўйича харажатлар ҳам девон ҳамда хўжалик харажатлари сингари сметада алоҳида моддаларда ва нимага мўлжалланганига кўра сарф тури бўйича гуруҳланади.

Таълим харажатлари талабаларни, тегишли факультетлар тингловчиларини бевосита ўқитиш билан боғлиқ сарфларни ўз ичига олади. Бу харажатлар юқори ташкилот ишлаб чиққан меъёрлар асосида олий таълим муассасасининг йўналиши ва ҳосил бўлган сарфлар миқдорини ҳисобга олган ҳолда белгиланади. Меъёр ҳар бир талаба (факультет тингловчиси, тайёрлов бўлими ўқувчиси)га — кундузги, сиртқи таълим бўйича алоҳида-алоҳида белгиланади. Бунда улар айрим факультетлар бўйича табақалаштирилган бўлиши мумкин.

Шу қисмда ҶМО ва институт шоҳобчасига машғулотлар ўтказиш учун ўқитувчиларни хизмат сафарига юбориш бўйича харажатлар ҳам режалаштирилади.

Ўқув мақсадларига харажатларнинг умумий миқдори белгиланган меъёрни талабаларнинг (ўқитувчилар, тингловчилар) кўпайтириш йўли билан ҳар бир таълим тури бўйича алоҳида белгиланади.

Шуни ҳисобга олиш лозимки, талабалар миқдори ошганда айрим ўқув харажатлари ўзгаришсиз қолади ёки кам миқдорда ошади. Бундай ҳолда сарфлар меъёри пасайиши мумкин.

Институтлар кафедраларининг илмий-тадқиқот ишлари харажатлари қуйидагиларга ажратмаларни ўз ичига олади: машиналар, лаборатория стендлари тажриба намунасини тайёрлаш учун кетадиган маблағни; институт кафедралари олиб борадиган илмий-тадқиқотлар учун материаллар ва ашёлар (реактивлар, металллар, айрим деталлар, уруғлар, дори-дармонлар ва ҳ.к.лар)ни; илмий фаолият учун тажриба ўтказиладиган жониворларни сақлаш; илмий экспедицияни; илмий сессиялар, съездлар ва конференцияларни; илмий хизмат сафарларини; диссертациялар ҳимоясини.

Хўжалик шартномаси бўйича ишлар ва муаммоли лаборатория ишларига олинадиган материаллар ҳамда ашёлар учун харажатлар кўзда тутилмайди, ускуналар ва илмий мақсадлар учун приборлар сотиб олиш харажати 04100 модда бўйича кўзда тутилади.

Бу харажатлар 4 гуруҳ бўйича режалаштирилади: а) бевосита кафедраларнинг харажатлари; б) илмий хизмат сафарлари харажатлари; в) диссертациялар ҳимояси харажатлари.

Кафедралар харажатларини белгилаш учун кафедралар таркиби, тури, уларнинг илмий ишлари бюджет бўйича режаси ва битта кафедрага ёки битта ходимга ўртача тўғри келадиган сарфни ҳисобга олиш зарур.

Илмий экспедициялар ўтказиш билан боғлиқ харажатлар алоҳида белгиланади ва бу мақсадлар ҳисоб-китоблари сметага илова қилинади.

Илмий хизмат сафари учун харажатлар юқори ташкилот бюджет мавзуи бўйича тасдиқлаган, шунингдек профессор-ўқитувчилар таркибининг илмий конференциялар, симпозиумлар ва б.да иштирок этиш режасига кўра белгиланади. Лекин бунда шуни ҳисобга олиш лозимки, илмий конференция ва симпозиумларга илмий хизмат сафари бўйича харажатларни

тўлиқ қоплаш, одатда, фақат расмий маърузачилар ҳамда ва- зирлик (муассаса) раҳбарияти кўрсатмасига мувофиқ хизмат сафарига юборилаётган шахсларга нисбатан амалга оширилади.

Шу қисмдан, агар индивидуал иш режасида кўзда тутилган бўлса, аспирантлар илмий хизмат сафарига маблағ ажратилади.

Кутубхона учун китоблар сотиб олиш харажатлари юқори ташкилот битта талаба учун белгиланган меъёр асосида аниқланади. Кутубхона учун китоблар олишга кетадиган хара- жатларнинг меъёрини аниқлашда шуни эътиборга олиш керак- ки, шаҳарларда, туман ва қишлоқ кутубхоналари бўлган жой- ларда ўқув муассасасининг кутубхонаси, асосан, ўқув, ўқув- методик ва илмий адабиётлар билан таъминланади.

Бундан ташқари, яна шуни назарда тутиш лозимки, таълим муассасаси сметаси ҳисобидан газета ва журналларга обуна бўлишда фақат ижтимоий сиёсий ва ўқув муассасасининг соҳасига мос махсус нашрларга обуна бўлиш даркор. Булар- нинг миқдори қатъий чегараланган бўлади.

Бу мақсадларга маблағ ажратишда мавжуд китоб жамғармасини ҳисобга олиш керак.

Ишлаб чиқариш амалиёти харажатлари «ЎзР Таълим муас- сасалари талабаларининг ишлаб чиқариш амалиёти тўғрисида»ги низомда кўзда тутилган.

Ишлаб чиқариш амалиёти ўтказишга ажратилган маблағ таркиби, агар бу амалиёт ўқув юрти жойлашган ҳудуддан ташқарида амалга оширилса, ўқув амалиёти бўйича харажат- ларни ҳам ўз ичига олади.

Харажатларни ҳисоблашда, аввало ишлаб чиқариш ва ўқув амалиёти, шунингдек таълим муассасаси жойлашган ҳудуддан ташқарида ўтадиган амалиётни, талабалар умумий сонини, шу- нингдек тегишли ихтисосликлар бўйича ўқув режасига асосла- ниб амалиётнинг давомийлигини белгилаш зарур. Ушбу кўрсаткичлар бўйича амалиётга жўнаб кетаётган барча талаба- ларнинг амалиёт ўтказиш кунлари умумий сони белгиланади.

Ишлаб чиқариш амалиёти сарфлари умумий миқдорига та- лабаларнинг амалиёт ўтказиладиган жойга етиб бориш ва қайтиб келиш бўйича, шунингдек, ётоқхонада яшаганлик учун харажатлари қўшилади.

Ишлаб чиқариш амалиётига ажратиладиган маблағларни белгилашда шуни назарда тутиш керакки, талабалар ва ўқитувчиларнинг амалиёт ўтказиладиган жойга бориш харажат- ларини қисқартириш мақсадларида таълим муассасалари ама-

лиёт ўтказиш негизи сифатида, қоидага кўра таълим муассасасига яқин жойлашган ишлаб чиқариш бирлашмалари (комбинатлари), муассаса ва ташкилотларни танлашлари лозим. Анча олис жойга амалиёт учун юбориш айрим ҳоллардагина мумкин.

Ишлаб чиқариш амалиёти харажатлари бўйича амалиётга раҳбарлик қилувчи профессор-ўқитувчилар билан боғлиқ сарфлар ҳам қўшилган ҳолда режалаштирилади. Хусусан, педагогнинг бориб келиш йўл харажати, педагогнинг йўлда бўлган ва амалиёт ўтказиладиган жойда турганлиги, шунингдек хона ижара ҳақи, кеча-кундузлик тўловлар кўзда тутилади. ЎзР Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг буйруғига мувофиқ паст курсларнинг талабаларини ишлаб чиқариш амалиётига юбориш, қоидага кўра 15-30 кишилик гуруҳлардан иборат қилиб ташкил этилади, битирувчи курс талабалари эса 3-10 кишидан иборат қилиб юборилиши мумкин. Педагогика таълим муассасалари талабаларини ишлаб чиқариш амалиётига юбориш билан боғлиқ харажатларни режалаштиришда Педагогика институтлари талабаларини педагогик амалиёт ўтказиши ва уни ташкил қилиниши бўйича намунавий йўриқнома асосида амалга оширилади.

01765 харажатлар моддасининг тегишли турлари таркибига лавозимдан ташқари тажриба участкаларига мавсумий ишлаш учун таклиф этиладиган ходимлар, ўқув ва илмий ҳамда бошқа мақсадлар учун материалларни етказиб бериш ва тушириш бўйича иш ҳақи ва сарфлар ҳам қўшилади.

Лавозимдан ташқари таркибга тўланадиган иш ҳақи бўйича харажатлар 01765 рақамли модда якунидан сўнг «шу жумладан лавозимдан ташқари (рўйхатсиз) таркиб иш ҳақи ҳисобидан» алоҳида сатри бўйича кўрсатилади.

Зарур ҳолларда айрим ўқув юртлари учун катта аҳамиятга эга харажатлар сметага махсус ҳисоб-китоб асосида киритилиши мумкин (масалан жисмоний тарбия институтларидаги лагерларга йиғилиш учун бориш тўловлари ва ҳ.к.).

5.1.7. Моддий техника базаси харажатлари ва бошқа харажатлар

Ускуналар ва жиҳозлар сотиб олиш. Мазкур модда бўйича бюджет ҳисобидан фаолият юритаётган таълим муассасаларида ўқув ва хўжалик мақсадларида фойдаланиш учун жиҳозлар ва

ускуналар сотиб олиш, ўқув биноси ва ётоқхоналар учун ме-
беллар, ўқув жараёнида фойдаланиш учун машина ва меха-
низмлар ва ҳ.к. сотиб олишга харажатлар режалаштирилади.

Мазкур ашёларни ташиш учун сарфлар харажатларнинг
ушбу моддасида кўзда тутилади.

Янги қурилган биноларда ташкил этиладиган ўқув юртла-
рини бошланғич жиҳозлаш ҳамда фаолият кўрсатаётган таълим
муассасаси учун янги қурилган бинони жиҳозлаш тегишли би-
ноларни капитал қурилиши бўйича харажатлар сметаси
ҳисобидан амалга оширилади.

Ашёлар ва ускуналар сотиб олиш учун сарфларнинг
миқдори юқори ташкилот томонидан шу мақсадлар учун ва-
зирлик (муассаса) сметаси бўйича кўзда тутилган ажратмалар
чегарасида белгиланади, бунда мавжуд жиҳоз ва ускуналар ва
ушбу ускуналарнинг асосий, режалаштирилаётган йилда сотиб
олиш белгиланган предметлари рўйхати ҳисобга олинади.

Юмшоқ мебеллар ва уст-бош сотиб олиш. Бу моддада тиб-
биёт таълим муассасалари кафедралари профессор-
ўқитувчилари, ўқув-ёрдамчи ва бошқа ходимлар учун махсус
уст-бош сотиб олиш, жисмоний тарбия таълим муассасалари ва
олий педагогика ўқув муассасаларининг жисмоний тарбия фа-
культетлари талабалари учун спорт кийимлари сотиб олиш,
муҳофаза кийимлари, таълим муассасалари ётоқхоналари учун
кўрпа-тўшаклар учун белгиланган тартибдаги харажатлар кўзда
тутилади.

Жисмоний тарбия институтлари ва факультетлар сметалари
бўйича юмшоқ жиҳозлар олиш харажатларини режалаштириш-
да биринчи курсда ўқувчи талабаларни таъминлаш учун
мўлжалланган спорт кийимлари тўлиқ мажмуининг қийматини
кўзда тутиш лозим, шунингдек бунда эркак талабалар ва аёл
талабалар учун таъминот алоҳида белгиланган. Тиббиёт таълим
муассасалари кафедраларининг профессор-ўқитувчилари ва
ўқув ёрдамчи қисм ходимлари учун юмшоқ жиҳозлар сотиб
олиш харажатларини режалаштириш ходимлар ўртача йиллик
миқдори ва юмшоқ жиҳозлар мажмуи қийматидан келиб
чиққан ҳолда амалга оширилади, бунда ҳар бир ходимга бериш
кўзда тутилади.

Жисмоний тарбия таълим муассасалари ва олий педагогика
таълим муассасалари физкультура факультетларининг янги
қабул қилинган ҳар бир талабасига сметада спорт кийимлари

тўлиқ мажмуини сотиб олиш учун маблағ ажратиш кўзда тутилади.

Иккинчи ва ундан кейинги йилларда таълим олаётган талабалар учун сметаларда спорт кийимлари айримларининг кийилиш бўйича белгиланган муддатларига боғлиқ ҳолда маблағ ажратиш кўзда тутилади.

Юмшоқ жиҳозлар сотиб олиш учун маблағ ажратиш фаолият кўрсатаётган ва янги ташкил этилган ётоқхоналардаги ўринлар ва уларни жиҳозлар билан таъминлаш бўйича кўрсатилган пул меъёрларидан келиб чиқиб белгиланади.

Юмшоқ жиҳозлар сотиб олиш учун олий ўқув муассасаси сметалари бўйича маблағ ажратишни белгилашда шундай жиҳозлар мавжудлигини ҳисобга олиб тузатишлар киритилиши лозим.

Спорт-соғломлаштириш лагерлари, тунги профилакторийлар ва бошқаларни ташкил қилиш учун чойшаб-адёллар сотиб олиш кўзда тутилмайди.

Бино ва иншоотларни капитал таъмирлаш учун маблағ ажратиш юқори ташкилот томонидан мазкур ўқув юрти учун ишлар рўйхати асосида кўзда тутилади. Бу ишлар камчиликлар мавжуд бўлган муассасаларга тааллуқли равишда биринчи галда бажарилишни талаб қилиши эътиборга олинади. 04500 модда бўйича ўқув муассасасининг сметасига таълим муассасасининг балансидаги ётоқхона ва ошхоналарни капитал таъмирлаш бўйича ажратиладиган маблағлар киритилади. Бироқ, ёрдамчи хўжалик, тажриба ва бюджет ҳисобидан таъминланадиган бошқа ташкилот (болалар боғчаси, муаммолар лабораторияси, яъни айримлантирилган хоналарга эга бўлса)ни капитал таъмирлаш учун маблағлар харажатлар таснифининг бошқа параграфлари ёки махсус маблағ ҳисобига таъминланадиган бошқа параграфлар бўйича кўзда тутилади, таълим муассасаси сметаси бўйича бюджет ҳисобидан таъминлаш режалаштирилмайди.

Молиялаш манбаи сифатида таълим муассасаси асосий сметаси бўйича капитал таъмирлашни амалга ошириш учун буюртмачилар билан шартнома бўйича бажарилган илмий-тадқиқот ишларидан келадиган маблағнинг бир қисми йўналтирилади.

Шунинг учун олий таълим муассасаси сметаси бўйича капитал таъмирлашга маблағ ажратишда буюртмачи билан шартнома бўйича илмий-тадқиқот ишлари бажаришга махсус маб-

лаф сметасига қўшилган капитал таъмирлаш қийматини чегириш кўзда тутилади.

Яна шуни назарда тутиш керакки, агар олий ўқув муассасаси биносининг бир қисми ижара асосида бошқа ташкилотга берилган бўлса, бунда ижарачи ёки субижарачидан келадиган ижара тўловига ижарага берилган бинони капитал таъмирлашни амалга ошириш учун зарур бўлган харажатлар қўшилади. Бу харажатлар, шунингдек капитал таъмирлашга оид таълим муассасаси сметаси бўйича умумий харажатларни қоплаш манбаи сифатида ҳам ҳисобга олиниши лозим.

Ўқув муассасаси ижарага олган бинони капитал таъмирлаш таълим муассасаси ҳисобидан ижара шартномасида кўзда тутилган ҳоллардагина ўтказилиши мумкин.

Бошқа харажатлар. 01900 модда бўйича маданий-маърифий ва жисмоний тарбия ишларига қаратилган харажатлар режалаштирилади, булар фақат кундузги бўлим битта талабаси меъёрлари бўйича (ўртача йиллик) белгиланади. ЎЗР Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси календари бўйича спорт мусобақаларини ўтказишда оммавий спорт ишларига ажратилган маблағ ҳисобига ўқувчиларнинг мусобақа ўтказиладиган жойга бориши ва қайтиб келиши бўйича харажатларгина киритилиши мумкин. Қолган харажатлар, яъни мусобақани ўтказиш билан (овқатланиш, ҳакамларга ҳақ тўлаш, тураржойни ижарага олиш) боғлиқ харажатлар юқорида қайд этилган қўмиталар маблағи ҳисобига тааллуқлидир.

Мазкур модда бўйича ётоқхоналарни ижарага олиш ва махсус маблағ сметаси бўйича ётоқхоналарни сақлаш харажатлари ва тушум ўртасидаги фарқни қоплашга қаратилган сарфлар бўйича харажатлар режалаштирилади, лекин у дотацияда белгиланган меъёрдан ортиб кетмаслиги керак.

5.2. Таълим сарфларининг ҳисоб-китоби

Таълим харажатлари таъсир этувчи кўпгина омилларга боғлиқдир. Бир ихтисослик бўйича жуда қиммат турадиган ўқув ускуналар талаб қилинади, бошқаси бўйича компьютер тармоқларида узоқ ишлашни, учинчи бирида эса чет тилини яқка тартибда кўп соат мобайнида ўрганишни ва ҳ.к.ларни талаб қилади. Таълимга таъсир этувчи қийматнинг асосий белгиларидан бири сифатида ўқув соатлари умумий миқдори, машғулот тартиби, жалб этилаётган ўқитувчилар малакаси,

фойдаланиладиган ускуналар таркиби, машгулот ўтказиладиган жой ва ўқувчилар миқдорини алоҳида ажратиш мумкин.

Ўқув хизмати кўрсатиш бўйича шартнома тузишда ҳисобга олиниши зарур бўлган харажатларни ҳисоблаш унсурлари ва тамойилларини кўриб чиқамиз. Харажат унсурларини ҳисоб-китоб қилишда икки усулдан фойдаланиш мумкин:

– *йириклаштирилган усул (интегралланган меъёр ва асосий ўлчамлар орқали ҳисоб-китоб);*

– *қисмларга ажратилган усул (ташкил этувчиларни қисмларга ажратган ҳолда ҳисоб-китоб қилиш),*

Муайян ҳолларда ҳисоб-китоб қилиш усулини танлаш ҳисоб-китобнинг талаб этилаётган аниқлиги, бошланғич маълумотлар таркибининг мавжудлигига боғлиқдир.

Меҳнатга ҳақ тўлаш. Меҳнатга ҳақ тўлаш иккига — асосий ва қўшимчага бўлинади, шунингдек ишлаётганлар тоифасига кўра фарқланади. Ўқитувчилар меҳнатига ҳақ тўлаш харажатлари сарфланаётган соатлар миқдори ва меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш ставкасига кўра белгиланади. Таълим вақтининг узоқ интервалида келгусидаги меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш ставкасини тўғрилашни кўзда тутиш лозим. Меҳнатга ҳақ тўлаш негизда малака ёки ўқитиш шароитлари мураккаблашганлиги учун қўшимчани кўзда тутиш мумкин.

Ўқув ёрдамчи ишлар бўйича ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш харажатларида иш вақти сарфлари орқали ўқитувчилар учун ва бир соат учун тўлов ставкаси нормативи (шартномавий) ҳам ҳисобга олинади.

Иш ҳақига қўшимча кечки вақт, дам олиш кунларидаги ишлар туфайли меҳнат шароити мураккаблашганлиги, юқори малакали аудитория, мактаб ўқувчилари ва бошқа сабаблар билан мураккаблашганликни ҳам ҳисобга олиб белгиланиши мумкин.

Меҳнатга ҳақ тўлаш миқдорининг ажратилиши давлат фондига ажратилган меъёрий миқдорлар ва меҳнатга ҳақ тўлаш учун ажратилган маблағ орқали ҳисоб-китоб қилинади.

Ускуналардан фойдаланганлик бўйича харажатлар қуйидаги тўловларни ўз ичига олиши керак:

- электр-энергияга;
- фойдаланилган материалларга;
- ускуналар амортизациясига;
- интеллектуал активлар қиймати амортизациясига.

Электр-энергияга тўловлар истеъмол этилган қувватлар, ишлар вақти ва 1 кВт/с га тўловлар орқали ҳисобланади. Фойдаланилган материалларга кетган харажатлар уларнинг нархи ва истеъмол этилган миқдори орқали ҳисобланади.

Фойдаланилган материалларнинг таркиби жуда ҳам ўзига хос бўлиши ва фойдаланилаётган материаллар бажарган иш алоҳидалигини акс эттириши мумкин. Булар қоғозлар, кимёвий реактивлар, синовдан ўтказилаётган материалларнинг намуналари, пугурдан кетаётган ускуналар ва бошқалар бўлиши мумкин.

Бино ва ускуналарнинг амортизацияси фойдаланиш вақти оралиғига нисбатан берилган унинг қиймат улушлари сифатида ҳисобланади. Харажатлар калькуляцияси учун ускуналар амортизацияси қийматини ҳисоблаш унинг нархини фойдаланиш меъёрий муддати (кўпгина ўқув ускуналари учун бу 8-10 йил) ва йиллик иш вақтига бўлиб, баҳоланаётган ўқув жараёни вақтига кўпайтириб ҳисобланади. Агар бино ва ускунанинг амортизацияси бир ўқувчи харажатларига кўшиш учун ҳисобланса, бунда гуруҳнинг миқдорини ҳисобга олиш керак бўлади. Гуруҳда талабалар қанча кўп бўлса бир ўқувчи харажатига нисбат бериладиган амортизация ажратмаларининг улуши шунча кам бўлади.

Интеллектуал активлар (муаллифлик ўқув программаси, ўқув ишлари махсус технологияси, кўшимча ўқув ишлари, ўқув, услубий қўлланмалар) амортизациясининг қиймати ҳам ускуналар амортизациясиники сингари ҳисобланади. Интеллектуал активлардан фойдаланиш меъёрий муддати одатда 5-7 йил, ҳажмида қабул қилинади. Интеллектуал маҳсулотнинг қиймати ўхшашлари (ўхшаш ишланмалар, бошқа ташкилотларга сотилаётган шундай ишланмалар) асосида ёки экспертлар баҳолаши орқали белгиланади.

Ўқув хоналарини таъминлаш. Ўқув ва ёрдамчи хоналарни сақлаш бўйича харажатлар бир неча унсурни ўз ичига олади: сақлаш ва йиғиштириш, ёритиш учун электр-энергия, иситиш, қўриқлаш, ўқув мебеллари амортизацияси. Бу кўрсаткичларни таълим муассасасида ёки шундай ташкилотларда қабул қилинган ижара тўловлари нархи орқали йириклаштирилган умумий миқдорларда белгилаш мумкин. Аниқ қийматлар хонанинг тавсифи, унинг жойлашиши, ёрдамчи хоналар билан таъминланганлигига боғлиқ. Хонанинг йиллик фаолиятда бўлишлик имконияти ва ўқув жараёни давомийлигини билган

ҳолда бир м.кв. ўқув майдонига тўловни, шундан кейин ўқув хонасидан тўлиқ фойдаланганлик учун тўловни белгилаш мумкин.

Мақсадли харажатлар. Мақсадли харажатлар муайян ўқув туркумларини ўтказиш бўйича қуйидагиларни ўз ичига олади:

- ўқув адабиётлари сотиб олиш;
- тингловчилар учун қўшимча материалларни сотиб олиш;
- услубий материалларни тайёрлаш;
- шахсий ҳужжатлар бланкларини сотиб олиш;
- тингловчилар (талабалар)ни тайёрлаш ва саралашдаги шаҳарлараро гаплашиш;

– бошқа ташкилотларда айрим машғулотларни ўтказиш учун ижара тўлови.

Ётоқхона тўловлари. Талабалар яшаши учун тўловлар алоҳида харажатларни ташкил қилади. Агар яшашлик меҳмонхонада амалга ошириладиган бўлса, бунда харажатлар бир жой ва яшаш муддати бўйича тўловлар асосида ҳисобланади. Талабалар ётоқхонасида яшаганда харажатлар таълим муассасасининг харажатлари ва яшаш шароитини таъминлашни ҳисобга олган ҳолда кўзда тутилиши лозим.

Стипендиялар. Таълим вақти учун стипендиялар таълим муассасаси томонидан тўланса, бунда харажатлар қийматига ойлик стипендияни (эҳтимоли бор қўшимчаларни ҳам ҳисобга олган ҳолда) ўқув муддатига ёки ҳисоб-китоб даврига кўпайтирилган миқдорни қўшиш керак.

Бирйўла харажатлар. Таълим жараёнини ўтказиш бўйича харажатлар тўловларига кетадиган бевосита сарфлар ривожлантиришга қаратилган капитал харажатлар ва ўқув техникаси, ўқув мебеллари, ўқув хоналари ускуналарини бирйўла сотиб олиш харажатлари билан тўлдирилади. Капитал харажатлар агар битим иштирокчилари томонидан келишилган бўлса ис-талган ҳажмда қабул қилиниши мумкин, лекин улар таълим муассасасида шаклланган жорий ва капитал харажатлар ўртасидаги нисбатдан паст бўлиши мумкин эмас. Шундай қилиб, капитал харажатларнинг минимал миқдори капитал харажатларга нисбатан жорий харажатларнинг меъёри ҳосиласи сифатида ҳисобланади. Бирйўла харажатлар амортизацияга жорий ажратмалар орқали меҳнатга ҳақ тўлаш киритилади.

Таълим муассасаси умумий харажатлари. Таълим муассасаси эҳтиёжи учун харажатлар (тегишли бўлинмаларга тўловлар)

уларнинг ўқув жараёнига факультетларнинг жорий харажатлари нисбати орқали ҳисобланади. Бу нисбат қиймати аввало 1,2 дан 2 гача интервалда бўлади.

Кўшимча харажатлар. Таълим муассасаси ҳудудидан ташқарида ёки бошқа шаҳарда машғулотларни ўтказиш харажатларнинг унсурлари таркибига ўқитувчилар учун кетадиган транспорт харажатларини, хизмат сафари харажатларини, меҳмонхонада яшаш учун тўловларни ёки ижарага олинган хоналар харажатларини киритишни талаб этади.

Калькуляция. Шундай қилиб таълим учун харажатлар калькуляциясидаги харажатлар моддаси қуйидагича бўлади:

- 1) ўқитувчилар меҳнатига тўланадиган ҳақ;
- 2) ўқув ёрдамчи ишлар бўйича ходимлар меҳнатига тўловлар;
- 3) иш ҳақиға устамалар;
- 4) иш ҳақи учун ажратмалар;
- 5) ускуналардан фойдаланганлик бўйича харажатлар:
 - электр-энергиясига;
 - фойдаланилган материалларга;
 - ускуналар амортизацияси;
- 6) интеллектуал мулк амортизацияси;
- 7) ўқув хоналарини сақлаш бўйича харажат тўловлари;
- 8) мақсадли харажатлар;
- 9) яшаш бўйича харажат тўловлари;
- 10) стипендиялар;
- 11) капитал харажатлар;
- 12) таълим муассасаси харажатлари, шу жумладан (қисмларга ажратилгандаги) харажатлар:
 - ҳамкорликдаги бўлинмалар ходимлари учун қўшимча тўловлар;
 - иш ҳақиға ажратмалар;
 - хўжалик харажатлари;
 - таълим муассасаси умумий ривожланиш фондига ажратмалар.

Харажатлар ушбу унсурларини ҳисоб-китобларини амалга ошириш учун сарфларнинг қуйидаги меъёрлари зарур:

- ишловчилар тоифаси бўйича бир соатлик иш ҳақи ставкаси;
- меҳнатнинг мураккаблашган шароити учун қўшимча қилиш меъёрлари;
- иш ҳақиға ажратмаларнинг меъёрлари;

- 1 кВт/с учун тариф;
- ускуналар гуруҳи бўйича ишлаш муддатининг меъёрлари;
- ўқув хонаси бир м.кв. майдонини сақлаш бўйича харажатлар меъёри;
- бир ойлик стипендия;
- капитал ва жорий харажатларнинг нисбати;
- умумтаълим муассасаси ва ўқув тузилмаси (кафедралар, факультетлар) жорий харажатлар нисбати.

Харажатларнинг аниқланган миқдори пулли шартнома асосида бир йилда битта студентни ўқитиш учун кетадиган минимал тарзда йўл қўйилган қиймат ҳисобланади. Шу билан бирга бу қиймат, агар муайян тижорат ўқув хизматига бўлган талаб кучайган тақдирда оширилиши мумкин.

5.3. Илмий техникавий маҳсулот яратиш бўйича шартнома

Қуйидагилар илмий-техникавий маҳсулот ҳисобланади:

- илмий-техникавий, конструкторлик, технологик ва лойиҳавий ишлар ҳамда уларнинг босқичлари;
- янги техникавий материалларнинг тажриба намунаси ва туркуми;
- кўп илм талаб маҳсулотларнинг кичик туркуми;
- программа воситалари;
- нодир аппаратлар ва технологиядан фойдаланиб илмий-ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш;
- патент-лицензия хизмати;
- экспертиза ва консалтинг;
- маркетинг ва иқтисодий таҳлил.

Илмий-техникавий маҳсулотни олиш ва сотишда буюртмачи билан бажарувчининг ўзаро алоқаси шартнома асосида амалга оширилади, бу ҳуқуқий ва молиявий ҳужжат ҳисобланади. Шартнома томонлар муносабати, ўзаро иқтисодий масъулият, муаллифлик ҳуқуқини тартибга солади.

Шартнома тузилишида қуйидаги таянч қисмлар фарқланади:

- томонларнинг тавсифи;
- шартнома асоси;
- ишнинг қиймати ва ҳисоб-китоб тартиби;
- ишни топшириш ва қабул қилиш тартиби;
- томонларнинг бурчи;
- алоҳида шартлар;

– битимнинг амал қилиш муддати.

Томонларнинг тавсифида расмий аталиш, юридик манзил ва шартнома томонларининг банк ҳисоб рақамлари, шунингдек шартнома тузиш вақтида ўз ташкилотлари номидан иш кўрувчи раҳбарларнинг лавозими ва фамилияси бўлиши керак.

Шартноманинг мазмуни ишнинг қисмлари, натижага бўлган талаблар, топшириш босқичи муддатлари ва умуман ишни тугатиш муддати, натижани қабул қилиш ва баҳолаш шартлари, буюртмачининг натижадан фойдаланиш вариантларини ўз ичига олиши керак. Шартноманинг мазмуни ишнинг календар режаси ва томонларнинг ўзаро ҳаракати, ишга бўлган техникавий топшириқнинг тафсилоти билан тўлдирилади.

Натижа учун иш қиймати ва ҳисоб-китоб тартиби шартнома баҳоси, тўлов шакли, тўлов жадвали билан тавсифланади. Инфляция жараёнини ҳисобга олиш шартлари, зарур ҳолларда шартнома қийматининг унсурлари қўшимча тарзда келишиб олинган бўлиши лозим.

Гарчи буюртмачи шартнома қийматлари унсурлари ҳисоб-китобини талаб қилмасда, бажарувчи тегишли иқтисодий ҳисоб-китобларни тақдим этиши ва унинг харажатлари шартнома қийматидан юқори бўлмаслигига ишонч ҳосил қилиши керак. Бу харажатлар таркибида меҳнатга ҳақ тўлаш, меҳнатга тўловнинг қонунчилик асосида ажралиши, хона ва ускуналарни сақлаш бўйича харажатлар, моддий харажатлар, шериклар хизматига ҳақ тўлаш, солиқ ва бошқа тўловлар ҳисобга олинган бўлиши лозим. Харажатлар сметасини тузишда таълим муассасасининг бўлинмалари учун давлат таълим муассасаси ҳисобланувчи бўлинма бажарган иш учун буюртмачининг иқтисодий ютуғини ва таълим муассасаси сарфлайдиган билвосита харажатларни ишончли тарзда баҳолаш муҳимдир.

Ишни топшириш ва қабул қилиш тартиби ўз ичига ижрочи томонидан расмийлаштирилладиган ва ишларнинг айрим босқичлари ҳамда унинг тугалланганида буюртмачига берадиган илмий-техникавий ва бошқа ҳужжатлар рўйхати, қабул қилиш синовини ўтказиш тартиби, шартнома бўйича иш туганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар тавсифи, натижаларни маромига етказиш зарурлигида томонларнинг фаолияти қоидалари, натижаларни баҳолаш мунозарали бўлганда учинчи томонни жалб этиш имкониятини ўз ичига олади. Томонларнинг масъулияти шартномани унинг иштирокчилари учун иқтисодий оқибатлари тавсифидан иборат бўлади. Бу жарима

санкцияси бўлиши мумкин. (битим шартлари бажарилмаган тақдирда), шартнома асосида вақтинча фойдаланиш учун бериладиган мулкнинг тўлиқ сақланиш мажбурияти, шартномани муддатдан олдин бажарганлик учун бажарувчини рағбатлантиришни ўз ичига олади.

Битимнинг алоҳида шартлари интеллектуал мулк ва ишлаб чиқувчининг муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилишни, материалларни эълон қилишни, маҳсулот етказиб бериш шартларини ўз ичига олиши мумкин. Ускуналар намунасини ва янги материалларни тайёрлашда шуни назарда тутиш муҳимки, муаллифлик ҳуқуқи интеллектуал мулк ва техникавий намунага алоҳида-алоҳида ажратилиши мумкин

Кўзда тутилмаган ҳоллардаги томонларнинг хатти-ҳаракати қоидаларини, шунингдек шартномани бажариш тўхтатилиши ёки тугатилиши билан боғлиқ вазиятларни алоҳида шартлар ўз ичига олиши мумкин.

Буюртмачининг учинчи шахсга шартнома натижаларини беришда олинадиган фойдадан фойдаланиш шартлари келишиб олинishi зарур.

Шартнома албатта шартномада қатнашувчи ташкилотларнинг сони қанча бўлса шунча нусхада тузилиши керак.

5.4. Тезкор молиявий бошқаришнинг намунавий модели

Иқтисодий бошқариш амалиётида қарорлар қабул қилишнинг икки тур модели ишлаб чиқилган. Биринчиси — *оптималлаштирилган модел*. Булар вазиятни майда-чуйдасигача тавсифлаш ва ҳаракат энг яхши вариантини танлаш учун махсус алгоритмлардан фойдаланишга таянади. Иккинчиси — «*сатисфакция*» (Г. Саймн тарифи бўйича) *модел*. Бунда энг яхши вариант мўлжалланмайди, балки қандайдир қониқарли даражадан юқори бўлган натижага эришиш кўзланади. Вазият анча мавҳум бўлганда ва тахминан бир-бирига тенг ҳаракат қилиш вариантлари анча кўп бўлганда бундай ёндашиш амалда анча самарали ҳисобланади.

Тезкор молиявий қарорлар қабул қилиш одатда вақт етишмаганда ва бошланғич иқтисодий таҳлиллар ўтказиш мумкин бўлмаганда юз беради. Бундай ҳолларда аввалдан келишилган бошқарув тартибларидан фойдаланиш анча мақбул ҳисобланади.

Устувор молиялаштириш. Бундай усул маблағ етишмаганда ва келаётган даромад миқдорида молиялаштиришга бўлган та-

лаб ошиб кетганда қўлланилади. Барча келаётган ва сарфланаётган маблағлар битта лавозимдор шахс томонидан назорат қилинади. Навбатдаги молиявий маблағ қисми тушганда раҳбар харажатлар йўналишини танламайди, балки мавжуд рўйхатдан биринчисини белгилайди. Тўловга бўлган ҳар бир янги талабнома унинг аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда мавжуд бўлган навбатга қўйилади.

Хусусий балансларни чеклаш. Келаётган маблағлар ва харажатлар йўналишининг манбалари миқдори кўп бўлганда молия оқими билан бошқариш вазифасини соддалаштириш хусусий балансларни ажратиш ҳисобига амалга оширилиши мумкин. Бу хусусий баланс оддий молиявий топшириқни ҳосил қилиб умумий муаммодан ажратилади.

Масалан, битта хонани ижарасидан келаётган даромадни ажратиб уни телефон нуқталари учун тўловга бириктириб қўйиш мумкин.

Агар даромад ошиб борса, телефон аппаратларини янгилаш мумкин, даромад пасайганда эса фойдаланаётган телефонларни қисқартириш талаб этилади. Кирим ва чиқим баланси эъни мана шу молия оқими жуфтлигида амалга оширилади.

Молиявий даромаддан фойдаланишнинг тузилишини чеклаш. Ҳар қандай тушаётган маблағ, манбаидан қатъий назар, олдиндан белгиланган қоида бўйича харажатларнинг йўналишлари ўртасида тақсимланади. Бундай ҳолда тушаётган маблағ миқдорини тақсимлаш раҳбар шахснинг аралашувисиз бухгалтерия томонидан амалга оширилади. Маблағларни сарфлаш айрим топшириқлар йиғиндиси сифатида амалга оширилади ва лавозимдор шахс томонидан бажарилиши мумкин, лавозимдор шахс эса функционал йўналишларни бошқариши лозим. Харажат йўналишларининг ҳар бири учун ички шахсий ҳисоб рақами ажратилади, унда маблағнинг келиши ва кетиши ҳисобга олинади.

Молия оқими тақсимланишининг тузилишини чеклаш. Ҳар қандай келаётган даромад миқдори аввал белгиланган қоида бўйича таълим муассасасининг тузилмавий бўлинмалари ўртасида тақсимланади. Маблағ сарфи ҳар бир таркибий бўлинма раҳбари томонидан жорий вазифаларни ҳисобга олган ҳолда мустақил белгиланади

Молиявий мустақил бўлинмаларнинг ажрალიши. Ташкилот ичида бўлинмалар (академик лицей, бизнес-мактаб, малака ошириш маркази ва б.) ажратилади, булар учун келаётган ва

сарфланаётган маблағ оқими мақсадли тарзда тақсимланади. Бу бўлинмалар билан боғлиқ барча даромадлар фақат унинг эҳтиёжларигагина сарфланиши мумкин. Бухгалтерия хизмати бундай ҳолларда бўлинманинг шахсий ҳисоб рақамини шакллантиради ва унинг фаолияти барча турларидан келаётган даромадлар ана шу ҳисоб рақамига тушади, ундан кейинчалик харажатлар молиялаштирилади.

Молиявий жавобгарлик бўлинмаларининг мавжудлиги молиявий ва маъмурий масъулиятни бирлаштириш, раҳбарларга аниқ маблағлар ва улардан фойдаланиш қоидаларини бериш, даромаднинг қўшимча манбаини жалб этиш учун раҳбарга асос бунёд этиш имконини беради.

ОТМни ривожлантириш ва профессор-ўқитувчилар таркиби ва талабаларни моддий рағбатлантириш фонди ҳақидаги намунавий низом

I. Умумий қоидалар

1. Ривожлантириш ва профессор-ўқитувчилар таркиби ҳамда талабаларни моддий рағбатлантириш фонди ОТМ кенгаши қарори асосида ташкил этилади.

2. Фонд ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари ва фондининг мазкур низоми асосида амалга оширади.

3. Фонд ҳар қандай шаклдаги юридик ва жисмоний шахслар — Ўзбекистон Республикасининг резидентлари ва норезидентлари, халқаро ташкилотлар учун аъзо бўлиш ёки унга ўз улушларини қўшишлари учун очикдир.

4. Фонднинг фаолияти маданият, таълим тизими ва кадрлар тайёрлашни ривожлантириш учун рағбатлантирувчи тавсифга эга.

II. Фонд фаолиятининг асосий мақсад ва вазифалари

5. Фонд фаолиятининг мақсади бўлиб мамлакатда кадрлар тайёрлаш ва таълим тизимини ривожлантиришда унинг аҳамиятини оширишда, шунингдек профессор-ўқитувчилар таркиби фаолиятини ва талабаларни рағбатлантириш тизимини такомиллаштиришда фаол қатнашишдан иборатдир.

6. Қуйидагилар фонднинг асосий вазифаси ҳисобланади:

- ўқишда ва ўқитувчилик фаолиятидаги талабалар ва профессор-ўқитувчилар таркибининг муваффақиятини қўшимча моддий рағбатлантириш;

- эҳтиёжманд талабалар ва ўқитувчиларни моддий қўллаб-қувватлаш;

- ётоқхонада яшаётган талабалар ва аспирантларнинг турмуш шароитларини яхшилаш;

- тураржойга эҳтиёж сезган ўқитувчиларни таъминлаш;

- жамоадаги маърифий, маънавий ва маданий йўналишдаги тадбирларни молиялаш;

- ўқитувчилар ва талабаларни соғломлаштириш ва спортни ривожлантириш бўйича тадбирлар мажмуини ўтказиш;

- кутубхона жамғармасини янгилаш ва кенгайтириш;

- ОТМ моддий-техника негизини яхшилаш;

7. Фондни шакллантириш манбаи бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- пулли контракт асосида талабалар ва аспирантларни ўқитишдан олинadиган ОТМ даромадидан ажратмалар;

- юридик ва жисмоний шахслар, Ўзбекистон Республикасининг резидентлари ва норезидентлари, халқаро ташкилотлар, оталиққа олганлар ва бошқа манбалардан ҳомийлик маблағлари;

- товарлар сотиш (ишлар бажариш, хизмат кўрсатиш)дан келган даромадлардан ажратмалар;

- Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига зид бўлмаган бошқа тушумлар.

III. Фонднинг ҳуқуқ ва мажбурияти

8. Қайд этилган вазифаларини ва фаолият йўналишини таъминлаш учун фонд Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига мувофиқ қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- ОТМ бухгалтериясида бюджетдан ташқари ҳисоб рақамига эга бўлиш;

- кенг тушунтириш ишлари ёрдамида Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари, чет эллик фуқаролар, жамоатчилик ташкилотлари, банклар, корхоналар ва фирмалар ихтиёрий улушларини ҳам пул маблағи кўринишида ҳам адабиётлар ва санъат асарлари, илмий ва лойиҳавий ишланмалар, машина, ускуна, иншоотлар ва бошқа моддий қимматдорликлар тарзидаги ихтиёрий улушларни жалб этиш;

- маданий-маърифий фаолиятни амалга ошириш;

- ўз пул маблағлари ҳисобидан профессор-ўқитувчилар таркиби ва талабаларга шартномада белгиланган шартларда, ундан фойдаланишликни албатта кўрсатган ҳолда кредитлар бериш;

- чет элга профессор-ўқитувчилар таркиби ва талабаларни хизмат сафарига юбориш, шунингдек ОТМ фаолияти билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш учун чет эллик мутахассисларни ОТМда қабул қилиш;

- янги оталиққа олувчиларни жаъб этиш;
- низомда мустаҳкамлаб қўйилган вазифаларни бажариш учун ўз фаолиятини йўналтириш, молиявий воситалардан аниқ мақсадларда фойдаланишни таъминлаш.

IV. Фондни оталиққа олувчилари

9. Фондни оталиққа олувчилар бўлиб давлат, жамоатчилик, илмий ва ижодий ташкилотлар, фуқаролар ўз-ўзини бошқариш органлари, банклар, акциядор жамиятлар, ассоциациялар ва бошқа мулкнинг ҳар қандай шаклидаги ташкилотлар, шу жумладан чет эл, халқаро ташкилотлар, шунингдек, фонд асосий вазифаларини амалга оширишида ихтиёрийлик асосида қатнашувчи жисмоний шахслар (резидентлар ва норезидентлар) ҳисобланади.

V. Бошқарув органлари

10. Фонд бошқармаси фонднинг олий бошқарув органидир, у фонд низомида кўзда тутилган асосий йўналишларни белгилайди.

11. ОТМ ректори фонд бошқарувининг раиси ҳисобланади.

12. Бошқарув таркибига йиллик йиғилишда сайланадиган оталиқ ташкилот вакиллари ва ОТМ илмий кенгаши киради.

13. ОТМ назорат-тафтиш комиссияси фонднинг фаолияти ва маблағдан мақсадли фойдаланиши устидан назоратни амалга оширади.

14. Фонд бошқарувининг раиси фонд фаолияти асосий йўналишлари бўйича раҳбарлик ва уйғунлаштиришни амалга оширади.

VI. Фонднинг мулки ва маблағлари

15. Фонднинг маблағи фондни оталиққа олганлар улуши ва бошқа тушумлардан шаклланади.

16. Фонднинг пул маблағи қуйидагилар ҳисобига шаклланади:

- пулли контракт асосида талабалар ва аспирантларни ўқитишдан келадиган ОТМ даромадларидан ажратмалар;

- товарлар ишлаб чиқариш ва сотиш (иш бажариш, хизмат кўрсатиш) бўйича ва фаолиятнинг бошқа туридан келадиган даромадлардан ажратмалар;

- юридик ва жисмоний шахслар — ҳам резидентлар, ҳам нонрезидентлар, шунингдек халқаро ташкилотларнинг ҳомийлик маблағлари;

- қонунчилик билан тақиқланмаган бошқа тушумлар.

17. Фонднинг ҳар йилги кирим ва чиқимлар сметаси фонд бошқаруви томонидан белгиланади. Фонд маблағлари фонд олдига қўйилган мақсад ва вазифаларга сарфланади.

Ўзини назорат қилиш учун савол ва топшириқлар

1. Талабаларнинг кўчиш контингенти қандай ҳисобланади?

2. Профессор-ўқитувчилар таркиби, маъмурий-хизмат кўрсатиш, ёрдамчи ва бошқа ходимлар иш ҳақиға тўловлар фонди қандай ҳисобланади?

3. Қуйидагиларга сарфлар қандай ҳисобланади:

- талабаларга тўловлар;

- девон ва хўжалик эҳтиёжлари;

- хизмат сафари ва ишга тааллуқли қатновлар;

- илмий-тадқиқот ишлари ва китоблар харид қилиш;

- ускуна ва жиҳозлар харид қилиш.

4. Талабаларни ўқитиш сарфлари қандай ҳисобланади?

5. Илмий-техникавий маҳсулот яратиш мақсад, вазифа ва моҳияти битимлари.

6. Фонднинг ривожлантириш ва профессор-ўқитувчилар таркиби ҳамда талабаларни моддий рағбатлантириш бўйича мақсад ва вазифаси.

6-боб. МЕЪЁРИЙ-ҲУҚУҚИЙ НЕГИЗ. РАСМИЙ ҲУЖЖАТЛАР

ИЛОВАЛАР

6.1-илова

Ўзбекистон Республикасининг Қонуни ТАЪЛИМ ТЎҒРИСИДА

29.08.1997 й.

№464-1

Олинмалар

1. Умумий қондалар

1-модда. Ушбу қонуннинг мақсади

Ушбу Қонун фуқароларга таълим, тарбия бериш, касб-хунар ўргатишнинг ҳуқуқий асосларини белгилайди ҳамда ҳар кимнинг билим олишдан иборат конституциявий ҳуқуқини таъминлашга қаратилган.

3-модда. Таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принциплари

Таълим Ўзбекистон Республикаси ижтимоий тараққиёти соҳасида устувор деб эълон қилинади.

Таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

- таълим ва тарбиянинг инсонпарвар, демократик характерда эканлиги;
- таълимнинг узлуксизлиги ва изчиллиги;
- умумий ўрта, шунингдек ўрта махсус, касб-хунар таълимининг мажбурийлиги;
- ўрта махсус, касб-хунар таълимининг йўналишини: академик лицейда ёки касб-хунар коллежида ўқишни танлашнинг ихтиёрийлиги;
- таълим тизимининг дунёвий характерда эканлиги;
- давлат таълим стандартлари доирасида таълим олишнинг ҳамма учун очиқлиги;

– таълим дастурларини танлашга ягона ва табақалаштирилган ёндашув;

– билимли бўлишни ва истеъдодни рағбатлантириш;

– таълим тизимида давлат ва жамоат бошқарувини уйғунлаштириш.

4-модда. Билим олиш ҳуқуқи

Жинси, тили, ёши, irqий, миллий мансублиги, эътиқоди, динга муносабати, ижтимоий келиб чиқиши, хизмат тури, ижтимоий мавқеи, турар жойи, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қанча вақт яшаётганлигидан қатъи назар, ҳар кимга билим олишда тенг ҳуқуқлар кафолатланади.

Билим олиш ҳуқуқи:

– давлат ва нодавлат таълим муассасаларини ривожлантириш;

– ишлаб чиқаришдан ажралган ва ажралмаган ҳолда таълим олишни ташкил этиш;

– таълим ва кадрлар тайёрлаш давлат дастурлари асосида бепул ўқитиш, шунингдек, таълим муассасаларида шартнома асосида тўлов эвазига касб-ҳунар ўргатиш;

– барча турдаги таълим муассасаларининг битирувчилари кейинги босқичдаги ўқув юртларига киришда тенг ҳуқуқларга эга бўлиши;

– оилада ёки ўзи мустақил равишда билим олган фуқароларга аккредитациядан ўтган таълим муассасаларида экстернат тартибида аттестациядан ўтиш ҳуқуқини бериш орқали таъминланади.

Республикада истиқомат қилаётган фуқаролиги бўлмаган шахслар билим олишда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан тенг ҳуқуқларга эга.

6-модда. Таълим муассасасининг ҳуқуқий мақоми

Таълим муассасасини аккредитациялаш ваколатли давлат органи томонидан аттестацияга асосан амалга оширилади.

Таълим муассасаси «юридик шахс бўлиб, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда барпо этилади. Нодавлат таълим муассасаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилаган тартибда давлат аккредитациясидан ўтган пайтдан бошлаб юридик шахс ҳуқуқлари ва таълим фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига эга бўлади.

Таълим муассасаси қонун ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилган устав асосида фаолият кўрсатади.

Таълим муассасаси аттестация натижаларига биноан давлат аккредитациясидан маҳрум этилиши мумкин.

Таълим муассасалари ўқув-тарбия мажмуаларига ҳамда ўқув-илмий-ишлаб чиқариш бирлашмалари ва уюшмаларига бирлашишга ҳақли.

Таълим муассасалари уставда белгиланган вазифаларига мувофиқ пулли таълим хизматлари кўрсатиш, шунингдек тadbиркорлик фаолиятининг бошқа турлари билан шуғулланишга ҳақли.

14-модда. Олий таълим юқори малакали мутахассислар тайёрлашни таъминлайди.

Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш таълим муассасаларида (университетлар, академиялар, институтлар ва олий мактабнинг бошқа таълим муассасаларида) ўрта махсус, касбунаар таълими асосида амалга оширилади.

Олий таълим икки босқичга: давлат томонидан тасдиқланган намунадаги олий маълумот тўғрисидаги ҳужжатлар билан далилланувчи бакалаврият ва магистратурага эга.

Бакалаврият олий таълим йўналишларидан бири бўйича пухта билим берадиган, ўқиш муддати камида тўрт йил бўлган таянч олий таълимдир.

Магистратура аниқ мутахассислик бўйича бакалаврият негизида камида икки йил давом этадиган олий таълимдир.

Фуқаролар иккинчи ва ундан кейинги олий маълумотни шартнома асосида олишга ҳақлидирлар.

20-модда. Таълим олувчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш

Таълим муассасасида таълим олувчилар қонун ҳужжатларига ва норматив ҳужжатларга мувофиқ имтиёзлар, стипендия ва ётоқхонада жой билан таъминланади.

21-модда. Таълим муассасалари ходимларини ижтимоий ҳимоя қилиш

Таълим муассасалари ходимларига иш вақтининг қисқартирилган муддати белгиланади, ҳақи тўланадиган йиллик узайтирилган таътилар ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган имтиёзлар берилди.

Таълим муассасалари иш ҳақиға мўлжалланган мавжуд маблағлар доирасида мустақил равишда ставкалар, мансаб окладларига табақалаштирилган устама белгилашга ҳамда меҳнатга ҳақ тўлаш ва рағбатлантиришнинг турли шаклларини қўллашга ҳақли.

31-модда. Таълимни молиялаш

Давлат таълим муассасаларини молиялаш республика ва маҳаллий бюджетлар маблағлари, шунингдек бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

32-модда. Таълимни ривожлантириш фондлари

Таълимни ривожлантириш фондлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда юридик ва жисмоний шахсларнинг, шу жумладан чет эллик юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий бадаллари ҳисобидан ташкил этилиши мумкин.

33-модда. Халқаро ҳамкорлик

Таълим муассасалари таълим муаммолари юзасидан халқаро ҳамкорликда иштирок этадилар, чет давлатларнинг тегишли ўқув юртлари билан бевосита алоқалар ўрнатиш, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда улар билан қўшма ўқув юртлари ташкил этиш ҳуқуқига эга.

34-модда. Таълим тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Таълим тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузишда айбдор бўлган шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МИЛЛИЙ ДАСТУРИ

Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан
29.08.97 й. тасдиқланган

Олинмалар

Умумий қондалар

Ўзбекистон Республикаси инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилишини, жамиятнинг маънавий янгилалишини, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантиришни, жаҳон ҳамжамиятига қўшилишни таъминлайдиган демократик ҳуқуқий давлат ва очиқ фуқаролик жамияти қурмоқда.

Инсон, унинг ҳар томонлама уйғун камол топиши ва фаровонлиги, шахс манфаатларини рўёбга чиқаришнинг шароитларини ва таъсирчан механизмларини яратиш, эскирган тафаккур ва ижтимоий хулқ-атворнинг андозаларини ўзгартириш республикада амалга ошириладиган ислохотларнинг асосий мақсади ва ҳаракатлантирувчи кучидир. Халқнинг бой интеллектуал мероси ва умумбашарий қадриятлар асосида, замонавий маданият, иқтисодиёт, фан, техника ва технологияларнинг ютуқлари асосида кадрлар тайёрлашнинг мукамал тизимини шакллантириш Ўзбекистон тараққиётининг муҳим шартидир.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури «Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг қондаларига мувофиқ ҳолда тайёрланган бўлиб, миллий тажрибанинг таҳлили ва таълим тизимидаги жаҳон миқёсидаги ютуқлар асосида тайёрланган ҳамда юксак умумий ва касб-хунар маданиятига, ижодий ва ижтимоий фаолликка, ижтимоий-сиёсий ҳаётда мустақил равишда мўлжални тўғри ола билиш маҳоратига эга бўлган, истиқбол вазибаларини илгари суриш ва ҳал этишга қодир кадрларнинг янги авлодини шакллантиришга йўналтирилгандир.

Дастур кадрлар тайёрлаш миллий моделини рўёбга чиқаришни, ҳар томонлама камол топган, жамиятда турмушга мослашган, таълим ва касб-хунар дастурларини онгли равишда танлаш ва кейинчалик пухта ўзлаштириш учун ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий, психологик-педагогик ва бошқа тарздаги шароитларни яратишни, жамият, давлат ва оила олдида ўз жавобгарлигини ҳис этадиган фуқароларни тарбиялашни назарда тутди.

1.3. Ислоҳ қилиш омиллари

Кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилишнинг муҳим омиллари қуйидагилардан иборат:

– республиканинг демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамияти қуриш йўлидан изчил илгарилаб бораётганлиги;

– мамлакат иқтисодиётида туб ўзгартиришларнинг амалга оширилиши, республика иқтисодиёти асосан хомашё йўналишидан рақобатбардош пировард маҳсулот ишлаб чиқариш йўлига изчил ўтаётганлиги, мамлакат экспорт саноқиятининг кенгаётганлиги;

– давлат ижтимоий сиёсатида шахс манфаати ва таълим устуворлиги қарор топганлиги;

– миллий ўзликни англашнинг ўсиб бориши, ватанпарварлик, ўз ватани учун ифтихор туйғусининг шаклланаётганлиги, бой миллий маданий-тарихий анъаналарга ва халқимизнинг интеллектуал меросига хурмат;

– Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига интеграцияси, республиканинг жаҳондаги мавқеи ва обрў-эътиборининг мустақамланиб бораётганлиги.

2. Миллий дастурнинг мақсади, вазифалари ва уни рўёбга чиқариш босқичлари

2.1. Дастурнинг мақсад ва вазифалари

Мазкур дастурнинг мақсади – таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, уни ўтмишдан қолган мафкуравий қарашлар ва сарқитлардан тўла халос этиш, ривожланган демократик давлатлар даражасида, юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрлар тайёрлаш Миллий тизимини яратишдир.

Ушбу мақсадни рўёбга чиқариш қуйидаги вазифалар ҳал этилишини назарда тутати:

– «Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ таълим тизимини ислоҳ қилиш, давлат ва нодавлат таълим муассасалари ҳамда таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасида рақобат муҳитини шакллантириш негизида таълим тизимини ягона ўқув-илмий-ишлаб чиқариш мажмуи сифатида изчил ривожлантиришни таъминлаш;

– таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимини жамиятда амалга ошириладиган янгиликларни, ривожланган демократик ҳуқуқий давлат қурилиши жараёнларига мослаш;

– кадрлар тайёрлаш тизими муассасаларини юқори малакали мутахассислар билан таъминлаш, педагогик фаолиятнинг нуфузи ва ижтимоий мақомини кўтариш;

– кадрлар тайёрлаш тизими ва мазмунини мамлакатнинг ижтимоий ва иқтисодий тараққиёти истиқболларидан, жамият эҳтиёжларидан, фан, маданият, техника ва технологиянинг замонавий ютуқларидан келиб чиққан ҳолда қайта қуриш;

– таълим оловчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг ва маърифий ишларнинг самарали шакллари ҳамда услубларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

– таълим ва кадрлар тайёрлаш, таълим муассасаларини аттестациядан ўтказиш ва аккредитация қилиш сифатига баҳо беришнинг ҳолис тизимини жорий қилиш;

– янги ижтимоий-иқтисодий шароитларда таълимнинг талаб қилинадиган даражаси ва сифатини, кадрлар тайёрлаш тизимининг амалда фаолият кўрсатиши ва барқарор ривожланишнинг кафолатларини, устуворлигини таъминловчи норматив, моддий-техника ва ахборот базасини яратиш;

– таълим, фан ва ишлаб чиқариш самарали интеграциялашувини таъминлаш, тайёрланаётган кадрларнинг миқдори ва сифатига нисбатан давлатнинг талабларини, шунингдек нодавлат тузилмалари, корхоналар ва ташкилотларнинг буюртмаларини шакллантиришнинг механизмларини ишлаб чиқиш;

– узлуксиз таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимига бюджетдан ташқари маблағлар, шу жумладан чет эл инвестициялари жалб этишнинг реал механизмларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш;

– кадрлар тайёрлаш соҳасида ўзаро манфаатли халқаро ҳамкорликни ривожлантириш.

3. Кадрлар тайёрлашнинг миллий модели

Кадрлар тайёрлаш миллий моделининг асосий таркибий қисмлари қуйидагилардан иборатдир:

– шахс кадрлар тайёрлаш тизимининг бош субъекти ва объекти, таълим соҳасидаги хизматларнинг истеъмолчиси ва уларни амалга оширувчи;

– **давлат ва жамият** – таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимининг фаолиятини гартибга солиш ва назорат қилишни амалга оширувчи кадрлар тайёрлаш ва уларни қабул қилиб олишнинг кафиллари;

– **узлуксиз таълим** – малакали рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг асоси бўлиб, таълимнинг барча турларини, давлат таълим стандартларини, кадрлар тайёрлаш тизими тузилмаси ва унинг фаолият кўрсатиш муҳитини ўз ичига олади;

– **фан** – юқори малакали мутахассислар тайёрловчи ва улардан фойдаланувчи, илғор педагогик ва ахборот технологияларини ишлаб чиқувчи;

– **ишлаб чиқариш** – кадрларга бўлган эҳтиёжни, шунингдек уларнинг тайёргарлик сифати ва савиясига нисбатан қўйиладиган талабларни белгиловчи асосий буюртмачи, кадрлар тайёрлаш тизимини молия ва моддий-техника жиҳатидан таъминлаш жараёнининг қатнашчиси.

Давлат ва жамият узлуксиз таълим ва кадрлар тайёрлаш тизими барча учун очиқ бўлишини ва ҳаёт ўзгаришларига мослашувчанлигини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси томонидан инсон ҳуқуқлари, таълим, бола ҳуқуқи соҳасидаги шартномалар ва конвенцияларнинг бажарилиши, кадрлар тайёрлаш соҳасида жаҳон илғор тажрибасини ҳисобга олиш узлуксиз таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимининг барча жиҳатларига дахлдор бўлиб, унинг ривожланиши омилларидан биридир.

3.1. Шахс

Кадрлар тайёрлаш соҳасидаги давлат сиёсати инсонни интеллектуал ва маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш билан узвий боғлиқ бўлган узлуксиз таълим тизими орқали ҳар томонлама баркамол шахс – фуқарони шакллантиришни назарда тутди. Шу тарзда фуқаронинг энг асосий конституциявий ҳуқуқларидан бири билим олиш, ижодий қобилиятни намоён этиш, интеллектуал жиҳатдан ривожланиш, касби бўйича меҳнат қилиш ҳуқуқи рўёбга чиқарилди.

«Таълим тўғрисида»ги қонун умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими стандартлари орқали сифатли таълим олиш, шунингдек таълим ва касб-ҳунар жиҳатдан тайёргарликнинг шакллари ва турларини танлашни, узлуксиз малака оши-

риб бориш, зарурат тақозо этса, тегишли қайта тайёргарликдан ўтиш ҳуқуқини ва кенг имкониятларини назарда тутати.

Таълим хизматларининг истеъмолчиси сифатида шахсга давлат таълим олиш ва касб-ҳунар тайёргарлиги кўриш кафолатланади. Таълим олиш жараёнида шахс давлат таълим стандартларида ифода этилган талабларни бажариши шарт.

Шахс таълим хизматларининг яратувчиси сифатида тегишли малака даражасини олгач, таълим, моддий ишлаб чиқариш, фан, маданият ва хизмат кўрсатиш соҳасида фаолият кўрсатади ва ўз билими ва тажрибасини ўргатишда иштирок этади.

3.3. Узлуксиз таълим

Узлуксиз таълим кадрлар тайёрлаш тизимининг асоси, Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминловчи, шахс, жамият ва давлатнинг иқтисодий, ижтимоий, илмий-техникавий ва маданий эҳтиёжларини қондирувчи устувор соҳадир.

Узлуксиз таълим ижодкор, ижтимоий фаол, маънавий бой шахс шаклланиши ва юқори малакали рақобатбардош кадрлар жадал тайёрланиши учун зарур шарт-шароитлар яратади.

3.3.1. Узлуксиз таълимни ташкил этиш ва ривожлантириш принциплари

Узлуксиз таълимнинг фаолият кўрсатиш принциплари қуйидагилардан иборат:

– таълимнинг устуворлиги – унинг ривожланишининг биринчи даражали аҳамиятга эга эканлиги, билим, таълим ва юксак интеллектнинг нуфузи;

– таълимнинг демократлашуви – таълим ва тарбия услубларини танлашда ўқув юртлари мустақиллигининг кенгайиши, таълимни бошқаришнинг давлат-жамият тизимига ўтилиши;

– таълимнинг инсонпарварлашуви – инсон қобилиятларининг очилиши ва унинг таълимга нисбатан бўлган турли-туман эҳтиёжларининг қондирилиши, миллий ва умумбашарий қадриятлар устуворлигининг таъминланиши, инсон, жамият ва атроф-муҳит ўзаро муносабатларининг уйғунлашуви;

– таълимнинг ижтимоийлашуви – таълим олувчиларда эстетик бой дунёқарашни ҳосил қилиш, уларда юксак маънавий, маданият ва ижодий фикрлашни шакллантириш;

– таълимнинг миллий йўналтирилганлиги – таълимнинг миллий тарих, халқ анъаналари ва урф-одатлари билан узвий уйғунлиги, Ўзбекистон халқларининг маданиятини сақлаб қолиш ва бойитиш, таълимни миллий тараққиётнинг ўта муҳим омили сифатида эътироф этиш, бошқа халқларнинг тарихи ва маданиятини ҳурматлаш;

– таълим ва тарбиянинг узвий боғлиқлиги, бу жараённинг ҳар томонлама камол топган инсонни шакллантиришга йўналтирилганлиги;

– иқтидорли ёшларни аниқлаш, уларга таълимнинг энг юқори даражасида, изчил равишда фундаментал ва махсус билим олишлари учун шарт-шароитлар яратиш.

3.3.3. Узлуксиз таълим тизими ва турлари

мактабгача таълим;

умумий ўрта таълим;

ўрта махсус, касб-ҳунар таълими;

олий таълим;

таълим муассасасидан кейинги таълим;

кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш;

мактабдан ташқари таълим.

Олий таълим

Олий таълим ўрта махсус, касб-ҳунар таълими негизига асосланади ҳамда икки (бакалаврият ва магистратура) босқичга эга.

Олий таълим муассасаларига талабалар қабул қилиш давлат грантлари негизида ва пуллик-шартномавий асосда амалга оширилади.

Бакалаврият – мутахассисликлар йўналиши бўйича фундаментал ва амалий билим берадиган, таълим муддати камида тўрт йил давом этадиган таянч олий таълимдир.

Бакалаврлик дастури тугалланганидан сўнг битирувчиларга давлат аттестацияси яқунларига биноан касб бўйича “бакалавр” даражаси берилади ва давлат томонидан тасдиқланган намунадаги, касб-ҳунар фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берадиган диплом топширилади.

Магистратура — аниқ мутахассислик бўйича фундаментал ва амалий билим берадиган, бакалаврият негизида таълим муддати камида икки йил давом этадиган олий таълимдир.

“Магистр” даражасини берадиган давлат малака аттестацияси магистрлик дастурининг интихосидир. Магистрларга давлат томонидан тасдиқланган намунадаги, касб-ҳунар фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берадиган диплом топширилади.

Икки босқичли олий таълим тизимини ташкил этиш ва ривожлантириш учун қуйидагиларни амалга ошириш зарур:

– бакалаврият ва магистратура учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

– олий таълим муассасалари учун профессор-ўқитувчи кадрлар тайёрлаш, шу жумладан чет эллардаги етакчи ўқув ва илмий марказларда тайёрлаш;

– олий таълим муассасаларида таркибий ўзгартишлар ўтказиш;

– олий таълим муассасалари бошқарувини такомиллаштириш, бу муассасаларнинг мустақиллигини кучайтириш, муассислар, васийлар кенгашлари, жамоат назорат кенгашлари шаклидаги жамоат бошқарувини жорий этиш;

– таълимнинг фан ва ишлаб чиқариш билан интеграцияси таъсирчан механизмларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш;

– ўқишни, мустақил билим олишни индивидуаллаштириш ҳамда дистанцион таълим тизими технологияси ва воситаларини ишлаб чиқиш ва ўзлаштириш;

– янги педагогик ва ахборот технологиялари, тайёргарликнинг модул тизимидан фойдаланган ҳолда талабаларни ўқитишни жадаллаштириш;

– халқнинг бой маънавий ва интеллектуал мероси ва умумбашарий қадриятлар асосида таълимнинг инсонпарварлик йўналишини таъминлаш.

Таълим муассасасидан кейинги таълим

Таълим муассасасидан кейинги таълим жамиятнинг олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларга бўлган эҳтиёжларини қондиришга, шахснинг ижодий таълим-касб-ҳунар манфаатларини қаноатлантиришга қаратилган.

Таълим муассасасидан кейинги таълимни таълим муассасаларида ва илмий-тадқиқот муассасалари (аспирантура, адъюнктура, докторантура, мустақил тадқиқотчилик)да олиш мумкин. Таълим муассасасидан кейинги таълим босқичлари (аспирантура, докторантура) диссертация ҳимояси билан яқунланади.

Яқуний давлат аттестацияси натижаларига кўра тегишли равишда фан номзоди ва фан доктори илмий даражаси берилиб, давлат томонидан тасдиқланган намунадаги дипломлар топширилади.

Таълим муассасасидан кейинги таълимни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш тadbирлари қуйидагиларни ўз ичига олади:

– “Таълим тўғрисида”ги қонунга ҳамда мамлакатни ижтимоий ва иқтисодий ривожлантириш истиқболларига мувофиқ олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш;

– касб таълими тизими учун олий малакали илмий-педагог кадрларни ҳамда илғор педагогик технологиялар соҳасида илмий кадрларни устувор равишда тайёрлаш;

– ривожланган мамлакатларнинг илғор таълим муассасалари ва илмий марказларида устувор йўналишлар бўйича олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрланиши учун шароитлар яратиб бериш;

– фан, технология ва таълим соҳасида ривожланган мамлакатлар билан халқаро ҳамкорликни чуқурлаштириш.

Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш

Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш мутахассисларнинг касб билимлари ва кўникмаларини янгилаш ҳамда чуқурлаштиришга қаратилган. Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш таълим муассасаларидаги ўқиш натижаларига кўра давлат томонидан тасдиқланган намунадаги гувоҳнома ёки сертификат топширилади.

Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизимини ташкил этиш ва ривожлантириш учун қуйидагилар зарур:

– кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизими фаолиятида янгича таркиб, мазмун ҳамда бу тизимни бошқаришни шакллантириш;

- юқори малакали ўқитувчи-мутахассис кадрлар тайёрлаш ва соҳани улар билан тўлдириб боришни таъминлаш;
- кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизимининг бу соҳада рақобатга асосланган муҳитни шакллантиришни ва самарали фаолият олиб боришни таъминловчи меъёрий негизини яратиш;
- кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш таълим муассасаларини давлат аттестацияси ва ақкредитациясидан ўтказиш тизимини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш;
- иқтисодиётнинг давлат ва нодавлат секторлари, мулкчиликнинг турли шаклидаги ташкилот ва муассасаларнинг талаб-эҳтиёжларига мувофиқ кадрлар ва мутахассисларни илдам қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни таъминловчи давлат ва нодавлат таълим муассасаларини ташкил этиш ва ривожлантиришга қўмаклашиш;
- профессионал тренингнинг илғор технология ва ускуналарини, шунингдек мураккаб, фан ютуқларини талаб қилувчи технология жараёнлари имитаторларини ишлаб чиқиш, яратиш ва амалий ўзлаштириб олиш.

3.4. Кадрлар тайёрлаш тизимида фан

Кадрлар тайёрлаш миллий модели салмоқли унсур сифатида фанни ўз ичига олади, бу соҳада:

- табиат ва жамият тараққиёти қонуниятлари тўғрисидаги янги фундаментал ва амалий билимлар шаклланади, кадрлар тайёрлаш тизимида оммалаштириш, ўрганиш ва фойдаланиш учун керакли илмий натижалар жамланади:

- олий малакали илмий ва педагог кадрлар тайёрлаш амалга оширилади;

- кадрлар тайёрлаш жараёнини илмий-тадқиқот жиҳатидан таъминлаш инфратузилмаси вужудга келтирилади, таълимнинг ахборот тармоқларида фойдаланиш мақсадида билимнинг турли соҳалари бўйича ахборот базаси шакллантирилади;

- мамлакатимиз илм-фанининг жаҳон илм-фанига интеграцияси содир бўлади, замонавий илм-фан ва технологияларнинг энг муҳим муаммоларини ҳал этиш учун илмий ютуқлар ва кадрларни халқаро миқёсда алмашинув амалга оширилади.

билимларга бўлган иштиёқни кучайтиришга, мустақил иш тутишни, ифтихор ва инсоний қадр-қиммат туйғусини шакллантиришга алоҳида эътибор берилади.

Педагог кадрларнинг обрў-эътибори, масъулияти ва касб кўникмасини ошириш юзасидан собитқадам давлат сиёсати олиб борилади. Илғор педагогик технологиялар, таълимнинг янги шакл ва услублари, ўқув, шу жумладан дифференциялашган дастурлар амалиётга жорий этилади.

4.4. Маънавий-ахлоқий тарбия ва маърифий ишлар

Ёш авлодни маънавий-ахлоқий тарбиялашда халқнинг бой миллий маданий-тарихий анъаналарига, урф-одатлари ҳамда умумбашарий қадриятларга асосланган самарали ташкилий, педагогик шакл ва воситалари ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилади. Шахсни тарбиялаш ва уни ҳар томонлама камол топтиришнинг устуворлиги таъминланади. Умумий ҳамда педагогик маданиятни ошириш мақсадида, мамлакат аҳолиси орасидаги маърифий ишлар такомиллаштириб борилади.

Ўзбекистон мустақиллиги принципларига садоқатли ҳамда жамият тараққиётига муносиб ҳисса қўшишга қодир шахсни шакллантириш мақсадида таълим муассасалари ота-оналар, оила, маҳалла қўмиталари, «Маънавият ва маърифат» жамоатчилиқ маркази, жамоат ташкилотлари, фондлар билан ўзаро пухта ҳамкорлик қиладилар.

4.5. Иқтидорли болалар ва истеъдодли ёшлар

Иқтидорли болалар ва истеъдодли ёшларни аниқлаш ва ўқитиш услубияти, психологик-педагогик ва ташкилий шароитлари яратилади, бундай болалар ва ёшларга оид маълумотларнинг республика банки ва мониторинги шаклланади. Махсус ўқув дастурлари ва прогрессив педагогик технологиялар ишлаб чиқиш учун энг яхши педагог ва олимлар жалб қилинади, ўқув-тарбия жараёнида уларнинг фаол иштироки таъминланади. Фан ва техникани, сиёсат ва иқтисодиётни, маданият ва санъатни ўргатиш марказлари қабилидаги ҳамда миллий (элита) таълим муассасалари ташкил этилади.

Иқтидорли болалар ва истеъдодли ёшларни чет элларда умумий ва касбий жиҳатдан тайёргарликдан ўтказишга қаратилган собитқадам фаолият амалга оширилади. Академик

лицейларнинг ўқувчиларига, биринчи навбатда иқтидорли, юксак истеъдод соҳибларига, билимнинг тегишли соҳалари ва фаннинг аниқ ўналишлари бўйича ўз табиий қобилиятларини намоён этиш ва ривожлантириш, ўзларидаги ноёб истеъдодни рўёбга чиқариш учун кенг имкониятлар яратилади.

4.6. Таълим тизимини бошқариш

Узлуксиз таълим тизими ва кадрлар тайёрлашнинг давлат ва нодавлат таълим муассасаларини таркибий жиҳатдан ўзгартириш ва уларни изчил ривожлантириш давлат йўли билан бошқариб борилади. Барча даражадаги таълим бошқарув органларининг ваколат доиралари «Таълим тўғрисида»ги қонунга мувофиқ белгиланади. Таълимнинг норматив-ҳуқуқ базаси ривожлантирилади. Молия-хўжалик фаолияти олиб бориш ҳамда таълим жараёнини ташкил этишда ўқув юртларининг ҳуқуқлари кенгайди ва мустақиллиги таъминланади. Таълим муассасалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда аттестациядан ўтказилади ҳамда аккредитацияланади. Аккредитация якунларига кўра таълим соҳасида фаолият кўрсатиш ҳуқуқи берилади.

Муассис ташкилотларнинг, маҳаллий ҳокимият органларининг, савдо-саноат доираларининг, жамоат ташкилотларининг, фондларнинг ва ҳомийларнинг вакилларини ўз ичига олувчи вазисийлик ва кузатув кенгашлари тузиш орқали таълим муассасаларининг самарали жамоат бошқаруви тизими жорий этилади.

4.7. Касб-ҳунар таълими сифатини назорат қилиш тизимини шакллантириш

Таълим бошқаруви органларига боғлиқ бўлмаган, касб-ҳунар таълими сифатини аттестациядан ўтказувчи давлат хизмати ташкил этилади. Мамлакатни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг истиқбол талабларига монанд давлат таълим стандартлари ишлаб чиқилади. Ўқув юртлари фаолиятини, профессор-педагог кадрлар сифатини ҳамда таълим олувчиларнинг билимини рейтинг асосида баҳолаш тизими тадбиқ этилади. Кадрларни тайёрлаш сифатини назорат қилишнинг давлат ва жамоат шакллари ривожлантирилади. Таълим муассасалари битирувчиларини якуний аттестациялаш тизими такомиллаштирилади.

4.8. Таълим тизимини молиялаш

17

Таълимни ва кадрлар тайёрлашни молиялаш тизими такомиллаштирилади, унинг кўп вариантли (бюджетдан ажратилган ва бюджетдан ташқари манбалардан) тизими жорий этилади, таълим муассасаларининг ўзини ўзи пул билан таъминлаши ривожлантирилади, хусусий ҳамда чет эл инвестицияларини таълим соҳасига жалб этиш рағбатлантирилади.

Республика фуқаролари учун кейинчалик уларни тўлашнинг мослашувчан тизимига асосланган таълим кредитлари бериш механизми шакллантирилади. Узлуксиз таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашда донорлар ва ҳомийларнинг мавқеи кучайиб боради.

Пуллик таълим хизматлари кўрсатиш, тадбиркорлик, маслаҳат, эксперт, ноширлик, ишлаб чиқариш, илмий ҳамда уставда белгилаб қўйилган вазифаларга мувофиқ бошқа тарздаги фаолият ҳисобидан таълим муассасаларининг даромадлари кўпайиши таъминланади.

4.9. Моддий-техника таъминоти

Ҳар бир минтақанинг демографик ва жўғрофий хусусиятларидан келиб чиқиб, академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари тармоғи барпо этилади. Таълим олувчиларни оиладан ажралмаган ҳолда ўқишга имкон қадар кўпроқ қамраб олинади.

Мавжуд таълим муассасаларини капитал таъмирлаш ва янги таълим муассасалари қуриш, уларни норматив талабларга мувофиқ, замонавий техника ва технологияларнинг даражасини ҳисобга олган ҳолда жиҳозланишини таъминлаш чоралари кўрилади.

Ўқув-тарбия муассасаларини зарур ускуналар, инвентарлар, ашёлар, таълимнинг техникавий, дастурий ва дидактик воситалари билан жиҳозлаш юзасидан ихтисослаштирилган ишлаб чиқаришларни вужудга келтириш қўллаб-қувватланади. Барча босқичдаги таълим жараёнларини компьютерлаштириш ва ахборотлаштириш амалга оширилади.

4.10. Таълим тизимининг яхлит ахборот маконини вужудга келтириш

Замонавий ахборот технологиялари, компьютерлаштириш ва компьютерлар тармоқлари негизида таълим жараёнини ахборот билан таъминлаш ривожланиб боради. Таълим жараёнида оммавий ахборот воситаларининг мавқеи ошиб боради, телевидение ва радионинг таълим дастурлари интеллектуаллашуви таъминланади. Фан ва таълимнинг нашриёт базаси ривожлантирилади, ўқув, ўқув-услубий, илмий, қомусий адабиётлар ва маълумотномалар билан таъминлашнинг барқарор тизими шакллантирилади.

4.11. Таълим хизмати кўрсатиш бозорини ривожлантириш

Таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасида маркетингни ривожлантириш йўли билан таълим хизмати кўрсатишнинг рақобатга асосланган бозори шакллантирилади. Давлат ва нодавлат таълим муассасалари ривожлантирилади, таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасида рақобатга асосланган муҳит вужудга келтирилади, таълим хизмати кўрсатиш бозори давлат йўли билан бошқариб борилади. Асосий таълим дастурларида назарда тутилмаган консультатив ва қўшимча таълим хизматларидан иборат пуллик таълим хизмати кўрсатиш тизими ривожлантирилади.

4.12. Таълим соҳасида ижтимоий кафолатларни таъминлаш ҳамда бу соҳани давлат томонидан қўллаб-қувватлаш

Педагогик фаолиятнинг обрў-эътиборини ва ижтимоий мақомини ошириш юзасидан давлат сиёсати рўёбга чиқарилади. Таълим олувчиларнинг ва педагогларнинг ўқиши, соғлиги ва дам олиши учун зарур шароитлар яратилади.

Таълим муассасалари ва соғлиқни сақлаш органлари болалар ҳамда ўқувчи ёшларнинг соғлигини сақлаш ва мустақамлаш учун зарур чораларни кўрадилар. Ўқув-тарбия жараёнининг соғломлаштиришга қаратилган йўналишини рўёбга чиқариш, соғлом турмуш тарзи нормаларини жорий этиш учун шароитлар таъминланади. Таълим олувчиларнинг тиббий-гигиена маданиятини ошириш, уларнинг жисмоний тарбия ва спорт бобидаги фаоллигини кучайтириш ҳамда жисмоний камолот даражасини ошириш учун ташкилий-услубий ёндашувлар

такимлаштирилади. Соғлиқ ва ривожланишида нуқсони бўлган болалар учун муносиб муҳит яратилади.

4.13. Фан билан таълим жараёни алоқаларини ривожлантириш

Таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасида илғор амалий илмий тадқиқотлар ўтказилади, таълим сифати давлат таълим стандартларига мувофиқ келишини ташкил этиш ва таъминлаш мақсадида педагогика ва таълим соҳасида илмий тадқиқотлар ва илмий-услубий қўлланмалар ишлаб чиқиш фаоллаштирилади. Фундаментал ва амалий фан соҳасидаги илмий кадрларнинг таълим жараёнидаги иштироки рағбатлантирилади, педагогик ва илмий-тадқиқот жараёнларининг алоқаси таъминланади. Ёшларнинг фан-техника соҳасидаги ижодкорлиги ҳар томонлама қўллаб-қувватланади.

4.15. Таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасидаги халқаро ҳамкорлик

Кадрлар тайёрлаш соҳасидаги ҳамкорликнинг халқаро-ҳуқуқий базаси яратилади, халқаро ҳамкорликнинг устувор йўналишлари рўёбга чиқарилади, халқаро таълим тизимлари ривожлантирилади, илмий-педагог кадрлар, талабалар ва ўқувчилар алмашиш кенгайди. Таълим тўғрисидаги миллий ҳужжатлар халқаро миқёсда эътироф этилиши учун асос яратилади. Манфаатдор вазирликлар ва идораларнинг, Ўзбекистон Республикасининг чет эллардаги элчихоналарининг кадрлар тайёрлаш соҳасига чет эл инвестицияларини бевосита ва билвосита кенг жалб қилиш борасидаги фаолият кучайтирилади.

БЮДЖЕТ ТИЗИМИ ТЎҒРИСИДА

I. Умумий қондалар

1-модда. Ушбу қонуннинг асосий вазифалари

Ушбу қонун:

- Ўзбекистон Республикасининг бюджет тизими тузилиши ва уни бошқариш асосларини;
- Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетини (бундан буён матнда Давлат бюджети деб юритилади) тузиш принциплари ва унинг тузилмасини;
- Давлат бюджетини тузиш, кўриб чиқиш, қабул қилиш ва ижро этиш тартибини;
- Давлат бюджетининг даромадларини шакллантириш ва унинг харажатларини амалга ошириш принципларини;
- Давлат бюджети тузилмасига кирувчи бюджетлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни;
- Давлат бюджети маблағлари билан операцияларни амалга ошириш жараёнида ҳисобга олиш, ҳисобот ва назорат қилиш тартибини белгилайди.

2-модда. Бюджет тизими тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Бюджет тизими тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг бюджет тизими тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қондалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қондалари қўлланилади.

3-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

айланма касса маблағи меъёри — молия йилида Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва мақаллий бюджетлар ҳисобварақларида туриши мумкин бўлган пул маблағларининг қонун ҳужжатлари билан белгиланадиган энг кам миқдори;

бюджет жараёни — Давлат бюджетини тузиш, кўриб чиқиш, қабул қилиш ва ижро этиш, унинг ижросини назорат қилиш, ижроси ҳақидаги ҳисоботни тайёрлаш ва тасдиқлаш, шунингдек Давлат бюджети тузилмасига кирувчи бюджетлар ўртасидаги

ўзаро муносабатларнинг, қонун ҳужжатлари билан тартибга солинган жараёни;

бюджет дотацияси — ўз даромадлари ва бюджетни тартибга солувчи бошқа маблағлар етишмаган тақдирда қуйи бюджетнинг харажатлари билан даромадлари ўртасидаги фарқни қоплаш учун юқори бюджетдан қуйи бюджетга қайтармаслик шарти билан ажратиладиган пул маблағлари;

бюджетдан маблағ ажратиш — қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда Давлат бюджетидан бюджет ташкилотларига қамда бошқа бюджет маблағлари олувчиларга ажратиладиган пул маблағлари;

бюджет профицити — муайян даврда бюджет даромадларининг бюджет харажатларидан ортиқ бўлган суммаси;

бюджет ссудаси — юқори бюджетдан қуйи бюджетга ёхуд республика бюджетидан резидент-юридик шахсга ёки чет эл давлатига қайтариш шарти билан ажратиладиган маблағ;

бюджет субвенцияси — қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда муайян мақсадларга сарфлаш шарти билан юқори бюджетдан қуйи бюджетга қайтармаслик шарти билан ажратиладиган пул маблағлари;

бюджет сўрови — бюджет таснифи бўйича тушумларни шакллантириш ва бюджетдан маблағ ажратиш тўғрисидаги сўров;

бюджет ташкилоти — зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш билан боғлиқ бўлган ўз фаолиятини амалга ошириши учун Давлат бюджетидан маблағ ажратиш назарда тутилган ва бу маблағ молиялаштиришнинг асосий манбаи ҳисобланадиган вазирлик, давлат қўмитаси, идора, давлат ташкилоти;

бюджет тақчиллиги — муайян даврда бюджет харажатларининг бюджет даромадларидан ортиқ бўлган суммаси;

бюджет трансферти — бюджетдан юридик ёки жисмоний шахсга бевосита ёхуд ваколатли орган орқали ажратиладиган қайтарилмайдиган пул маблағлари;

Давлат бюджети — давлат пул маблағларининг (шу жумладан давлат мақсадли жамғармалари маблағларининг) марказлаштирилган жамғармаси бўлиб, унда даромадлар манбалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек, молия йили мобайнида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда тутилади;

давлат ички қарзлари — давлат томонидан ички маблағни жалб қилиш натижасида вужудга келган Ўзбекистон Республикаси мажбуриятларининг йиғиндиси;

давлат мақсадли жамғармалари — Давлат бюджети таркибида жамлантириладиган жамғармалар бўлиб, уларнинг ҳар бири учун маблағлар манбалари, ҳар бир манбадан маблағ тушиши нормалари ва шартлари, шунингдек шу маблағлардан фойдаланилиши мумкин бўлган мақсадлар қонун ҳужжатлари билан белгиланади;

давлат ташқи қарзи — давлат томонидан хориждан маблағ жалб қилиш натижасида вужудга келган Ўзбекистон Республикаси мажбуриятларининг йиғиндиси;

давлат томонидан ички маблағни жалб қилиш — активларни ички манбалардан (резидент-юридик ва жисмоний шахслардан) жалб этиш қамда бунинг натижасида Ўзбекистон Республикасининг қарз олувчи сифатидаги ёки қарз олувчи резидентларнинг ўз кредитларини (қарзларини) тўлашига кафил сифатидаги мажбуриятлари вужудга келиши;

давлат томонидан хориждан маблағ жалб қилиш — активларни хориж манбаларидан (чет эл давлатларидан, норезидент юридик шахслардан ва халқаро ташкилотлардан) жалб этиш ҳамда бунинг натижасида Ўзбекистон Республикасининг қарз олувчи сифатидаги ёки қарз олувчи резидентларнинг ўз кредитларини (қарзларини) тўлашига кафил сифатидаги мажбуриятлари юзага келиши;

давлат қарзи — давлат томонидан ички маблағни ва хориждан маблағ жалб қилиш натижасида вужудга келган Ўзбекистон Республикаси мажбуриятларининг йиғиндиси;

мақаллий бюджет — Давлат бюджетининг тегишли вилоят, туман, шақар пул маблағлари жамғармасини ташкил этувчи бир қисми бўлиб, унда даромадлар манбалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек молия йили мобайнида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда тутилади;

молия йили — биринчи январдан ўттиз биринчи декабр кунни охиригача бўлган вақтни ўз ичига олувчи давр;

республика бюджети — Давлат бюджетининг умумдавлат тусидаги тадбирларни молиялаштиришда фойдаланиладиган қисми бўлиб, унда даромадлар манбалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек молия йили мобайнида аниқ мақсадлар

учун ажратиладиган маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда тутилади;

Қорақалпоғистон Республикасининг бюджети — Давлат бюджетининг Қорақалпоғистон Республикаси пул маблағлари жамғармасини ташкил этувчи бир қисми бўлиб, бюджетда даромадлар манбалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек молия йили мобайнида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда тутилади.

II. БЮДЖЕТ ТИЗИМИНИ БОШҚАРИШ

4-модда. Бюджет тизими

Бюджет тизими турли даражадаги бюджетлар ва бюджет маблағлари олувчилар йиғиндисини, бюджетларни ташкил этишни ва тузиш принципларини, бюджет жараёнида улар ўртасида, шунингдек бюджетлар қамда бюджет маблағлари олувчилар ўртасида вужудга келадиган ўзаро муносабатларни ўзида ифодалайди.

Молия йилига мўлжалланган барча даражадаги бюджетларни шакллантириш, кўриб чиқиш, қабул қилиш ва уларнинг ижроси ҳисобини юритиш Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси сўмда амалга оширилади.

5-модда. Бюджет тизимининг асосий принциплари

Бюджет тизимининг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

- бюджет таснифи тизими, ҳисоб-бюджет ҳужжатлари ва бюджет жараёни тузилишининг ягоналиги;
- бюджет тузилишининг Ўзбекистон Республикаси маъмурий-ҳудудий тузилишига мувофиқлиги;
- турли даражадаги бюджетларнинг ўзаро боғлиқлиги;
- Давлат бюджети баланслилиги;
- давлат даромадларини аниқ манбалар бўйича ва харажатларини йўналишлари (моддалари) бўйича режалаштириш;
- Давлат бюджети харажатларини бюджетдан ажратиладиган тасдиқланган маблағ доирасида сарфлаш;
- барча даражадаги бюджетларнинг мустақиллиги.

6-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг бюджет тизимини бошқариш соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

– Давлат бюджети лойиҳаси ишлаб чиқилишини ташкил этади ва уни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига тақдим этади;

– Давлат бюджетининг ижросини ташкил этади;

– Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва давлат бошқаруви бошқа органларининг Давлат бюджетини ижро этиш борасидаги ишларини мувофиқлаштиради ва назорат қилади;

– давлат мақсадли жамғармалари маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартибининг белгилайди;

– Давлат бюджети ижроси тўғрисидаги ҳисоботни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тасдиғига киритади;

– қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

7-модда. Қорақалпоғистон Республикаси давлат ҳокимияти органлари ва жойлардаги давлат ҳокимияти органларининг бюджет тизимини бошқариш соҳасидаги ваколатлари

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва мақаллий ҳокимият вакиллик органлари:

– тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси бюджетини ва мақаллий бюджетларни қабул қилади, шунингдек уларнинг ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни тасдиқлайди;

– қонун ҳужжатларига мувофиқ мақаллий бюджетга тушадиган мақаллий солиқлар, йиғимлар ва тўловлар миқдорларини ҳамда улар бўйича имтиёزلарни белгилайди;

– қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

* Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва тегишли ҳокимлар:

– Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва мақаллий бюджетлар лойиҳаларини тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва мақаллий ҳокимият вакиллик органлари қабул қилиши учун тақдим этади ҳамда уларнинг ижроси тўғрисида ҳисоботлар тузади;

– бюджетга тушумлар тўлиқ ва ўз вақтида тушиши ҳамда бюджет маблағларидан белгиланган мақсадда фойдаланилиши устидан назоратни ташкил этади;

– қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

8-модда. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг бюджет тизимини бошқариш соқасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

- Давлат бюджети лойиҳасини тайёрлайди;
- Давлат бюджети маблағларининг тушуми ва сарфи тартибини белгилайди ҳамда улар устидан назоратни амалга оширади;
- республика бюджети харажатларини амалга оширади;
- бюджет ташкилотларининг харажатлар сметаси ва штат жадвалларини рўйхатдан ўтказиши;
- бюджет маблағлари олувчиларнинг Давлат бюджети маблағларидан фойдаланишини тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни, шунингдек умуммажбурий тусдаги бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилади;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

III. ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ

9-модда. Давлат бюджети тузилмаси

Давлат бюджети:

- республика бюджетини;
- Қорақалпоғистон Республикаси бюджетини ва маҳаллий бюджетларни ўз ичига олади.

Давлат бюджети таркибида давлат мақсадли жамғармалари жамланади.

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетини ҳамда республикага (Қорақалпоғистон) бўйсунувчи туманлар ва шаҳарлар бюджетларини ўз ичига олади.

Вилоятнинг бюджети вилоят бюджетини, вилоятга бўйсунувчи туманлар ва шаҳарлар бюджетларини ўз ичига олади.

Туманларга бўлинадиган шаҳарнинг бюджети шаҳар бюджетини ва шаҳар таркибига кирувчи туманлар бюджетларини ўз ичига олади.

Туманга бўйсунадиган шаҳарлари бўлган туманнинг бюджети туман бюджетини ва туман бўйсунувидаги шаҳарлар бюджетларини ўз ичига олади.

10-модда. Бюджет таснифи

Бюджет таснифи Давлат бюджети тузилмасига кирувчи бюджетлар даромадлари ва харажатларини, шунингдек унинг

тақчиллигини молиялаштириш манбаларини гуруҳлашдан иборатдир.

Бюджет таснифи Давлат бюджетини тузиш, кўриб чиқиш, қабул қилиш ҳамда ижро этиш мақсадида бюджет маълумотларини тизимга солиш учун фойдаланилади ва у бюджет маълумотлари халқаро тасниф тизимларининг айнан шундай маълумотлари билан қиёсланишини таъминлайди.

Бюджет таснифи:

- Давлат бюджети даромадларининг таснифини;
- Давлат бюджети харажатларининг вазифа жиҳатидан, ташкилий ва иқтисодий таснифини;
- Давлат бюджети тақчиллигини молиялаштириш манбалари таснифини ўз ичига олади.

Давлат бюджети даромадларининг таснифи қонун ҳужжатларига мувофиқ уларни турлари ва манбалари бўйича гуруҳлашдан иборат бўлади.

Давлат бюджети харажатларининг вазифа жиҳатидан таснифи давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, шунингдек бошқа бюджет ташкилотлари томонидан ижро этиладиган асосий вазифалар бўйича харажатларни гуруҳлашдан иборат бўлади.

Давлат бюджети харажатларининг ташкилий таснифи бюджетдан ажратиладиган маблағлар уларни бевосита олувчилар ўртасида тақсимланишини акс эттирувчи хўжалик юритувчи субъектлар ва тадбирлар турлари бўйича харажатларни гуруҳлашдан иборат бўлади.

Давлат бюджети харажатларининг иқтисодий таснифи тўловларнинг иқтисодий вазифаси ва турлари бўйича харажатларни гуруҳлашдан иборат бўлади.

Давлат бюджети тақчиллигини молиялаштириш манбалари таснифи тақчилликни молиялаштиришнинг ички ва ташқи манбалари бўйича гуруҳлашдан иборат бўлади.

Бюджет таснифи қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

11-модда. Давлат бюджети даромадлари

Давлат бюджети даромадлари:

- 1) қонун ҳужжатларида белгиланган солиқлар, йиғимлар, божлар ва бошқа мажбурий тўловлар;

2) давлатнинг молиявий ва бошқа активларини жойлаштирилиши, фойдаланишга берилиши ва сотилишидан олинган даромадлар;

3) қонун ҳужжатларига мувофиқ мерос олиш, ҳадя этиш ҳуқуқи бўйича давлат мулкига ўтган пул маблағлари;

4) юридик ва жисмоний шахслардан, шунингдек чет эл давлатларидан келган қайтарилмайдиган пул тушумлари;

5) резидент-юридик шахсларга ва чет эл давлатларига берилган бюджет ссудаларини қайтариш ҳисобига тушадиган тўловлар;

6) қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа даромадлар ҳисобига шакллантирилади.

12-модда. Давлат бюджети харажатлари

Давлат бюджети харажатлари тасдиқланган бюджетдан маблағ ажратиш доирасида қуйидагича амалга оширилади:

1) бюджет маблағлари олувчиларнинг жорий харажатлари шаклида;

2) жорий бюджет трансфертлари шаклида;

3) капитал харажатлар шаклида:

– асосий фондлар ва воситаларни (улар билан боғлиқ ишлар ва хизматлар ҳам шулар жумласига киради) давлат эҳтиёжлари учун олиш ва такрор ишлаб чиқаришга;

– чет элда давлат эҳтиёжлари учун ер ва бошқа мол-мулк олишга;

– давлат эҳтиёжлари учун ерга бўлган ҳуқуқни ва бошқа номоддий активларни олишга;

– давлат захираларини вужудга келтиришга;

4) капитал харажатларни қоплаш учун юридик шахсларга бериладиган бюджет трансфертлари шаклида;

5) резидент-юридик шахсларга ва чет эл давлатларига бериладиган бюджет ссудалари шаклида;

6) давлат мақсадли жамғармаларига бериладиган бюджет дотациялари ва бюджет ссудалари шаклида;

7) давлат қарзини қайтариш ва унга хизмат кўрсатиш бўйича тўловлар шаклида;

8) қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа харажатлар шаклида.

13-модда. Бюджетлар ўртасида тақсимланган маблағларни даромадлар ва харажатлар жумласига киритиш

Давлат бюджети тузилмасига кирадиган бюджетлар ўртасида қайси бюджетлардан йўналтириლაётган бўлса, улар учун харажат

ҳисобланадиган, айти бир вақтда қайси бюджетларга бориб тушаётган бўлса, улар учун даромад ҳисобланадиган маблағлар қуйидаги шаклда тақсимланиши мумкин:

– бюджет дотациялари ва бюджет субвенциялари (тасдиқланган миқдорлар доирасида);

– бюджет ссудалари ва уларнинг қайтарилиши;

– ушбу қонунга ва тегишли йил учун қабул қилинган Давлат бюджетига мувофиқ амалга ошириладиган бошқа ўзаро ҳисоб-китоблар.

14-модда. Давлат бюджети тақчиллигини молиялаштириш

Давлат бюджети тақчиллиги:

давлат томонидан ички ва хориждан маблағларни жалб қилиш;

республика бюджети маблағларининг молия йили бошла-нишидаги қолдиқлари;

қонунларга мувофиқ бошқа манбалар ҳисобига молиялаш-тирилади.

15-модда. Республика бюджети даромадлари

Республика бюджети даромадлари:

1) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибдаги ва норма-тивлар асосидаги умумдавлат солиқлари, йиғимлари, божлари ва бошқа мажбурий тўловлар;

2) қонун ҳужжатларида белгиланган нормативлар бўйича давлат молиявий ва бошқа активларини жойлаштирилиши, фойдаланишга берилиши ва сотилишидан олинган даромадлар;

3) қонун ҳужжатларига мувофиқ мерос олиш, ҳада этиш ҳуқуқи бўйича давлат мулкига ўтган пул маблағлари;

4) юридик ва жисмоний шахслардан, шунингдек чет эл давлатларидан келган қайтарилмайдиган пул тушумлари;

5) резидент-юридик шахсларга ва чет эл давлатларига берилган бюджет ссудаларини қайтариш ҳисобига берилган тўловлар;

6) қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа даромадлар ҳисобига шакллантирилади.

16-модда. Республика бюджети харажатлари

Республика бюджети харажатлари тасдиқланган бюджетдан маблағ ажратиш доирасида қуйидагича амалга оширилади:

1) республика бюджетидан молиялаштириладиган бюджет маблағи олувчиларнинг жорий харажатлари шаклида;

2) жорий бюджет трансфертлари шаклида;

3) капитал харажатлар шаклида:

– асосий фондлар ва воситаларни (улар билан боғлиқ ишлар ва хизматлар ҳам шулар жумласига киради) давлат эҳтиёжлари учун олиш ва такрор ишлаб чиқаришга;

– чет элда давлат эҳтиёжлари учун ер ва бошқа мол-мулк олишга;

– давлат эҳтиёжлари учун ерга бўлган ҳуқуқни ва бошқа номоддий активларни олишга;

– давлат захираларини вужудга келтиришга;

4) капитал харажатларни қоплаш учун юридик шахсларга бериладиган бюджет трансфертлари шаклида;

5) Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетларга бюджет дотациялари, бюджет субвенциялари ва бюджет ссудалари шаклида;

6) резидент-юридик шахсларга ва чет эл давлатларига бериладиган бюджет ссудалари шаклида;

7) давлат мақсадли жамғармаларига бериладиган бюджет дотациялари ва бюджет ссудалари шаклида;

8) давлат қарзини қайтариш ва унга хизмат кўрсатиш бўйича тўловлар шаклида;

9) қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа харажатлар шаклида.

17-модда. Республика бюджети тақчиллигини молиялаштириш.

Республика бюджети тақчиллиги:

– давлат томонидан ички ва хориждан маблағларни жалб қилиш;

– республика бюджети маблағларининг молия йили бошланишидаги қолдиқлари;

– қонунларга мувофиқ бошқа манбалар ҳисобига молиялаштирилади.

18-модда. Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлар даромадлари.

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлар даромадлари:

1) қонун ҳужжатларида белгиланган нормативларга мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига ва маҳаллий бюджетларга йўналтириладиган маҳаллий солиқлар, йиғимлар, божлар ва бошқа мажбурий тўловлар;

2) қонун ҳужжатларида белгиланган нормативларга мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига ва маҳаллий бюджетларга ўтказиладиган умумдавлат солиқлари, йиғимлари, божлари ва бошқа мажбурий тўловлар;

3) қонун ҳужжатларида белгиланган нормативларга мувофиқ давлат мулки объектларини жойлаштириш, фойдаланишга беришдан олинган даромадлар;

4) қонун ҳужжатларига мувофиқ мерос олиш, ҳаётияти ҳуқуқи бўйича давлат мулкига ўтган пул маблағлари;

5) юқори бюджетлардан бериладиган бюджет дотациялари, бюджет субвенциялари ва бюджет ссудалари;

6) юридик ва жисмоний шахслардан, шунингдек чет эл давлатларидан келган қайтарилмайдиган пул тушумлари;

7) қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа даромадлар ҳисобига шакллантирилади.

19-модда. Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлар харажатлари

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлар харажатлари тасдиқланган бюджетдан маблағлар ажратиш доирасида қуйидагича амалга оширилади:

1) Қорақалпоғистон Республикаси ва маҳаллий бюджетлардан молиялаштириладиган бюджет ташкилотларининг жорий харажатлари шаклида;

2) жорий бюджет трансфертлари шаклида;

3) капитал харажатлар шаклида:

– асосий фондлар ва воситаларни (улар билан боғлиқ ишлар ва хизматлар ҳам шулар жумласига киради) давлат эҳтиёжлари учун олиш ва такрор ишлаб чиқаришга;

– давлат эҳтиёжлари учун ерга бўлган ҳуқуқни ва бошқа моддиймас активларни олишга;

4) қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа харажатлар шаклида.

20-модда. Давлат мақсадли жамғармалари

Давлат мақсадли жамғармаларига қуйидагилар киради:

– Республика йўл жамғармаси;

– Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг махсус ҳисобварағи;

– Иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармаси.

Ўзбекистон Республикаси бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси;

Давлат мақсадли жамғармаларини тузиш, жамғарма маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

IV. БЮДЖЕТЛАР ЎРТАСИДАГИ ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАР

21-модда. Давлат бюджети маблағларини бюджетлар ўртасида қайта тақсимлаш

Давлат бюджети маблағлари турли даражадаги бюджетлар ўртасида қуйидаги йўллар билан қайта тақсимланади:

– юқори бюджетлардан қуйи бюджетларга бюджет дотациялари ва бюджет субвенциялари бериш;

– бюджет ижроси жараёнида пайдо бўлган ўзаро ҳисоб-китоблар бўйича маблағларни юқори бюджетдан қуйи бюджетга, шунингдек қуйи бюджетдан юқори бюджетга йўналтириш;

– бюджет ссудалари ажратиш.

Республика бюджетидан бюджет дотациялари ва бюджет субвенциялари Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетларига қабул қилинган Давлат бюджети доирасида ажратилади.

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетларидан бюджет дотациялари ва бюджет субвенциялари туманлар ва шаҳарлар бюджетларига тегишли қабул қилинган бюджетлар доирасида ажратилади.

Қорақалпоғистон Республикаси бюджетидан ва маҳаллий бюджетларда даромадлар ва харажатлар ўртасида пайдо бўладиган вақтинчалик узилиш айланма касса маблағи меъёри ҳисобига, юқори бюджетлардан бериладиган бюджет ссудалари, фойдаланилмаган бюджет маблағлари қолдиқлари ҳисобига қопланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси бюджетидан, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетларида назарда тутилган айрим харажатларни мақсадли молиялаштириш учун қуйи бюджетлар ҳисобига киритиладиган даромадларни республика бюджетига ўтказиши мумкин.

22-модда. Харажатларни республика бюджетидан молиялаштириш

Республика бюджетидан харажатларни молиялаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қуйидаги йўналишларда амалга оширилади:

1) фан, таълим, маданият, соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва спорт (республикага бўйсунадиган бюджет ташкилотлари бўйича);

2) ижтимоий таъминот;

3) мудофаа, миллий хавфсизлик ва жамоат тартибини таъминлаш;

4) судлар ва прокуратура органлари фаолиятини таъминлаш;

5) давлат захираси ва сафарбарлик захирасини вужудга келтириш қамда уларни сақлаш;

6) давлат марказлаштирилган инвестицияларини амалга ошириш;

7) давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, Ўзбекистон Республикасининг чет элдаги дипломатик ваколатхоналари ҳамда миссиялари фаолиятини таъминлаш;

8) иқтисодиёт турли тармоқларининг республикага бўйсунадиган бюджет ташкилотларини сақлаш;

9) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига мувофиқ иқтисодиёт тармоқларини ривожлантиришнинг мақсадли давлат дастурлари ва тадбирларини амалга ошириш;

10) ер тузиш, мелиоратив, табиатни муқофаза қилиш ва эпизодияга қарши кураш чора-тадбирларини амалга ошириш;

11) қишлоқ хўжалиги зараркунандаларига қарши кураш;

12) гидрометеорология, дўлга қарши кураш чора-тадбирлари;

13) қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мақсадлар.

23-модда. Харажатларни Қорақалпоғистон Республикаси бюджетидан ва маҳаллий бюджетлардан молиялаштириш

Қорақалпоғистон Республикаси бюджетидан ва маҳаллий бюджетлардан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қуйидагиларга мўлжалланган харажатлар молиялаштирилади:

1) фан, таълим, маданият, соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва спорт (Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетларидан молиялаштириладиган бюджет ташкилотлари бўйича);

2) ижтимоий таъминот;

3) аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш;

4) Қорақалпоғистон Республикаси давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятини таъминлаш;

5) иқтисодиёт турли тармоқларининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджет ташкилотларини сақлаш;

6) қонун ҳужжатларига мувофиқ иқтисодиёт тармоқларини ривожлантиришнинг мақсадли дастурлари ва тадбирларини амалга ошириш;

7) қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мақсадлар.

24-модда. Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига ва маҳаллий бюджетларга белгиладиган чекловлар

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ҳамда маҳаллий бюджетлар балансли даромадлар ва харажатларга эга бўлиши керак. Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлар тақчиллигига йўл қўйилмайди.

Қорақалпоғистон Республикаси бюджетини ва маҳаллий бюджетларни қабул қилиш ва ижро этишда:

1) қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган манбалар ҳисобига жамғармалар ташкил этишга;

2) маблағ жалб қилишни амалга оширишга (юқори бюджетлардан бюджет ссудалари олиш бундан мустасно);

3) бюджетдан ажратиладиган тасдиқланган маблағдан ортиқроқ маблағ сарфлашга (ушбу қонунда назарда тутилган қоллар бундан мустасно);

4) бюджет маблағлари ҳисобидан бошқа шахслар фойдасига молиявий кафолатлар ва кафиликлар беришга;

5) юридик ва жисмоний шахсларга бюджет ссудалари беришга йўл қўйилмайди.

V. ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИ ТАЙЁРЛАШ, КЎРИБ ЧИҚИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ

25-модда. Бюджет сўрови

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган муддатларда келгуси молия йилига:

– тегишли бюджетлар ва давлат мақсадли жамғармалари лойиҳаларини тайёрлаш учун – Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларига, давлат мақсадли жамғармаларини тақсимловчи органларга;

– бюджетдан ажратиладиган маблағларни олишга буюртмалар тузиш учун – республика бюджетидан молиялаштирилдиган бюджет маблағлари олувчиларга бюджет сўрови юборди.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари бюджет сўрови олингани-

дан кейин уч кунлик муддат ичида тегишли бюджетлар лойиҳаларини тузиш, ушбу лойиҳаларни тайёрлаш тартибини ва муддатларини белгилаш юзасидан қарорлар қабул қилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар молия органлари ушбу модданинг иккинчи қисмида кўрсатилган қарорлар қабул қилинганидан кейин уч кунлик муддат ичида:

– тегишли бюджетлар лойиҳаларини тайёрлаши учун. — туман ва шаҳар ҳокимларига;

– Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлардан бюджет маблағлари олишга буюртмалар тузиш учун — Қорақалпоғистон Республикаси бюджетидан, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетларидан молиялаштириладиган бюджет маблағлари олувчиларга бюджет сўровлари юборади.

Вилоятга бўйсунадиган шаҳарларнинг, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар таркибига кирувчи туманларнинг ҳамда шаҳарлар таркибига кирувчи туманларнинг ҳокимлари бюджет сўрови олинганидан кейин уч кунлик муддат ичида тегишли бюджетлар лойиҳаларини тузиш, бу лойиҳаларни тайёрлаш тартибини ва муддатларини белгилаш юзасидан қарорлар қабул қилади.

Туман ва шаҳар ҳокимликларининг молия органлари ушбу модданинг тўртинчи қисмида кўрсатилган қарорлар қабул қилинганидан кейин уч кунлик муддат ичида туманлар ва шаҳарларнинг бюджетларидан бюджет маблағлари олиш учун асосланган буюртмалар тузиш учун — шу туман ва шаҳар бюджетларидан молиялаштириладиган бюджет маблағларини олувчиларга бюджет сўровлари юборади.

Бюджетдан ажратиладиган маблағлар олиш учун бериладиган буюртма шакли ва уни тузиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланади.

26-модда. Давлат бюджети лойиҳасини тайёрлаш муддатлари

Келгуси молия йилига бюджетдан ажратиладиган маблағлар олишга буюртмалар:

– Қорақалпоғистон Республикаси бюджетидан ва маҳаллий бюджетлардан молиялаштириладиган бюджет маблағлари олувчилар томонидан жорий йилнинг биринчи июнидан кечиктирмай тегишли молия органларига;

– республика бюджетидан молиялаштириладиган бюджет маблағлари олувчилар томонидан жорий йилнинг биринчи ию-

лидан кечиктирмай Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тақдим этилади.

Келгуси молия йилига тегишли бюджетлар лойиҳалари:

– туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари молия органлари томонидан маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари белгилаган тартибда ва муддатларда, бироқ жорий йилнинг йигирма бешинчи йунидан кечиктирмай юқори молия органларига;

– Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, давлат мақсадли жамғармаларини тақсимловчи органлар томонидан – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда ва муддатларда, бироқ жорий йилнинг биринчи июлидан кечиктирмай Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тақдим этилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги келгуси молия йилига мўлжалланган Давлат бюджети лойиҳасини тайёрлайди ва жорий йилнинг ўн бешинчи сентябригача Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим этади.

27-модда. Давлат бюджети лойиҳасини тайёрлаш

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Давлат бюджети лойиҳасини бюджет маблағлари олувчилар тақдим этган буюртмаларга ва Давлат бюджетининг тузилмасига кирувчи бюджетлар лойиҳаларига мувофиқ тайёрлайди.

Келгуси молия йилига мўлжалланган Давлат бюджети лойиҳаси:

1) бюджет таснифига мувофиқ акс эттириладиган Давлат бюджети даромадлари ва харажатларини;

2) умумдавлат солиқларидан Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетларига ажратмалар нормативлари, шунингдек мазкур бюджетларнинг даромадлари, шу жумладан бюджет дотациялари ва бюджет субвенциялари ҳамда харажатлари миқдорларини;

3) Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетларининг айланма касса маблағи меъёри миқдорларини;

4) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси захира жамғармасининг, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетлари захира жамғармаларининг назарда тутилмаган харажатларни қоплашга тегишли бюджет маблағлари йўналтирилиши мумкин бўлган доирадаги миқдорларини;

5) Давлат бюджети тақчиллигининг энг юқори миқдори ва уни молиялаштириш манба.ларини;

6) давлат ички ва ташқи қарзларининг, давлат томонидан бериладиган кредитлар ҳамда кафолатли жамғарманинг энг юқори миқдорларини ўз ичига олади.

Келгуси молия йилига мўлжалланган Давлат бюджети лойиҳасини тайёрлаш жараёнини мувофиқлаштириш ва назорат қилишни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Раиси ёки унинг топшириғига кўра Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири амалга оширади.

28-модда. Бюджетнома

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги вакил қилинган вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, шунингдек тегишли ташкилотлар билан биргаликда қуйидагиларни ўз ичига олган бюджетнома лойиҳасини ишлаб чиқади ва ўн бешинчи сентябргача Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритади:

1) мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг ўтган йилги асосий яқунлари ва мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг жорий йилги яқунларининг прогноз баҳоси;

2) ўтган йилги Давлат бюджети ижроси тўғрисидаги ҳисобот ва жорий йилги Давлат бюджетининг кутилаётган ижроси баҳоси;

3) келгуси йилга мўлжалланган Давлат бюджети лойиҳасини тузишда асос бўлган келгуси йилнинг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари;

4) мамлакат бюджет ва солиқ сиёсатининг келгуси йилги асосий йўналишлари лойиҳаси;

5) мамлакат бюджет ва солиқ сиёсатининг келгуси йилги асосий йўналишларига шарҳлар;

6) давлат ички ва ташқи қарзлари ҳамда улар бўйича харажатлар ҳолати тўғрисидаги маълумотлар;

7) келгуси молия йилига мўлжалланган Давлат бюджети лойиҳаси.

Бюджетнома Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан жорий йилнинг ўн бешинчи октябридан кечиктирмай Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига киритилади.

29-модда. Давлат бюджетининг қабул қилиниши

Давлат бюджети Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинади.

Давлат бюджетига мувофиқ:

– Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетлари Давлат бюджети қабул қилинганидан кейин икки ҳафталик муддат ичида тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ҳамда вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимият вакиллик органлари томонидан;

– Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар таркибига кирувчи туманлар ва шаҳарлар бюджетлари Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бюджетлари қабул қилинганидан кейин бир ҳафталик муддат ичида туман, шаҳар ҳокимият вакиллик органлари томонидан;

– шаҳарлар таркибига кирувчи туманлар бюджетлари ва туман бўйсунувидаги шаҳарлар бюджетлари белгиланган муддатларда маҳаллий ҳокимият юқори турувчи вакиллик органлари томонидан қабул қилинади.

30-модда. Давлат бюджетининг бюджет маблағлари олувчиларга етказилиши.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

– Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари эътиборига Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетлари даромадлари ва харажатлари миқдорини, шунингдек келгуси молия йили учун уларга республика бюджетидан ажратиладиган бюджет дотациялари ва бюджет субвенциялари миқдорини ва бюджетга оид бошқа кўрсаткичларни Давлат бюджети қабул қилинганидан кейин уч кунлик муддат ичида;

– Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси эътиборига Давлат бюджети даромадларининг тасдиқланган миқдорини Давлат бюджети қабул қилинганидан кейин бир ҳафталик муддат ичида;

– республика бюджетидан молиялаштириладиган ташкилотлар, шунингдек давлат мақсадли жамғармаларини тақсимловчи органлар эътиборига улар учун белгиланган даромадлар ва харажатлар миқдорини – Давлат бюджети қабул қилинганидан кейин ўн кунлик муддат ичида етказди.

Зарар ўрнини қоплаш учун тўловларни тайинлашда жабрланувчи олаётган иш ҳақи, стипендия, пенсия ва бошқа даромадлар ҳисобга олинмайди. Бунда меҳнатда майиб бўлган жабрланувчилар ногиронларга зарарни қоплаш учун тўланадиган сумма қонун ҳужжатларида энг кам иш ҳақи миқдорининг 50 фоизидан оз бўлиши мумкин эмас».

Ходим соғлигига зарар етишида унинг ўзи томонидан ҳам қўпол эҳтиётсизлиги зарарнинг келиб чиқишига ёки кўпайишига сабаб бўлса (яъни тарафларни аралаш жавобгарлиги юз берган бўлса), у ҳолда иш берувчидан ходим фойдасига ундириладиган зарар ходим айби даражасига мутаносиб равишда камайтирилиши мумкин.

Ходим фойдасига ундириладиган қўшимча зарар (дори-дармон, парваришлар, протезлаш ва ҳоказо) бир йўла бериладиган нафақа миқдори, боқувчиси вафот этганлиги туфайли марҳум қарамоғида бўлиб келган оила аъзоларига зарар ундириш пайтида ходимнинг ўзи ҳам айбдор эканлигини асос қилиб, ундириладиган зарарнинг камайтирилишига йўл қўйилмайди.

Ходим вафот этиши муносабати билан (иш фаолияти билан боғлиқ равишда) унинг қарамоғидаги оила аъзоларига зарарни қоплаш тартиблари Меҳнат Кодексида кўрсатиб қўйилган.

Ходим меҳнатда майиб бўлиши, касб касаллиги ёки меҳнат вазифасини бажариш билан боғлиқ ҳолда соғлигига бошқача шикаст етиши сабабли вафот этган ҳолларда, иш берувчи марҳумнинг қарамоғида бўлган меҳнатга қобилиятсиз шахсларга, шунингдек 16 ёшга тўлмаган ёки у вафот этган кунга қадар ундан таъминот олиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларга марҳумнинг вафотидан кейин туғилган фарзандига, шунингдек ота-онасидан бирига, умр йўлдошига ёки оиланинг бошқа аъзосига, агар у ишламасдан марҳумнинг уч ёшга етмаган болалари (укалари, сингиллари) ёки невараларининг парвариши балан банд бўлса, зарарни тўлаши шарт.

Қуйидагилар меҳнатга қобилиятсиз деб тан олинади ва зарар қопланишини талаб қилишга ҳақли бўлади:

- ўн олти ёшга етгунларича ногирон бўлган шахслар;
- олтмиш ёшга тўлган эркаклар ва эллик беш ёшга тўлган аёллар;
- белгиланган тартибда ногирон деб топилган шахслар.

Оила аъзосининг меҳнатга қобилиятсизлиги бошланган вақти (боқувчининг вафотига қадар ёки ундан кейин) унинг

тиқ қисми Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг ҳамда тегишли ҳокимларнинг қарорига кўра қўшимча харажатларни амалга оширишга йўналтирилиши мумкин.

Бюджет ташкилотлари ҳисобварақларидаги бюджет маблағлари қолдиқлари олиб қўйилмаслиги керак ва улар бюджет ташкилотларининг махсус маблағлари ҳисобварақларига ўтказилади, капитал қўйилмаларни молиялаштириш учун назарда тутилган маблағлар бундан мустасно. Бюджет ташкилотларининг махсус маблағларини шакллантириш ва сарфлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

33-модда. Қабул қилинган Давлат бюджети бўлмаган тақдирда бюджетни ижро этиш тартиби

Агар келгуси молия йили учун Давлат бюджети йил бошлангунга қадар қабул қилинмаган бўлса, у ҳолда Давлат бюджети қабул қилингунга қадар бўлган даврда давлат харажатлари куйидаги шартларга риоя этилган ҳолда амалга оширилади:

– бошланган молия йилидаги харажатлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда бюджет маблағларининг аввалги молия йили сўнгги уч ойининг учдан бир қисмидан ортиқ бўлмаган миқдорларда ҳар ойда амалга оширилади;

– аввалги молия йилида қилинмаган бюджет харажатлари амалга оширилмайди;

– аввалги молия йилида амалда бўлган солиқ солиш ва мажбурий тўловлар тўлаш тартиби Давлат бюджети қабул қилингунга қадар ўз кучини йўқотмайди.

Давлат бюджети молия йили бошланганидан кейин қабул қилинган тақдирда харажатларнинг умумий суммаси молия йили мобайнида қабул қилинган Давлат бюджетига мувофиқлаштирилиши керак.

34-модда. Бюджетдан ажратиладиган маблағларга ўзгартиришлар киритиш

Бюджетдан ажратиладиган маблағларга молия йили мобайнида ўзгартиришлар кўриштириш бир бюджет маблағлари олувчиси учун бюджет маблағларининг камайтирилиши бошқа бюджет маблағлари олувчиси учун бюджет маблағларининг тегишли равишда кўпайтирилишини назарда тутган тартибда:

1) тасдиқланган бюджетдан ажратиладиган маблағлар ҳажмининг ўн фоизига қадари:

– Давлат бюджетига кўрсатиб ўтилган бюджет маблағлари олувчилар учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги-

нинг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан;

– республика бюджетидан молиялаштириладиган бюджет маблағлари олувчилар учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан;

– Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлардан молиялаштириладиган бюджет маблағлари олувчилар учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган тегишли молия органларининг тақдимномасига биноан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва тегишли ҳокимлар томонидан (капитал қўйилмалар моддалари бундан мустасно);

2) тасдиқланган бюджетдан ажратиладиган маблағлар қажмининг ўн фоизидан ортиғи:

– Давлат бюджетда кўрсатиб ўтилган бюджет маблағлари олувчилар учун – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан;

– республика бюджетидан молиялаштириладиган бюджет маблағлари олувчилар учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан белгиланадиган тартибда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан;

– Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлардан молиялаштириладиган бюджет маблағлари олувчилар учун тегишли молия органларининг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган тақдимномасига биноан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ҳамда жойлардаги тегишли ҳокимият вакиллик органлари томонидан (капитал қўйилмалар моддалари бундан мустасно) амалга оширилади.

Бюджет маблағлари олувчининг сўровига биноан молия йили учун унга назарда тутилган бюджетдан ажратиладиган маблағлар айрим моддалар бўйича (капитал қўйилмалар моддалари бундан мустасно) бошқа моддалар бўйича бюджетдан ажратиладиган маблағлари тенг миқдорда камайтирилган ва мазкур бюджет маблағлари олувчи учун назарда тутилган бюджетдан ажратиладиган маблағларнинг умумий ҳажми сақлаб қолинган қолда дастлабки қажмининг ўн беш фоизига қадар кўпайтирилиши мумкин. Бюджетдан ажратилган маблағларга мазкур ўзгартиришлар:

1) республика бюджетидан ажратиладиган бюджет маблағларига Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан;

2) Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлардан ажратиладиган бюджет маблағларига — Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги белгилаган тартибда тегишли молия органлари томонидан киритилади.

35-модда. Давлат бюджетини белгиланган параметрлар донрасида ижро этиш

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари, агар муайян ҳаракатлари бюджет тақчиллигининг қонун ҳужжатларида белгиланган энг юқори даражасидан ошиб кетишига олиб келадиган бўлса, Давлат бюджети даромадларини қисқартирувчи ёки харажатларини оширувчи бирон-бир ҳаракат қилишга ҳақли эмаслар.

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ҳамда маҳаллий бюджетлар қабул қилинганидан кейин молия йили мобайнида айрим турлар бўйича бюджет даромадларини қисқартиришга олиб келувчи Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва тегишли маҳаллий ҳокимият вакиллик органининг қарори, агар унда бошқа турлар бўйича даромадларни кўпайтириш ва (ёки) бюджет харажатлари тегишли миқдорда қисқартирилиши керак бўлган моддалар назарда тутилган бўлсагина, қабул қилиниши ва амалга киритилиши мумкин.

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлар қабул қилинганидан кейин молия йили мобайнида тегишли бюджет харажатлари қисқартирилишига ва (ёки) даромадлари кўпайишига олиб келувчи Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва маҳаллий ҳокимият вакиллик органининг қарори қабул қилинган тақдирда ҳосил бўладиган ортиқча маблағлар мазкур қарор қабул қилинган даражадаги бюджетта маблағларни қайта тақсимлаш учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда олиб қўйилади.

Агар Давлат бюджети қабул қилинганидан кейин молия йили мобайнида Давлат бюджетидан олинган бюджет маблағларини кўпайтириш (камайтириш) тўғрисида қарор қабул қилинадиган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар молия органлари томонидан тегишли даражадаги бюджетлар ҳажмига ўзгартиришлар киритилади. Харажатларни кўпайтириш ёки уларни қисқартириш бюджетлар ўртасида

Ўзаро ҳисоб-китоб қилиш йўли билан амалга оширилади. Бюджетлар ўртасида ўзаро ҳисоб-китоб ўтказиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланади.

Солиқ ва бюджет тўловлари интизомини мустақкамлаш юзасидан кўрилган чора-тадбирлар натижасида Қорақалпоғистон Республикаси бюджетини ва маҳаллий бюджетларга тасдиқланган кўрсаткичлардан ташқари тушган қўшимча даромадлар айланма касса маблағи меъёри тасдиқланганидан кам бўлмаган миқдорда сақланиб қолган тақдирда қабул қилинган бюджетдагидан ташқари харажатларга йўналтирилиши мумкин. Мазкур масалага доир қарорлар Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва тегишли ҳокимлар томонидан қабул қилинади.

36-модда. Давлат бюджетини даромадлари ва харажатларини бошқариш.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва бошқа молия органлари Давлат бюджетини ва унинг тузилмасига кирувчи бюджетларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган кўрсаткичлар доирасида бажарилиши учун жавобгардир. Давлат бюджетини даромадлари ва харажатларини бошқариш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан амалга оширилади.

Агар йил мобайнида давлат даромадлари анча қисқарган ва Давлат бюджетининг олдиндан белгиланган тақчиллиги қонун ҳужжатларида белгиланган чегара миқдоридан ошадиган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Давлат бюджетининг харажатларини алоҳида моддалар бўйича қисқартириш тўғрисида қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига таклиф киритади.

Турли даражадаги бюджетларнинг даромадлари ва харажатлари ўртасидаги вақтинчалик тафовутни тўғрилаш мақсадида молия йили мобайнида уларга тегишли бюджетлардан бюджет ссудалари ажратилиши мумкин. Бюджет ссудаларини беришнинг энг кеч муддати ва тартиби Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланади.

Турли даражадаги бюджетларнинг даромадлари ва харажатлари ўртасидаги вақтинчалик тафовутни молия йили мобайнида айланма касса маблағи меъёри ҳисобига уни молия йили охиригача тасдиқланган ҳажмга қадар тиклаган ҳолда, бюджет маблағларининг фойдаланилмаган қолдиқлари ҳисобига, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлатнинг қисқа муддатли қимматли қоғозларини чиқариш ҳисобига қоплаш мумкин.

37-модда. Давлат бюджетининг касса ижроси.

Давлат бюджетининг касса ижросини ташкил этиш, шунингдек унинг давлат даромадлари ва харажатларини ҳисобга олиш Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргаликда амалга оширилади. Давлат бюджетининг касса ижроси операцияларини банклар Марказий банкнинг топшириғига биноан бажаради.

Бюджет маблағлари олувчиларнинг харажатлари уларнинг ҳисобварақларидаги бюджет маблағлари қолдиқлари доирасида тўлов топшириқномалари бўйича амалга оширилади.

38-модда. Давлат бюджети ижросини назорат қилиш.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва бошқа молия органлари Давлат бюджети ижроси назорат қилинишини амалга ошириш чоғида:

– турли даражадаги бюджетлар ижроси яқунларини кўриб чиқади;

– турли даражадаги бюджетларга маблағлар тушуми тўғрисида солиқ ва божхона органларидан, давлат мақсадли жамғармаларини тақсимловчи органлардан ахборотлар олади;

– бюджет маблағлари олувчилардан бюджетдан ажратиладиган маблағларнинг тушуми ва сарфи тўғрисида маълумотлар талаб қилиб олади;

– қонун ҳужжатларига мувофиқ банклардан бюджет маблағлари ҳаракати тўғрисида маълумотлар олади;

– бюджет маблағлари олувчиларнинг молия-хўжалик фаолиятини ўз ваколатлари доирасида тафтиш қилади ва текширувдан ўтказди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси йилнинг ҳар чорагида Давлат бюджети ижросининг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тақдим этадиган яқунларини кўриб чиқади.

39-модда. Давлат бюджети ижроси тўғрисидаги ҳисобот.

Республика бюджетидан молиялаштирилладиган бюджет маблағлари олувчилар бюджетдан ажратиладиган маблағлардан ҳисобот даврида фойдаланганлик тўғрисидаги ҳисоботларни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига шу вазирлик белгиллаган муддатларда тақдим этади.

Қорақалпоғистон Республикаси бюджетидан ҳамда маҳаллий бюджетлардан молиялаштирилладиган бюджет маблағлари олувчилар бюджетдан ажратиладиган маблағлардан ҳисобот даврида

фойдаланганлик тўғрисидаги ҳисоботларни тегишли молия органига Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги белгиланган муддатларда тақдим этади.

Туманларнинг, шунингдек республика (Қорақалпоғистон), вилоят бўйсунувидаги шаҳарларнинг молия органи шаҳар, туман бюджетининг ҳисобот давридаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни тегишли ҳокимликларга ҳамда юқори молия органига Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги белгиланган муддатларда тақдим этади.

Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар молия органи тегишли бюджетларнинг ҳисобот давридаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига ва тегишли ҳокимликларга, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига шу вазирлик белгиланган муддатларда тақдим этади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимлари бюджетлар ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни кўриб чиқиб маъқуллангандан кейин бу ҳисоботларни тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва тегишли маҳаллий ҳокимият вакиллик органига қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда тақдим этади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси солиқлар, йиғимлар, божлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг Давлат бюджетига ҳисобот давридаги тушумлари тўғрисидаги ҳисоботни ҳар ойда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда тақдим этади.

Давлат солиқ хизматининг жойлардаги солиқ органи солиқлар, йиғимлар, божлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг Давлат бюджетига ҳисобот давридаги тушумлари тўғрисидаги ҳисоботни ҳар ойда тегишли молия органига қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда тақдим этади.

Давлат мақсадли жамғармаларини тақсимловчи органлар ҳисобот даврида давлат мақсадли жамғармаларига маблағлар тушуми ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги ҳисоботларни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига шу вазирлик белгиланган муддатларда тақдим этади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни Ўзбекистон Республи-

каси Вазирлар Маҳкамасига ҳисобот йилидан кейинги йилнинг биринчи майидан кечиктирмай тақдим этади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ҳисобот йилидан кейинги йилнинг ўн бешинчи майидан кечиктирмай тақдим этади.

Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисобот Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан кўриб чиқилади ва тасдиқланади.

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлар ижроси тўғрисидаги ҳисоботлар Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва тегишли маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари томонидан кўриб чиқилади ва тасдиқланади.

VI. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

40-модда. Давлат томонидан маблағ жалб қилиш.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси келгуси молия йили учун Давлат бюджетини қабул қилаётганда давлат ички ва ташқи қарзининг энг юқори миқдорларини тасдиқлайди:

Давлат томонидан ички ва хориждан маблағ жалб қилишга ҳамда давлат қарзи кўпайишига олиб келадиган бошқа ҳаракатлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ёки у ваколат берган орган томонидан амалга оширилади.

Давлат томонидан ички ва хориждан маблағ жалб қилиш:

1) иқтисодийни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини, шу жумладан давлат инвестиция дастурларини молиялаштириш;

2) Давлат бюджети даромадлари билан харажатлари ўртасида тушумлар вақтга кўра мувофиқ эмаслиги туфайли келиб чиққан йиллик ички тафовутни тўғрилаш;

3) мавжуд қарзни қайта молиялаштириш;

4) бюджет тақчиллигини молиялаштириш;

5) табиий офат ёки бошқа фавқулодда вазиятлар туфайли маблағларга бўлган эҳтиёжларни қоплаш мақсадида амалга оширилиши мумкин.

Давлат томонидан ички ва хориждан маблағ жалб қилишда қарз мажбуриятларининг қуйидаги турларидан фойдаланиш мумкин:

1) қисқа муддатли (бир йилгача бўлган даврга чиқариладиган), ўртача муддатли (бир йилдан беш йилгача бўлган даврга

чиқариладиган) ва узоқ муддатли (беш йилдан ортиқ даврга чиқариладиган) давлат қимматли қоғозлари;

2) кредитлар (қисқа муддатли, ўртача муддатли ва узоқ муддатли);

3) Ўзбекистон Республикасининг кафолатлари;

4) бюджет даромадлари билан харажатлари ўртасидаги вақтинчалик тафовутни қоплаш учун қисқа муддатли ссудалар;

5) қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа турлар.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги давлат томонидан амалга оширилган барча маблағ жалб қилишлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига ахборот тақдим этади.

Давлат томонидан маблағ жалб қилишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ёки у ваколат берган орган давлат қарзига хизмат кўрсатувчи ва давлат томонидан маблағ жалб қилиш бўйича ҳисоб-китобларнинг ўз вақтида ва тўғри юритилиши устидан назоратни амалга оширувчи агент вазифасини бажаришлари юзасидан банклар, молия ташкилотлари билан шартномалар тузиши мумкин.

41-модда. Ўзбекистон Республикасининг кафолатлари.

Резидент-юридик шахсларнинг мажбуриятлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг кафолатлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ёки у ваколат берган орган томонидан берилади. Жисмоний шахсларнинг мажбуриятлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг кафолатлари берилмайди. Кафолатлар бериш тартиби, шунингдек кафолатлар берилганлиги учун кафолатлар олувчидан ҳақ олиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

42-модда. Кафолат жамғармаси.

Давлат қарзи бўйича тўловларни ўз вақтида амалга оширишга ҳамда давлат томонидан ички ва хориждан маблағ жалб қилиш бўйича Ўзбекистон Республикасининг мажбуриятларидан келиб чиқувчи тўловларни амалга ошириш учун маблағларни жамлашга шарт-шароит яратиш мақсадида республика бюджети таркибида кафолат жамғармаси тузилади.

Кафолат жамғармасини ташкил этиш ва ундан фойдаланиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

43-модда. Бюджет тизими тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик.

Бюджет тизими тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилишида айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

03.09.1999 й. №414

Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида

Давлат бюджетга ҳисобига маблағ билан таъминланадиган тармоқларда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш механизмини такомиллаштириш, бюджет маблағларидан самарали ва аниқ фойдаланиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2000 йил 1 январдан бошлаб бюджет ташкилотлари харажатларини маблағ билан таъминлашнинг янги тартибини жорий этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин. У қуйидагиларни назарда тутати:

– бюджет маблағларидан тежаб, самарали ва аниқ фойдаланиш ҳамда бюджет интизомини мустақкамлаш учун бюджет ташкилотлари раҳбарларининг мустақиллигини кенгайтириш ва масъулиятини ошириш;

– бюджетдан маблағ олувчи ташкилотларни маблағ билан таъминлаш механизмини соддалаштириш ва бюджет маблағларидан фойдаланишда юқори натижаларга эришиш мақсадида мавжуд маблағларни оқилона тақсимлаш учун шарт-шароитлар яратиш;

– бюджет ташкилотлари ходимлари меҳнатини рағбатлантириш, улар фаолияти самарадорлигини ошириш ва кадрларнинг ўрнашиб қолиши учун шарт-шароитлар яратиш.

2. Белгилансинки, янги тартибга мувофиқ бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш нормативлар бўйича (фаолият турига кўра) харажатларнинг қуйидаги гуруҳларини ягона сатрдан маблағ билан таъминлаш усулида амалга оширилади:

I. Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар (болали оилаларга нафақалар ва кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам, стипендиялар ва бошқалар);

II. Иш ҳақиға кўшимчалар;

III. Капитал қўйилмалар (Давлат инвестиция дастурида назарда тутилган аниқ рўйхатларға мувофиқ);

IV. Бошқа харажатлар.

Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартиби иловаға мувофиқ тасдиқлансин.

3. Юридик шахс мақомига эға бўлган бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш манбаларини:

– фаолият тури бўйича товарлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ва сотишдан;

– бюджет ташкилотлари томонидан вақтинча фойдаланилмаётган биноларни ва давлатнинг бошқа мол-мулкни бошқа ташкилотларға ижараға беришдан;

– юридик ва жисмоний шахслар томонидан бюджет ташкилотларига ҳомийлик (беғараз) ёрдами берилишидан кўшимча даромадлар олиш ҳисобига кенгайтириш мақсадға мувофиқ деб ҳисоблансин.

4. Мазкур қарорнинг 3-бандида кўрсатиб ўтилган манбалардан кўшимча даромад олаётган бюджет ташкилотлари 2000 йил 1 январдан бошлаб 2 йил муддатға Давлат бюджетига ундириладиган солиқлар ва йиғимларнинг барча турларидан озод қилинсин, бўшаб қолган маблағлар моддий-техника ва ижтимоий базани мустаҳкамлашға, шунингдек уларнинг ходимларини моддий рағбатлантиришға мақсадли йўналтирилсин.

5. Юридик шахс мақомига эға бўлган бюджет ташкилотларига Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармасини шакллантириш ҳуқуқи берилсин, жамғарма:

– режаға мувофиқ бюджетдан маблағ билан таъминлаш ҳисобига тушган ва ҳисобот чорагининг охириги иш куни охирида бюджет ташкилотлари ҳисобварақларида қолган тежаб қолинган (фойдаланилмаган) маблағлар (капитал қўйилмаларни маблағ билан таъминлаш учун назарда тутилган маблағлар бундан мустасно);

– бюджет ташкилотлари фаолияти туриға мувофиқ товарлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ва сотишдан олинган даромадлар;

– вақтинча фойдаланилмаётган биноларни ва давлатнинг бошқа мол-мулкани бошқа ташкилотларга ижарага беришдан олинган маблағларнинг 50 фоизи, қолган 50 фоиз маблағ маҳаллий бюджетлар даромадига ўтказилиши белгилаб қўйилсин;

– юридик ва жисмоний шахслар томонидан бюджет ташкилотларига берилаётган ҳомийлик ёрдами (беғараз ёрдам) ҳисобига шакллантирилади.

6. Белгилансинки, Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағлари:

– аввало мавжуд кредиторлик қарзларни тўлашга;

– бюджет ташкилотининг моддий-техника базасини мустақамлаш тадбирларига;

– ижтимоий ривожлантириш ва ходимларни моддий рағбатлантириш тадбирларига сарфланади.

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тегишли вазирликлар ва идоралар билан биргаликда:

– тижорат банкларида жорий ҳисобварақлар очган ҳолда юридик шахс мақоми бериладиган бюджет ташкилотлари рўйхатини 1999 йил 1 октябргача белгиласин;

– бюджет ташкилотлари фаолияти турини ҳисобга олган ҳолда бюджетдан маблағ билан таъминлаш нормативларини 1999 йил 1 ноябргача ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин;

– бюджет ташкилотларини 2000 йил 1 январдан бошлаб маблағ билан таъминлашнинг янги шартларига ўтказишга тайёрлаш бўйича зарур тадбирларни амалга оширсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги бир ой муддатда:

– тегишли вазирликлар ва идоралар билан биргаликда – Бюджет ташкилотлари томонидан товарлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ва сотиш тартибини, Бюджет ташкилотлари даромадлари ва харажатларининг бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги нозомни;

– Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси билан биргаликда Бюджет ташкилотлари томонидан вақтинча фойдаланилмаётган давлат мол-мулкани бошқа корхоналар ва ташкилотларга ижарага бериш тартибини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги бюджет интизомига риоя қилиниши устидан қаттиқ назоратни таъминла-син, бунда:

– бюджет маблағларидан, шу жумладан Бюджет ташкилот-ларини ривожлантириш жамғармаси маблағларидан ноўрин фойдаланилиши;

– бюджетдан ажратиладиган маблағларнинг харажатлар гу-руҳлари бўйича тасдиқланган лимитлардан ошиб кетиши;

– штат-смета интизоми бузилиши;

– харажатларни маблағ билан таъминлашнинг белгиланган навбатига, уларни тўлаш муддатлари ва тўлиқлигига риоя қилмаслик ҳолларининг олдини олсин.

Молия органлари, бюджет ташкилотлари раҳбарлари бюд-жет интизомига риоя қилиниши учун меҳнат, маъмурий ва жиноят қонунчилигида назарда тутилган тартибда шахсан жа-воб беришлари тўғрисида огоҳлантирилсин. Бунда бюджет ташки-лотларининг қўшимча даромадлар олиш бўйича фаолияти бюджет маблағлари ҳисобига бажарилаётган ишлар, кўрсатилаётган хиз-матлар ҳажми ва сифатига зарар етказмаслиги керак.

10. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги таклифларни икки ҳафта муддатда киритсин.

11. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б.С. Ҳамидов зиммасига юклансин.

**Вазирлар
Маҳкамасининг Раиси**

И. Каримов

Давлат бюджети харажатларини иқтисодий таснифини тасдиқлаш ва 2000 йил бюджет бланклари асосий кўрсаткичлари тўғрисида

Б У Й Р У Қ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ТОМОНИДАН ТАСДИҚЛАНГАН

09.10.1999 й. №230

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИДА
РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИЛГАН

15.12.1999 г. №853

Маҳаллий бюджетлар маҳаллий бланкларини, тармоқлар, лавозимлар ва Қорақалпоғистон республикаси вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича кўрсаткичлар бланкларини ўз вақтида ишлаб чиқиш, бюджет харажатлари ёзувларини сифатли тузиш 2000 йил ҳисоб-китоби, ҳисоботларини олиб бориш мақсадларида, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 3 сентябрь 1999 йилдаги 414-рақамли «Бюджет ташкилотларини молиялаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ

Б У Ю Р А М А Н:

1. 2000 йил 1 январдан 6.5.1-иловага мувофиқ кучга киритиладиган давлат бюджети харажатларининг иқтисодий таснифи тасдиқлансин.
2. Белгилаб қўйилсинки, республика ва маҳаллий бюджетларнинг харажатлар ёзуви давлат бюджети харажатларининг иқтисодий таснифи асосида тузилади.

Давлат бюджети харажатларининг иқтисодий таснифи

Харажатлар тури	Объект	Объект қисми	Харажатларнинг рўйхати	Харажатлар гуруҳи
01	0	00	Товарлар ва хизматларга харажатлар	
01	1	00	Иш ҳақи	I
01	2	00	Иш бевуҷияларга ажратмалар	II
01	3	00	Хизмат сафари харажатлари	IV
01	4	00	Коммунал хизматлар харажатлари	IV
		10	Электр-энергияси учун тўлов	IV
		20	Табийий газ учун тўлов	IV
		30	Кўмир учун тўлов	IV
		40	Иссиқ сув ва иссиқлик энергияси учун тўлов	IV
		50	Сув ва канализация учун тўлов	IV
		90	Чиқиндиларни йиғиш ва ташиш бўйича хизмат тўлови ва шунингдек энергетик ҳамда бошқа ресурслар (бензин ва бошқа ЁСМлардан ташқари)ни сотиб олиш учун харажатлар	IV
01	5	00	Телефон, телекоммуникация ва ахборот хизмати учун харажатлар	IV
01	6	00	Жорий таъмирлаш учун харажатлар	IV
01	7	00	Сақлаш, ижара, эксплуатация харажатлари ва бошқа хизматларга тўлаш учун харажатлар	IV
		40	Транспорт воситалари ва техникани сақлаш, хизмати ва ижараси учун харажатлар	IV
		50	Бензин ва бошқа ЁСМларга харажатлар	
		65	Таълим учун харажатлар	IV
		75	Геология қилирув ишлари харажатлари	IV
		90	Сақлаш, ижара, фойдаланишга бўлган бошқа харажатлар ва бошқа хизматларга тўлаш учун харажатлар	IV
01	8	00	Техника, ускуна ва кундалик мақсадлар учун ашёлар, озик-овқат маҳсулотлари сотиб олиш учун харажатлар	IV
		10	Техника, оргтехника, ускуналар, ашёлар ва материаллар сотиб олиш харажатлари	IV
		30	Озик-овқат маҳсулотларини сотиб олиш харажатлари	IV
		40	Дори-дармон ва боғлов материаллари харажатлари	IV
		50	Кийимлар, пойафзал, уст-бош, чойшаб ва ўрин-тўшаклар сотиб олиш харажатлари	IV
		90	Техника, ускуналар ва ашёлар сотиб олиш учун бошқа харажатлар	IV
01	9	00	Бошқа жорий харажатлар	IV
02	0	00	Фонд тўловлари	IV
		10	Ички қарзлар бўйича фонд тўловлари	IV
		20	Ташқи қарзлар бўйича фонд тўловлари	IV
03	0	00	Субсидиялар ва бошқа жорий трансфертлар	IV
03	1	00	Субсидиялар	IV
		10	Молиявий бўлмаган давлат корхоналарига субсидиялар	IV
		20	Молиявий муассасаларга субсидиялар	IV
		30	Товар ва хизматларни сотишдан зарар кўрган корхоналар йўқотишларини қоплашга субсидиялар	IV

3-§. Айрим тоифадаги ходимлар меҳнати муҳофазалашга тааллуқли махсус қоидалар.

Хотин-қизлар меҳнати муҳофазалаш

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 78-моддасига мувофиқ ҳомиладор аёллар ва уч ёшга тўлмаган боласи бор аёлларни, уларнинг ҳомиладорлигини ёки ёш боласи борлигини важ қилиб ишга қабул қилмаслик, ишга қабул қилишни ғайриқонуний рад этиш деб баҳоланади. Иш берувчи ишга қабул қилишни рад этган тақдирда ходимнинг талаби билан уч кун ичида ишга қабул қилишни рад қилиш асосларини кўрсатиб ёзма жавоб беришга мажбур. Ушбу ёзма жавоб асосида, фуқаро мазкур масала хусусида судга мурожаат қилишга ҳақли. Башарти судда иш кўриш давомида иш берувчи аёл ҳомиладорлиги ёки уч ёшга тўлмаган боласи борлиги туфайли ишга қабул қилишдан бош тортганлиги маълум бўлса, ишга қабул қилишни ғайриқонуний равишда рад этишда айбдор бўлган мансабдор шахс жиноий жавобгарликка тортилишига сабаб бўлиши мумкин (Жиноят Кодексининг 148-моддасининг 2-қисми).

Меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ёш болалик аёлларни ишга жойлашиш ҳуқуқларини қўшимча кафолатлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 84-моддасида ҳомиладор аёллар, уч ёшга тўлмаган боласи бор аёллар дастлабки синов муддати қўлланилмаган ҳолда, яъни ҳеч бир синов ёки бошқа қандайдир шартларсиз ишга қабул қилинишлари шартлиги ҳақидаги қоида назарда тутилган. Аёллар билан меҳнат муносабати давом этаётган даврда уларни бошқа ишга кўчириш умумий асосларда амалга оширилади. Шу билан бирга Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 226-227-моддаларига мувофиқ, тиббий хулосага мувофиқ ҳомиладор аёлларнинг ишлаб чиқариш нормалари, хизмат кўрсатиш нормалари камайтирилиши ёки уларнинг аввалги ишларидаги ўртача ойлик иш ҳақи сақланган ҳолда енгилроқ ёхуд ноқулай ишлаб чиқариш омиллари таъсиридан ҳоли бўлган ишга ўтказилиши лозим.

Ҳомиладор аёлга бошқа енгилроқ иш бериш масаласи ҳал этилгунга қадар у ана шу сабабларга кўра ишга чиқмаган барча иш кунлари учун ўртача ойлик иш ҳақи сақланган ҳолда ишдан озод қилинадилар. Шунингдек, икки ёшга тўлмаган боласи бор

Харажатлар турн	Объект	Объект қисми	Харажатларнинг рўйхати	Харажатлар гуруҳи
08	0	00	Капитални кредитлаш ва унда қатнашиш	IV
08	1	00	Ички кредитлаш (ссуда)	IV
		10	Давлат бошқаруви бошқа босқичларига кредитлар	IV
		20	Молиявий бўлмаган давлат корхоналарига кредитлаш	IV
		30	Молия муассасаларига кредитлар	IV
		40	Давлат кафолати остидаги қарзларни қоғлаш учун тўловлар	IV
		90	Бошқа ички кредитлаш	IV
08	2	00	Мамлакат ички капиталда қатнашиш	IV
		10	Молиявий бўлмаган давлат корхоналари капиталида қатнашиш	IV
		20	Молиявий муассасалар капиталида қатнашиш	IV
		30	Давлат кафолати остидаги қарзларни қоғлаш учун тўловлар	IV
		90	Капиталдаги бошқа қатнашув	IV
08	3	00	Чет элдаги капиталда қатнашиб ташқи кредитлаш	IV
		10	Давлат бошқаруви чет эл органлари ва халқаро ташкилотлар капиталини кредитлаш ва унда қатнашиш	IV
		90	Бошқалар	IV
09	0	00	Қарзни қоғлаш	IV
09	1	00	Ички асосий қарзни қоғлаш	IV
		10	Хазина векселларини қоғлаш	IV
			Узоқ муддатли қимматдор қоғозларни қоғлаш	IV
		30	Банк кредитларини қоғлаш	IV
			Бошқа кредитларни қоғлаш	IV
09	2	00	Ташқи асосий қарзни қоғлаш	IV
		10	Халқаро ташкилотлар кредитларини қоғлаш	IV
		20	Чет эл бошқарув органлари кредитларини қоғлаш	IV
		30	Тижорат банклари кредитларини қоғлаш	IV
		40	Етказиб берувчилар кредитларини қоғлаш	IV
		50	Ташқи товар кредитларини қоғлаш	IV
		90	Бошқа ташқи қоғлашлар	IV
10	0	00	Бюджетлараро субсидиялар, ссудалар ва ўзаро ҳисоб-китоблар	IV
		10	Ўзбекистон Республикаси республика бюджетдаги ўзаро ҳисоб-китоблар бўйича бериладиган маблағлар	IV
		20	Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бюджетларига ўзаро ҳисоб-китоблар бўйича бериладиган маблағлар	IV
		30	Туман ва шаҳар бюджетларига ўзаро ҳисоб-китоб бўйича бериладиган маблағлар	IV
		40	Юқори бюджет ташкилотига бериладиган маблағлар	IV
		50	Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига ва вилоятларнинг бюджетларига бериладиган субсидиялар	IV
		60	Туман ва шаҳар бюджетларига бериладиган субсидиялар	IV
		70	Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бюджетларига бериладиган қисқа муддатли ссудалар	IV
		80	Туман ва шаҳар бюджетларига бериладиган қисқа муддатли ссудалар	I

2000 йилга бюджет бланкаларининг асосий кўрсаткичлари

Харажатлар турн	Объект	Объект қисми	Харажатлар рўйхати
			I гуруҳ: – Иш ҳақи ва ушга тегиштирилган тўловлар
01	1	00	Иш ҳақи
03	4	10	Стипендиялар
		20	Еш болаларга улар 2 ёшга тўлгунича қарайдиган ишлаб турган оналарга ойлик нафақа
		25	Еш болаларга улар 2 ёшга тўлгунича қарайдиган ишлайдиган оналарга ойлик нафақа
		30	16 ёшгача боласи бўлган оилаларга нафақа
		40	Кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам
		50	Ишсизлик бўйича нафақалар
		60	Пенсиялар
			II гуруҳ: – Иш ҳақиға ажратмалар
01	2	00	Иш берувчиларнинг ажратмалари
			III гуруҳ: – Капитал қўйилмалар
04	2	00	Қуришиш, қайта тиклаш ва янги мақсадлар учун асосий капитал активларини ишлаб чиқариш соҳасида сотиб олиш мақсадидаги харажатлари
04	3	00	Ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган соҳалардаги қурилышлар, қайта тиклашларга ва асосий капитал активларини сотиб олишга харажатлар
			IV гуруҳ: – Бошқа харажатлар
01	3	00	Хизмат сафари харажатлар
01	4	00	Коммунал хизматга харажатлар
		10	Электр-энергия учун тўлов
		20	Табiiий газ учун тўлов
		30	Кўмир учун тўлов
		40	Иссиқ сув ва иссиқлик энергияси учун тўлов
		50	Сув ва канализация учун тўлов
		90	Чиқиндиларни йиғиштириш ва ташиш бўйича хизматларга тўлов, шунингдек энергия ва бошқа ресурслар (бензин ва бошқа ЕСМ)ни сотиб олиш учун харажатлар
01	5	00	Телефонлар, телекоммуникация ва ахборот хизматиға харажатлар
01	6	00	Жорий таъмирлаш учун харажатлар
01	7	00	Сақлаш, ижара, фойдаланиш учун харажатлар ва бошқа хизматларга тўлаш учун харажатлар
		40	Транспорт воситалари ва техникани сақлаш, хизмат кўрсатиш ва ижарасига харажатлар
		50	Бензин ва бошқа ЕСМларга харажатлар
		65	Таълим учун харажатлар
		75	Геология қидирув ишларига харажатлар
		90	Сақлаш, ижара ва фойдаланганлик учун бошқа харажатлар ва бошқа хизматларга тўлов харажатлари
01	8	00	Техника, ускуналар ва жорий мақсадлар учун ашёларга харажатлар, озиқ-овқат маҳсулотлари харажатлари

Харажатлар турн	Объект	Объект қисми	Харажатлар рўйхати
		10	Техника, оргтехника, ускуна, жиҳоз ва материалларга харажатлар
		30	Озиқ-овқат маҳсулотлари сотиб олиш учун харажатлар
		40	Дори-дармон ва боғлов материаллари сотиб олиш учун харажатлар
		50	Кийим, пойфазал, уст-бош, чойшаб ва урин-тўшак ашёлари сотиб олишга харажатлар
		90	Техника, ускуналар ва ашёлар сотиб олиш учун бошқа харажатлар
01	9	00	Бошқа жорий харажатлар
03	0	00	Субсидиялар ва бошқа жорий трансфертлар
03	1	00	Субсидиялар
		10	Молиявий бўлмаган давлат корхоналарига субсидиялар
		20	Молиявий муассасаларга субсидиялар
		30	Товарлар ва хизматларни сотишдан корхоналар кўрган зарарни қоплаш учун субсидиялар
		40	Бошқа корхоналарга субсидиялар
03	3	00	Тижорат билан шугулланмайдиган ташкилотларга жорий трансфертлар
03	4	00	Уй ҳўжаликларига жорий трансфертлар
		45	Коммунал хизматлар бўйича имтиёз тўловлари
		90	Уй ҳўжаликларига бошқа трансфертлар
04	1	00	Асосий капитал активларини сотиб олиш
04	4	00	Ишлаб чиқариш соҳасидаги капитал таъмирлашга харажатлар
04	5	00	Ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган соҳадаги капитал таъмирлашга харажатлар
05	0	00	Захиралар сотиб олиш (барпо этиш)га харажатлар
		10	Давлат захиралари яратиш учун товарлар сотиб олишга харажатлар
		90	Захиралар сотиб олиш (барпо этиш)га бошқа харажатлар
06	0	00	Капитал лойиҳалар билан боғлиқ бўлмаган ер ва моддиймас активлар сотиб олишга харажатлар
07	0	00	Капитал трансфертлар
07	2	00	Мамлакат ичидаги бошқа капитал трансфертлар
10	0	00	Бюджетлараро субвенциялар, ссудалар ва ўзаро ҳисоб-китоблар
10	0	10	Ўзбекистон Республикаси республика бюджетига ўзаро ҳисоб-китоблар бўйича бериладиган маблағ
10	0	20	Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига вилоятлар ва Тошкент шаҳри бюджетларига ўзаро ҳисоб-китоблар бўйича бериладиган маблағ
10	0	30	Туман ва шаҳар бюджетларига ўзаро ҳисоб-китоб бўйича бериладиган маблағлар
10	0	40	Юқори бюджетга бериладиган маблағ
10	0	50	Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоят бюджетларига бериладиган субсидиялар
10	0	60	Туман ва шаҳар бюджетига бериладиган субвенция
10	0	70	Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига, вилоят ва Тошкент шаҳар бюджетларига бериладиган қисқа муддатли ссудалар
10	0	80	Туман ва шаҳар бюджетларига бериладиган қисқа муддатли ссудалар

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИДА
РЎЙХАТГА ОЛИНГАН**

23.12.1999 й. №859

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ТАСДИҚЛАГАН
21.12.1999 й. №100**

КЕЛИШИЛДИ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ
15.12.1999 й. №153-В**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ
20.12.1999 й. №99-137**

**Бюджет ташкилотлари даромад ва харажатларининг
бухгалтерия ҳисоби тўғрисида**

Н И З О М

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Ушбу низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 3 сентябр 1999 йилдаги 414-«Бюджет ташкилотларини молиялаш тартибларини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори ва бошқа қонунчилик ҳамда меъёрий ҳужжатлар асосида ишлаб чиқилди, кириш ва чиқимлар бухгалтерия ҳисобини олиб бориш тартибларини, шунингдек барча вазирликлар, муассасалар, корхоналар, ташкилотлар ва давлат бюджетидан молияланадиган юридик шахс ҳуқуқини олган ва олмаган муассасалар ҳисоботини тузишни белгилаб беради.

2. Муассасалар ва ташкилотларнинг раҳбарлари Вазирлар Маҳкамасининг 3 сентябр 1999 йилдаги 414-қароридан тасдиқланган молиялаш тартибига мувофиқ қуйидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларга эгадирлар:

– Бюджет маблағларидан тежаб, самарали ва мақсадли фойдаланиш ва бюджет интизомини мустаҳкамлаш, шунингдек маблағлардан фойдаланишда максимал натижаларга эришиш

учун мавжуд маблағлардан моҳирона фойдаланишга имкониётлар яратиш.

– Бюджет ташкилотларининг соҳалари бўйича товарлар ишлаб чиқариш ва сотиш (ишлар бажариш, хизмат кўрсатиш)га тааллуқли фаолиятни кенгайтиришни бюджетдан молиялаш билан уйғунлаштириш.

– Бюджет ташкилотлари ходимларининг меҳнатини рағбатлантириш, улар фаолияти натижасини ошириш ва кадрларни мустаҳкамлаш учун шароитлар яратиш.

3. Мудофаа қобилиятини, давлат хавфсизлигини таъминлаш, мамлакат ички тартибini сақлаш ва ҳ.к. билан боғлиқ харажатларни молиялаш Ўзбекистон Республикаси молия вазирлиги кўзда тутган тартибда амалга оширилади.

II. ДАВЛАТ БЮДЖЕТИДАН ХАРАЖАТЛАРНИ МОЛИЯЛАШ

4. Давлат бюджетидан молиялаш харажатлар қуйидаги гуруҳи бўйича амалга оширилади:

I. Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар (болали оилаларга нафақалар ва кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам, стипендиялар ва б.), харажатларнинг бу гуруҳига 01-1-00, 03-4-10, 03-4-20, 03-4-25, 03-4-30, 03-4-40 тур харажатлар киради – харажатлар иқтисодий таснифлари.

II. Иш ҳақига ажратмалар, бу гуруҳга 01-2-00 харажатлар тури – иқтисодий таснифи киради.

III. Капитал қўйилмалар (давлат инвестиция программасида кўзда тутилган адресли рўйхатларга мувофиқ) бу гуруҳга 04-4-00, 04-3-00 тур харажатлар – иқтисодий таснифлар киради.

IV. Бошқа харажатлар, бу гуруҳга 01-3-00, 01-4-00, 01-5-00, 01-6-00, 01-7-00, 01-8-00, 01-9-00, 03-1-00, 03-3-00, 03-4-45, 03-4-90, 03-5-00, 04-1-00, 04-4-00, 04-5-00, 05-0-00, 06-0-00, 07-1-00, 07-2-00, 07-3-00, 08-1-00, 08-2-00, 08-3-00, 09-1-00, 09-2-00, 10-0-00 тур харажатлар – иқтисодий таснифлар киради.

5. Молиялаш тегишли йилга тасдиқланган бюджет параметрларига мувофиқ тузилган бюджет харажатлари ёзуви йиллигининг учойликларга тақсимланганига мувофиқ ва бюджетни бажариш жараёнида ёзувга ва харажатлар сметасига киритилган ўзгартишларни ҳисобга олиб бюджет ташкилотлари харажатлари рўйхатига мувофиқ амалга оширилади.

6. Харажатларнинг I ва II гуруҳлари бўйича бюджет ташкилотларининг харажатлари биринчи галдаги тартибда молияланади. Бунда I гуруҳ харажатларини амалга ошириш II гуруҳ бўйича тегишли харажатларсиз тақиқланади.

7. Капитал қўйилмаларга маблағ адресли қурилиш рўйхати ва амалдаги қонунчиликка мувофиқ жорий бюджет йилига тасдиқланган республика инвестиция программасига мувофиқ ажратилади. "

8. Республика ва маҳаллий бюджетлардан I ва II гуруҳ харажатлари бўйича молиялаш ой сари сметалар ва бюджет харажатлари рўйхатига мувофиқ уларга киритилган ўзгартишларни, шунингдек ўтган ҳисобот даври баҳоли белгиланган кўрсаткичлари бажарилишини ҳисобга олиб молияланади.

Капитал қўйилмалар ва бошқа харажатларни молиялаш ой сари бюджетга тушадиган маблағлар бўйича амалга оширилади.

9. Бюджет ташкилотларини молиялаш:

Республика бюджетидан — белгиланган шаклдаги харажатлар рўйхати (бюджет таснифи ва харажатлар гуруҳи параграфларини кўрсатиб) ва харажатлар ҳар бир гуруҳи бўйича, I гуруҳ харажатлари бундан истисно, ягона сатрдан маблағ ажратишга тўлов топшириқномасидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигида расмийлаштирилади, булар иш ҳақи ва унга тенглаштирилган харажатларни таъминлаш учун харажатлар турлари бўйича молияланади.

Маҳаллий бюджетлардан — белгиланган шаклда фармойиш берувчи тегишли молия органларида (бюджет таснифи ва харажатлар гуруҳи унда кўрсатилади) ва харажатлар ҳар бир гуруҳи, I гуруҳ харажатлари бундан истисно, бўйича ягона сатрдан маблағ ўтказишга тўлов топшириқномаси билан расмийлаштирилади.

Молиялаш ҳар бир параграф бўйича алоҳида амалга оширилади.

Ажратилган маблағ бюджет муассасалари томонидан олинган харажатлар — параграфлари бўйича қатъий, суратда фойдаланилади.

Бюджет муассасаларига харажатларнинг гуруҳлари бўйича тасдиқланган лимитларни мустақил ўзгартириш тақиқланади.

Гуруҳлар ва параграфлар бўйича харажатлар миқдорини ўзгартириш молия вазирлиги ихтиёридадир.

Тегишли параграфлар ва гуруҳлар бўйича ажратилган маблағдан мақсадли фойдаланиш масъулияти бюджет ташкилотла-

ри ва муассасаларининг раҳбарлари ва бош бухгалтерлари зиммасига юкланади.

10. Бюджет ташкилотлари харажатларини молиялашни амалга оширишда янги бюджет йилидаги режавий бюджет ажратмалари дебитор қарздорлигининг кредиторлик қарздорлиги ва бюджет ташкилотларининг ҳисобот йилидан кейинги, йилнинг 1 январига бюджет маблағидан фойдаланиш ҳисобига ҳосил бўлган товар моддий қимматдорликларнинг меъёрдан ортиқ қолдиқлари бўйича қарзга камайтирилади.

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги томонидан
рўйхатга олинган

1999 йил 6 август 795-сон

Ўзбекистон Республикаси
Таълим муассасаларига қабул қилиш
бўйича Давлат комиссияси томонидан

ТАСДИҚЛАНГАН
1999 йил 24 июль 3-сон

**Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларида ўқитишнинг
тўлов-контракт шакли ва тушган маблағларни тақсимлаш
тартиби тўғрисида**

Н И З О М

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъжамасининг 1999 йил 12 июлдаги 342-сон қарорига асосан ишлаб чиқилган.

2. Мазкур Низом, идоравий тасарруфлик ва мулкчилик шаклидан қатъий назар, Ўзбекистон Республикасининг барча олий ва ўрта махсус таълим муассасаларига тадбиқ этилади.

3. Олий таълим муассасалари (бакалаврият, магистратура)га ва ўрта махсус таълим муассасаларига тўлов-контракт асосида талабалар ва ўқувчилар қабул қилиш Вазирлар Маъжамасининг қарори ва фармойиши билан белгиланган тўлов-контракт асосида қабул квоталари доирасида Давлат комиссияси томонидан амалга оширилади.

4. Олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида иккинчи таълим «Таълим тўғрисида»ги қонуннинг 14-моддасига, «Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларида иккинчи таълимни олиш тартиби тўғрисида Низом»га мувофиқ амалга оширилади.

5. Олий ва ўрта махсус таълим муассасаларига тўлов-контракт асосида хорижий фуқароларни қабул қилиш Вазирлар Маъжамасининг «Ўзбекистон Республикасида хорижий фуқароларни ўқитиш тўғрисида»ги 1994 йил 24 майдаги 266-сон қарорига ҳамда ҳукуматлараро битимларга мувофиқ ёки Давлат комиссиясининг розилиги билан амалга оширилади.

6. Тўлов-контракт асосида таълим грантлари корхоналар, ташкилотлар, шунингдек, жисмоний шахслар томонидан

ўзларининг кадрларга бўлган эҳтиёжини қондириш ва тегишли маълумот олиш учун ажратилади.

1. Корхона ва муассасалар тўлов-контракт асосида таълим грантлари ажратаётганларида ишлаб чиқариш ва унинг бўлинмалари фаолияти ихтисосига хос келувчи йўналиш ва мутахассисликлар бўйича кадрларга бўлган амалий эҳтиёжни ҳисобга олишлари керак.

2. Корхона ва муассасалар кадрларга бўлган ўз эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда тасарруфида олий ва ўрта махсус таълим муассасалари бўлган вазирлик ва идораларга 1 апрелгача буюртманома (бир нусхасини таълим муассасаларига) берадилар, унда таълим йўналишлари ва мутахассисликлар ҳамда ўқув йиллари бўйича қабулга буюртма миқдорини кўрсатадилар. Тўлов-контракт асосида қабул кўрсаткичларини шакллантириш бўйича масъулият Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва олий таълим муассасалари маркетинг хизматига юкланади.

3. Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссиясининг абитуриентларни тўлов-контракт асосида талабалikka (магистрантликка, ўқувчиликка) тавсия этиш тўғрисидаги қарори эълон қилингандан сўнг таълим муассасаси, буюртмачи (юримдик шахс) билан абитуриент ўртасида контракт (уч томонлама) расмийлаштирилади.

Тўлов-контракт асосида ўқишга кирувчи жисмоний шахслар ўқишга қабул қилувчи таълим муассасаси билан контракт (икки томонлама) тузадилар.

Тузиладиган контрактларда томонларнинг мажбуриятлари ва зарур бўлган қўшимча шартлар келишиб олинади.

10. Тўлов-контракт асосида ўқишга кирувчи абитуриентларни талабалikka қабул қилиш тегишли контракт расмийлаштирилгандан, бир ўқув йили учун ўқиш қиймати юримдик ёки жисмоний шахслар томонидан тўланганлиги (тўлиқ ёки белгиланган миқдорнинг камида 50 фоизи) тўғрисида тасдиқнома олингандан сўнг 15 сентябрдан кечиктирилмай таълим муассасаси бўйича буйруқ билан расмийлаштирилади.

II. КОНТРАКТНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ

11. Контракт томонлари қуйидагилар ҳисобланади:

а) уч томонлама контракт бўлганда, бир томондан — таълим муассасасининг маъмурияти номидан раҳбар, иккинчи томон-

дан — буюртмачи (юридик шахс) номидан раҳбар, учинчи томондан — абитуриент;

б) икки томонлама контракт бўлганда бир томондан — таълим муассасаси маъмурияти номидан раҳбар, иккинчи томондан — буюртмачи (жисмоний шахс).

12. Уч ёки икки томонлама контрактлар илова қилинаётган шакллар (1- ва 2-иловалар)га мувофиқ расмийлаштирилади:

юридик шахслар учун — 3 нусхада;

жисмоний шахслар учун — 2 нусхада.

Контрактлар бланкалари тест натижалари эълон қилингандан ва Давлат комиссияси тавсияномалари олингандан сўнг таълим муассасалари қабул комиссияси томонидан берилади.

Контрактларни тўлиқ расмийлаштириш 10 кун муддатда амалга оширилади.

Тўлиқ расмийлаштирилган контракт нусхалари контракт тузган томонларга берилади.

**Тўлов-контракт (уч томонлама контракт) асосида мутахассис
тайёрлашга
КОНТРАКТ**

_____ ш.

1999 йил « _____ »

Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси томонидан «Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шакли ва тушган маблағларни тақсимлаш тартиби тўғрисида» ги 1999 йил 24 июлдаги 3-сон қарори билан тасдиқланган Низомига мувофиқ

_____ номидан

(олий ёки ўрта махсус таълим муассасасининг номи)

_____ бир томондан,

(таълим муассасаси раҳбарининг фамилияси, исми шарифи, лавозими)

_____ (юрidik шахснинг номи)

(кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб аталади) номидан

_____ иккинчи томондан

(раҳбарнинг фамилияси, исми шарифи, лавозими)

Ва _____ йилда туғилган _____

манзилида яшовчи _____ учинчи томондан

(абитуриентнинг фамилияси, исми шарифи)

_____ ни

(абитуриентнинг фамилияси, исми шарифи)

_____ бўйича

(таълим йўналиши (мутахассислик) номи)

_____ маълумотли мутахассис қилиб

(олий, ўрта махсус)

тайёрлаш тўғрисида мазкур контрактни туздилар.

1. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ:

1. Таълим муассасаси:

– ўқитиш учун «Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ таълим муассасалари Уставида назарда тутилган зарур шарт-шароитларни яратиш;

– талаба (ўқувчи)ларга қонун билан берилган ҳуқуқларнинг эркин амалга оширилишини ва таълим муассасаси Уставига мувофиқ мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш;

– мутахассисни тасдиқланган ўқув режаси ва дастурларига мувофиқ давлат стандарти талаблари даражасида тайёрлаш;

– бошланадиган ўқув йилида ўқитиш учун тўловнинг белгиланган миқдори тўғрисида 1 августгача хабар бериш;

– энг кам ойлик иш ҳақи миқдори ёки тарифлар ўзгарганда таълимнинг қолган муддати учун тўлов миқдори ҳақида хабар бериш;

– томонларнинг розилигига кўра қуйидаги бошқа шартларни бажариш мажбуриятини олади:

2. Буюртмачи:

– жорий ўқув йили учун белгиланган ўқитишнинг тўлиқ қийматини ўз вақтида (ҳар йили тўлиқ ёки 2 марта бўлиб) тўлаш;

– ўқитиш учун тўлов ҳақини ўтказиш;

– бир йиллик контракт пулининг камида 50 фоизини — 10 сентябргача, қолган қисмини — 1 мартгача тўлаш;

– энг кам ойлик иш ҳақи миқдорлари ёки тарифлар ўзгарганда, ўқишнинг қолган муддати учун таълим муассасасига бир ой ичида ҳақ тўлаш ва контрактларга тегишли ўзгартиришлар киритиш;

– таълим йўналишлари (мутахассисликлари) ўқув режасига мувофиқ ишлаб чиқариш, диплом олди амалиёти ўтиш ва шу даврда талабани (ўқувчини) ҳақ тўланадиган штат лавозимида ишлашга шароит яратиш, келгуси иш жойи ва унинг хусусияти билан таништириш;

(фамилияси, исми-шариф)

тугатиши билан _____ разряд бўйича _____ ойлик иш ҳақи билан _____ лавозими бериш;

– томонларнинг келишувига кўра қуйидаги бошқа шартларни бажариш мажбуриятларини олади:

3. Талаба

(фамилияси, исми-шарифи)

(таълим йўналиши (мутахассислик) номи)

мутахассислик йўналишининг тегишли малака тавсифномасида назарда тутилган, шунингдек, «Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талабларига мувофиқ мустақил касб-хунар фаолиятини бажаришга зарур бўлган барча билимларни эгаллаш;

– томонларнинг келишувига кўра қуйидаги бошқа шартларни бажариш мажбуриятларини олади;

Таълим муассасасида ўқишни тугатиб _____ да ишлаб бериш;

(иш муддати кўрсатилади)

– Корхонага _____ йилнинг « _____ » _____ да етиб – келиш мажбуриятини олади.

Таълим муассасасининг абитуриентни ўқишга қабул қилинганлиги тўғрисидаги буйруғи, бир йиллик контракт қийматининг камида 50% тўлаганидан сўнг, 15 сентябрдан кечиктирилмасдан чиқарилади.

II. КОНТРАКТНИ БЕКОР ҚИЛИШ

1. Контракт қуйидаги ҳолларда бекор қилиниши мумкин:

- томонларнинг ўзаро розилиги билан;
- таълим муассасаси уставига мувофиқ маъмуриятнинг ташаббусига кўра, таълим олувчи ўқишдан четлаштирилганда;
- томонлардан бирининг контракт шартларини бажармаганида;

– узрли сабаблар билан таълим олувчининг ташаббусига кўра;
– таълим муассасаси ёки ташкилот-буюртмачи тугатилганида. Ушбу ҳолда тегишли томонлар ўртасида янги контракт расмийлаштирилади;

– амалдаги қонунчиликда кўрсатилган бошқа ҳолларда.

2. Контрактга ўзгартириш ва қўшимчалар томонларнинг келишувига асосан киритилади.

3. Томонлар ўртасида пайдо бўладиган низолар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари асосида ҳал этилади.

Контракт барча томонлар уни имзолаган кундан бошлаб кучга киради.

Томонларнинг юридик манзиллари:

Таълим муассасаси:

Буюртмачи:

Почта манзили: _____

Почта манзили: _____

Тўлов реквизитлари _____

Тўлов реквизитлари _____

Талаба

Ф.И.Ш. _____

Почта манзили _____

Паспорт серияси _____ рақами _____

(паспорт ким томонидан ва қачон берилган)

ТОМОНЛАРНИНГ ИМЗОЛАРИ:

Таълим муассасасининг
раҳбари _____

Буюртмачи — раҳбар

(Ф.И.Ш.)

(Ф.И.Ш.)

М.Ў. _____ ИМЗО
Бош ҳисобчи _____
(Ф.И.Ш.)
ИМЗО

М.Ў. _____ ИМЗО
Бош ҳисобчи _____
(Ф.И.Ш.)
ИМЗО

Талаба _____
(Ф.И.Ш.)
ИМЗО

Тўлов-контракт (икки томонлама контракт) асосида мутахассис тайёрлашга

КОНТРАКТ

_____ ш.

1999 йил «__» _____

Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси томонидан «Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шакли ва тушган маблағларни тақсимлаш тартиби тўғрисида»ги 1999 йил 24 июлдаги 3-сон қарори билан тасдиқланган Низомига мувофиқ

_____ **НОМИДАН**
(олий ёки ўрта махсус таълим муассасасининг номи)

(таълим муассасаси раҳбарининг фамилияси, исми шарифи, лавозими)

бир томондан, _____
(жисмоний шахснинг фамилияси, исми шарифи)

иккинчи томондан _____ **НИ**
(абитуриентнинг фамилияси, исми-шарифи)

_____ **бўйича**
(таълим йўналиши (мутахассислик) номи)

_____ **маълумотли мутахассис қилиб тайёрлаш**
(олий, ўрта махсус)

тўғрисида мазкур контрактни туздилар.

I. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

1. Таълим муассасаси: _____

– ўқитиш учун Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ таълим муассасалари Уставида назарда тутилган зарур шарт-шароитларни яратиш;

– талаба (ўқувчи)ларга қонун билан берилган ҳуқуқларининг эркин амалга оширилишини ва таълим муассасаси Уставига мувофиқ мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш;

– мутахассисни тасдиқланган ўқув режаси ва дастурларга мувофиқ давлат стандарти талаблари даражасида тайёрлаш;

- бошланадиган ўқув йилида ўқитиш учун тўловнинг белгиланган миқдори тўғрисида 1 сентябргача хабар бериш;
 - энг кам иш ҳақи миқдори ёки тарифлар ўзгарганда таълимнинг қолган муддати учун тўлов миқдори ҳақида хабар бериш;
 - томонларнинг розилигига кўра қуйидаги бошқа шартларни бажариш мажбуриятини олади:
-
-
-

2. Буюртмачи (жисмоний шахс):

- жорий ўқув йили учун белгиланган ўқитишнинг тўлиқ қийматини ўз вақтида (ҳар йили, тўлиқ ёки 2 марта бўлиб) тўлаш;

ўқитиш учун тўлов ҳақини ўтказиш:

бир йиллик контракт пулининг камида 50 фоизини — 10 сентябргача, қолган қисмини — 1 мартгача тўлаш;

- энг кам ойлик иш ҳақи миқдорлари ёки тарифлар ўзгарганда, ўқишнинг қолган муддати учун бир ой муддат ичида таълим муассасасига ҳақ тўлаш;

- абитуриентнинг ўқишга қабул қилинганлиги тўғрисидаги таълим муассасаси буйруғи, ўқитиш учун тўлов амалга оширилгандан сўнг, 15 сентябрдан кечиктирилмасдан чиқарилади.

II. КОНТРАКТНИ БЕКОР ҚИЛИШ

1. Контракт қуйидаги ҳолларда бекор қилиниши мумкин:

- томонларнинг ўзаро розилиги билан;
- таълим муассасаси маъмуриятининг ташаббуси билан унинг уставига кўра, таълим олувчини ўқишдан четлаштирилганда;

- томонлардан бйрининг контракт шартларини бажармаганида;

- узрли сабаблар билан таълим олувчининг ташаббусига кўра;

- таълим муассасаси ёки ташкилот-буюртмачи тугатилганида (ушбу ҳолда тегишли томонлар ўртасида янги контракт расмийлаштирилади);

- амалдаги қонунчиликда кўрсатилган бошқа ҳолларда.

2. Контрактга ўзгартириш ва қўшимчалар томонларнинг келишувига кўра киритилади.

3. Томонлар ўртасида пайдо бўладиган низолар қонунда белгиланган тартибда ҳал этилади.

Контракт иккала томонлар уни имзолаган кундан бошлаб кучга кирилади.

ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ

Таълим муассасаси:

Буюртмачи (жисмоний шахс)

Тўловчининг

Ф.И.Ш. _____

Почта манзили: _____

Почта манзили: _____

Тўлов реквизитлари _____

Паспорти: _____ серияси _____

Рақами _____

(паспорт ким томондан қачон берилган)

ТОМОНЛАРНИНГ ИМЗОЛАРИ

Таълим муассасасининг

Жисмоний шахс

раҳбари _____
(Ф.И.Ш.)

М.Ў. _____ имзо

_____ (Ф.И.Ш)

Бош бухгалтер _____
(Ф.И.Ш)

имзо

Талаба _____
(Ф.И.Ш)

Имзо

имзо

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ

Қ А Р О Р И

**Таълим муассасаларида стипендия тайинлаш ва тўлаш тартиби
тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 17 августдаги “Таълим муассасалари талабаларига стипендиялар тўлаш тартиби ва миқдорлари тўғрисида”ги 344-қарорининг 3- бандини бажариш мақсадида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Молия вазирлиги қарор қиладилар:

1. Таълим муассасаларида стипендияларни тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқнома тасдиқлансин.

2. Иқтисодиёт, инвестиция ва маркетинг хизмати бош бошқармаси бошлиғи М. Х. Саидовга ушбу йўриқнома Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтказилгандан сўнг 10 кунлик муддат ичида республика таълим муассасаларига амал қилиш ва ижро этиш учун етказиш топширилсин.

3. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилгандан 10 кун ўтганидан сўнг кучга киради ва 2003 йил 1 августига қадар амалда қўлланилади.

4. Мазкур қарорнинг кучга кирган кунидан бошлаб:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг “Ўрта махсус таълим ўқув муассасаларида ўқувчиларга стипендияларни тайинлаш ва тўлаш тартиблари тўғрисида”ги йўриқномаси (1999 йилни 15 январидagi 595-рақамли қайднома) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида СССР давлат комитетининг халқ таълими бўйича “Таълим муассасалари талабаларига стипендияларни тайинлаш ва тўлаш тартиблари тўғрисидаги кўрсатмани тасдиқлаш ҳақидаги” 20.08.1991й №386-буйруғи ва СССР давлат комитетининг халқ таълими бўйича “Касб-ҳунар техника билим юртлари ўқувчиларига стипендияларни тайинлаш ва тўлаш тартиблари тўғрисидаги кўрсатмани тасдиқлаш ҳақидаги” 30 декабрь 1988й №570- буйруғи қўлланилмасин.

**Олий ва ўрта махсус
таълим вазири**

С. С. Фуломов

Тошкент шаҳри, “ ____ ” 2002й № ____

Молия вазири

М. Нурмурадов

Тошкент шаҳри, “ ____ ” 2002й № ____

ва ўрта махсус таълим вазирлиги
ва Молия вазирлигининг 14.01.2002 й.
№151 ва №13 қарори билан
тасдиқланган

**Таълим муассасаларида стипендия тайинлаш ва тўлаш тартиби
тўғрисида**

Й Ў Р И Қ Н О М А

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 17 августдаги “Таълим муассасалари талабаларига стипендиялар тўлаш тартиби ва миқдорлари тўғрисида”ги 344- қарорини бажариш мақсадида мазкур йўриқнома ишлаб чиқилди ва олий таълим муассасалари талабаларига, шунингдек ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасаларига 2001/ 2002 ўқув йилигача ўқишга кирганлар ҳамда техникум, касб-хунар техника билим юрлари дастурлари бўйича ўқишни тамомлаётган ўқувчиларга стипендияларни тайинлаш ва тўлашни тартибга солиди.

1. Мазкур йўриқномада қўйидаги тушунчалар ишлатилади:

Стипендия — таълим муассасаларининг давлат гранти ва тўлов-контракти асосида кундузги шаклда таълим оладиган ўзлаштирувчи талабалари (ўқувчилари)га ойма-ой бериладиган пул маблағи.

Стипендия мутахассислик билимларини чуқур ўзлаштиришларини рағбатлантириш, мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда зарурий шароитларни яратиш мақсадида талаба(ўқувчи)ларга тўланади.

Стипендия комиссияси — таълим муассасасида талабаларга стипендияларни тайинлаш учун ўқув ишлари бўйича проректор (директор ўринбосари) раислигида факультет деканлари (бўлим бошлиқлари), касаба уюшмаси ва ёшлар ташкилоти, академик гуруҳлар, бухгалтерия вакиллари иштирокида ташкил қилинади ва таълим муассасасининг ректори (директор) томонидан тасдиқланади.

Рейтинг назорати — таълим муассасаларида давлат таълим стандартларига кирувчи фанлар бўйича талаба(ўқувчи)лар билими ва маҳоратининг аттестацион синови.

Ўзлаштирувчи талаба(ўқувчи) — олдинги ўқув семестри учун рейтинг назорати натижалари бўйича академик қарзи бўлмаган талаба (ўқувчи).

2. Талаба (ўқувчи)ларнинг ўзлаштириш даражасига боғлиқ ҳолда стипендияларнинг миқдори табақалаштирилади.

3. Таълим муассасаларида 2001 йил 1 сентябрдан талаба (ўқувчи)ларнинг ўзлаштириш даражасига боғлиқ равишда табақалаштирилган коэффициентни қўллаш орқали базавий стипендия миқдорлари ўрнатилган:

- рейтинг бўйича максимал баллар (86-100%) - 1,0
- рейтинг бўйича юқори баллар (71-85%) - 0,75
- рейтинг бўйича ўртача баллар (55-70%) - 0,5

Стипендия миқдорларининг таълим муассасаси турига ва талаба (ўқувчи) тоифаларига боғлиқлиги 1, 2 ва 3- иловаларда келтирилган.

4. Давлат гранти бўйича ва тўлов-шартномаси асосида таълим олаётган бакалаврият ва магистратуранинг биринчи курс талабаларига стипендия миқдори биринчи семестрда базавий стипендия миқдорига 0,5 коэффициентни қўллаш билан ўрнатилади. Иккинчи ва кейинги семестрларда талабанинг ўзлаштириши (рейтинг)га боғлиқ ҳолда табақалаштирилган коэффициентларни қўллаш орқали ўрнатилади.

5. Ўзлаштирувчи талаба (ўқувчи)ларга стипендияларни тайинлаш стипендия комиссияси томонидан уларнинг рейтинг назоратлари натижаларига кўра қуйидаги тартибда амалга оширилади:

1) ўқув семестри давомида ҳар бир фандан максимал балларининг 86% идан кам бўлмаган миқдорда балл тўплаган талабага 1,0 коэффициент билан стипендия белгиланади;

2) ўқув семестри давомида ҳар бир фандан максимал балларининг 71% идан кам бўлмаган миқдорда балл тўплаган талабага 0,75 коэффициент билан стипендия белгиланади;

3) ўқув семестри мобайнида бир ёки ундан ортиқ фандан максимал балларнинг 55-70% чегарасида балл тўплаган талабага 0,5 коэффициент билан стипендия белгиланади.

Стипендия комиссияси томонидан стипендиялар тайинлаш учун тавсия қилинган талаба (ўқувчи)лар рўйхати таълим муассасаси ректори (директори) буйруғи билан тасдиқланади.

6. Таълим муассасасининг ўқув семестри бўйича рейтинг назорати натижаларига кўра қарзи (битта ёки кўпроқ фанлар бўйича рейтинг камида 55%) бўлган талаба (ўқувчи), навбатдаги ўқув семестрининг биринчи санасидан стипендия олиш ҳуқуқини йўқотади.

Белгиланган тартибда академик қарзини (тегишли фанлар бўйича 55 ёки кўпроқ % тўплаган) бартараф қилган талаба (ўқувчи)ларга, академик қарзини топширгандан кейинги ойнинг биринчи санасидан бошлаб стипендия тайинланади.

7. Тегисли хужжатлар билан тасдиқланган, касаллик ёки бошқа узрли сабабларга кўра академик қарзи бўлган талаба (ўқувчи)лар, таълим муассасаси ректори (директори) томонидан белгиланган индивидуал муддатларда академик қарзини топширмагунча стипендиядан маҳрум қилинмайди.

8. Ўқув дастурида кўзда тутилган малакавий амалиёт ва таътил даврида, талаба (ўқувчи)ларнинг стипендия олиш ҳуқуқи сақлаб қолинади.

9. Нафақа оладиган талаба (ўқувчи)ларга умумий асосларда стипендия тайинланади.

10. Академик таътил даврида талаба (ўқувчи)ларга стипендия тўланмайди.

Академик таътилдан қайтгач, талаба (ўқувчи)ларга стипендияларни олдинги миқдорда жорий ўқув семестрининг охиригача тўлаш тикланади.

11. Таълим муассасаси маъмурияти ташаббуси билан ўқишдан четлаштирилган талаба (ўқувчи)лар ўқишини тиклаш пайтида олдинги ўқув семестри учун стипендия базавий миқдорига 0,5 коэффицент қўлланиб, тайинланади.

12. Ҳомиладорлик ва туғиш таътили учун талаба (ўқувчи)ларга муддатлар тугагач, қонунчиликда белгиланган тартибда стипендиянинг тўлиқ миқдори тўланади.

Агар академик таътил вақтида ҳомиладорлик вужудга келса, вақтинчалик меҳнатга яроқсизлиги тўғрисида намунавий маълумотлар тақдим этилса, академик таътил тўхтатилади ва ҳомиладорлик бўйича ва туғиш учун таътил белгиланади. Кундузги шаклда таълим олишни давом эттираётган ва 2 ёшга тўлмаган фарзанди бўлган талаба (ўқувчи) аёлларга стипендия тўлиқ миқдорда ва болага парвариши бўйича ойма-ой пул маблағи қонунчиликда белгиланган миқдорда бир вақтнинг ўзида тўланади. Фарзанди 2 ёшга тўлгунча бола парвариши бўйича таътилда бўлганларга стипендия тўланмайди.

13. Белгиланган тартибда бир таълим муассасаси (факультет, бўлим)дан бошқасига, шунингдек таълимнинг сиртқи шаклидан кундузги шаклига ўтказилган талаба (ўқувчи)ларга, ўқув режасидаги фарқларни бартараф қилгандан кейингина стипендия тайинланади.

Академик қарзи бўлмаганда, олдинги ўқув жойидаги академик маълумот (рейтинг дафтарчаси)да кўрсатилган рейтинг назорати натижаларига кўра стипендия тайинланади ва таълим муассасасининг ректори (директори) буйруғи асосида тўланади. Ёзги таътил учун стипендия талаба (ўқувчи)ларга ўтказилгунча таълим олган таълим муассасаси томонидан тўланади.

14. Давлат гранти бўйича таълим муассасаларининг сиртқи бўлим охирги курсларида таълим олаётган талаба (ўқувчи)ларга Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 256-моддасига мос равишда битирув малакавий ишлари материалларини тайёрлаш учун ўттиз календар кун давомлигида иш ҳақлари сақланмаган ҳолда таътил берилади. Кўрсатилган муддатдаги таътилда талаба (ўқувчи)га умумий асосда стипендия ёзилади.

15. Олий таълим ректори – васийлик ва илмий кенгаш тавсияси асосида, олий таълим муассасасининг тегишли йилда тасдиқлаган сарф-харажатлар сметасидаги стипендия фонди чегарасида иқтидорли ва жамоат ҳаётида фаол бўлган талабаларга, таълим муассасасининг номдор стипендияларини тайинлаш ҳуқуқига эга. Олий таълим муассасаларидаги номдор стипендияларнинг миқдори рейтинг назорати бўйича максимал баллга эга талабалар стипендиялари миқдоридан 10% юқори ўрнатилади.

16. Талаба (ўқувчи)лар стипендияларидан ушлаб қолишларга рухсат берилмайди.

17. Стипендияларни тайинлаш ва тўлашда қонунчиликнинг бузилишидаги айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгардирлар.

Қ А Р О Р И

Таълим муассасаларида тўлов-контракт асосида ўқиш учун таълим кредитлари бериш тўғрисида

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш, ёшларнинг таълим олиши учун янада кенг имкониятлар яратиш, олий маълумот олаётган фуқароларни ижтимоий муҳофаза қилишни кучайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, тижорат банкларининг республика таълим муассасаларида тўлов-контракт асосида ўқишга тўлаш учун тижорат банклари томонидан таълим кредитлари беришни 2001-2002 ўқув йилидан бошлаб амалиётга жорий этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

Белгилаб қўйилсинки, таълим кредитлари тўлов-контракт асосида ўқиш учун таълим муассасаларига қабул қилинган Ўзбекистон фуқароларига, уларнинг ота-оналари ёки васийларига берилади.

2. Таълим муассасаларида тўлов-контракт асосида ўқиш учун таълим кредитлари бериш тўғрисидаги Низом тасдиқлансин.

3. Тижорат банклари, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва олий таълим муассасаларининг:

чин етимлар, «Меҳрибонлик уйлари»да тарбияланган ҳамда болалиқдан I ва II гуруҳ ногиронлари учун — фоизсиз таълим кредитлари бериш;

кам таъминланган оилалардан чиққан талабалар учун — кредит учун қўшилган фоизлар суммасининг 50 фоизини Иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағларидан тўлаган ҳолда имтиёзли кредитлар бериш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

4. Тижорат банкларига:

кредитнинг асосий суммаси ўқув юртини битиргандан кейин қайтариладиган имтиёзли даврли кредитлар бериш;

таълим кредитлари учун фоиз ставкаси миқдорини Марказий банкнинг амалдаги қайта молиялаш ставкасидан юқори бўлмаган миқдорларда белгилаш тавсия этилсин.

5. «Ўзтелерадио» компанияси, Миллий ахборот агентлиги оммавий ахборот воситаларида таълим кредитлари, шу жумладан, имтиёзли шартлардаги таълим кредитлари олиш имкониятлари ва уларнинг ижтимоий аҳамияти кенг ёритилишини таъминласинлар.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Р. Азимов ва Ҳ. Кароматов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг
Раиси**

И. Каримов

Тошкент шаҳри.
2001 йил 26 июль.

ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ТЎЛОВ-КОНТРАКТ АСОСИДА ЎҚИШ УЧУН ТАЪЛИМ КРЕДИТЛАРИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Н И З О М

1. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларида тўлов-контракт асосида ўқиш учун тижорат банклари томонидан таълим кредитлари бериш ва уларни қайтариш тартибини белгилайди.

2. Тижорат банклари томонидан таълим кредитлари бериш уларни қайтариш, тўловнинг таъминланганлиги, муддатлилиги ва улардан мақсадли фойдаланиш шартлари асосида амалга оширилади.

3. Таълим кредитлари тижорат банклари томонидан олий таълим муассасаларининг кундузги бўлимларига тўлов-контракт асосида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган талабаларнинг ўқиши учун талабаларнинг ўзларига, уларнинг ота-оналарига ёки васийларига, (бундан кейин матнда «Қарз олувчи» деб аталади) берилиши мумкин.

4. Таълим кредитлари, олий таълим муассасаларида ўқиш даври ҳисобга олинган ҳолда, бакалавриятга ўқишга қабул қилинган талабаларга 10 йилгача, магистратурага ўқишга қабул қилинган талабаларга 5 йилгача бўлган муддатга берилади.

Муддатли ҳарбий хизматни ўташ даври бу муддатга кирмайди.

5. Мазкур Низомга мувофиқ тижорат банклари томонидан берилган таълим кредитлари бўйича:

чин етимларга, «Меҳрибонлик уйлари»да тарбияланганларга ҳамда болаликдан I ва II гуруҳ ногиронларига — нол фоиз ставкаси (фоизсиз кредит); ..

талабаларнинг қолган тоифаларига — Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг амалдаги қайта молиялаш ставкасидан юқори бўлмаган ўзгарувчи фоиз ставкалари белгиланади.

Таълим кредитлари бўйича фоиз ставкаси ва тижорат банклари томонидан қўшиладиган фоизлар учун тўловлар миқдори Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси ўзгаришига қараб ўзгариши мумкин, бу кредит шартномасида қайд этилиши керак.

6. Кам таъминланган оилалардан бўлган талабалар учун кредит бўйича қўшилган фоизларнинг 50 фоизи меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш туман бўлимлари томонидан Иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармаси (кейинги ўринларда «Жамғарма» деб аталади) маблағларидан тўланади.

Кўрсатиб ўтилган имтиёзга ҳуқуқли бўлган оилалар «Кам таъминланган оилаларни ҳисобга олиш ва уларга моддий ёрдам тайинлаш ва беришнинг амалдаги тартиби»га мувофиқ (Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 24 августдаги 434-сон қарорига илова) фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан аниқланади.

7. Таълим кредитлари учун фоизларни ҳисоблаш ва тўлаш таълим муассасасига ўтказилган сумма берилган вақтдан, асосий қарзни қайтариш эса талаба томонидан олий таълим муассасасида ўқишнинг таълимнинг ушбу тури учун расмий белгиланган муддати тугаллангандан сўнг, айрим курсларда такроран ўқиш муддати ҳисобга олинмасдан, уч ой ўтгандан сўнг бошланади.

Талаба муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган даврда таълим кредитлари учун фоиз ставкалари ҳисобланмайди.

8. Таълим кредитлари, қоидага кўра, қарз олувчи яшайдиган аҳоли пунктида жойлашга тижорат банклари муассасалари томонидан берилади.

II. Кредитни расмийлаштириш тартиби

9. Таълим кредитини олиш учун қарз олувчи тижорат банкига қўйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

а) таълим кредити бериш тўғрисидаги ариза;

б) талаба ва олий таълим муассасаси ўртасидаги тўлов-контракт асосида ўқиш ҳақида белгиланган тартибда расмийлаштирилган шартнома (контракт). Контрактда ўқишнинг белгиланган муддати ва бир йил учун тўлов миқдори кўрсатилган бўлиши лозим. Ўқиш учун тўлов миқдори кейинги йилларда ўзгарган ҳолларда кейинги йилларда ўзгарган ҳолларда контрактларга тегишли ўзгартиришлар киритилади, бу ҳақда олий таълим муассасаси ўн кун муддатда банкка ёзма равишда маълум қилади, сўнгра қарз олувчи, банк ва олий таълим муассасаси ўртасидаги кредит шартномасига зарур ўзгартиришлар киритилади;

в) фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёки уй-жой мулкдорлари ширкатлари томонидан қарз олувчининг яшаш жойи тўғрисида берилган маълумотнома;

г) кредитни қайтаришнинг таъминланиши тўғрисида ҳужжат;

д) имтиёзли таълим кредитлари олиш ҳуқуқига эга бўлган чин етимлар, «Меҳрибонлик уйлари»да тарбияланганлар, болаликдан I ва II гуруҳ ногиронлари, кам таъминланган оилалардан чиққанлар тегишли тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этадилар.

Қарз олувчи юқоридаги ҳужжатларни банкка тақдим этиш билан айна бир вақтда паспортини шахсан кўрсатади. Банк паспортдан ва тақдим этилган бошқа ҳужжатлардан зарур кўчирмалар ва нусхалар олишга ҳақлидир.

10. Олинган кредит қайтарилмаслиги хавфининг олдини олиш мақсадида қарз олувчи қўйидаги таъминлаш шакллари-дан бирини банкка тақдим этиш лозим, унинг амалга оширилиши унга қўйилган асосий талаб ҳисобланади:

мол-мулк ёки қимматли қоғозларни гаровга қўйиш;

банкнинг кафолати;

учинчи шахснинг кафиллиги;

суғурта компаниясининг қарз олувчининг кредитни қайтара олмаслиги хавфи суғурта қилинганлиги тўғрисидаги суғурта полиси;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг кафиллиги (фақат чин етимлар ва «Меҳрибонлик уйлари»да тарбияланганлар, болаликдан I ва II гуруҳ ногиронлари ва кам таъминланган оилалардан чиққанлар учун).

11. Банк қарз олувчи томонидан кредит олиш учун тақдим қилинган ариза ва бошқа ҳужжатларни ўрганиб чиқади.

Агар кредитни қайтариш таъминланиши сифатида кафолат ёки кафиллик шартномаси тақдим қилинган бўлса, банк гарант ва кафилнинг молиявий аҳволини баҳолайди.

Агар кредитни қайтариш таъминланиши сифатида кафолат ёки кафиллик шартномаси тақдим қилинган бўлса, банк гарант ва кафилнинг молиявий аҳволини баҳолайди.

Агар кредитни қайтариш таъминланиши сифатида мол-мулк ёки қимматли қоғозлар қўйилган бўлса, банк уларнинг бозор нархларини аниқлайди.

12. Агар тақдим этилган ҳужжатлар банк талабларига жавоб берса, банк, қарз олувчи ва олий таълим муассасаси ўртасида кредит шартномаси тузилади.

13. Кам таъминланган оилалардан чиққан талабаларнинг ўқиши учун таълим кредитлари бериш учун ҳар бир томоннинг мазкур Низомдан келиб чиқувчи ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқ белгиланган ҳолда банк, қарз олувчи, олий таълим муассасаси ва иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармаси ўртасида кўп томонлама кредит шартномаси тузилади.

14. Тижорат банклари қарз олувчи томонидан таълим кредити беришни сўраб банкка тақдим қилинган ариза ва унга илова қилинган тўла ҳужжатлар тўпламини 10 иш куни мобайнида кўриб чиқиши ва кредит шартномасини имзолаши ёки кредит берилмаслиги тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда аризачига кредит беришнинг рад этилиши сабаби кўрсатилган ёзма хулоса бериши лозим.

III. Кредит бериш, кредитни қайтариш ва фоиз тўловларини амалга ошириш тартиби

15. Таълим кредити қарз олувчининг ссуда ҳисоб рақамидан унинг шахсий ёзма топшириғи асосида олий таълим муассасасининг талаб қилиб олинадиган депозит ҳисоб рақамига маблағ ўтказиш йўли билан берилади.

16. Таълим кредитлари бўйича маблағлар кредит шартномасида қайд этилган шартларда ҳар ярим йилда ўқиш учун йиллик тўловнинг тўлиқ миқдорини икки тенг қисмга бўлиш йўли билан ўтказилади. Бунда янгидан қабул қилинган талабалар учун биринчи ярим йилликда ўқиганлик учун бошланғич тўлов жорий йилнинг 1 октябригача, иккинчи ярим йиллик учун навбатдаги календарь йилнинг 15 мартигача тўланади.

Ўқишнинг иккинчи йилдан бошлаб кредит ҳисобига тўловлар ҳар ярим йиллик биринчи оyi (сентябрь ва март)нинг 5-кунидан кечиктирилмай тўланади.

17. Фоизлар қарз олувчи томонидан кредит шартномасида қайд этилган шартларда тўланади.

Кам таъминланган оилалардан чиққан талабаларнинг ўқишига таълим кредитлари учун фоизлар қарз олувчи ва Жамғарма томонидан ҳар ойда, ҳисобланган фоизлар суммасининг x қисми бўйича тенг улушларда тўланади.

Жамғарма ҳисобланган фоизлар суммасини тўлов топшириқномаси билан банк билдиришномаси олингандан кейин уч куни мобайнида ўтказилади.

18. Таълим кредити берилгандан сўнг банк кредит таъминланиши бўйича шартномада кўрсатилган тартибда мониторинг олиб боради.

19. Агар талаба ўқиш даври тугамасдан талабалар сафидан чиқарилса, таълим муассасаси раҳбарияти ректор (директор)нинг буйруғи чиққан кундан бошлаб 10 иш куни мобайнида бу ҳақда банкка хабар бериши керак, қарз олувчи эса ўз навбатида уч ой муддатда таълим кредити ва унга қўшилган фоизларни бўйича қарзларни тўлиқ қайтариши лозим.

Талабанинг талаба сафидан чиқарилиши олий таълим муассасаси томонидан банкка ўз вақтида маълум қилинмаган тақдирда, таълим муассасаси ушбу давр учун ҳисобланган фоизларни банкка тўлашга мажбур.

Ушбу шартлар банк, қарз олувчи ва олий таълим муассасаси ўртасида тузиладиган кредит шартномасида акс эттирилиши керак.

20. Таълим кредитлари кредит шартномасида белгиланган муддатда қайтарилмаган тақдирда, банк гаров тўғрисидаги шартномага мувофиқ ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кредитни таъминлаш объектини тасарруф этиш йўли билан кредит бўйича қарз суммасини ундириб олади. Агар кредитнинг қайтарилишини таъминлаш сифатида таъминлашнинг бошқа шакллари тақдим этилган бўлса, банк белгиланган муддатда қайтарилмаган таълим кредитини улар ҳисобига ўз вақтида қайтарилиши чораларини кўриши керак.

21. Қарз олувчи кредитни кредит шартномасида белгиланган муддатдан олдин қайтаришга ҳақлидир.

ТАЯНЧ ТЕРМИНЛАР ВА СЎЗ БИРИКМАЛАРИ

Активлар — хўжалик юритувчи субъект мулки ташкил этган барча нарсалар ва актив балансида акс эттириладиган қийматга эга бўлади.

Акцепт — тўлашга розилик ёки кафолатланган тўловлар.

Иқтисодий таҳлил — хўжалик фаолиятини унинг самаралилигини ошириш мақсадида ўрганиш

Ижара — бир томоннинг (ижара берувчининг) иккинчи томон — мулкни шартнома бўйича ижарага олувчига вақтинча фойдаланиш ва эғалик қилиш ёки муайян вақт фойдаланиш учун берилиши

Аукцион — товарларнинг айрим турларини сотиш усули

Кирим ва чиқимлар баланси — молия режаси қисмларининг бири, молия хўжалик фаолияти натижаларини пул шаклида ифодалайди

Банк — кредит ташкилоти, у марказий банк лицензияси билан ижозат этилган банк операцияларини амалга ошириш мутлақ ҳуқуқига эга

Бартер, мувоза — мол айирбошлаш

Бизнес — тадбиркорлик фаолияти

Брокер — товарлар, қимматдор қоғозлар ва хизматлар бозорида турли битимларни амалга оширувчи воситачи

Бюджет — давлат ҳокимияти идоралари вазифасини таъминлаш, давлат томонидан белгиланган мақсадларга эришиш учун пул маблағининг ташкил топиши ва сарфланиши шакли

Давлат бюджети — пул ресурслари умумдавлат фондининг ташкил топиши ва ундан фойдаланиш асосий молиявий режаси

Ялпи даромад — хўжалик фаолиятининг якуний натижаси, ҳисоб рақамига тушадиган пул маблағидан иборат маҳсулот сотишдан тушумга асосан белгиланади

Ялпи ички маҳсулот — макроиқтисодий кўрсаткичларни умумлаштирувчиларнинг бири, мамлакат ичида йил мобайнида ишлаб чиқарилган сўнгги маҳсулот умумий қийматларини бозор нархларида ҳисобланган ифодаси

Валюта — пул бирлиги, сотилган товарларни, бажарилган ишларни ва кўрсатилган хизматларни ҳисоблаш учун товарлар

(иш, хизмат) бирлиги қиймати, миқдорини белгилаш учун фойдаланилади

Бюджетдан ташқари мақсадли фондлар — пул маблағлари давлат ва минтақавий мақсадли фондларнинг ўзига хос тури

Қалам ҳақи, гонорар — пул мукофоти

Давлат буюртмалари — давлат эҳтиёжларини таъминлаш учун муайян товар моддий қимматдорликлар буюртмалари

Грантлар — пул ва бошқа воситалар, грант берувчи кўзда тутган шартлар асосида муайян мақсадлар учун бегараз ва қайтармаслик асосида берилади

Дебитор — қарздор

Пул активлари — пул маблағининг умумий миқдори

Тақчил, дефицит — маблағ етишмовчилиги

Бюджет тақчиллиги — бюджет харажатларининг унинг даромадларидан ошиб кетиши

Шартнома — икки ёки undan ортиқ шахсларнинг келишуви

Сарфлар — моддий, меҳнат, молиявий, табиий ва бошқа хил ресурсларнинг сарфлари

Молиявий риск зонаси — эҳтимоли бор йўқотишлар даражаси бўйича молиявий рискларни гуруҳлаш (тўртта зонаси маълум: рисксиз, мумкин бўлган рискли зона, танг рискли зона ва ҳалокатли риск зонаси)

Импорт — товарлар, ишлар, хизматлар, технологиялар, капиталлар, интеллектуал мулк натижаларини келтириш

Мулк — жисмоний ёки юридик шахслар эгаллигида бўлган ашёлар моддий қимматдорликлар мажмуи

Инвестициялар — пул маблағлари, технологиялар, ускуналар, лицензиялар, банк қўйилмалари, қимматдор қоғозлар фойда олиш ва ижобий ижтимоий самарага эришиш учун фаолиятнинг тадбиркорлик ёки бошқа тури объектларига қўйилади

Инвесторлар — ўз маблағларини инвестициявий лойиҳа ва программаларга қўувчи юридик ёки жисмоний шахслар, давлат идоралари, халқаро ташкилотлар

Кредит — пул ёки товар шаклидаги қарз

Кредитор — кредит берувчи жисмоний шахс, фирма ёки молиявий институт

Лизинг — мулкни сотиб олиш ва лизинг шартномаси асосида уни муайян тўлов асосида жисмоний ёки юридик шахсларга бериш бўйича инвестиция фаолияти тури

Лицензия — расмий ҳужжат, ўзида кўрсатилган фаолият турини белгиланган муддат мобайнида амалга ошириш учун рухсатнома

Маркетинг — бозор иқтисодиётини ривожлантиришни ташкил қилишдаги ташкилотлар ва ишлаб чиқариш-сотиш ҳамда савдо, банк фаолияти тизими

Маҳаллий бюджет — маҳаллий ўз-ўзини бошқариш идоралари тасдиқлайдиган ва бажарадиган муниципал тарзда ҳосил бўладиган, шаклланадиган бюджет

Монетаризм — давлатнинг пул-кредит сиёсати

Мониторинг — айрим жараёнларнинг, шунингдек табиий ва ижтимоий муҳитни умумий тарзда аҳволини кузатиш, баҳолаш, таҳлили ва башоратланиши

Жамғарилиш — маҳсулот ишлаб чиқаришни кенгайтириш мақсадида ишлаб чиқариш омиллари (ишлаб чиқариш воситалари ва ишчи кучлари)ни ошириш учун даромаддан фойдаланиш

Солиқлар — давлат (марказий ва маҳаллий ҳокимият) томонидан ундириладиган мажбурий тўловлар

Миллий даромад — йил мобайнидаги қийматларда янгидан яратилган ижтимоий маҳсулот мажмуининг бир қисми

Боқиманда — солиқ тўловчи томонидан тўланмаган солиқ ёки йиғимлар миқдори

Резидент бўлмаганлар — республикадан ташқарида доимий яшаш жойига эга бўлган жисмоний шахслар

Оффшор зонаси — солиқ солиш ниҳоятда паст бўлган зона

Пассив — бухгалтерия балансининг ўнг қисми, юридик шахс (ташкилот, фирма, корхона) маблағининг шаклланиш манбаини ифода этади

Молиявий хавфсизлик чегараси — мақбул бўлмаган бозор конъюктураси шароитида маҳсулот сотиш ҳажмининг йўл қўйилган миқдорий даражаси

Фойда — тадбиркорлик фаолиятининг асосий мақсади амалга ошириладиган ташкилот ишининг якуний кўрсаткичи

Хусусийлаштириш — ишлаб чиқариш воситаларини давлат тасарруфидан чиқариш жараёнининг бир қисми ва уни хусусий ҳамда акциядор компанияларга ёки айрим жисмоний шахсларга хусусий мулк қилиб бериш

Резидент бўлганлар — республикада доимий тураржойга эга бўлган жисмоний шахслар

Реклама — жисмоний ёки юридик шахслар, товарлар, гоёлар ва бошланғич ишлар ҳақидаги исталган шаклда хборот тарқатилиши, бу муайян доирага мўлжалланган бўлади ва мазкур жисмоний ёки юридик шахсга, товарга, гоёга ва бошланган фаолиятга бўлган қизиқишни шакллантиради ёки қўллаб-қувватлайди.

Хусусий мулк — ишлаб чиқариш воситалари ва истеъмол буюмларини ўзлаштиришни тавсифловчи ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш, истеъмол этишда кишилар ўртасида тарихан ўзгарувчи объектив муносабатлар тизими

Талаб — турли товарлар, ишлар, хизматлар, пул маблағлари ва бошқа объектларга истеъмолчиларнинг тўловига лаёқатли эҳтиёжи

Стогнация — иқтисоддаги турғунлик

Суғурталаш — муайян ҳодисалар (суғурта ҳолатлари) юз беришида жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкий манфаатлари ҳимояси

Субсидия — давлат бюджети, маҳаллий бюджетлар ёки махсус фондлардан пул ёки натура шаклидаги воситаларни юридик ёки жисмоний шахслар, маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари бошқа томонларга бериш

Тариф — 1) турли хизматлар учун тўлов миқдорини белгиловчи ставкалар тизими; 2) бюджет ташкилотлари ходимларининг меҳнатига тўланадиган ҳақ ставкалари системаси

Жорий ҳисоб — 1) пул маблағини сақлаш ва Ўзбекистонда ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун фойдаланиладиган ва ҳисоб-китоб ва бюджетдан ташқари маблағлар билан операцияларни амалга ошириш учун бюджет ташкилотлар ва муассасалар, тижорат ташкилотларининг бўлимлари, шунингдек турли жамоатчилик ташкилотлари ва фондлари очадиган банкдаги ҳисоб тури; 2) жисмоний шахслар учун очиладиган банкдаги ҳисоб рақами

Устав фонди — унитар (бирлашган) корхоналар устав капиталининг шакли

Молиявий сиёсат — муайян мақсадларга эришишга йўналтирилган молия соҳасидаги тадбирлар мажмуи

Молиявий мезон ва меъёрлар — макро- ва микроиқтисодий манфаатларни ёки уларни айрим-айрим ҳолда уйғунлаштириш асосида муайян шартлардан келиб чиқиб ҳисобланган у ёки бу кўрсаткичлар қиймати

Меҳнатга ҳақ тўлаш фонди — ходимларга тўлаш учун мўлжалланган пул маблағи миқдори

Фьючерс операциялари — (қоғоз битимлар) товарни олиш-сотишни кўзда тутувчи ҳуқуқ (мавжуд товарни эмас)

Мақсадли бюджет фондлари — бюджет тизими унсурларидан бири. Юқори устуворликка эга йўналишларни молиялаш учун тузилади.

Нарх — товарлар (ва хизматлар) қийматининг пулдаги ифодаси

Соф фойда — муайян вақт мобайнида ташкилот томонидан солиқни чегириб ташлангандан кейин қўлга киритилган даромад

Лавозим жадвали — корхона мулки эгаси, раҳбар ёки юқори идора тасдиқлайдиган бир номдаги лавозимлар ва лавозим машошлари ҳажми кўрсатилган рўйхат

Иқтисодий фаолият — товарлар (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш, амалга ошириш ва сотиш билан боғлиқ ҳар қандай фаолият, шунингдек даромад (фойда) олишга, фаолиятнинг натижаларидан қатъий назар, қаратилган ҳар қандай фаолият

АДАБИЁТ

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, — Т., Ўзбекистон 1992.
2. Каримов И. А. Ўзбекистон келажаги буюк давлат. — Т.: Ўзбекистон, 1992.
3. Каримов И. А. Буюк келажагимизнинг ҳуқуқий кафолати. — Т.: Шарқ, 1993.
4. Каримов И. А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. — Т.: Ўзбекистон, 1994.
5. Каримов И. А. Истиқлол ва маънавият. — Т.: Ўзбекистон, 1994.
6. Каримов И. А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. — Т.: Ўзбекистон, 1995.
7. Каримов И. А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. — Т.: Ўзбекистон, 1996.
8. Каримов И. А. Ўзбекистон, миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1 жилд, 1996.
9. Каримов И. А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. — Т.: Ўзбекистон, 1997.
10. Каримов И. А. Баркамол авлод — Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. «Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг бош таҳририяти, 1997.
11. Каримов И. А. Жамиятимиз мафкураси халқни халқ, миллатни миллат қилишга хизмат этсин. «Тафаккур», 1998.
12. Каримов И. А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. «Мулоқот», 1998.
13. Каримов И. А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. — Т.: 1999.
14. Каримов И. А. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XIV сессияси материалларини таълим муас-

сасаларининг ўқув дастурларига киритиш тўғрисида. — Т., 1999.

15. Каримов И. А. Ўзбекистон буюк келажак сари. — Т., 1998.

16. Каримов И. А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. — Т., 1998.

17. Каримов И. А. Ўзбекистон — бозор муносабатлари-га ўтишнинг ўзига хос йўли. — Т., 1998.

18. Каримов И. А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. — Т., 1998.

19. Каримов И. А. Бунёдкорлик йўлидан. 4 жилд, 1996.

20. Каримов И. А. Янгича фикрлаш ва ишлаш — давр талаби. 5 жилд. 1997.

21. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»-ги Қонуни.

22. Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» Қонуни.

23. Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида»ги Қонуни.

24. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори (№4, 05.01.98 й.), «Узлуксиз таълим тизимини дарсликлар ва ўқув адабиётлари билан таъминлашни такомиллаштириш тўғрисида».

25. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори (№5, 05.01.98 й.), «Узлуксиз таълим тизими учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш тўғрисида».

26. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори (№48, 28.01.98 й.), «Таълим хизматлари кўрсатиш бозорини шакллантиришни ва кадрлар тайёрлаш соҳасида маркетингни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида».

27. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори (№77, 24.02.98 й.), «Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларини ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини бошқариш тўғрисида».

28. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори (№406, 23.09.98 й.), «1999—2005 йилларда акаде-

мик лицейлар ва касб-хунар коллежларининг моддий-техника базасини ривожлантириш ҳамда маблағ билан таъминлаш дастури тўғрисида».

29. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори (№414, 03.09.1999 й.), «Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида».

30. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори (№343, 26.07.2001 й.), «Таълим муассасаларида тўлов-контракт асосида ўқиш учун таълим кредитлари бериш тўғрисида».

31. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори (№344, 17.08.2001 й.), «Таълим муассасаларида стипендия тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш тўғрисида».

32. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим, Молия, Адлия вазирликларининг олий таълим муассасаларини молиялашга тааллуқли бошқа буйруқ, фармойиш ва меъёрий ҳужжатларидан фойдаланилди.

33. M. Saidov and others Assistance to reforming the system of education in the republic of Uzbekistan. Chapter I Educational administration and management

34. M. Saidov and others Assistance to reforming the system of education in the republic of Uzbekistan Chapter V Education funding.

35. Высшая школа в 1994 году. Ежегодный доклад развития высшего образования — М.: НИИВШ, 1995.

36. Высшее образование в России: состояние и проблемы развития. Под редакцией Кинелева ← Е. ← М. НИИВШ, 1994.

37. Георгиева Т.О. Высшая школа США на современном этапе. — М.: Высшая школа, 1989.

38. Джонсон Р., Каст Ф., Розенцвейг Д. Системы и руководство. — М.: 1991.

39. Димитриев М. Финансирование социальной сферы. «Вопросы экономики», 1996, №10.

40. Елисеева И., Бутова Н. Высшее образование в России: пути совершенствования // Ученые записки секции МАНВШ. Выпуск 3. С-Пб, 1997.
41. Жильцов Е. Проблемы формирования финансово-экономического механизма высшей школы. Материалы международной конференции «Экономика и управление высшей школы». — Красноярск: НИИВШ, 1992 г.
42. Жильцов Е., Зуев В., Егоров Е., Ломоносов П. Деятельность университетов в условиях рыночной экономики. — М.: НИИВО, 1991.
43. Жильцов Е., Зуев В., Колосова Р. Коммерциализация высшего образования: возможности и границы. Вестник Московского университета — Серия 6 — «Экономика», 1993 г., №6.
44. Зуев В. Социально-экономические условия формирования региональных комплексов высшей школы // Магистр (Новости НИИВО), 1995 г. №6.
45. Зуев В., Ворончихин А., Шестопалова Е. Роль и задачи внебюджетного финансирования вузов в условиях перехода к рынку. — М.: НИИВШ, 1991.
46. Иванов Е. Высшая школа в конце XIX — начале XX в. — М.: Прогресс, 1991.
47. Иванов М. Ю. Маркетинг в России: проблемы становления — М.: ИЭ РАН, 1996.
48. Иванова Т. Специализация по-американски или 90 вариантов выбора // Народное образование. — 1989. №6.
49. Инструкция по бухгалтерскому учету в учреждениях и организациях состоящих на бюджете №122 от 03.11. 93.
50. Кинелев В. Государственная политика развития высшего образования // Высшее образование в России, 1993, №1.
51. Кинелев В. Об итогах работы высшей школы в 1994 году // Высшее образование в России, 1995, №1
52. Кинелев В. Региональная политика в области высшего образования, какой ей быть? // Высшее образование в России, 1993, №4.
53. Кинелев В. Совершенствовать структуру высшей школы // Региональная 1994, №4.
54. Кирпичников В. Время предъявить счет // Высшее образование в России, 1995, №3.
55. Курбанов Ш. Развитие информационного пространства системы непрерывного образования (Методическая разработка). — Т.: ТГИВ, 1998.

56. Курбанов Ш. Совершенствование управления образованием и маркетинг в системе подготовки кадров. – Т.: ТГИВ, 1998.
57. Курбанов Ш., Э. Сейтхалилов Непрерывное образование в национальной модели подготовки кадров. – Т., 2000.
58. Литвинова Н., Шереметова В. Маркетинг образовательных услуг. – С – Пб.: Либра, 1993.
59. Саидов М.Х. Маркетинг в сфере подготовки кадров. «Учитель Узбекистана» №2, 2001.
60. Саидов М.Х. Внебюджетные средства высших образовательных учреждений. «Вестник НУУ» № 2, 2000.
61. Саидов М.Х. и др. Методика прогнозирования спроса на специалистов с высшим образованием. – Т., 2000.
62. Саидов М.Х. и др. Методология оценки качества подготовки высококвалифицированных специалистов в транзитивной экономике. – М.: 2000.
63. Саидов М.Х. и др. Содействие реформированию системы непрерывного образования Республики Узбекистан. Глава 1. Управление образованием. – Т.: Молия, 2000.
64. Саидов М.Х. и др. Содействие реформированию системы непрерывного образования Республики Узбекистан. Глава V. Финансирование образования. – Т.: Молия, 2000.
65. Саидов М.Х. К вопросу управления качеством высшего образования. «Таълим муаммолари», №2, 2000.
66. Саидов М.Х. Особенности финансирования профессионального образования в Республике Узбекистан. Московский госуниверситет им. Ломоносова, Международная конференция студентов и аспирантов «Ломоносов-2000», – М., 2000.
67. Саидов М.Х. Совершенствование финансирования и укрепление материально-технической базы образовательных учреждений. «Учитель Узбекистана» №47, 2000.
68. Саидов М.Х. Таълим кредити: механизми, хусусияти ва амалиёти. «Таълим муаммолари», №2, 2000.
69. Саидов М.Х. Формирование бюджета вуза по источникам финансирования. «Экономический вестник Узбекистана». №11-12, 2000.
70. Саидов М.Х. и др. Маркетинг внешнеэкономической деятельности малого и среднего бизнеса в Республике Узбекистан. Московский госуниверситет им. Ломоносова, Международная конференция студентов и аспирантов «Ломоносов-2000», – М., 2000 г.

71. Многоканальное финансирование высшего образования: опыт зарубежных стран — М.: НИИВШ, 1995.
72. Московский госуниверситет им. Ломоносова, Международная конференция студентов и аспирантов «Ломоносов-2000», — М., 2000.
73. Никольский П. Финансы в системе хозяйственного механизма управления промышленностью. — М.: Финансы и статика, 1982.
74. Нормативная база ресурсного обеспечения подготовки специалистов вузов в условиях рыночной экономики. — М.: НИИВШ, №9, 1992.
75. Образование в Российской Федерации /Статической сборник. — М.: Госкомстат РФ, 1995.
76. Образование в условиях перехода к регулируемой рыночной экономике. — М.: НИИВШ, 1991.
77. Опарин В. Структура и основы функционирования финансово-кредитного механизма. // Финансы, 1994, №4.
78. Определение себестоимости цены подготовки специалистов в высших и средних учебных заведениях. — М.: НИИВШ, вып. 4, 1990.
79. Панкрухин А. Маркетинг образовательных услуг в высшем и дополнительном образовании: Учебное пособие для студентов экономических и педагогических вузов и факультетов. — М.: Интерпракс, 1995.
80. Педагогика и экономика. — Челябинск: Анталия, 1996.

МУНДАРИЖА

Сўз боши.....	3
1-боб. ЎЗБЕКИСТОН ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИ МОЛИЯЛАШ ВОСИТАЛАРИНИНГ ТУЗИЛИШИ, ВАЗИФАСИ ВА ОМИЛЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ	
1.1. Молиялашнинг муаммолари, аҳволи, вазифаси ва турлари.....	5
1.2. Таълим муассасалари бюджет маблағининг шаклланиши: моҳиятининг тавсифи, фойдаланиш тамойили ва тартиби.....	20
1.3. Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини бюджетдан молиялашнинг ўзига хос хусусиятлари.....	28
1.4. Таълим муассасаларини молиялаш бўйича чет эл тажрибаси.....	32
2-боб. ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ БЮДЖЕТДАН ТАШҚАРИ МАБЛАҒИ: ШАКЛЛАНИШ ЙўЛЛАРИ, МАНБАЛАРИ, МОЛИЯВИЙ МЕНЕЖМЕНТ	
2.1. Таълим муассасаси бюджетдан ташқари молиявий маб- лағларининг манбаи.....	42
2.2. Таълим муассасаларини бюджетдан ташқари фаолиятини бошқариш.....	48
2.3. Таълим кредитлари.....	59
3-боб. ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА МАРКЕТИНГ	
3.1. Маркетинг таълим муассасалари бозор фаолиятининг фалсафа- си сифатида: вазифалар, воситалар, башоратлаш усуллари.....	68
3.2. Олий маълумотли мутахассисларга бўлган талабни белгилаш.....	73
3.3. Олий таълим сифатини бошқариш.....	79
4-боб. ТАЪЛИМ МУАССАСАСИНИНГ БЮДЖЕТИ	
4.1. Асосий қондалар. Таълим муассасаси – бюджет ташкилоти.	87
4.2. Бюджет бўлинмалари.....	95
4.3. Таълим муассасасини молиялаш тартиби.....	98
4.4. Таълим муассасасининг молия бўлинмлари.....	105
4.5. Даромадларнинг бюджет тизими даражалари ўртасида тақсимланиши.....	108
4.6. Бюджет жараёни.....	110
4.7. Молия оқимини бошқариш.....	117
4.8. Молия riskидан ташкилий муҳофазаланиш.....	119
4.9. Таълим муассасасида меҳнатга ҳақ тўлаш тамойиллари.....	123

5-боб. ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ ХАРАЖАТЛАРИНИ РЕЖАЛАШТИРИШ

5.1.	Олий муассаса фаолият кўрсатишга кетадиган харажатларни режалаштириш.....	134
5.1.1.	Умумий қоидалар.....	134
5.1.2.	Талабалар таркибини аниқлаш.....	136
5.1.3.	Иш ҳақи ва стипендия.....	140
5.1.4.	Девон ва хўжалик сарфлари.....	147
5.1.5.	Хизмат сафари ва хизмат билан боғлиқ қатновлар.....	151
5.1.6.	Таълим, ўқувчилар ишлаб чиқариш амалиёти, илмий-тадқиқот ишлари ва кутубхона учун китоб сотиб олиш билан боғлиқ харажатлар.....	151
5.1.7.	Моддий техника базаси харажатлари ва бошқа харажатлар.....	154
5.2.	Таълим сарфларининг ҳисоб-китоби.....	157
5.3.	Илмий техникавий маҳсулот яратиш бўйича шартнома.....	162
5.4.	Тезкор молиявий бошқаришнинг намунавий модели.....	164

6-боб. МЕЪЁРИЙ-ҲУҚУҚИЙ НЕГИЗ. РАСМИЙ ҲУЖАТЛАР

171

Иловалар.....	171
Таянч терминлар ва сўз бирикмалари.....	255
Адабиёт.....	260

Иқтисод фанлари доктори
МУҲАММАДАЛИ ҲАКИМОВИЧ САИДОВ

ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИ МОЛИЯЛАШ

Тошкент — «Молия» нашриёти. — 2002

Муҳаррир

Техник муҳаррир

Рассом

Компьютерда саҳифаловчи

З. Т. Тоҳиров

А. Мойдинов

М. Одилов

З. Мухамеджанова

Босишга рухсат этилди 10.05.2002 й. Бичими 60x84 ¹/₁₆.
«TimesUZ» ҳарфида териблиб, офсет усулида босилди. Босма табоғи 16,75.
Нашриёт ҳисоб табоғи 15,91. Адади 2000. Буюртма №71.
Баҳоси шартнома асосида

«Молия» нашриёти, 700000, Тошкент. Якуб Колас кўчаси, 16-уй.
Шартнома №20-02.

«ДИТАФ» босмахонасида чоп этилди. Тошкент ш. Олмазор кўч. 171 уй.